

1986

10

ЁШ ГВАРДИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР
СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

(58)

ОКТАБРЬ

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

Бош редактор:
Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:
Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОХИДОВ,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Баходир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Улуғбек МУСАЕВ,
Фарҳод МУСАЖОНОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Уриё ЭДЕМОВА,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ

ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти

СЪЕЗД ВА БЕШ ЙИЛЛИК



Ҳаётимиз мазмуни 3

НАСР



ШАҲОДАТ ИСАҲОНОВА. Хом сут эмган банда. Қисса 23

НАЗМ



ҲАЛИМА ХУДОИБЕРДИЕВА 4
 ЖАМОЛ КАМОЛ 21
 ЗУЛФИЯ МУМИНОВА 37

ҚАЛДИРҒОЧ



НАЗАР ЭШОНҚУЛОВ. Уруш одамлари. Қисса 7
 РАШИД ЗОХИД. Шеърлар 22
 БАХТИЕР КАРИМОВ. Бир тақдир нақли. Фантастик ҳикоя 39
 МАЪМУР БОЗОРАЛИЕВ. Шеърлар 50

ПУБЛИЦИСТИКА



УРОЗБОЙ АБДУРАҲМОНОВ. Чангалзор «пайғамбар»нинг ҳалокати 51
 НУРУЛЛО ОТАХОНОВ. Бригадир нега йиғлади? 67

АДАБИЙ ДУСТЛИК — АБАДИЙ ДУСТЛИК



АНДРЕЙ ВОЗНЕСЕНСКИЙ. Мангу риқ. Достон 56

УСТОЗЛАРИМИЗ



«Сен ёнмасанг, мен ёнмасам...» 47

САНЪАТ



БОЛА ПАҚИР. «Шум бола»нинг гувоҳномаси 60

АДАБИЙ САБОҚ



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ. Е ҳаёт, ё мамот 62

МУТОЛАА



НАЖМИДДИН КОМИЛОВ. Улмас сатрлар қудрати 72

«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ



ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ. «Сирли қоп» — таҳрирбоп 75

ЕЛПИҒИЧ



МУҲАММАД ОЧИЛОВ. Тонготар бобо . . . 77
 УМИДА АБДУАЗИМОВА. Бўлди 79
 ТОМОШАБОҒ 79

«Ешлик» («Молодость»)
 ежесечный
 литературно-художественный
 общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
 Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ
 Техник редактор: В. УРУСОВА
 Корректор: Н. ТОЖИЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент—П,
 Ленин кўчаси, 41
 Телефонлар:
 Бош редактор — 32-26-01
 Бош редактор ўринбосари — 32-26-06
 Масъул секретарь — 33-76-44
 Проза бўлими — 32-56-41
 Поэзия бўлими — 32-56-27

Редакция ҳажми 12 босма листдан
 ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд
 қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларининг қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 27.08.86 й. да туширилди.
 Босишга 23.09.86 й. да рухсат берилди.
 P-14144. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
 Қоғоз ҳажми 5,25 лист.
 Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб
 листи 12,6. Тиражи 230522 нусха. Буюртма
 № 4495. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
 «Еш гвардия» нашриёти.
 Ўзбекистон Компартияси Марказий
 Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
 Байроқ ордени босмаҳонаси.
 Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41.

© «Ешлик», № 10, 1986.
 «Еш гвардия» нашриёти.

56
47
60
62
72
75
77
79
79

СЪЕЗД ВА БЕШ ЙИЛЛИК ♦ СЪЕЗД ВА БЕШ ЙИЛЛИК ♦ СЪЕЗД ВА БЕШ ЙИЛЛИК ♦ СЪЕЗД ВА БЕШ ЙИЛЛИК ♦ СЪЕЗД ВА БЕШ ЙИЛЛИК



Ҳаётигимиз мазмуни

«Комсомоллик йилларим ҳақида ҳаяжонсиз гапиролмайман. Ҳаётиمنىнг энг жўшқин, баъзида мураккаб, лекин бахтиёр лаҳзалари комсомол билан боғлиқ, — дея ҳикоя қилади комсомол ветеранларидан бири самарқандлик А. Ҳақназаров, — неча марталаб ўлим билан юзма-юз қелдим. Аммо ўзим ҳимоя қилаётган адолатли ғоя ва тузумга бўлган кучли эътиқод мени шу ўлимлардан сақлаб қолди... Бизнинг ёшлигимиз жанглар, курашлар сурони ичида ўтди. Кекса большевиклар, илк комсомолларнинг фидойилиги натижасида бугунги бахтли ҳаётга эришдик». Дарҳақиқат, шундай. Шоир ибораси билан айтганда, оловли давр бағридан отилиб чиққан ёлқинлар, булутларнинг бағрини йиртган чақинлар — Олег Кошевой, Абдулла Набиев, Александр Матросов, Майна Ҳасанова сингари ўнлаб фидойи комсомоллар жасорати ўз даврини нурлантириб юборди, шу боис ҳам уларнинг шаънига кўшиқлар битилди.


Иродаси мустаҳкам зотлар нималарга қодирлигини Николай Островский яққол намойиш этди. Унинг «Пўлат қандай тобланди» асари инсоний матонатни улуғловчи кўшиқ сифатида йиллар оша яшаб келмоқда. Ҳамон биз Павел Корчагин тақдирига чексиз ҳавас ва ҳайрат билан қараймиз. Ҳар ишда у каби жонбозлик кўрсатгимиз келади. Зеро, ҳар бир давр ўзининг жанговар ўғлонларию уларнинг фидокорона ишлари билан шонлидир. Чернобыль АЭСида рўй берган фалокатни бартараф этишда ҳам Виктор Кибенко сингари ўнлаб комсомоллар тенгсиз матонат кўрсатишди. Уларнинг номи мамлакат тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Аини кунларда Ноқоратупрок ўлкада, БАМда, Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларида ўнлаб комсомоллар тилларда дoston бўлгулик ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Улар пешона тери ва қадоқ қўли билан тақдирини яратаётган, чўлу ботқоқликларни боғ-роғларга айлантираётган, ўзларининг инсоний бурчини ҳалол ўтаётган юрагида ўти бор кишилардир. «Бизнинг ёшларимиз билимдон, меҳнатсевар, жасорат ва фидойиликка ҳамиша тайёр турган, социализмга садоқатли ёшлардир», деган эди ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети номидан партиянинг XXVII съездида қилган Сиёсий докладыда. Бу юксак ишончга ҳамиша муносиб бўлиш биз — ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ўзбекистон комсомоли ҳаётида ҳам қувонарли ўзгаришлар фасли ҳукм сураётир. Республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин диёримизда амалга оширилаётган туб бурилишда, адолатни қарор топтириш йўлидаги курашда комсомоллар ҳам фаол иштирок этишаётир, шу билан бирга улар келгуси йилнинг февралда бўладиган Ўзбекистон ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг навбатдаги XXIII съездида муносиб ҳозирлик кўришга ҳам киришдилар. Редакцияга келаётган юзлаб хатларда мана шу эзгу мақсад йўлида жонбозлик кўрсатаётган авангард меҳнатчилар ҳақида ҳикоя қилинади.

Тюмень областида тер тўкаётган юз кишидан иборат «КПСС XXVII съезди» номли комсомол зарбдор отрядининг фаолияти эса диёримиз комсомолларининг интернационал бурчага садоқатларини ўзида яққол намойиш этади. Гарчи бундай ижобий мисоллар республика комсомоллари ҳаётида оз бўлмаса-да, шунинг ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Компартияси XXI съездида айрим комсомол ташкилотларидаги муайян турғунлик ҳамда бошқа камчиликлар асосли равишда жиддий танқид қилинган эди. Уз вақтида бундан тегишли хулоса чиқариш ва камчиликларга муросасиз, принципиал муносабатда бўлиш қўлга киритилмайдиган ютуқларнинг омилдир. Чунки биз — ёшлар учун барча шароитлар мавжуд. Ундан тўғри ва унумли фойдаланиш, куч-ғайратимизни адолатнинг абадий тантанаси ва турмушни янада серфайз, сермазmun ва фаровон қилиш каби улуғвор мақсадлар йўлига қаратишимиз керак.

Улуғ Ленин ишига садоқат, эртанги кунимизнинг янада мунаввар бўлиши учун кураш ва жамиятимиз табнатиға ёт иллатларга аёвсиз, фаол муносабат ҳаётигимизнинг мазмунига айлансагина ўзимизни бепоён мамлакатнинг муносиб ворислари дея ҳис этишимиз мумкин бўлади.

Қани, тенгдошлар, қўлни қўлга беринг! Биз мана шу заминнинг чинакам эгаларимиз! Уни гулларга буркайлик! Болалар кўзидан севинч аримасин! Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин ва унда оқ-оппоқ кабутарлар чарх уришсин!





Халима Худойбердиева



Муаммо

Бугун муаммодир кўлни асрамоқ!
Муаммодир боғни, гулни асрамоқ.
Бошқача курсак деб, таклифлар қатор,
Қийин ҳатто, тўғри йўлни асрамоқ.

Эсласанг... хотирга қуюнлар кетгай,
Эсласанг, қораяр кўзларинг олди.
Қийғос боғлар кетиб, шамолга беткай
Урнида яп-яйдоқ далалар қолди...

Ҳар бир сўзни маҳкам, дарахтдай ушлаб
Силкитгин, ҳар бир сўз берсин садо, ун.
Кўкартир, кўкартир тишингда тишлаб
Тилни асрамоқ ҳам муаммо бугун!

Сўз ташиб, сўз ташиб худди бол ари
Биз қайгача борсак, сўз-ла борамиз.
Сийрак тортиб қолса сўз далалари
Уни болаларга қандоқ берамиз.

Елкада она тил юклари турсин,
Биз кетавермайлик ўзни кўтариб.
Меҳнаткаш ўзбекнинг боласи юрсин
Пахта билан қўшиб Сўзни кўтариб.

Туғилиш

АШУРБЕКка

Кечки мажлисни қизгин олиб бораётган Бобожон
раис бирдан дудуқланди. Тилдан қолди. Кўнгли беҳузур
бўлиб жонсизланаётганини ҳис қилдию стулга чўкди...

Оёқ-кўли ишламай қолган раисни кўтар-кўтар қилиб
уйига олиб бориб ётқизаётганларида, қўшни хонада,
хотинини тўлғоқ тутарди. Хотини жон аччиғида инграр,

ҳар инграганда Бобожон раис қўзғалмоқчи бўлиб
интилар, катта-кичик болаларига «Онангга қаранглар»
ишорасини қилиб имларди.

Вақти-соати етиб хотинининг кўзи ёриди. Уғил
туғилди. «Во дариғ! — Уйлади Бобожон раис шифтга
тикилиб ётиб, — тўкилиш, туғилиш... бир лаҳзанинг
ичида».

«Суюнчи бейинг, суюнчи бейинг» — доя кампир
оппоқ ўралган чақалоқни «гапиртириб» отасига кўрсат-
гани олиб чиқди. Бобожон раис чақалоқнинг ўзиникига
ўхшаш қирра бурни, чўзинчоқ юзи, киприксиз кўзлари-
га тикиларкан ниманидир айтмоқчи бўлиб тутилиб
қолди. Кўзи жиққа ёшга тўлди. Унинг интиғу зор
ийғлаган кўзларидан мана бу гапларни уқиш мумкин
эди:

Эркакка йўл керак болам
Эркак йўлга йўл қўшар,
Бу йўлларга биров чечак,
Биров хору-хас тўшар.
Бу йўлларга биров сергак,
Биров гангиб, маст тушар.
Отанг йўлдан қолган кунни
Йўли бўлиб келдингма?

Эркакка эл керак болам,
Сени қуршаб эл юрсин.
Яхши-ёмон кунингда эл
Сириб-боғлаб бел, юрсин.
Энди мен юролмасам
Элни алқаб ел юрсин.
Отанг элдан қолган кунни
Эли бўлиб келдингма?

Эркакка тил керак болам,
Тили билан тил олар.
Умри бўйи қўшин тортиб
Қанча қалъа — дил олар
Аёл олар, кўнглин топиб
Қатор қизу, ул олар.
Отанг тилдан қолган кунни
Тили бўлиб келдингма?

* * *

Маматқул бахши бир тўйда дўмбирасини четга
қўйиб, полвонларга жони ийиб, мункиганининг елкаси
қорда, зап одатларимиз бор-да, — деб кураш томоша
қилаётган эди. Даврабошининг кўзи бахшига тушиб
қолиб, тавозеъ билан илтимос қилди: «Маматқулбой,
мен полвонларни шайлагунимча ўзингиз халойиқда
бир нарса айтиб туринг».

Бундай тасодиф таклифни кутмаган Маматқул бахши
бир зум жим қолди. Аммо лаҳза ўтмай халққа ўз дар-
дини тўкиб солди. У, жигарларим-а, ҳар кимниям тўй-
дами, азадами элга айтадиган гапи бўлсин экан-да.

Бахшининг тўйдаги курашда айтганлари

Кураш дегани ўзи нима,
Асов денгизда талош кема,
Ғарқ бўламан-ов, ғарқ дема,
Зотинг полвонма, курашгин.

Бировни ортидан отганлар,
Бировни ортидан сотганлар,
У шўрлилар-ку ер қаърига
Ғафлат уйкусида ботганлар.
Шуларни боласи болами,
Курашсиз кечса олами,
Кўксига ўт кўйиб турмаса
Бобосининг қасос, алами,
Зотинг полвонма, курашгин.

Сенгачаям танг, торда курашган
Чирсиллоқ қиш, қорда курашган
Оёқлари ҳавода саланглаб,
Осилиб дорда курашган.
Ёнма-ён қалашиб яшаса,
Минғиллаб, талашиб яшаса.
Зурриёдиндан умид узабери,
Ёв билан ялашиб яшаса —
Зотинг полвонма, курашгин.

Бугунам паст, тўрда курашар,
Бирови қир, ўрда курашар,
Айтган сўз — кескир қиличи билан
Бирови гўрда курашар.
Дорларда қотганлар курашса,
Гўрларда ётганлар курашса,
Сен курашмасанг ўлим-ку, болам,
Жонидан ўтганлар курашса!
Зотинг полвонма, курашгин.

Кун бўлар ишқ жилпанглайди,
Ой деганинг ерга тенглайди,
«Тақдир» деб урмай манглайди
Отинг полвонма, курашгин —
Ёдинг полвонма, курашгин,
Зотинг полвонма, курашгин.

Қасам

Қимматчилик, қаҳатчилик йиллари...

Кўзи кўр тақдирга ўт кетсин-а, бўлмаса Ойсулувдай
сулув жувон бир каззоб ўғрига дуч келиб қолармиди.

Тун яримлаб қолди, эрдан дарак йўқ. Бир пайт оғил
тарафда тапир-тупур, шивир-шивир сигирнинг мўн-
раши, хирқираши билан аралаш-қуралаш бўлиб кетди.
Кейин узоқ жимлик. Эри ҳа деганда келавермади.
Ойсулув ой-куни етиб, шиқирлаб ўтирганидан тўшак-
дан аранг кўзғалиб оғил тарафга ўтди.

Ўтдию донг қотиб қолди. Оғилнинг ичи оппоқ сут...
Уйинг куйгур эр ўзининг бир ҳамтовоғи билан биров-
дан эндигина бўшанган сигирини ўғирлаб келиб сўйиб-
ди. Гўштини нимталаб, эртага бозорга олиб чиқишга
тайёрлаб кўйибди...

Эр кўзларини ўйнатиб бурчакдан бир бўхчача¹ олиб
хотинига отди.

— Ма, ийнимга² иларим йўқ, — деб қулоқни қоқиб
қўлимга бердинг, хоҳлаганингча кий. Ўзиям эртага
тўйи бўладиган қизди сепидан, тахмонидан тинчитдик...

Ойсулув бўздай оқариб, бор кучини тўплаб бўхчани
ҳовлига улоқтирганини билади, шарақлаб тушган тарса-
кининг зарбидан деворга бориб урилдию илдизидан
кўпорилган дарахтдай қулаб, чўзилиб қолди.

Мана бу унинг ўзига келиб эрига айтганлари:

Бўримидинг, тулкимидинг, эрмидинг,
Шўрим қотмаса мен сени дермидим.
Кўзим чиқсин, кўрмидим — эй, кўрмидим,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Ҳаром есам, тағин ҳаром кийдирсанг,
Тириклайин ўтга солиб куйдирсанг,
Шулардан сўнг тағин ўзни суйдирсанг,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Аро йўлда ўтирипман мунгганиб,
Кўнглим сезар, ололмасман ўнглиниб,
Ҳаром-ҳариш, қора ерга тенгганиб,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Сеп — умрлик ўй-армондан йиғилар,
Томчи тердан, томчи қондан йиғилар,
Кўкрагимни ўяр қарғиш, йиғилар,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Аро йўлнинг аёнлари бўйнимда,
Илонлари, чаёнлари бўйнимда,
Ўғирлик — юк, чўянлари бўйнимда,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Оҳ, умрим-эй, энди унда абад шом,
Болам «ўғри боласи» деб олмас ном,
Увуз сутим эмизмайман, у — ҳаром
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Эр, сен қашқир тўшагига увлаб кир,
Қодир худо, агар бўлсанг, кўр тадбир,
У қибламни бу қибламга айлантир!
Дунёсида энди тирик юрмайман...

...Эрталаб кун чошгоҳга келиб, ёйилиб кетдиам,
Ойсулув жойидан кўзғалмади. «Боламнинг бундай кун-
дуз ётадиган одати йўқ эди-ку, — деб хавотир олган
кекса онаси ундан хабар олгани уйига кирди...

Во дариг, Ойсулув ўзи кўрган ранжу-аламлардан
ҳайратлангандай катта-катта кўзлари очиқлигича ба-
данлари музлаб қолган эди...

— Воҳ боле-ем, қирчиниди қирқилиб қуриган боле-
ем, ҳаромнинг касофати урган боле-ем!!! Кампирнинг
аччиқ фарёди қишлоқни ларзага солар, Ойсулув эса
ўзининг ёмон қасами, «у қибласининг бу қибласига
айлангани»дан минг марта розидай тинчгина абадият
уйқусига кетган эди.

Қадаҳ

Шом шамоли изғиган кечда
Учта одам ўтириб ичди.

Эр-хотин ва учинчи эркак,
Учинчининг кўзлари сергак.

Хотин силаб-сийпар эрини,
Эр билмайди унинг ерини.

¹ Кийим-бош, кўрпа-тўшак ўраш учун мўлжаллаб тўқиладиган буюм.

² Эғнимга — маъносиди.

Хотин тилда бергудайин жон,
Кўкрагида гимирлар илон.

Қани олдик!
Оқ урарлар, оқ,
Эр кўксини чангаллар шу чок.

Ўт юракка бориб етди ўт,
Томирларин қирқиб кетди ўт.

За-ҳар!
Қулаб эри берди жон,
На қотил, на бир томчи қон.

Бўш қадаҳ кетмади синиб,
Дастурхонга қайтди ювиниб...

Сизсиз...

Қўш қувонч кирмаса яшар ёлғиз ғам
Шундан Сиз йўқ маҳал уй уймас, хато.
У ғор, мен тушаман эшик очган дам
Кейин чиқолмайман Сиз келгунча то.

Хоналарга Сизсиз маъюс кираман,
Сизсиз тувакдаги гул ҳам қарибди.
Эшик тақиллайди, мен югураман
Минг йил ғор азобин чеккан ғарибдай.

* * *

Мен ҳали-вери ўлмасам керак
Ҳар довондан минг бор ўлиб ўтаман.
Сизнинг ўйнаб-ўйнаб етган манзилга
Мен адои тамом бўлиб етаман.

Бир дардим бор — учмоқ, муттасил учмоқ
Шундан фориг бўлсам, соғлик ўлдирар.
Отдай соғлиғимни лаҳза ўтмаёк
Тўхтаб қолгандаги оғрик ўлдирар.

Бир куни...

Бир куни кетади сендан бу аёл
Сендаги кучоғу, кўздан кетади.
Ичилмай қолади лабингдаги бол,
Кўзингда ҳўмрайган куздан кетади.

У сени «ёз», — деган кўнгил берган пайт
Шундан иккиланиб «Сиз»лаётгани.
Аммо дафтарига қилиб қўйди қайд:
Сен билан кунба-кун музлаётганин.

Бир кун бари кечар отилгандай ўқ,
Сен ёлғиз қоласан куйиб, зорланиб,
Кейин... биллам...Сени топадими, йўқ,
Намчил, совуқ кузнинг харидорлари.

* * *

Ҳаётнинг кўзидан ўпиб, суюниб
Уни «ў, ҳаёт!» деб ёзганлар ўтди.
Илк тун у келиндай оппоқ кийиниб
Кирганда, бағрига босганлар ўтди.

Шундайлар ўтди-ки... ўтиши енгди,
Ўтгандай боғ томон, ўтлоққа томон.
Шундайлар ўтди-ки... қолганлар энди
Мардрок бўлиб қарар... ўтмоққа томон.

Кетма

Замонлар аёлин доди бу садо:
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим».

Марина ЦВЕТАЕВА.

Севмоқ, севилмоқлик бахтми ё оғу
Оғу, бахт аралаш сўзимдан кетма!
Аёлнинг минг йиллик нидосидир бу:
«Келавер, келавер изимдан, кетма!»

Кетсанг ўзлар хомуш, базм айлағай ёт,
Қадимий сукутда чинқиргайдир ёд.
Харсанглар тил битиб, дод айлағай дод,
Мендаги бу тоқат — тўзимдан кетма!

Уни шон кутарми, ё кутарми қон,
Эсламайдир ҳуркак, титроқдаги — жон.
Кетсанг мендан ўсиб кетмоғи аён,
Ҳатто келмаганлар, тизимдан, кетма!

Паноҳсизни ҳар ён тортқилар шамол,
Қай биров бахт излаб мени кўрса, лол.
Ўз жаннатин менда қилмасин хаёл
Менинг сирли, ўйчан кўзимдан, кетма!

Шиддатин йўқотган дарё — тинар куз,
Япроқдай сарғайиб жим хўрсинар куз,
Алвидога кўнар, ғамга кўнар кўз,
Менинг рангпар, сўлғин юзимдан, кетма!


Бирок, мен кўнмасман бахтми бу оғу,
Наҳот куримоққа маҳқум ишқ боғи.
Сенинган, сенинган, не бўлса ҳам у
Ўзимман, Сен менинг ўзимдан кетма!

Мен ҳам сендай...

Мен ҳам сендай япроқ қиёсли,
Титраб турган битта жоним бор.
Ўтавермоқ мумкин деб босиб
Ўлмайдди деб бўлма, умидвор.
Мен ҳам сендай кезарман ношод
Етмай бахтнинг баҳраларига,
Мени ҳам кўп қувади ҳаёт
Омадсизлик саҳроларига.
Порлаб қолсам қувончда, ўтда
Сенга дунё туюлмасин тор.
Унутмагин, мени ҳам битта
Титраб турган битта жоним бор.

Қисса

Уруш одамлари



Назар
Эшонкулов

Расмлари Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган.

Момо, сен бобомни қирқ беш йил кутдинг. Ушбу қиссани қирқ беш йиллик сабру садоқатингга; уруш ёлғизликка гирифтор этган, бироқ бир умр шаънларига гард юқтирмаган сенингдек Аёлларга бағишлайман.

МУАЛЛИФ

Уруш — жанларда одам қони беадад оқишию миллионларча қурбонлар берилиши туфайлигина эмас, инсоният тақдирини фожиага гирифтор этиши билан ҳам қабоҳатдир.

Лев ТОЛСТОЙ

Кирқ тўртинчи йил, декабрнинг бошларида — қорахат келганидан сўнг роса бир йил ўтгач — ёгин-чочинли кунда терсоталик Нормат полвон бир оёғидан айрилиб урушдан қайтди. Унинг майиб бўлиб келгани ҳеч кимни ажаблантирмади; кейинги уч йил ичида тўрт мучаси бус-бутун кетиб, бир мучасидан ажралиб қайтганлар озмунча эмас эди. Уруш бошланган йилиёқ юқори тераклилик уста Пирназар қўлидан, қўрғоностилик Мулла Турди эса кўзидан айрилиб қайтди. Шу йилнинг бошида Янгибой ҳисобчи қишлоққа ғилдиракли аравада кириб келди, шунда хотини боёқиш икки-уч кун сочини юлиб юрди, кейин кўникди. Бироқ ёзга бориб, Қамашига йўл солди ва ҳафта ўтгач, шалағи чиққан бир машинада қайтиб келди-да, эрини ҳам миндириб қаёққадир жўнаб кетди. Кейинчалик эрини у Қаршидаги инвалидлар уйига ташлаб келганини одамлар билишди. Янгибойнинг соқов укаси бир куни янгасини ўласи қилиб савалади. Қўни-қўшни боёқини эртасига чошгоҳда оғзи-бурнидан қон келиб беҳуш ётган ҳолда оғилхонадан топиб олишди... Янгибой ҳисобчиникига нисбатан Нормат полвоннинг жароҳати ҳеч гап эмас: фақат бир оёғи, шунда ҳам тўпикдан пасти кесилган. Ёғоч оёқда чўлоқланиб бўлса-да, бемалол юра оларди...

Хуллас, ёгин-чочинли кунда у қишлоғига кириб келди. Шунинг шарофатига эртасига асъасаю дабдабасиз тўй бўлди. Шўрва ҳиди Терсота туғул Олма, Супа қишлоқларига доғур таралди-ёв. Тўйга келганлар, гарчи умрида кураш тушмаган бўлса-да, суяги йириклиги боис полвон деб ном олган, ўттиз яшар чавандоз — Нормат полвон ўрнида бўйин томирлари туртиб чиққан, сочлари оқариб юзларига ажин тушган бир кимсани кўрдилар. Ундан бадбўй дори ҳиди уфуриб турарди. Қишлоқдошлари яна бир нарсага — юзидаги заҳиллик, куйиб бужмайган қулоқларию оқариб қолган бўйини; ғайри ихтиёрий тарзда тез-тез бошини сарак-сарак қилишига ҳеч кўника олмадилар.

Беш-олти эркакни, чувиллашиб юрган бола-чақаларни айтмаганда тўйни ўтказган аёллар бўлди.

Келди-кетдига ҳувиллаб ётган кенг меҳмонхона мўлжалланган эди, кампирлар келиб, «иш»ни бузишди: печка гуриллаб турган тор уйга тикилишди.

— Шусиз ҳам Норматбойнинг меҳмонхонаси борлигини биламиз, — дейишди улар. — Бу ерда ҳеч ким бегона эмас. Бизга шуниси маъқул: тўзиб ётган уйда ўтирмасак, ўтиргандай бўлмаймиз.

Урушдан қайтганнинг ҳурмати-да: Нормат полвонни тўрга чиқаришди. У соғ оёғини букиб, учта лўлаболишга

суяниб ўтирди, унинг икки ёнини олиб эркаклар тизилди. Печка атрофида — кампирлар. Ҳадемай гурунги қизиб кетди. Терсоталик Нормат полвон фронтдан ҳар куни қайтаётгани йўқ, қишлоқда ҳар куни тўй бўлаётгани йўқ. Шу боисми, ҳамма хурсанд. Қариб қуялмаган чоллар тегажочлик қилади, кампирлар ишшайиб қўяди, «ҳе ўл, суюлмай, соқолинг остингда қолгур», деб ҳиринглашади. Ташқарида қозон-товоқнинг шиқирлаши, болаларнинг қий-чуви, «бўлмади, қайтадан» деб бақариши ва аёл кишининг: «Ҳа, жувонмарг, тўқол*, укангди ўйнатмай эрларингминан ўйнапсанми?», деган таҳдидли овози эшитилади. Орачира Шариф кўсанинг товуши ҳам шунга эш бўлади: «Ҳап, сеними, отангнинг илигига... Шундай қилаверсанг қизимни бермай қўяман!..»

Нормат полвон қишлоқдошларининг юзига бир-бир тикилар, афтидан, бир нимадан изтироб чекаётгандай эди. Кишилар олдида чўзилиб ётишни ўзига эп кўрмай, туриб ўтиришга ҳаракат қилар, бироқ яна инқиллаб-синқиллаб ўрнига чўзилар, икки кундан бери келган-кетганнинг юзида ачиниш ва ҳамдардлик ифодасини кўравериб юраги қон бўлган, айниқса, хотини — кечаси билан оҳ-воҳ қилиб, йиғлаб чиққан хотини... У жимгина Анзиратни кузатар, айрилиқда ўтган тўрт йил асоратини унинг юзларидан ахтарар, унинг тундлиги ҳеч ёқмаётган эди.

— Ичкарига кириб олишинглар, ичкарига, — деб бақирди супада туриб Шариф кўса. — Бепадарлар, сизларга айтяпман. Нормат буваларингга бир томоша кўрсатинглар. Қани, юринглар...

Эшик очилди-да, чамаси ўн яшар икки болани етаклаб Шариф кўса кирди. Болаларнинг бири тўзгиган беқасам чопон кийган, иккинчисининг эгнида қора сатин чопон, афтидан — акасиники. Иккаласи ҳам ҳансирар, ўтирганларга ҳадиксираб қарашар эди.

— Полвон буваси, — деди Шариф кўса Норматга қарата. — Буларга фотиҳа беринг, олишмоқчи, сизнинг қўлингизни олишмоқчи, — у болаларни ўртага чиқарди. — Дастурхонни қайириб қўйинглар, дастурхонни. Мунча тимирскаланасиз Зубайда момо, дастурхонни қайириб қўйинг. Катта полвонлар бувасига олишишни кўрсатишин...

Нормат полвон болаларнинг олишишлари билан бошланадиган урушга довури тўйларни эслаб жилмайиб қўйди.

Болалар дастурхон атрофида бегона йўқлигини кўргач, худди жўжа-хўрозлардай ҳурпайиб, давра олиб айлана бошлашди.

— Қани, ҳаҳ... — деди Нормат полвоннинг биқинида ўтирган Келдиёр, қора сатин чопон кийган бола унинг ўғли эди. — Берган тузимни ҳалолламасанг бугун кечаси энанг билан ётмайсан...

Ўтирганлар унинг гапига қийқириб юборишди.

— Ов-в, болам, бохабар бўл! — деди Зубайда момо. — Энангдан айрилиб қолма тағин.

Қора сатин чопон кийган бола Зубайда момога бир ўқрайди-да, ҳужумга ўтди, беқасам чопонининг белидан олиб итарди. Дафъатан бўлган ҳужумдан беқасам чопонли довуриб ўтириб қолди. Бироқ қора сатин чопонли уни йиқита олмади. Шариф кўса ажрим қилди. Иккаласи яна давра айлана бошлашди.

— Ҳа, уккағар, — деди ёнбошлаб ётган Мулла Саттор. — Нуқул муғомбирлик қилади-е, кичигидан тортиб каттасигача...

Нега у бундай деганини ҳамма фаҳмлади: беқасам чопонлини у ўзига яқин олганди.

Беқасам чопонли шундан сўнг ўзини тутиб олди, қизариб-бўзариб рақибнинг чил**ларини қайтариб турди. Қора сатин чопонли ҳеч бўлмагач, ҳийлага ўтди: унинг ёқасидан олдию қорнига оёқ тираб, ошириб отди. Бироқ натижа у кутгандек бўлмади, беқасам чопонли қорни билан йиқилди.

— Бас, етар, — деди Келдиёр. — Шуйтиб йиқитган ҳам катта гап.

— Жиминг-э, — деди Мулла Саттор зарда билан, — олиш кўрганмисиз ўзи?! Дустаман қилмаса, ҳисоб эмас.

Шариф кўса ҳам унинг гапини маъқуллади, болалар яна давра олишди. Қора сатин чопонли ҳийласи ўтмагач, хўрлиги келди шекилли, қуйи лабини қимтиб рақибнинг ёнига ўтдию маҳкам қучоқлаб олди. Рақиб эса унинг чап қўлини қисди-да, ёнлама тизза чилини берди. Қора сатин чопонли орқаси билан қулаб тушди.

— Ҳалол, — дея бақариб юборди Шариф кўса. — Мана буни йиқитиш дейди-да! Уккағарни ули дустаман қилди-е! — У деразадан ташқарига бўйлади. — Хайруллабой, опкелинг полвоннинг илигини...

Беқасам чопонли ерда ётган телпагини олиб кийди-да, атрофга ғолибона назар ташлади, кейин чиқиб кетарини ҳам, кетмасини ҳам билмай каловланди. Қора сатин чопонли эса отасининг олдига ўтдию ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Энангдан айрилдинг, — деди унинг аламини келтириш учун Зубайда момо.

Бола дафъатан ёшланган кўзларини унга тикди, кейин чапанчасига бошлаб сўқди. Зубайда момо кулимсираб тилини тишлади, кейин қўлини қайчи қилиб:

— Ҳозир кесиб оламан, отанг тўй қиламан деб қийналиб юрмайди, — дея пўписа қилди.

Бола лип этиб даҳлизга чиқди, сўнг ҳаммага эшиттириб:

— Зубай маймоқ, — деди-да, уни мазах қилиб тилини чиқарди.

— Шу болаям жуда жиртаки бўлади-да, — тўнғиллади Мулла Саттор.

— Нормат бувангди олдига ўтир, — деди беқасам чопонлига Шариф кўса. — Буваси, энди унга қўл беринг. Терсотанинг обрўсини энди шулар ҳимоя қилади...

Бола Нормат полвонга бегонасираб қаради, бироқ ғолиб бўлгани учун ҳам арзандасиниб, бориб унинг тиззасига ўтирди.

— Кимни улсан? — деди Нормат полвон болага меҳр билан жилмайган кўйи.

— Эшонқулнинг, — деди Мулла Саттор, — қонидан бор-да полвонлик...

Нормат полвон барваста тенқури — Эшонқулни эслади. Эшонқул уруш бошлангандаёқ кетган, шундан бери ундан хабар йўқ эди.

Нормат полвон боланинг кифтига қоқиб қўйди.

— Бундан ҳали зўр полвон чиқади...

— Рўзгорини тебратаётган — шу, — деди Шариф кўса, — Оқбўта бува «энангни менга бер» деб тегишган экан, эшагининг думига ўт қўйиб юборибди...

Ўтирганлар боланинг бу қилигидан кулган бўлишди. Бола катталар бири олиб, бири қўйиб ўзи ҳақида гапиришаётганидан, тағин мақташаётганидан эриб кетди.

— Менинг отамни урушда кўрмадингизми? — деб эсўради у, эркаланиб.

Нормат полвон унинг соддалигидан кулиб бош

* Тўқол — тул аёл, бева (шева).

** Чил — усул.

чайқади, сўнг бир нима деб кўнглини кўтаргиси келди.

— Отанг юрипти, мана, мени айтди дейсан, шу баҳорда келади, — деди, жиддий оҳангда.

Болага илик теғди, мукофотни у бошқаларга ҳам кўрсатиш — мақтаниш учун югуриб чиқиб кетди. Бироқ суҳбатнинг ҳовури босилмади: кимдир ўғлини мақтади, кимдир болалар орасида қандайдир касал тарқаганини гапирди.

— Ҳов, Зубай бойбича, — деди Мулла Саттор ўмганини ёстиқдан кўтариб. — Уринбойдан хат-хабар борми?!

— Ҳа, тоға, ўтган куни хат келди, — деди Зубайда момо кўнгил сўрайдигани борлигидан хурсанд бўлиб. — Ҳозир зовут-пабрикада ишлаётганмиш...

— Уҳ-ху, шундай катта ишга кўтарилиб кетибдими, а?! — Ростакмига ҳайратланиб сўради Ражаб подани.

— Ҳа, ака, чин, — деди Зубайда момо, — ўзи шундай деб ёзибди, Шарифбойнинг ули ўқиб берди хатини.

— Узи бўладиган бола эди-да, — гапга аралашди Қудурат момо. — Нукул ўрисчалаб сўкарди. Урис миробларминан қишлоқда фақат шу тиллаша оларди. Ҳатто биргал энг каттаси Уринбойнинг елкасига қоқиб мақтаганини кўрганман, ти мени очен исқандал деган, Уринбой ҳам ўрисчалаб бир чулдираганки...

Нормат полвоннинг завқи келди, у яна боягидай жилмайиб қўйди. У тўрт йил дунё кезди, хилма-хил одамларни кўрди, бироқ бундай дилкаш кишиларнию ҳузурбахш хангомаларни эшитмади. Шунданми, ҳозир юраги орзиқиб кетаётган эди.

— Ҳой, Келдиёр ака, — ташқаридан Турсуннинг овози эшитилди. — Манавингизни тиясизми, йўқми, улимни «энангни» деб сўқади. Ҳе, отангнинг ўша...

Кимдир супада атай тўпиллаб қувган бўлди, кимдир қочди.

— Хайруллабой, ушланг шуни, оғзига носимни тупу-

— яна Турсун шанғиллай кетди. — «Энангни» дейди-я. Олдин Шариф бувангни рози қил, кейин...

— Мунча сасимасанг! — деди супада туриб Бийди момо, заҳар овозда. — Боланг тенгигаям шундай дейсанми, уятсиз. Сизларда шарм деган нарсаси қолмапти ўзи.

— Аммам шу қилиғини ташламади ташламади-да, — деди ғижиниб, Зубайда момо паст товушда, — бундай эркинсиниб ҳазиллашиб ҳам бўлмайди, шаппа оғизингга уради.

— Қалинини тенг ярмини берсин, майли, биз рози, — ўтирган жойида чийиллади Шариф кўса, Бийди момонинг гапига парво ҳам қилмай.

— Тўй тўйга ўхшасин-да, — деди эрталабдан бери печка олдида иссиққа елкасини тоблаб, чолларнинг гапига қулоқ солиб ётган Бўстон момо, кейин қайдандир ёриқ чилдирма топдириб келди-да, тарақ-туруқ қилган кўшиқни бошлаб юборди:

Шафтолининг тағида,
Шамоллаган қайнонам.
Кўп хотиннинг ичида,
Жомоннаған* қайнонам.

Эркаклар нашъа қилиб, қийқириб юборишди. Чилдирма мақомига муқом қилиб Норбиби кампир ўртага чиқди ва желлагини отиб юборди-да, қўлларини қуш ёзиш қилиб ўйнай кетди.

Оҳ, оғажон, оғажон,
Тутни букиб ўтдингиз.
Менинг ҳам юрагимни,
Тутдай тўкиб ўтдингиз...

Учоқ бошида юрган келинчақлар қозон-товоқни ташлаб, келиб деразадан мўралашди. Болалар эшиқдан ёпирилишди. Норбиби момонинг ўйини барчани яйратиб юборган эди. Хотин-халажлар супага чиқиб, даврани катта олишди-да, қизларни ҳам ўйинга тортишди. Терма кетидан терма айтилди. Тўрт йил давомида хурсандчилик қилмаган, тўрт одам бир ерга йиғилиб чақчақлашмаган Терсотода шодумон қийқириқлар янгради. Терсоталикларнинг хумордан чиққунча хурсандчилик қилгудек шаҳдлари бор эди...

Меҳмонлар кеч бўлганда тарқашди. Гурунглашгани қолганлар ҳам Нормат полвон мудрай бошлагач, ўринларидан туришди. У чўлоқланиб дарвозага довр чиқди — буларни ҳам кузатиб қўйди. Қайтиб уйга киргач, Шариф кўса ўмизидан олди.

— Энди нима қилмоқчисан?! — деб сўради у. — Бирон ишнинг бошини тутиш керак. Шуни ўйлаб кўрдингми ҳеч?

— Йўқ...

— Сенбоп бир иш чиқиб турибди. Агар йўқ демасанг... обрўли иш.

— Қандай иш экан?

— Бригадирлик.

— Бўлмайди, — деди у ўйлиниб туриб, — менга тўғри келмайди.

— Нега? Қайтага сенбоп: колхоз от беради. Сен иш буюриб юрсанг — бас.

— Қўй, деҳқончиликдан қолмай. Ерни соғинганман. Тушларимга кириб чиқади ер... Урушда кўп қон тўқдим, буни ювиш керак, бўлмаса, қон тутайди...

— Раис сўраб кўр деганди-да. Ахир, бу оёқминан тирикчилик ўтказишинг қийин-ку...

Нормат полвон оғир тин олди, ошнасининг гапини эшитмагандек суқланиб осмонга тикилди; энтиқди. Ҳу қирларга туман чўккан, ҳаво салқин эди. Қишлоқда итлар ақиллар, уларнинг ҳуриши дарага урилиб аксадо қайтарди.

— Қўй, ошна, биздан катта одам чиқмаган, урушдан қайтатуриб, ер ҳайдайман, буғдой экман, деб ният қилдим, — деди у орзуманд овозда.

— Узинг биласан.

У Шариф кўса билан хайр-хўшлашиб, уйга кирса Анзират болаларни ётқизган, тўрга икки кишилик жой солиб ўзи бир четда жимгина ўтирган экан. Эрига у парво ҳам қилмай, ўша алфозда ўтираберди. Нормат полвон ечинди-да, тўшакка чўзилди.

— Анзират...

У қишлоқ удумини бузган ягона одам — хотинининг исмини айтиб чақирар эди.

Хотини бошини кўтармай:

— Ҳа?.. — деди. Унинг товушидаги нохуш оҳангни Нормат полвон пайқамасди. Ҳозир буни сезадиган ҳолатда ҳам эмас: қалби эҳтиросга тўлиб бораётган эди.

— Анзират!.. — Полвон хотинини бағрига тортиди. — У ёқларда ҳар куни сени, болаларимни ўйладим. Худога ёлбордим: шуларнинг бахтига мени омон сақла, дедим. Уйда хотинимнинг кўзи тўрт, болаларимнинг кўзи тўрт, дедим. Анзират, бир нима де! Келганимдан бери на куласан, на гапирасан?!

Анзират ўзини тўшакка отдию йиғлаб юборди. Полвон гарангисиб қолди.

— Анзират... сенга нима бўлди, Анзират?

* Жомоннаған — ёмонлаган (шева).

Анзират ётган ерида тўлғониб-тўлғониб йиғлар эди.

— Анзират!..

— Ҳеч нима! Сиздан... Сиздан қорахат келди... ўлди дейишди...

Полвон энгил тортди. Хотинининг сочларини силади.

— Ахир, олдингда ўтирибман-ку! Энди ҳеч қаёққа, ҳеч қаёққа кетмайман! Кафтимга кўтариб юраман сени, Анзират!..

Анзират бошини кўтарди, ёшли кўзларини унга худди раҳми келаётгандай тикди, чуқур хўрсинди, сўнг туриб чироқни пасайтириб келди...

II

Терсота...

Терсотада қиш ноябрнинг адоғида юз кўрсатади. Сўнг токи март оёқлагунча ҳукмини ўтказади — хоҳлаган нағмасини қилади, лекин сойлар музламайди, булоқ сувлари ҳамиша илиққина бўлиб туради.

Бу йил декабрнинг бошларида қиш заптига олди: аввалига дўл, кейин ёмғир аралаш қор ёғди. Эрталаб ҳаммаёқ олпоқ эди, гўё қир-адирларга, тоғларга биров ун сепгандек. Бу — йилнинг биринчи қори эди...

Нормат полвон урушдан қайтганидан буён бирон ишга қўл урмади. Мўмиё ичди, мадор йиғди, юришнинг ҳавосини олди. Кейин Янгибой оқсоқолнинг зотдор оти — Қоратўшни гарчи насияга бўлса-да, қўлга киритди, сўнг отда айланадиган бўлди.

Қишлоққа келганидан буён нимагадир кўнгли хижил эди. Анзират тортиниб муомала қилар; у, оёқсиз қайтганимга шундай қиялпими, деб ўйлар, эзилар эди. Яхшиям болалари бор экан, ундан бир зум ажралишмас, Холмати юриш-туришда ҳам унга таассуб қила бошлаган эди. Кечқурунлари улар полвонни ўраб олиб, нега оёғи бундайлигини сўрайвериб, безор қилиб юборишар; қизалоғи унинг елкасига тирмашар, қиқир-қиқир кулар, Анзират эса умумий дилхушликка кўшилмай печка олдида урчуқ йиғирар, афтидан, нимадир уни эзаётгандек туюларди. Шундай пайтларда Нормат полвон ҳам зикланиб кетар, лекин дамани чиқармас, юрагини нохуш ваҳм босар эди.

Ахийри бир куни чидай олмади. Ётишгач, у Анзиратдан:

— Улганим чин бўлганида қовоқ-тумшуғинг очилиб юрармиди? — деб сўради. Анзират бу гапни эшитиб, хўнграб йиғлаб юборди. Нормат полвон нима қиларини билмай қолди.

— Сенга нима бўлди? — деди кўрқиб кетиб, — нима... тинчликми?!

Анзират анчадан кейин йиғидан тўхтади-да, эрканланган товушда:

— Қувонганимдан, — деди. Пичадан сўнг қўшиб қўйди: — Каклик гўшти егим келяпти.

Бу гап оҳангида Нормат полвон билган ва суйган Анзиратнинг нозу истиғноси бор эди, шу боис у хурсанд



бўлди. Тагин кўнглидан бир шубҳа кечдию юраги орқага тортиб кетди. Янаям шайтонга ҳай берди.

Эртасига у Қоратўшга эгар урди-да, каклик овига жўнади. Уруш билан бўлиб каклик овлаш одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетган эди. Нормат полвон Бухор зовларига етгунча биронта каклик учратмади. Зовларга келгач, каклик овлаш ҳам унинг хаёлидан кўтарилди. Урушдан олдинги ҳаётию болалик хотираларига берилиб кетди. Болалиги кечган, бир-бирига туташиб кетган мана шу зовларни у урушда ҳам кўп қўмсарди. Жанг бошланишини кутиб зах окопда ётар экан, ўша зовларни яна бир кўрсам — армоним йўқ, деб ўйлар, ҳозир — зовларга рўпара келгач, ўзини қўярга жой тополмасди. Зовларга хира туман чўккан эди. Ана, шамол уни дарё томон ҳайдаб бормоқда.

Қирлар қорайиб, ғамгин тусга кирган, арчалар ҳам қайдири маҳзун кўринарди. Нормат полвон уларни қора кийиб чўнқайиб ўтирган кампирларга ўхшатди. Болалигида у бир арчани танлаб, «меники», деган эди, ҳозир шунинг ёнига борди. Арчанинг шохлари тарвақайлаб кетган, баъзилари қурий бошлаганди ҳам. Унинг шу туриши жуда ачинарли эди. «Қарияпмиз, ошно, — деб ўйлади ичидан Нормат полвон. — Қарияпмиз».

Шу чоғ зовлар ичидан какликнинг «қийиқ»лагани

эшитилди, сўнг бу зорланиш қоялар орасига сингиб кетди.

Нормат полвон кечга довур бор-йўғи иккита — шунинг ҳам биттаси оқсоқ экан — каклик овлади, холос. Қош қорайганда қишлоқнинг юқорисидаги булоқ бошига келди, отни арчага боғлаб, ўзи қўнқайган тошга ўтирди. Шу кунларни, шу осуда ҳаётни қанчалар орзу қилган эди. «Энди буни ҳеч нарсага алмашмайман, хотинимни ҳеч ўкситмайман, одамларнинг кўнглини оламан, мана шу тоғлар ҳурмати — хотинимни ҳам, иззатимни қилган одамларни ҳам бошимда кўтариб юраман, бир умр уларнинг хизматини қиламан!», деб ўйлади у.

...Уша оқшом Нормат полвоннинг уйда сал кам байрам бўлди. Анзираат ҳам хушнуд бўлиб, очилиб сочилиб гаплашиб ўтирди. Унинг кулгуси пиёланнинг жарангидай жаранглай бошлади.

Болалари Нормат полвонни ўраб олиб яна уруш ҳақида гапириб беришини сўраганида, кейин уни от қилиб минишганда аввал Анзираат уларга ҳавас билан қараб турди, кейин ўзи ҳам қўшилиб кетди.

— Пашист нимага ўхшайди, ота? Маллимимиз, бўрига ўхшайди, дейди, шу ростми?

Холмат шундай деб сўраганида у нима деярини билмай қолди. «Бизга ўхшаган одам», деса ўғли ишонмайдиган кўринади.

— Ҳа, — деди у. — Малик бувангдинг итига ўхшайди.

* Зов — чўққи.



— Тўрт оёқлаб юрадимми, а?

— Ҳа, тўрт оёқлаб юради...

Анзират уларга қараб жилмаяди. Нормат полвоннинг назарида, у ҳам шундай кунларга етганига шукрлар қилаётгандек туюлади...

III

Нормат полвон каклик овидан кейин қайтиб ташқари-га чиқмади. Чалғию ўроқларни созлаган бўлиб, ўзини авраб юрди. Об-ҳавонинг бирдан ўзгариши, қора совуқ ярасига таъсир қилган, оёғи шиша бошлаган эди. Шиш қайтач, қуёш чарақлаб турган кунларнинг бирида у Қотатўшни минди-да, Қотнинг* устига — илгарилари деҳқончилик қиладиган ерига чиқиб тушди.

— Ер ишланмай қотиб кетибди, — деди у Қотдан қайтач, Анзиратга, — чакалакзор-е! Аммо анча жойни тозаладим!..

Деҳқончилик ташвишлари Нормат полвоннинг қўлини анчага довури ипсиз боғлаб қўйди. У занг босиб ётган омовчи даҳлизга олиб кириб, мих-чўпларини қайтадан қоқди, экин-тикинга созлади.

Ҳадемай бу омушлар ҳам тугади. Мол-ҳолга қараш, молхонани тозалаш Анзиратдан ортмайди. Утин ёриш — Холматнинг бўйнида. Нормат яна уйда қамалиб қолди, энди эски чориқларни ямаш, чумаги синган чойнакларни чегалаш билан овунар эди. Қиладиган иш қолмагач, орқасини печкага бериб ўйлаиб ётишга одатланди. Кейин йўқ ердаги эрмакни ўйлаб топди: лойдан «туяча» ясади-да, ичини ғовак қилди. Икки-уч жойидан яна тешди, кейин уни печка устига қуйиб қуритди.

— Ота, бу нима? — деб сўради Холмат ҳайрон бўлиб.

— Ҳали кўрасан, — деди у, сирли жилмайди.

Бир оздан сўнг у «туяча»ни олди-да, айлантириб кўрди, кейин «дум»идан пуфлади. Шунда ингичка, ёқимли овоз таралди. Ҳожар қийқириб юбордию отасининг қўлидаги «туяча»га ташланди:

— Менга!.. Менга беринг, менга!..

— Сен чалишни билмайсан! — деди Холмат, сўнг уни орқага суриб қўйди. — Отам буни менга ясади.

— Йўқ, менга!..

Нормат полвон болалари талашганини кўриб, ўзида йўқ севинди, кейин ярашиқсиз ҳиринглай бошлади. Уни бу тахлитда — ғайритабиий ишшайшини кўриб, Анзиратнинг юраги орқага тортиб кетди, лаблари пичирлади: — мулла Абдулланинг ўғли Хайрулла соқов биров мақтаса, шундай — тентакона ҳиринглар эди...

Эртаси кун Нормат полвон тушга довури ётди-ётди, кейин бирдан хамир қораётган Анзиратга қараб:

— Ҳей, йигирган ипинг борми? — деб сўради.

Анзират унга ялт этиб қаради ва гапига тушунмагандек, тикилди-қолди. Хийладан сўнг:

— Ипни нима қиласиз? — деди.

— Тўқийман.

Анзират ажабланди.

— Нима қиласиз? — деди у ишонқирамай.

— Тўқийман, — деди Нормат полвон.

— Қилмаган ишингиз шу қолувди ўзи! — деди Анзират ва жилмайиб қўйди. Кейин эрини бир нима тўқиб ўтирган ҳолда тасаввур қилди, шекилли, шарақлаб кулиб юборди. Кулгисини тия олмай деворга суяниб қолди. Сўнг жиддий тортиди-да, унга ғалати қараб: —

Урчуқ ҳам йигирасизми? — деб сўради.

Нормат полвон унинг тикилиб туришидан нохуш бир ўйга борганлигини пайқади.

— Сенга ҳазиллашаётганим йўқ, — деди хўмрайиб. — Болаларга қўлқоп тўқиб бермоқчи эдим.

Афтидан, яна кулиб юбормаслик учун Анзират лабларини қимтиди.

— Балки гилам ҳам тўқирсиз? — деди ўйноқи оҳангда.

— Йўқ, — деди Нормат полвон, бадтар тумтайиб. — Сен... госпиталда ётганимизда, зерикиб қолманглар деб, ҳамширалар ҳар хил нарса тўқишни ўргатарди. Сават, пайпоқ, қўлқоп...

— Қўлқоп тўқигунча бундай айланинг, қариндошлар-никига боринг, — деди Анзират. — Одамнинг тафтини одам олади. Уйга қамалиб ётаверсангиз, ҳаммадан ажралиб қоласиз-ку.

— Э-э, меҳмонга боргим келмайдимми менинг! — дея зорланди Нормат полвон. — Иккига одамнинг боши бирикса, миш-миш: фалон эмиш, писмадон эмиш, одам қони дарё бўлиб оқар эмиш... Шуюм гап бўлдию! Урушни ҳеч эслагим келмайди, Анзират. Эсласам, бошим айланиб юрагим куяди, биров худди отиб ташлайдигандай бўлиб... Э, қўй, баҳоргача бир амаллай, кейин бориб бир даволаниб келаман...

Анзират қайтиб эрининг қитиқ патига тегмади. Фақат отасининг ёнидан жилмайдиган Холматнинг ўзи ҳам гоҳо қўлқоп тўқишга уринганини кўрса, номуси келар эди. Шунда у:

— Бер отангга! — дея пўписса қиларди, — бунақада қиз бола бўлиб қоласан.

Холмат қўлидагиларни отасига эмас, сингисига узатар эди:

— Ма, сен тўқи! — Ҳожар чеварларга хос бир ҳафсала билан ишга киришганини кўриб, Нормат полвон хотинига кулиб қарарди:

— Қани энди болаларинг тезроқ улғая қолсаю сен билан мен буларнинг роҳатини кўриб чўзилиб ётсак! Нима дединг, Анзират? Ё Холматни ўқитамизми, катта бўлса уни кемачиликка қўямиз, а? Ҳожарни эса дўхтурликка... Бизда кемачилар бор эди, уларни матрослар дейишарди. Матросларни ҳамма ҳурмат қилади. Узлариям доимо денгизда юришади, ҳатто бозоргаям кемада бориб келса бўлади. Холмат катта бўлса, кемачиликка ўқитамиз...

«Ахир, кемачилик яхши-да, — дея ўйларди у, — биздаям дарё бор, шартта кемага минадию истаган жойига кетаберади».

Шу ният боис у қизига ўзи билганича русча санашларни ўргатар эди.

— Раз, два, — дерди у, Ҳожарни қорнига миндириб, олиб, — агар шуни такрорлай олсанг, сени она қизим дейман.

— Йаз, дива.

— Три, четыри.

— Тийи, чийи, — дерди Ҳожар, зўрға тили айланиб.

— Чийи эмас, четыри, — дея уқтирарди Нормат.

— Чийи!

— Ов-в, дўхтур бўлгинг келмаяптими, а?

— Келяпти.

— Бўлмаса айт-да: четыри, де!

— Чийи.

— Ана, айтолмаяпсан, энди дўхтур бўлмайсан! Ҳожар йиғламсирарди.

— Айтмайман, тилим оғрияпти.

— Айтсанг, дўхтур бўласан. Ҳамма сени дўхтур опа деб қақиради.

* Қот — адирнинг номи.

- Духтий бўлгим келмаяпти?
- Бўлмаса, ким бўласан?
- Опам бўламан.

Нормат полвон қизининг онасига ўхшаш — мулойим-айёрлигидан завқланиб кетарди-да, пешонасидан ўпиб қўярди...

Шу тахлит осойишта кечган кунлар Нормат полвоннинг руҳи-танига таъсирини ўтказди. Юзларига қон югуриб, яралари ўрни қичишди, тез соғая бошлади...

IV

Бир кун тонг маҳали эшик тақиллади, Нормат полвон чиқса, Шариф кўса — отдан тушмай турибди, қўлида — милтиқ, анча безовта кўринади.

— Нормат, сени Шўро чақиряпти, — деди у, — милтиғингни олиб бораркансан.

— Нима гап, тинчликми?! — дея сўради у ҳовлиқиб, қишлоқ Советининг раиси ўзини бунчалик кеч йўқлаганига, тағин «милтиғини олиб келсин» деганига ҳеч тушуна олмади. Шариф кўса ташвишланиб Анзиратга қаради-да, кейин пинҳона кўз қисиб қўйди. Нормат полвон фавқуллода ҳодиса юз берганини англади.

— Иссиқроқ кийиниб ол, — деди Шариф кўса. — Кечга довур қайтмасак керак.

Бир четда мунғайиб турган Анзират ниҳоят:

- Тинчликми, ака? — деб сўради титроқ овозда.
- Тинчлик. Тинчлик.

У ҳам Шариф кўсанинг тонг-саҳарда тағин елкасига милтиқ осиб келганига ҳеч тушунолмай ҳайрон эди.

— Чой-пой ичмайсизларми, ака?

— Чойни кейин ичармиз. Бизни катталар кутиб туришибди.

Нормат полвон отланди. Йўлга тушишгач:

— Эшитган бўлсанг керак, — деди Шариф кўса, — Ҳотам чавандоз урушдан қочиб келувди. Шунинг учун билдан бери ушлашолмаётган экан. Тоғда пусиб юрган-да. Касофат шу кеча уйига келган экан, хабар топишибди. Бугун ушланмаса, яна қўлдан чиқади. Раис сени фронт кўрган, опкел, деди. Яна учта ҳарбий бор.

Нормат полвоннинг юраги хижил бўлди. У Ҳотам урушдан қочганию яшириниб юргани ҳақида эшитган, бироқ наҳотки яна қўлига милтиқ олиб, одамга ўқталса? Наҳотки яна қон тўкса?!

Қишлоқ Совети жойлашган бино олдида тўрт отлиқ уларни кутиб турган экан: икки милиционер, ҳарбий комиссариатда ишлайдиган озғин капитан ва қишлоқ Советининг раиси — Мирзақул.

— Нормат, вой, занғар-ей, сен ҳам ҳеч кўриниш берасанми ўзи? — деди Мирзақул, бўғиқ овозда. Негадир у Нормат полвоннинг кўзларига қарамади. — Сенга бир топшириқ бор...

— Нима экан у? — деди Нормат полвон қовоғини бичмай.

— Ҳотам қочоқни тутамиз. Шунга...

— Раис бува, менсиз ҳам кўпчилик экансизлар. Бизга рухсат беринг. Оёғим совуққа чидамайдиган бўп қолган.

— Бу — нима деганинг! — деди Мирзақул расмий оҳангда, қўлини паҳса қилиб. — Менинг томорқамга ишга бораётганинг йўқ-ку! Ҳукуматнинг буйруғини бажаряпсан... Сенга ўхшаган бир занғар урушдан қочиб, ҳаммамизни шарманда қилди. Ҳаммангни қуритиш керак ўзи!

— Терсоталик ҳали ҳеч кимни шарманда қилгани йўқ, озғингизга қараб гапиринг, раис бува! — деди Шариф кўса, унинг юзи бўғриқиб кетди.

— Менга деса, иккаловинг ҳам борма, — деди зарда билан қўл силкиб Мирзақул, — ана — ҳукуматнинг одами, талаб қилаётган — у. Ҳукуматнинг одами сендан илтимос қилмайди, талаб қилади. Қочоқни тутиш керак. Кучимиз камлик қияпти, деяпти у, тушундингми?!

Озғин капитан уларнинг жанжалига эътибор бермади. У Нормат полвоннинг ёғоч оёғига қараб, бир нима деб гўдранди-да, бошини чайқаганча иргиб отга минди.

— Бўлди қил, Ташанич! — деди у Мирзақулга, — кетдик.

Улар Тераклига қараб йўл олишди. Уфқ бўзара бошлаган, майда қор ёғар, ҳаво унча совуқ эмас эди.

— Ташанич, — деди капитан Каттасувни кечиб ўтишгач, — қишлоқда отишма мумкин эмас унда может қурол бор. Вот, бундай қиламиз: сен одамларинг билан дарага чиқ, йўлини тўс. Қишлоқни ўраб олиб уни қувиб чиқамиз. Дарага блокада этамиз. Сен ана уни олиб, — у Нормат полвонга ишора қилди, — даранинг оғзида турасан. Биз сенга қувиб борамиз.

Мирзақул Нормат полвонга ижирғаниб қаради-да, отини дарага бурди.

— Ташанич, тирик нада, тушундинг?!

Мирзақул тушундим, деган маънода бош ирғадию отини йўрттириб кетди. Нормат полвон ҳам унинг изидан от қўйди. Йўл нобоп, шу боис отни чоптириш ҳам хавfli эди. Нормат полвон йўл-йўлакай тиззаларига қўнган қорни сидириб ташлар; у безовта, юраги гаш эди. «Наҳот падарикурсур бу урушдан ҳеч қутулолмасам, — деб ўксинарди. Бобоси айтган: «Кимки қўлига милтиқ тутса, у уруш одамидир, у одамнинг ўзини ҳам уруш ҳалок қилади». Шу гап тўғримикан, а? Бу кунлар ҳам ўтар. Эл бошига тушган ташвиш бўлди бу!»

У булутли осмонга қараб бадтар зикланди. «Қуёш чиқа қолмайдимиз энди!» Улар дарага етганда тўхташди. Мирзақул у ёқ, бу ёқни кўздан кечирди-да, унинг олдига келди, чиройи бир оз очилган, анча муло-йимлашган кўринар эди.

— Сен нариги бетга чиқ, анови харсанг орқасида тур, лекин отдан туша кўрма, — деди у. — Мабодо қочса, қувишга тўғри келади.

Қор тобора қуюқлашар, ҳатто эллик қадам наридаги одамниям кўриб бўлмасди. Нормат полвон харсанг ёнига келдию Мирзақулнинг гапини нутиб отдан тушди. Харсангга ҳорғин суянди. Оёғининг чигилини ёзиш учун силкиб қўйди. Бирдан бадани титрай бошлади. Юрагидаги нохушлик зўрайди. Шунда у ўзини чалғитиш учун бўзранг осмонга, капалакдек учиб тушаётган қор учқунларига, оппоқ, папалакдек чўққиларга қаради. У «Жудаям чиройли, жудаям чиройли-а?» дер, бироқ бир нима ичидан тошиб келар эди. Ниҳоят, ҳалиги нарса аста-секин босилди. Қўлларидеги титроқ кетди. Шу чоғ:

— Нормат, — деган товуш эшитилди нариги томондан, — қор ишни расво қилмаса гўрга эди, а!

Нормат полвон қияликка ёнбошлади-да, ютоқиб қор ялай бошлади. Кейин:

— Шўро бува, балки бошқа ёқдан қочгандир? — деди, бу иш тезроқ бир ёқли бўлишини, тезроқ болаларининг олдига қайтишни истарди у. — Оёғим музлаб кетяпти.

— Бошқа ёқдан қочолмайди. — Мирзақулнинг тантанавор товуши эшитилди. — У ёқлар яланглик, шунинг учун ҳам дарадан қочади. Даюс, бултур шу ерда қўлдан чиқиб кетувди-да.

У ҳали гапини тугатмаёқ қишлоқ тарафдан от дупури, кейин «Тўхта! Отаман!» деган таҳдидли овоз эшитилди. Шу орада варанглаб милтиқ отилди. «Милиционерлар

эмас, бу! — деб ўйлади Нормат полвон, шошиб ўрнидан турар экан. — Шариф отолмайди — қўли чўлтоқ. Демак, Ҳотам... касофатда милтиқ бор экан!» Шу чоғ яна бир ўқ узилди. Отлар дупури энди анча яқиндан эшитила бошлади; кимдир ҳансираб югуриб келаётган эди. Нормат полвон сойликка зингил солиб қарадио бўридай отилиб келаётган шарпани ва унинг қўлидаги косовдек нарсани ғира-шира илғади. «Ҳотам... касофат». У Мирзақул турган томонга югуриб бораётганида бирдан қарсиллаб ўқ узилди, Ҳотам бир зум талмовсираб қолди, кейин бурилдию Нормат полвон тарафга шитоб билан кела бошлади. «Анави Ҳотам билан юзмаюз бўлишдан кўрқди, уни ўзидан узоқлаштирди».

— Нормат-а-ат! Хушёр бу-ў-ў!

«Ҳе-е... бақирмай кет-э!»

У кафтдагидек кўриб турар: Ҳотам жон-ҳолатда тирмашиб чиқиб келаётган эди, эгнида оқиш пўстин, юзини қоп-қора соқол қоплаган. Йигирма қадамча қолганда Нормат полвон панадан отилиб чиқди. Ҳотам уни кўрган заҳоти милтиқни даст кўтардию Нормат полвон қуролсиз, бир оёқда қалтираб турганлигини кўргач:

— Нормат? Сенмисан?! — деди аллақандай бўғиқ товушда, кейин тикка бостириб кела бошлади.

— Қоч, жўра, йўлимди тўсма, қоч, отиб ташлайман-а, отиб ташлайман.

Нормат полвон унга бошдан-оёқ разм солди. Кўрдик, кўзлари қонга тўлган.

— Қоч, Нормат, — деди Ҳотам, қандайдир совуқ, дағдағали оҳангда. — Сен ҳам... Сен қолувдинг ўзи! Кимнинг йўлини тўсаяпсан, тентак! Сенга ўхшаб... Қоч! Қоч!

Нормат полвон унинг тер оқаётган юзига, қақчайган кўзларига қарар экан, «Отмаяпти-я, мени отмаяпти-я, демак, оз бўлсам имони бор экан-да,» деб ўйлади.

Нормат полвон уни ҳалол, мард чавандоз деб эшитган, кўпқарида ҳам фирромлик қилмас эди. Бир тўйда иккови улоқни обдан талашишган, шунда Ҳотам Нормат полвонга: «Фирромликни билмас экансан, кел, отимизни алмаштириб чопамиз», деган, кейин шундай қилишган эди. Шу-шу... қизиқ, нега энди у пана-пастқамда биқиниб юрибди, а?

— Қоч, Нормат, қоч, қонимни қайнатма, — тикка бостириб кела бошлади Ҳотам.

— От! — дея бақирди нариги бетдан Мирзақул, — от, Нормат, отиб ташла, ҳозир қочиб кетади бу! Отиб ташла-е!

У отмади. Ҳотамнинг йўлини тўсди.

— Қочишинг бефойда, барибир, отишади. Яхшиси ўзинг...

— Менга гап ўргатма, — деди Ҳотам, сўнг милтигининг затворини тортди, — барибир отиб ташлашади. Икки дунё менга бир қадам. Қоч, бўлмаса манглайингдан отаман.

Нормат полвон унинг йўлини тўсди: — Қани, зўр бўсанг, от! От! Барибир мен сени қўйиб юбормайман! Ҳотам милтигини кўтариб, уни нишонга олди, шу чоғ нимадир эсига тушдими, ақдан озгандек ўкириб юборди:

— Отолмаслигимни биласан-да, уркағар! Қоч!

— Қочмайман! — Нормат полвон милтиққа ташланди. — Эсингни йиғ, тентак.

Туёқлар дуқури тобора яқинлашиб келарди. Кимдир бегона тилда сўкинди. Ҳотам Нормат полвонни силтаб ташлади-да, тисарилиб унинг қорнига тепди.

— Ўзингдан кўр, чўлоқ! Ўзингдан кўр!

Нормат полвон ихрандию милтиқни қўйиб юборди ва қорини ушлаб юз тубан йиқилди. Ҳотам унга эътибор

ҳам бермай, юқорига тирмашди. Харсангни айланиб ўтгач, йигирма қадамча юрди-ёв, шу орада ҳаллослаб келган Мирзақул унинг ортидан ўқ узди. Ҳаммаси Нормат полвоннинг кўз ўнгида содир бўлди: Ҳотам илкис бурилди-да, Мирзақулни кўриб, совуқ тиржайди, сўнг чалқанча йиқилди ва пастга қараб думалаб кетди. Мирзақул отдан узалиб унинг милтигини олди-да, кейин Ҳотамга ғолибона назар ташлади. Ҳотам келиб харсангга урилган, шу ерда чўзилиб ётар; телпаги остидан патак сочлари чиқиб турар эди.

Нормат полвон ўзини ўнглаб олиб энди ўрнидан тураётганида нариги ёқдагилар ҳам етиб келишди. Милиционерлардан бири отдан тушиб, Ҳотамнинг бошини кўтарди-да:

— Тамом, — деди, — ўқ юракка теккан.

Нормат полвон аранг ўрнидан турди-да, букчайганча ўлқининг тепасига борди. Ҳотам оёқларини кериб, осмонга қараб ётар, бўйни, пўстинининг ёқалари қонга беланган эди. Қонга кўзи тушиши билан Нормат полвоннинг миясига нимадир урилгандай боши айланиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади; у кўзларини чирт юмиб олди.

— Ташанич, сенга айтган, сен тушунган эди-ку?! — дея тўнғиллади капитан, норози бўлиб.

— Манави, манави айбдор ҳаммасига! — деди товушини баландлатиб Мирзақул. — Ҳой, даюс, эшитдингми капитаннинг гапини! Сен... қочоққа ёрдам бераман, деб... Мана сенга, мана! — У Нормат полвоннинг юз-кўзи аралаш устма-уст қамчи туширди. — Бу қилмишинг учун Сибирь қиламан сени, хоин! Душманни қўйиб юборганинг учун... йўқ қиламан сени, йўқ!..

Нормат полвон дафъатан нима юз берганини англолмай шаҳд билан унга ўгирилди. Юзи ачишган, қўлини босдию кейин кафтда қон юқини кўрди. Шунда у ғазабга миниб Мирзақулнинг отига ташланди. Отни калласини шартта тепага қайирди. Мирзақул ўзи ўнглашга ҳам улгурмай қолди. От ён томонга гупиллаб ағанади, Мирзақул эгардан учиб тушди. Нормат полвон отнинг калласини қўйиб юбориб, Мирзақулга ташланди:

— Сенми мени сургун қиладиган, хотинчалиш?! Мен қон кечиб юрганда сен... қаерда эдинг, а? Сен мени сотқин деяпсанми? Сен-а?!

Милиционерлардан бири отдан сакраб тушди-да, Нормат полвоннинг чангалидан Мирзақулни қутқариб олди. Нормат полвоннинг авзойи кўрқулик эди: кўзлари қонга тўлган, танаси қалт-қалт титраб, юзи қорайиб кетган эди. Яна Мирзақулга ташланганида бошқа бир милиционер келиб уни маҳкам қучоқлади.

— Қўйиб юбор, — хириллади у милиционернинг қўлидан чиқишга ҳаракат қилиб, — мени сургун қилсин, мени урсин. Мен оёғимдан айрилиб юрганда бу қўй гўштидан семирди. Энди... мени сургун қилмоқчи! Не-кас!..

Шариф кўса отдан тушиб келди-да, Мирзақулни ўрнидан турғизди, суяб отига миндирди. Кейин у Нормат полвонни ёнига борди; кўзлари катта-катта очилиб кетди. Нормат полвоннинг чакка томирлари бўртиб чиққан, кўзларининг атрофи кўкариб, лабининг бир учида сарғиш кўпик пайдо бўлаётган эди. Шариф кўса сергак тортиб, дўстининг қўлтиғидан олди. Бироқ уни суяб қололмади. Нормат полвон ўкирганча икки қўли билан чакка томирларини ушлади-да, ерга қулади.

Капитан, Мирзақулга жуда ёмон ўқрайди-да, ирғиб отдан тушди ва Нормат полвоннинг чакка томирларини уқалай бошлади.

— Қор... Қор... — деди у, афтидан, ўзи ҳам шошиб қолган эди, сўнг Шариф кўсага қараб, — қор билан

ишқала... контузия! Контузия бўлган!.. — деди бир нимадан афсуслангандек бош чайқаб.

Ҳамма, ҳатто Мирзакулнинг ўзи ҳам эсанкираб қолган эди. У ерда типирчилаб оғзидан кўпик келиб ётган Нормат полвонга чўчинқираб қараб турар, ҳансираб нафас оларди...

V

Берди Шукурнинг қизи — Бийди момо — терсоталикларнинг аксариятига ота томонидан амма бўларди. Шу сабабли хоҳ жанжал, хоҳ тўй, хоҳ совчиларга жавоб айтиш бўлсин, у аралашар, ҳеч бир нарса унинг иштирокисиз, кенгашисиз ўтмас эди.

У жуда орқаш эди. Терсотанинг келинчаларига бегона эркак кўз қирини ташласа, тўйларда меҳмонлар ўлоқни олиб кетса номуси кўзиб, «Нуқул хотинларингга айтаймишгунча от минишни ҳам ўрганинглар», деб эркакларни койир эди. Айтишларича, у ҳатто босмачилардан ҳам тап тортмаган экан...

Уруш Бийди момонинг ҳовлисини ҳам четлаб ўтмади. У оқ ювиб, оқ тараб улғайтирган икки ўғлини юлиб кетди. Даставвал кичик ўғлига, кейин каттасига чақириқ қоғози келди. Катта келин учта ўғли билан қолди.

Кичиги...

Бийди момо келинларини қабатига олди, бирга тура бошлади.

Ўғиллари фронтга кетгач, қадди букчайиб, чўкиб қолган бўлса-да, Бийди момо ҳамон ўша-ўша — чарс, аччиқсўз кампирлигича қола берди.

Уша — Ҳотам қочоқ отилган куннинг эртасига Бийди момоникига хат ташувчи Панжи билан қишлоқ Советининг котиби Абдулла сариқ келди. Уларни кўрган заҳоти катта келин югуриб ичкарига — Бийди момонинг олдига кирди. Момо ўй ўйлаб, пичирлаб ўтирганини ўйлаб, катта келин унга бир нима дейишга журъат қилмади.

Кичик келин меҳмонларни отдан тушириб, ичкарига бошлади. Дастурхон ёзди. Кўрдик, икковининг юзида ҳам ёқимсиз ифода бор. Панжининг кўзлари қизарган, юзи сўлғин. Абдулла сариқ худди азага келгандай тўмтайиб олган эди.

«Э, худо, нима ҳодиса юз берди экан, а? — дея ўйлади кичик келин. — Бу икки шумоёқ бир балони бошлаб келди-ёв. Ишқилиб... омон бўлсин-да. Йўқса... тентак бўлиб қоламан».

Орага ўнғайсиз жимлик тушди. Икки томон ҳам олдин гап бошлашдан қўрқаётгандек эди.

— Қани келин, соғ-саломат юрибсизларми? — деди ниҳоят Панжи.

— Шукр.

— Аммам ҳали бардамми? Қиш қийнамаёптими?

— Шукр.

Бийди момо билан катта келин ҳадеганда чиқавермаган меҳмонлар бежо бўла бошлади.

— Кетсакмикан? — деди Абдулла сариқ. — Бошқа пайт келармидик, а?

Панжи бошини эгди. Шу пайт Бийди момо катта келинини эргаштирганча кириб келди. Афтидан, у ўзини ҳар қандай кўргуликка чоғлаган кўринар эди. Келганлар билан совуққина сўрашди.

— Хўш, Панживой, нима хизмат тушди бизга? — деди у заҳарли товушда, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб. Панжи яна бошини эгди.

— Ноз қилаётган хотинга ўхшаб бошингни эгасан? Гапир!

Абдулла сариқ ўтирган жойида қимирлаб қўйди.

— Нима, кўриниш бергани келдинларми?

— Момо, — деди Абдулла сариқ, ўзини гапиришга ҳаққи бор одам ҳисоблаб. — Энди... ҳаммамизнинг бошимизда бор экан... Кўргулик. Раис сизга шуни айтишни тайинладик... раис ҳам... Сизнинг ғамингизга шерикмиз...

— Минғиллама! — деди титраб Бийди момо. — Нима гап ўзи? А?

Абдулла сариқ ерга қаради. Қийналди.

— Каттангиздан қорахат келди...

Бийди момо сесканиб кетди-ю, лекин ўзини йўқотмади. Катта келин «вой» деганча деворга суяниб қолди; ранги оқариб кетди. Кичик келин:

— Вой, акажоним, — деди қайғули товушда, сўнг йиғлаб юборди.

Бийди момо дуо ўқиётгандек, узоқ кўз юмди. Кейин зимдан келинларига ўқрайиб қаради. Хонага нохуш жимлик чўқди. У худди ҳеч нарса юз бермагандек, бошини баланд кўтариб Абдулла сариққа тикилди.

— Шуми?

— Ҳа.

— Йўқ, сенлар яна бир нимани яширяпсанлар. Айтинглар, бор гапни яшириб нима қиласанлар!

Абдулла сариқ, айтайми, деган каби шеригига қаради. Панжи бошини эгганича қилт эмай ўтирар эди.

Бийди момо бўғзига тикилган йиғини зўрға ютди-да, Абдулла сариққа еб қўйгудек ўқрайди:

— Вой, чурра-ей, вой, чурра-ей, сиполик нима — отанг билмаган, энанг билмаган, сенга ким қўйибди сипогарчиликни? Айтавермайсанми борини?!

Кичик келин йиғлашдан тўхтаб, Абдулла сариқнинг оғзига қаради. Абдулла сариқ оғрингандек иддао билан бошини кўтарди-да:

— Гап мундай, момо, — деди салмоқлаб. — Кўпга келган тўй экан... азани иккала ўғлингизга бирдек очасиз энди. Кичигингиздан олти ой бурун қорахат келган. Панжибой сизни эҳтиётлаб...

Кичик келин ўкраганча ўзини ерга ташлади. Катта келин ҳам уйни бошига кўтариб йиғлай бошлади.

— Чиқ ташқарига! — ўшқирди Бийди момо. — Чиқ, кўзимга кўринма, кимнинг олдида йиғлаяпсан ўзи?.. Ҳой, катта келиним, эсли-хушлим, десам сен ҳам дийдиё қиялпсанми?! Чиқ-э ташқарига!.. Вой, шўрим, вой шўрпешонам!..

Бийди момо бирдан жим бўлиб қолди. Панжи фотиҳа қилган, Абдулла сариқ далда берган бўлди. У эса бир нуқтага тикилганча ўтираверди.

...Эртасига Бийди момо икки ўғлига аза очди, қора кийди ва қишлоқдошларига аралашмай қўйди. Юраги зардобга тўлиб юрганида Турсун гиж-гиж... қаёқдан ҳам ишонган тоғи — жияни Нормат полвоннинг... Э, бу — Анзират!..

VI

Уша куни Нормат полвон эрталабдан боғига унади, тўғрироғи, гунг чиқарди. Дарадаги воқеадан сўнг у ўзини анча олдириб қўйган, юзидаги заҳиллик яна ҳам кучайган эди. Шу боис Анзират ҳам тушгача эрига ёрдамлашди, кейин уй йиғиштиришга тушди.

Пешин чоғи Роҳатойниқига борайлик деб Шариф кўсанинг хотини — Турсун гиж-гиж келди. У меҳмонхонада кўрпаларини ағдар-тўнтар қилиб ўтирган Анзиратни кўриб:

— Келин, нима ташвиш? Кўчяпсизларми?.. — деди.

— Қуриб кетсин, куя тушибди, — дея зорланди Анзират.

— Роҳатой қиз кўрибди, эшитдингизми? Бугун келинлар йиғини бўлаётган эмиш?

— Вой, қиз кўриптими? — Анзират ўтириб қолди-да,

суянганидан чапак чалиб юборди: — Орзусига етибди-да. Бечора, ҳаммаси ўғил, деб куйиниб юрарди.

— Юринг, қуллуқ бўлсин қилиб келайлик, келин!

— Ҳозир. Манави дардисарларни йиғштирай! — Анзират кўрпалар орасига куя дори сепди; хонани ёқимсиз ҳид тутиб кетди. У кўрпаларни қайта бошдан қатлаб йиғишга тутинди. Қуроқли кўрпалар оғир эди, шу боисми, ҳадемай ҳансираб қолди.

— Муслима эри ўлганини эшитгандан бери... — Турсун гиж-гиж маъноли томоқ қирди. — Ойхол айтди. Эркак ўтса изидан термулиб қолади, дейди.

— Унгаям қийин-да, — деди Анзират, кўнгли ғашланди, Бийди момонинг кичик келини ҳақида аввал ҳам шунга ўхшаш гапларни эшитган эди. — Бир ой ҳам келин бўп яшагани йўқ, шўрлик.

— Бийди момонинг ўзиям буни билади-ёв, — дея гумонани билдирди Турсун гиж-гиж. — Ўзиникини яширмани деб ҳамманинг бетига чапади-да.

Анзират билади: Турсун гиж-гижнинг Бийди момони кўрарга кўзи йўқ. Бийди момо бор даврада у ўтиролмайдди.

— Бийди холяям қариди. Олдинлари жуда одил эди. Энди, ўзимники тўғри, дейди, зўрлаб бўлсаям ўзиникини ўтказадди, — деди Турсун гиж-гиж.

— Аммамгаям қийин, — деди Анзират, Бийди момонинг ёнини олиб, — бирдан икки ўғли... душманингиям бошига солмасин. Шуларни деб яшаб юрган эди-да. Энди нима қиларини билмай, ўзини урарга чўғ тополмай юрибди. Келинларигаям оёғи турмайди. Ичини ит тирнаб ётгандир бечоранинг. Уҳ! Уҳ-х... — Анзират ўқчий-ўқчий ўтириб қолди; кафти билан оғзини тўсди.

— Вой, келин?! — Турсун гиж-гиж югуриб унинг олдига келди. — Нима бўлди сизга? Вой, ўлмасам...

— У-ў-ў!... — Зўриққач, Анзиратнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Кўкариб-бўзариб супага чиқди-да, шариллатиб қайд қилди. Изидан югуриб чиққан Турсун гиж-гиж икки қўллаб унинг бошидан тутди.

— Вой, ўлмасам! Бу — нимаси?.. — Турсун гиж-гиж унга ғалати қаради.

— Ис... Исдан кўнглим айниди, — деди Анзират. Бошим айланиб кетди...

— Келин, бу нима қилганингиз?! Бошингиз айланди?! — Турсун гиж-гижнинг кўзлари чақчайди. — Қани, уйга кириб-чи... вой, мен ўлай, ҳомиладорсиз-ку?! Юринг, ётинг, келин, ётинг!

Анзират зўрға ўрнидан турди. Атрофида парвонадек айланаётган Турсун гиж-гижнинг гапларини деярли эшитмади. Турсун гиж-гиж қўлтиғидан олгач, зўрға ўрнидан туриб ичкарига кирди.

— Қатиқ борми? Қатиқ ичинг, келин?

Турсун гиж-гиж уни ётқизиб, секин қорнини пайпаслади ва бирдан қўлини тортиди, кейин Анзиратнинг юзига қараб безрайиб қолди. Ҳушини йиғиб олгач, кадидаги қатиқдан пиёлага қуйди-да, Анзиратга ичирди.

— ...Яна бир хўпланг! — деди у парвона бўлиб, — зардангизни очади, келин! — Бир зум унинг мажолсиз юмилган кўзларига тикилиб турди, сўнг лип этиб ташқарига чиқди. Супада нима қиларини билмай пича тараддуланди, кейин қишлоқнинг нариги чеккасига қараб йўл солди. Ҳовлиқанидан икки марта қоқилиб йиқилаёзди. Юзида қандайдир ташвиш ва безовталик. Ичида гап ётмайдиган аёл эмасми, ўзи гувоҳи бўлган воқеани шу тобда кимгадир айтгиси келарди.

— Турсун бойбича, мунча тиржасиз — отангиз тирилиб келдими? — деди Оллоёр чол, унга йўл берар экан, — тилла топгандай ҳовлиқкунча, сал кўзга қараб юрсангиз-чи!

— Вой, тоға, кўрмай қопман, — деди Турсун гиж-гиж ҳиринглаб, — аммо-лекин тилладан кўра каттароқ нарса топдим. Ҳали эшитарсиз...

Оллоёр чол ҳайрон бўлиб, унинг ортидан қараб қолди.

— Нима, Бийдининг бирон боласидан дарак борми? Улгани ёлғонмикан, а?

Турсун гиж-гиж лом-мим демай Бийди момонинг ҳовлисига бурилди. У ичкарига кирган заҳоти офтоба кўтарганча боғдан чиқиб келаётган Бийди момога рўпара келди. Бийди момо Турсун гиж-гижни кўриб тўхтади-да, унга ҳайрон бўлиб тикилди, сўнг қайрилиб уйга томон йўналди. Турсун гиж-гиж тез-тез юриб унга етди-да, сўрашган бўлди, кейин эргашди. Бийди момо айвонга етгач, офтобани ерга қўйди, белини уқалади. Гиж-гиж атрофида қилпанглайвергач, ахийри унга савол назари билан қаради.

Турсун гиж-гиж теваракка аланглаб ҳеч ким йўқлигини амин бўлгач, узалиб Бийди момонинг қулоғига шипшиди.

— Хола, шўримиз бор экан! Анзират... Эшитдингизми, ҳаммамизни шарманда қиладиган бўпти ер ютгур! Бийди момо унга ўқрайди.

— Ҳомиладор! Камида уч ойлик боласи бор. Ҳозир ўзим кўриб келдим, хола! Юзиниям доғ босибди. Қорни қаппайиб қолипти.

— Хўш, нима бўпти шунга? — деди Бийди момо, заҳарханда овозда, — нима у бурун туғмасмиди?..

— Йўқ, туғарди, лекин... буниси бошқача...

— Нимаси «бошқача»? Той туғмоқчи эканми ё?! А!

— Боласи уч ойликдан катта! Эрининг келганига ҳали икки ой ҳам тўлгани йўқ-ку?!

Бийди момо масҳара қилиб яна кулмоқчи эди-ю, бироқ унинг кейинги гапи таъсир қилди. Турсун гиж-гижга қадалиб қаради.

— Уч ойлик?! Қаёқдан билдинг? Ичига кириб чиқма гандирсан, ахир?!

— Вой, хола, нималар деяпсиз?! Энди кўряпмизми? Юзини доғ босиб, қорни дўппайиб қолипти. Ҳадеб қўсади — бошқоронги бўлган.

Бийди момо тумшайиб қолди. Бу гап унинг ориятини қўзғатган, ичи ёна бошлаган эди. Узи шу жияни — Нормат полвоннинг бегона аймақдан қиз олганини ҳеч кечиролмасди. Мана, оқибати!

У хийла вақт ўйланиб тургач:

— Балки эридангиз?.. — деди зарда қилиб, — сен қора босгур ваҳима қилиб юрган бўлма...

— Холажон-ей, айтяпман-ку, камида уч ойлик деб! Мени гап ташиб юрипти деманг, энди нима қиламиз-деб маслаҳат сўраб келдим.

Бийди момо бир дақиқа унга еб юборгудек ўқрайиб турди-да, кейин ичкарига кириб кетди.

... Ҳамон йўлақда турган Оллоёр чол Бийди момонинг тутатиқ чиққанини, кейин Турсун гиж-гижни эргаштириш йўлга тушганини кўрди. Бийди момонинг вазоҳати бошқача эди. Улар Нормат полвоннигикига бурилишгач, бир балони бошлашади-ёв, деб ўйлади-да, дўнгликка чиқиб қараб турди. Иккала аёл Нормат полвоннинг уйига киргач анчага довури йўқ бўлиб кетишди. Бир маҳал Бийди момо супага чиқди-да, тиззасига уриб аюҳаннос сола бошлади. Ҳали у ҳовлидан, ҳали бу ҳовлидан хотин-халажлар чиқиб, Нормат полвоннинг уйига қараб югуришди. Буни кўриб, ҳу наридаги боғда куйманиб юрган Нормат полвон ҳам оқсоқлана-оқсоқлана кела бошлади. У келгач, Бийди момо бир нималар деб ер тепиниб ўтириб қолди, шу ҳолида қон қақшаб ер муштлай бошлади. Нормат полвон хийлагача серрайиб турди. Сўнг қайрилиб ичкарига кириб кетди.

Бир маҳал Анзиратни судраб супага олиб чиқди; тепа бошлади. Бийди момо ҳам қараб тургани йўқ... «Булар ақлдан озибди, — деб ўйлади чол, — анови Турсун гиж-гиж — шайтоннинг урғочиси бекорга югиргилаб қолмаган экан-да». У ҳам оқсоқлана-оқсоқлана Нормат полвоннинг уйига қараб юрди. Тўдалашиб турганларнинг аксарияти болалар ва аёллар эди. Оллоёр чол: «Ўзи шунақа. Одамлар бекор қолса эсларини еб қўйишади, — деб ўлдиради, — бу аҳмоқлар яна бир «ўйин»ни бошлашди». У Нормат полвонни келишига етиб келганида тўда хийла каттариб қолган, полвоннинг ўзи — қўлида қамчи, лой ва қонга беланиб ётган хотинини оёғи остига олиб ҳам савалар, ҳам дуч келган жойига тепар эди.

— Қўй-ов, қўй! — деди Оллоёр чол, кейин бир аёлнинг: «Ўйнаши ким экан ўзи?» деганини эшитгач, юраги увишиб кетди.

Нормат полвон ақлдан озган кўринарди. Юзи қоралик, кўзи косасидан чиқиб кетди депти.

У ҳадеб қор ялаётган хотинининг ёқасидан ушлаб даст кўтарди-да, сочини қўлига ўради, сўнг тишларини қайраб нафрат билан сўради:

— Ким?! Ким у, қанжиқ?! Айт! Айтмасанг ҳозир бурда-бурда қиламан.

Унинг томоғи бўғилиб товуши хириллаб қолганди. Анзират ҳолсизликданми кўзларини юмиб олди.

— Айтмайди, бузуқлик қилишга қилиб, энди тилини тишлаб ўтиради. Қаранглар, вой, шарманда, вой... Бутун қишлоқни шарманда қилди-я!

— Ким? Ким у нокас?! Айт! Эмаса ҳозир чопиб ташлайман! — Нормат полвон хотинининг бўйни аралаш қамчи солди.

— Ундан гап сўрагунча ўлдир! — деди Бийди момо дағ-дағ титраб, — бошимиздан нега мусибат аримай қолди десам, гап бу ёқда экан-да. Ҳой, одамлар, урушга мана шунақалар сабаб бўлади, мана шунақаларнинг дастидан кулфат келиб чиқади. Болаларимиз эри тўқади, бу эса бузуқлик қилиб юради. Тошбўрон қилинглари уни! Қорнида бола бўлгунча қишлоғимизни булғаб юрган. Яна эри билан индамай яшай берган, билмайди деб ўйлаган. У бола — ҳаромзода ҳали кўп кўргиликлари бошлаб келади! Улдириллар уни, ўлдириллар!..

— Вой, ўлай, — деди Қудурат кампир, — писмиқ, мен у билан олди-берди қилиб юрибман, қозон-товоғимни ҳаром қилипти-да, а?! Вой, ер ютгур!..

— Ҳаммамизни гуноҳга ботирган! Ҳаммамизга наҳс теккан!.. — дея илиб кетди Бийди момо.

— Бурун замонда бундайларни тошбўрон қиларди.

— Буниям тошбўрон қилиш керак!

— Кўпаймасдан тошбўрон қилиш керак!

— Аллақачон уруғи кўпайиб бўлди!

— Шундайларни деб бир куни ҳаммамизни ер ютади!..

Нормат полвон хотинининг сочидан бураганча оғил-хонага қараб судради.

— Осаман, агар айтмасанг — осаман!

У бир қўллаб балорга чилвир боғлади-да, сиртмоқ ясай бошлади. Ниҳоят, ҳушига келгандек Оллоёр чол югуриб борди-да, Нормат полвоннинг билагидан тутди.

— Ақлингни ема, Нормат! Эсингни йиғ, ука! Нима қиялсан ўзи?

— Наридан тур! — Нормат полвон ғазаб билан ўшқирди, — аралашма, нари тур! Эмаса, сениям...

Оллоёр чол сиртмоқни икки қўллаб маҳкам ушлаб олди.

— Болаларингни тирик етим қилмоқчимсан?! Падарлаънати...

— Кет! Онаси шундай бўлса боласи гўр бўлармиди?!

Кечдим ҳаммасидан, кечдим! Осаман!

— Одам осгинг келиб қолган бўлса, мана, мени ос! — Уни қучоқлаб олди Оллоёр чол. — Мени ос, эртага одамлар шу ишнинг бошида Оллоёр чол ҳам бор эди, деб юрмасин. Бу қандай кўргулик? Ҳой, одамлар, инсоф борми сизларда? Нега қараб турибсизлар! Ҳе, ўша!..

— Ҳой, эчки соқол, — унга қараб бақирди Бийди момо хирилдоқ овозда. — Ақлинг етмаган нарсага аралашиб нима қиласан, ундан кўра майиб кампирингга қара. Бор, жўна!.. Одамлар, буни тошбўрон қилиш керак, қишлоқни булғайди!

Қудурат кампир бу гапдан дадилланиб, қор титкилади-да, каттагина тошни топди, уни Анзиратга қарата отди. Тош боёқишнинг қаншарига тегди-да, сирғалиб тушди.

— Ким тош отса савобга қолади! — дея бақирди Бийди момо жазавага тушиб, кейин ўзи қор чангаллаб тўдалай бошлади. Қалт-қалт титраётган қўллари орасидан эзғиланган қор тушиб кетар, бундан у баттар асабийлашиб кўпроқ қорни тўдалай бошлади. Ниҳоят, у ҳам ва яна аллаким Анзиратга қарата қор, кесак итқитишди.

Нормат полвон Оллоёр чолни силтаб ташлади-да, Анзиратнинг сочидан ғижимлаганча кўтара бошлади.

— Вой, осиб қўяди! — Бир аёл чинқириб юборди, кейин тўдадан ажралиб чиқди. — Тентак бўлиб қолибсиз. Нима қилаётганларингни биласизларми?!

У югуриб бориб Нормат полвоннинг чангалидаги Анзиратнинг сочидан юлқиб тортиди. У Анзират тенги эди, захил юзидан касалмандлиги билиниб турарди.

— Қоч, Ҳанифа, — хириллади Нормат полвон, — қоч, йўқса, икки бўлиб ташлайман.

Ҳанифа унинг қўлига осилди.

— Мени ўлдир, ўлдир бўлажон! Бўлажонгинам ўлдир, мен туғмасакни ўлдир! Буни ўлдирсанг анови қоракўзларинг тирик етим бўлиб қолади. Е, уларни ҳам бузуқликдан орттирганми, а?!

Нормат полвон сесканиб унга қаради ва бир лаҳза туриб қолди. Кейин яна аввалги ҳолатига қайтиб:

— Йўқол, — дея ўшқирди. — У мени шарманда қилди, энди қандай бош кўтариб юраман? Мени тириклай гўрга тикди у!

— Агар шу бугун одам ўлтираман деб қасам ичган бўлсанг, мана, мени ўлтир! Бузуқ бўлса ҳам у туғади, бола туғади, бола!..

У Нормат полвоннинг чангалидан Анзиратнинг сочини бўшатди-да, ўзини боёқишнинг устига ташлади.

Оллоёр чол Нормат полвонни қаттиқ қучоқлаб олди. Кимдир: «Етар энди», деди. Ҳанифанинг эри — Муҳаммад ҳам бориб Оллоёр чолнинг ёнини олди — Нормат полвоннинг қўлидаги қамчини силтаб тортиб бир четга улоқтирди.

— Кўрганлар нима дейди? — деди у, — терсоталиклар ўзи билан ўзи қирилишиб ётибди демайми?! Уят-э! Яна икки келинчак даврандан ажралиб чиқди, бориб Анзиратни қучоқлаб турғазишди-да, суяб уйга кириштиди.

Бийди момо эсанкираб қолди.

— Нима, сенлар ҳам бунга шерикмисанлар?! Нега унинг тарафини оласанлар? Сенлар нега индамай ўтирибсанлар? Уринглари уни!..

Ҳеч ким унга қулоқ солмади.

Нормат полвон бир силтаниб Муҳаммад билан Оллоёр чолнинг қўлидан чиқмоқчи бўлди, бироқ уриниши зое кетди.

— Уят бўлади, тентак! — деди Оллоёр чол ўки-

ниб. — Хотининг бузуқ бўлса кўчага чиқиб бақира-санми?!

— Нима бўляпти ўзи? — Ҳансираган товуш эшитилди. Нормат полвон ижирғанди.

— Нима гап Бийди момо? — Шариф кўса ҳансираб сўради. — Нега тўдалашиб қий-чув қиялпсизлар? Тинчликми?

— Улмабсан-да, кўса, — деди Бийди момо унга нафрат билан тикилиб, — қачондан бери шундай савол бериб, жавоб оладиган бўлдинг?! Жўрангнинг хотини бузуқчилик қилиб юрса-ю, сен...

— Айғоқлик қилманг... — деди Шариф кўса таҳдид билан. — Уни биров босиб ётганини кўзингиз билан кўрдингизми?!

— Кўз билан кўриш керакмикан?

— Бўлмаса нега шаллақилик қиласан, товуқмия? — У Нормат полвонга ўгирилди. — Ҳа-а, Норматбой, сиз ҳам... а? Ё кўзингиз билан кўрдингизми? Хўш, сизлар-чи? Сизлар кўрганмисизлар, бойбичалар?

— Йўқ.

— Кўрмаганмиз.

— Ким пойлаб турибди бузуқини! И-я!

— Ҳеч ким кўрмаган?! Вой гумроҳлар-ей, қани, йўқол ҳамманг уй-уйингга! — У безрайиб турган Нормат полвонга ҳам эшитиларли қилиб деди: — Яна уруш кўрган одам эмиш! Бор уйингга кир — хотинларнинг ботири.

— Кирмайди! — Нормат полвоннинг олдига ўтди Бийди момо. — Бу ҳаром уйга кирмайди. Қачон бу бузуқи кетади — шунда киради. Юр, буларнинг ҳаммасининг гапи бирга ўхшайди. Юр, сенга ўзим жой бераман, бу ҳаром уйда энди сенга кун йўқ, балога йўлиқасан.

Нормат полвон бир Шариф кўсага, бир Бийди момога қаради-да, бошини эгди, Бийди момо йўл бошлагач, унга эргашди.

Зум ўтмай супа ҳувиллаб қолди. Қолган икки аёл Анзиратнинг олдига кириб кетгач, Шариф кўса молхонага суяб қўйилган белкуракни олди-да, илдам-илдам кетаётган хотинининг изига тушди...

VII

У эрининг жаҳли чиққанини кам кўрган. Нормат полвон анча босиқ, аёлларнинг олдига ўзини тутта оладиган, лекин феъли айниса отасини ҳам аямайдиган одам. У эрининг орияти келганига фақат бир марта — урушдан олдин, Қотнинг устида беда ўримида гувоҳ бўлган. Холмат эндигина юра бошлаган пайтлар; сал кўздан қочирсанг ариққа ёки ўрага тушиб кетади, ҳеч бўлмаса ўчоқ бошида кул титиб турган бўлади. Устига устак қишлоқда йўнғичқа ўрими бошланган. Бир кун эрталаб Нормат полвон уни эргаштириб Қотнинг устига, ўримга олиб чиқди. Холматга катта рўмолдан «капа» ясаб беришди, кейин тушгача бири чалғида йўнғичқа ўрди, иккинчиси боғлади. Тушга яқин Анзират чой қайнатгани бўлоқ бошига келганида, эрининг қишлоқ Советининг раиси бўз отли Мирзақулга негадир товушини баландлатиб гапирётганини эшитди. Мирзақулнинг ҳам қаттиқ-қаттиқ гапиргани кўнглига ваҳима солди. Секин уларга қараб юрди. Нормат полвон индамай беда ўрар, афтидан, у гаплашишни истамаётган эди. Бир маҳал у эрининг чалғини даст кўтариб ҳавода сермаганини, Мирзақул отнинг устидан учиб тушганини кўрдию саросимага тушиб югурди. У етиб келганида Мирзақул индамай отини етаклаб бораётган, эри эса гўё ҳеч гап бўлмагандай ўримга тушиб кетган эди. Эрининг юзи ғазабдан қорайибди, у чалғини зарб билан сермарди.

— Нима бўлди?!

Нормат полвон унга ўқрайиб қаради.

— Бор, ишингни қил!

Эрининг авзойи бузуқлигини кўриб, у индамай булоқ бошинга қайтди. Мирзақул билан нега гапи қочганини Нормат полвон кейин ҳам айтмади.

Анзират бу воқеанинг тагига кейин — Нормат полвон урушга кетгач, мавриди келганида Мирзақулнинг ўзидан эшитди.

— Эрингдан хат келяптими? — дея ўсмоқчилади у бир гал.

Афтидан, Нормат полвоннинг урушга кетганию ундан хат-хабар йўқлигидан у хурсанд эди. Буни қийик кўзлари ошкор этиб турарди.

— Нега солиқ тўламайсан, а? Ё хотинингни... дега-нимда ўлдириб қўяёзганди нокас!

Ушанда Мирзақулнинг ишшайиши Анзиратга ёқмаган. Эрини соғинган, тоғдай таянчи олисдалигидан хўрлигидан келтириб юрган пайтлар эди-да. У, эри ўзининг шаънини ҳимоя қилиб Мирзақулни қақшатганини бил-гач, кўнгли тоғдек кўтарилган, ғурурланган эди. Мана, энди ундан...

У эридан кўрқарди-ю, бироқ Нормат полвон бирон марта ўзига ғазаб қилганини эслолмасди. Тўғри, баъзи-да аччиқ устида қамчи билан солиб қолар, кейин ўзи бу қилмишидан азият чекиб, пушаймон бўлиб юрарди. Нормат полвон уни эъзоларди. Буни Анзиратга билдирмасликка уринар, аммо у бари-барини сезарди. Энди эса... Нормат полвон ҳеч қачон кечирмаслигини, гуноҳидан ўтмаслигини эмас, балки фожиа юз беришини сезиб юрарди. Гоҳо, аслида ҳаммасига уруш айбдор, деб ўзини оқлар, лекин бу билан елкасидан тоғдай босиб турган юк ағдарилмас, балки у тобора оғирлашиб бораётганини, бу юкни ортиқ кўтариб юришга тоқати қолмаётганини англади.

Ҳаммаси Нормат полвон хизматга чақирилганидан кейин бир йил ўтгач бошланди. Қишлоқда санокли эркак қолган, улар ҳам чол-поллар. Буғдой ўришу бошоқ териш, кўш ҳайдаш — ҳамма-ҳаммаси Анзиратга ўхша-ган хотин-халажнинг бўйнида.

У кун бўйи ишларди. Кечқурунлари бешикдаги қизчасию Холматнинг очликдан кичрайиб бораётган жуссаларига қараб милт-милт ёш тўкарди. Сигирларининг биттасини колхозга беришган, иккинчисини илон чаққан, ўлган эди. Улар иш ҳақи — бир ҳовуч арпа унию ориқ эчкининг сутига қараб қолишган эдилар. Анзират ишлар, ишлаганда ҳам ўнта эркакнинг ишини қилиб оғизга тушиб ишлар, боз устига эчкига ўт териб келар; молхонани суваш, ўтин ғамлаш, бозор-ўчар — ҳамма-ҳаммасига улгурар эди.

Мирзақул домига илинтирмаганида ҳеч гап йўқ эди. Асли улар билан Анзиратларнинг чатишган жойи бор — қариндош. Нормат полвон Мирзақулни ёқтирмагани боис қариндошлик ришталари аллақачоноқ узилган, борди-келди қилишмасди.

Ўтган йили қиш жуда оғир келди. Ноябрьнинг бошида қорасовуқ бошландию то мартнинг охиригача кўз очирмади. Тизза бўйи қор. Изғирин эсгани эсган. Анзират ғамлаган ўтин февралнинг ўрталарига бормаёқ тугаб қолди. Заҳира дон адо бўлгач, арпа нон ея бошлашди, ҳадемай арпанинг ҳам таги кўриниб қолди. Устига устак арпа нони ични сидириб, еганинг юқмас, Холмат билан Ҳожар «очқадим опа, очқадим» дейишини қўймас, уларни тўйғизишга Анзиратнинг қурби етмас эди. Арпа ҳам тугади...

Мартнинг бошларида Ҳожар тўсатдан иситмалаб ётдию Анзиратни кўрқитиб юборди. Қизининг аҳволи оғир эди, қаттиқ шамоллаган, оёқ яланг қорда юриб

ўзини совуққа олдирган эди. Анзират ўтин тиланиб уйма-уй югурар, кулбалари совуқ, томчи ўтиб, ўтиргулик жой қолмаган, қишнинг охири кўринмас эди. На ўтин бор, на Ҳожарга иссиқ овқат.

— Товуқ шўрва ичирсанг мадорга киради, тузалиб кетади, — деди Урол табиб Ҳожарни кўргач, — бу туришда айрилиб қоласан-ов...

Товуқ гўшт эса отликқа йўқ. Иккита товуқнинг пулига бир сигир сотиб олса бўлади. Анзиратда эса...

У кечаси билан ухламай Ҳожарнинг тепасида ўтириб чиқар, унинг алаҳсираб ҳушдан кетиб ётишини кўриб юраги узилиб тушарди.

— Опажон, сув бейинг, сув ичгим кеяпти... сув бейинг, опажон...

— Қизим, сенга сув ичиш мумкинмас, — дерди Ҳожарни бағрига босиб Анзират, — эртага тонг отсин, товуқ топиб, шўрва қилиб бераман, тузалиб кетасан, қизим, тонг отсин...

— Мен шуйла ичмийман, — йиғламсирарди Ҳожар, — сув ичаман, сув бейинг...

Ҳожар кейинги кунларда кўзини умуман очмай қўйди, очганда ҳам бир зумга очиб, Анзиратга ялиниб қарар, «Опажон, опажон!» дея зорланар, қаттиқ зорланар эди.

— Қизим, қизгинам, дардинги олай қизгинам, — Анзират йиғлар, нима қиларини билмай хун бўларди. — Худойимга сен нима қилиб эдингки, бунча қийнаса? Шу кўргуликлар каммиди ўзи?

Ҳожар кейинги кунларда бир марта ҳам кўзини очмади. Анзират дод-вой қилиб у ёққа югурди, бу ёққа югурди — товуқ ҳеч кимдан топилмади.

— Одамлар соб бўляптию товуқдан гапирасан-а, — дейишарди унга.

Уша кеча ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келди: боради. Бошқа иложи йўқ. Бошқа имкони йўқ. Ё жигаргўшасининг баҳридан ўтади, ёки...

Ушандаёқ кўнгли чопмаган, бир балога гирифтор бўлишини сезган. Лекин «ўлиптими, қариндош-ку, шунчаликка бормас» деб ўзини чалғитган. Бошқа иложи йўқ эди-да, ахир!

Анзират эрталаб турди-да, тўғри қишлоқ Советининг идорасига борди. Уша Мирзақул, ғалати қарайди одамга...

Мирзақул унинг дардини эшитиб кўп афсус чекди. — Бирдан менга келавермабсан-да, — деди у бош чайқаб, ўпкалангандек. — Фронтчининг оиласига шундай пайтда ёрдам бермасак қачон қарашамиз, бизни ҳукумат нима учун бу ерга қўйибди... Эҳ, сиз — аёллар, ҳақингизни кимдан талаб қилишдиям билмайсизлар...

Анзиратнинг дили ёришиб, кўзларига ёш қалқди. Одамни билиш қийин экан-да. Шу қариндоши ҳақида нималар деб ўйламаган у. Қариндоши эса, мана, унга астойдил ачиниб гапиряпти; сен фронтчининг аёлисан, убу сўрашга ҳақинг бор-ку, деяпти. Рост-да.

Анзират уч кун зор қақшаб излаган товуқ, яна сариқ товуқ бир соат ичида топилди.

— Худо ёрлақасин сизни, — Анзиратнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди, — мендан қайтмаса, эгамдан қайтсин, болаларингизнинг роҳатини кўринг, мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин...

— Бўпти, бўпти, майли боравер, эртага ҳам кел, яна битта товуқ топдириб қўяман, — деди Мирзақул, сўнг ниманидир ўйлаб, — яхшиси, овора бўлма — ҳадеб бу ерга келаверсанг, кўрганлар бошқача ўйлашлари мумкин. Сен Жалил отбоқарниқига бор, товуқ, ун-пун бериб юбораман. Ушандан олсан. Бор, бор энди, — деди.

Анзират қайта-қайта раҳмат айтиб, идорадан чиқди-да, уйига қараб қушдай учди. Кела солиб товуқ шўрва

қилди, кечга довуқ қизига уч марта ичирди. Ярим кечаси Ҳожарнинг пешонасидан тер чиқди. Анзират шукрлар қилиб, саҳаргача Мирзақулни алқаб чиқди. Эртаси кун пешин чоғи Жалил отбоқарниқига қараб жўнади. Жалил отбоқар элга аралашмай доим ичиб юрадиган, очарчилик йиллари бир ёқлардан келиб қолган сўққабош киши эди. Унинг уйи қишлоқнинг бир четида бўлиб, эшиклари ҳамиша очиқ ётар, ўзи у ер, бу ерда улоқиб юрарди.

Жалил отбоқарнинг уйи узоқдан катакка ўхшаб кўринди. Эшиги ланг очиқ, супада ит ҳам йўқ. Ҳовлига киргач, «Жалил ака» деб овоз берди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Шунда у эшикдан мўралаб кўрдикки, хона ўртасида оёғи боғлаб ташланган товуқ, қандайдир тугун ётибди. У яна бир марта «Жалил ака» деб чақирди. Бунга жавобан тиқ этган товуш эшитилмади. Шунда у, зарур иши чиқиб қолган бўлса бирон ёққа кетгандир, Анзират келса олиб кетар, деган фикрда анавиларни кўринарли жойга қўйгандир, деган ўйга борди ва ичкарига бош суқди. Кўнгли бир хавфни сезгандек бежо бўлди.

...Эшик қарс этиб ёпилгач, у кўрдикки...

— Келдингми? — деди Мирзақул хижолат бўлгандек, — Жалилни кутиб ўтиргандим, келмаяпти қурғур...

Анзират эшикни тўсиб турган бу одамнинг важоҳатини муродини сездди. Жони бўғзига тиқилиб:

— Қоч! — деди. — Қоч! Йўлимни тўсма!

— Утир! — Мирзақул лабини жийириб унга бошдан-оёқ разм солди. — Утир! Сен ўйловдингки... Бу дунёда салом ҳам бекорга берилмайди. Фронтчининг хотини...

— Нокас!

— Ким нокас? — Мирзақул унга човут солди, — ким нокас! Яхшиликни билмаган тентак! Жон-жон десангчи!...

— Қўйворинг! — дея зорланди Анзират, — ахир қизимнинг бир ўзини ташлаб келганман! Худо хайрингизни берсин, тегинманг менга! Раҳмингиз келсин!...

— Мунча питирлайсан? Ахир... Эринг ўлган бўлса, қорахат олган бўлсанг, яна нега... ўзим, ўзим оталик қиламан болаларингга! Сизларни қийналишларингга йўл қўймайман. Биласан-ку, сени жонимдан яхши кўраман!

— Қўйиб юборинг! Ҳозир додлайман — шарманда қиламан! Қўйиб юборинг, ахир!

— Йўқ, энди қўйиб юбормайман, қачондан бери кутаман сени... чиройингга кўзим тушгандан бери, сени... Энди етишдим деганда қўйиб юбораманми. Сенга шунча хушомад қилганим етмайми. Энди сен ҳам эри-да. Нимадан кўрқасан? Даврингни сурмайсанми?

У Анзиратни даст кўтарди-да, фарёд урганига ҳам қарамай тўшакка босди. Анзират унинг дуч келган жойидан тишлар, юз-кўзига беаёв урар, ялинар, юлқинар, портлаб кетай дер, бироқ...

Мирзақул унинг қўлларини қайириб, куч билан босди-да, қимирлатмай қўйди. Шунда боёқиш:

— Берган нарсаларингга куйдирги чиқсин! — деб йиғлаб юборди. — Қўйиб юбор, қўйиб юбор!

Мирзақул унинг кўйлаги ёқасига чап қўлини тиқиб бир тортди-да, охиригача айириб ташлади.

— Мана бунақа бўлади қўйиб юбориш!

Анзиратнинг юраги дуқирлаб урар, қон қақшаб Мирзақулни қарғар, у эса ҳеч нарсага парво қилмай, ютоқиб кўкракларидан тишлар, топтар эди уни.

Анзират телба каби олишди, олишди ва ахйири индамай қолди... Кечга яқин Мирзақул эшикни очар экан:

— Қаерга бориб арз қилсанг қилабер, барибир, ишониммайди, қайтанга ўзингга жабр бўлади — ҳуку-

матнинг одамига тухмат қияпти деб қамаб қўйишди, — деди сурбетлик билан ишшайиб.

Уша воқеадан кейин анчага довур Анзират бу кўргулик қандай содир бўлганини англолмай гарангсиб юрди. Ўз ёғига ўзи қоврилди. Жарга ташламоқчи ҳам бўлди-ю, болаларини тирик етим қилишга юраги бетламади. Эри ўлган, қорахат келган. Кўргулик экан. Шу болаларини одам қилса — бас. У ҳар нарсадан чўчир, кечалари ухлаёлмас эди. Тентак бўлиб қолаёзди-ёв. Йигирма тўққиз ёшида сочига оқ тушди.

Энди ҳеч нарсанинг, яшашнинг қизиги қолмади, назарида. Ҳаммаси тугагандек. Йўқ, ҳаммаси тугамаган экан, кўргуликлар ҳали олдинда экан.

Қишнинг бошларида, момақалдиरोқдек гумбурлаб Нормат полвон эсон-омон урушдан қайтиб келди. У — ҳаёти буткул издан чиққан, гарчи ўзи истамаса-да, барибир хиёнат қилган одам — Анзират эрини кўриб ўлиб қўя қолгиси келди. Нормат полвонни ҳар қанча соғинган бўлса-да, уни кўриб қувонишга, бағрига ташланиб йиғлашга ўзида ҳуқуқ сезмади, бўғзига тикилиб ётган алами тарқагунча йиғлади. Лекин бу аламнинг адоғи йўқ эди. Айниқса, кечкурун тўшақ солаётиб энди бу одам, чинакам оилавий бахт ўзига насиб этмаслигини чуқур ҳис этар, жонига тўяр, яна эри, бола-чақасига қўшилолмаса-да, «шуларни кўриб юрган-им яхши-ку, мен ўлиб кетсам, ўгай она...» деб ўзини чалғитарди.

Нормат полвондаги иштиёқ унга ҳам оз-моз таъсир қилди. Болаларининг чулдираши, Нормат полвоннинг дўриллаб гапириши — ҳамма-ҳаммаси уни ипсиз боғлаб турар эди.

У жонини жабборга бериб ишлар, гўё шундай қилса гуноҳи ювиладигандек, гўё шундай қилса — овунадигандек...

Кунлар бир зайлда — тинчгина ўтаётган бўлса-да, кўнгли нотинч, олдинда бир офат кутаётгандек, ваҳмдан холи юролмасди. Айниқса, ҳомиладорлигини пайқагач... Бир гал дабдурустдан эрига, каклик гўштини кўнглим тусаяпти, деб юборди. Яхшиям, Нормат полвон... очиккўнгил-да, бечора, унинг гапини тўғри қабул қилди.

Бир куни — эри қайгадир кетган, Холмат сингласига ошиқларини кўрсатиб мақтанар, у хуржун ямаб ўтирган эди. Кун тушдан ошди. Ташқарида қор ёғар, унинг кўзлари тиниб, юраги тўлиб бормоқда, ғашлиги ошмоқда эди.

Шу пайт ошхона томондан Нормат полвоннинг таҳдидли ёхуд қувончли, ҳар қалай, у фарқлай олмади:

— Анзират! — деган ўкириги эшитилди.

У чўчиб ирғиб турди-ю, миясига лоп этиб урилган шубҳадан тиззалари қалтираб ўтириб қолди. Энди ҳаммаси тамом, эрим бир нарсани эшитиб келди, ўша — мен кутган лаҳза содир бўлади, ана у ташқарида турибди, ҳозир кириб мени янчиб ташлайди, деб ўйлади. Анзират нажот кутгандек жовдираб ўғлига қаради. Холмат югуриб ташқарига чиқди, кейин ғўнғир-ғўнғир товуш эшитилди. Бир оздан сўнг эшик очилди-да, отаси мулла Хидир кўринди.

— Отажон! — Унинг увишиб қолган тиззалари қарсиллаб кетди, димоғида таниш ҳидни туйиб, отасининг бўйнидан қучоқлаганча йиғлаб юборди. Шу тобда у меҳрга зор эди. Йўқ, у отасига иқрорини айтиб, ўзини оқламоқчи эмас, фақат кўпдан бери тўлиб турган юрагини бўшатиб, хижилликларини ёзиб олмоқчи эди. Отасининг бағрида узоқ йиғлади. Анзиратнинг ҳам икки акаси урушда... улардан қорахат келгач, бу кўргуликни онаси кўтара олмади — кўз юмди; бечора отаси ҳам

чўкиб қолган, бирдан қартайган эди. У Анзиратнинг бошини силаб:

— Қўй, қизим, юрагимни эзма... — деди дардман овозда. — Мана, эринг омон қайтди — болаларининг бахтига шуқр қил, қизим!

У отаси айтмаса ҳам шуқр қилар, бироқ ҳозир шуқр қилишнинг ўзигина етмас, минг тавба қилгани билан кўнгли жойига тушмас, на пешона тери билан, на болаларига, на одамларга муҳаббат билан гуноҳини юва олмайдигандек туюлар; ҳомиладор аёлни тўлғоқ тутиши муқаррар бўлгани каби уни — гуноҳкор банданинг жазоланажак онлари, назарида, тобора яқинлашиб келаётгандек эди. Айниқса, ҳомиласи... Касалингни яширсанг иситмаси ошкор қилади-да, ўзи.

Отаси унинг юз-кўзларига тикилиб туриб бир хил бўлиб кетди. Эртаси куни у хайрлашаётиб: — Қизим, бошиндан нима ўтган бўлса, унут, — деди худди кўнглини уққандай, — энди у кунларни унут! Нима кўрган бўлсанг, кўрмадим де. Уруш ҳаммани сондан чиқарди. Қуёв яхши одам. Уни ҳурмат қил, унга меҳр қўй...

Анзират бу гапларга чидай олмади, хўрлиги келганидан ва аламидан ялинчоқ оҳангда:

— Отажон, — дедию отасининг оғзини ушлади. У эри ҳақида бошқа гап эшитишдан, ўзининг бу гапларга бардош беролмай қолишидан қўрқди. Шунда отаси унга ёмон бир ўқрайди. Анзиратнинг дами ичига тушиб кетди. «Ҳаёт экан-да. Мен шуни истабманми? Бу кўргулик бир менинг бошимга тушдимми?! Нима қилай, ахир. Ана, Бийди аммамнинг кичик келини... ўзи кўз сузиб юрибди-ку! Мен... болаларим бўлмаганда ҳам бошқа гап эди. Нима қилай?!»

У, отам ҳақ гапни айтди, эримга меҳр қўйишим керак, деб ўйлади.

Отаси кетгач, Нормат полвонга парвона бўлди. У уринмасин, ҳамма ишни ўзим қиламан, деб жонини жабборга берди, барибир, ҳафта ўтмаёқ ўша бир парча муз кўнглини совутди. Шу уни чарчатди, яна аввалгидай гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ яшай бошлади. Ахийри, гуноҳига иқрор бўлишга, бор гапни эрига айтишга азм қилди. Ҳатто бир кеча оғиз жуфтлади ҳам, бироқ буни эшитиб Нормат полвон не қўйга тушишини кўз олдига келтириб, унсиз бўлаб юборди. Полвон ўша нокасни ўлдириб қўйиши, ит тенги Мирзақулни деб қамалиб кетиши ҳам мумкин-ку!..

Анзират икки ўтнинг орасида қовурилиб юрган кунларнинг бирида Турсун гиж-гиж унинг бошига балони бошлаб келди...

Давоми журналнинг келгуси сониди.

— Янги гўшт совуқ қутида. Бу ану кунги сур гўшт, — деди Нозик кампир гуноҳини энгиллатадиган ваз топилганидан қувониб.

Даллолнинг кўзлари отилиб чиққудай бўлиб олайди:

— Сур гўшт энаннинг пулига келганими?

Нозик кампирнинг дами ичига тушиб, ер чизди.

— Ҳали қўлга тушар-ку! — Эшим даллол аксиргиси келди шекилли, осмонга қараганча кўзларини юмиб, димоғидан галатли товуш чиқарди. Кейин япасқи бурнини ишқа, гапда давом этди. — Тўртта оёғига тўртта мих қоқиб, еганини қусдириб олмасам, Эшим отимни бошқа қўяман!

Нозик кампирнинг вужуди бирдан сесканди ва қаршисида турган эрига худди қирқ бошли аждаҳога қарагандай қўрқинч билан тикилди. Гўё ҳозир ўлдириб қўядигандай мушугига раҳми келди.

Едгоранинг овози Нозик кампирнинг хаёлини бўлди:

— Онажон, бизга рухсат беринг энди, бориб тайёргарлигимизни кўрайлик. Чунки эрталаб жўнаймиз. Ун-ўн беш кундан кейин куёвингиз келиб хабар олади. Улуғбек сизларни қийинч қўйса, олиб кетар...

Нозик кампир, кўнглига тегиб қўйдиммикан деган ҳадик билан Едгорага ялинчоқ қаради.

— Боя, ёзгача туради, дегандин-ку, болам? Агар... — Нозик кампир эри кетган томонга қаҳр аралаш бир қараб олди, — анавини ўйлаётган бўлсанг, хавотирланмай қўяқол. Мен унга черткизмайман, кўнглинг тўқ бўлсин...

Онасининг овозидаги мунг Едгоранинг томоғини ғиппа бўғди. У Нозик кампирни қучоқлаб ўпди-да, кейин отасининг олдига борди.

Қизи билан куёви хайрлашаётган пайтда ҳам Эшим даллолнинг чиройи очилмади. Едгора: «Улуғбекни уч-тўрт кунга қолдириб кетяпмиз», дейиши билан қизининг юзига ялт этиб қаради. Шунда ҳам хурсанд бўлиб эмас, балки «Нега мендан сўрамадинг?» деган савол назари билан термилди.

Едгора тушунтириб ўтирмади. Хайрлашиб, дарвоза томон юрди. Орқасидан чопган Улуғбекни Нозик бувиси ушлаб, нимадир ваъда берди шекилли, «Қанақа?», деганича алаҳсиб қолди.

Едгоранинг юрагидан нимадир узилгандай, кўчага беҳол чиқди.

— Совутгичдаги гўшдан бир парча олиб кел! Иннайкейин, кир иладиган ипингниям келтир! — Даллол Нозик кампирга қовоқ уйганча шундай деди-да, ёнига Улуғбекни қақирди: — Сен эса Улуғбек, мана бу ерда қимирламай ўтир! Мен ҳозир зўр томоша кўрсатаман!

Нозик кампирнинг кўнгли ёмонликни сезиб ичидан зил кетди-ю, «томоша»нинг қанақа эканлигига ақли етмай, ичкарига кириб кетди.

Улуғбек буваси айтган жойга қўрқа-писа келиб чўнкайди. Даллол Нозик кампир олиб чиққан бир парча гўштининг ўртасин мих билан тешиди-да, ундан ип ўтказиб, қуртугун қилиб боғлади. Кейин ўша ипни мушук гўшт олиб қочган жойга осиб, бир учини устунга танғиди. Ип ечилиб кетмаслиги учун қайта-қайта тортиб кўрди. Маҳкамлигига ишонч ҳосил қилган, Нозик кампирга ишора қилди: «Йўқол кўзимдан, ичкарига даф бўл!»

Нозик кампир бир Улуғбекка, бир осилган гўштга қараган қўйи нари кетди.

Даллол ҳам узокроқдан томоша қилишни мўлжаллади шекилли, тандирхонадан сал наридаги шафтолининг соясига турган каттакон тол тўнкага ўтирди.

Улуғбек қанча вақт ўтирганини билмайди: ҳар қалай, анча вақт ўтган бўлса керак — бошидан ўтган иссиқ элитиб кўзи илинай дебди. Бир пайт мушукнинг овозидан ўзига келди. Қараса, бояги бароқ. Думини гажак қилганича «Хўш, чақма-чақар, айтиб нима қилолдинг?» дегандай унга қараб мириқиб керишяпти. Қорни унча очмаган шекилли, симга осиблиқ гўштга эринчоқлик билан қараб, «есаммикан, емасаммикан» дегандай тамшанди. Охири, «ейман» деган қарорга келди чоғи, атрофга бир қараб олди-да, гўшт томон юрди. Олдин ҳидлаб кўрди. Кейин...

Томоғи ҳиқ этиб ўзини орқага ташлади. Томоша бошлангач, Улуғбек: «Катта ота!» деганча мушук томон югурди.

Даллол ҳам жонҳолатда отилиб ўрнидан турди.

— Тегма! Узим жазосини бераман бу текинхўрни!

Мушук ипга боғланган гўштни шунчаки гўшт эмас, балки

жонига тузоқ эканлигини луқма томоғидан ўтгач тушунди. Лекин энди кеч эди. Бирортаси кўриб қолмасин деган ҳадик билан яхши чайнамай, икки-уч ямлаб ютилган гўшт бўғзига тикилиб, нафасини қиса бошлади. Мушук жонталвасада хириллаб, ишкомнинг сўрисига тирмашди. Лекин барибир нажат топмади. Томоғи баттар бўғилиб, кўзлари косасидан отилиб чиққудай олайди.

Улуғбек томошанинг бунчалик қўрқинчли бўлишини кутмаган эди. Шунинг учун юраги орқасига тортиб, «Катта ота!», деб бақириб юборди.

Улуғбекнинг овозини эшитиб, ичкаридан югуриб чиққан Нозик кампирнинг кўзи ўзини ҳар ёққа ураётган мушукка тушиб, жойида қотиб қолди. Сўнг оёқлари қалтираб, бутун вужуди бўшашди. Хаёлида, ҳозир мушук Улуғбекка сапчийдигандек, қўрқинч ичидан анграйиб турган Улуғбекни ичкарига судради!

— Тезроқ... тезроқ ичкарига юр, бўтам!

Ичкарига кириб эшикни ёпгунларича бувиси ҳаллослаб қолди.

— Илоё, қилигин билан қўшмозор бўлгур! — Бувиси ёнаси-га туфлаб, дераза ойнасидан ташқарига бўйлади. — Улдирмасдан қўймайди энди шўрликни яшашмагур!

Бу гапдан Улуғбекниг юраги орқасига тортиб кетди.

— Унда Эшим катта отамнинг боласи ҳечам бўлмайди-ю!.. Нозик катта онасининг кўзларига дувва ёш қалқди.

У бувисини хафа қилиб қўйганини сезиб бирдан хижолат бўлди.

— Рост гапиряпман катта она, буни ўзим тўқиганим йўқ, — у бувисига гапларининг чинлигини исботлаш учун қуйиб-пишиб тушунтира бошлади: — Буни Олма катта онам айтган! Мушукни ўлдирса ёмон бўлар экан. Чунки у: «Эгамнинг болалари кўпайсин, улар мени эркалаб, нонларидан беришсин!» деб алқар экан. Шунинг учун ҳам кимда ким мушукни ўлдирса, ўшанинг боласи бўлмас экан. Олма катта онам ҳаммасини биларди. Қўшниларимизнинг ўғли Дилшод ака бор-ку, ўша бир куни клубнинг томидаги каптарлардан тутиб келиб еганида оғзи қийшайиб қолган. Ушанда Олма катта онам ҳаммасини айтиб берган: «Кучукни ўлдирса бўлмайди — кучук одамнинг дўсти», деган. Мусичани, қалдирғочни, булбулни, эҳ-ҳа роса кўп қушларни айтган, «Ҳеч қайсинисини еб бўлмайди», деган.

Мушукнинг жон аччиғида вағиллаши Улуғбекнинг гапини бўлди.

Нозик кампир: «Вой, худойим!», деганича дераза ойнасидан қаради. Улуғбек ҳам чидаб туролмади, қўрқаётган бўлишига қарамай секин мўралади.

Буваси мушукни ушлаб олиб, бўйнидан бўғаётган экан. Бароқ унинг қўлидан қутилиш учун оёқларини ҳар томонга силкири, оғзидан ғалати овоз чиқариб хирилларди.

Бароқнинг тирноқлари бувасининг қўлини тилди шекилли, биллагидан пастроғи қонай бошлади. Бундан бувасининг жаҳли чиқиб, унинг оёқларини жуфтлаб тиззаси билан ерга босди. Панжалари билан қаттиқроқ сиқди.

Нозик кампир жонҳолатда ўгирилиб, қафтлари билан Улуғбекнинг кўзларини тўсди.

— Қарама-ей-й!

Бувсининг узун-узун ориқ бармоқлари қалт-қалт титрарди.

— Катта онажон, уйга кетаман! Олма катта онамга... йўқ, мен ҳам чўлга кетаман, Эшим катта отам ёмон!.. Эшим катта отам ёмон экан!..

* * *

Улуғбек келганидан хабар топган қўшни болалар дарвоза олдида уймалаша бошлашди. Болалар олдин жўрттага бир-бирини қақирган бўлишди. Кейин кимдир уч марта ҳуштак чалди.

Ҳовлида Нозик бувсининг қуви пишишини томоша қилиб ўтирган Улуғбек дарвоза томонга қараб қўйди-ю, лекин ҳеч қанақа жавоб қайтармади.

Шундан кейин дарвозанинг бир табақаси ўз-ўзидан қия очилди-да, кичкинагина қизчанинг жамалак сочлари кўринди.

— Эй бола!

«Жамалак» қандай тез кўринган бўлса, шундай тез яширинди. Бир лаҳза ўтмасдан эса болаларнинг: «Улуғбек, Улуғбек!» деган жўр овози кела бошлади.

Бувиси унинг отини айтиб қақиршгандан кейингина болаларни пайқайди.

— Борақол, — деди у Улуғбекнинг елкасига уриб, — сени қақришяпти, яхши болалалар!

Улуғбек «Э-э!», деб ўзини бувисининг панасига олди. Рост-да, чиқиб нима дейди? Мана, мен келдим, дейдими? Хуштак чалишларидан маълум ўзи, уни ўртага олиб махсара қилишмоқчи... Кишлоқларидаги Нормўмин ҳам доим шунақа қилади. Бирортасиникига меҳмон бола келса бўлди, «Уйнаймиз» деб ёлғондан қақиртириб чиқади-да, кейин ўртага олиб, роса дождиратади.

— Эй!.. — Бояги қизчанинг боши яна кўринди.

— Шаҳноза, сенмисан, чироғим! — Бувиси куви пишишдан тўхтаб, дарвоза томонга қаради. — Узларинг кела қолинглар. Акаларингням қақир, мирзо йигит уяляпти.

Дарвозадан олдин қизча кирди. Ундан кейин елкаларига ғалати қуроқ халтача осган иккита новча, битта паканароқ, лекин семизгина бола кўринди. Уларнинг ҳовлига киришини кўриб Улуғбекнинг кулгиси қистади: «Вой, товба, худди боққа ўғрилиққа тушишаётгандай аланглаб, қўрқа-писа киришяп-я!»

Новча болаларнинг сариғининг исми Рустам экан. Уям Улуғбекка ўхшаб, биринчи синфни битирибди. Иккинчиси — Эркин, учинчига ўтибди. Пакана бола — Шокир эса ҳаммаларидан катта эмиш.

Шаҳноза Шокирнинг синглизиси экан. Бувиси: «Нега тўрва кўтариб юрибсизлар?» деб сўраган эди Шокир: «Яшил дорихона операцияси бошланди. Биз, дорихоналар учун шифобахш гиёҳ йиғиб берамиз. Улар билан касалларни даволашаркан. Уқитувчимизи Ҳалима опа айтди», деди.

Улуғбекни ҳам шунга қақришган экан. Буни эшитиб, бувиси олдин унчалик рўйхуш бермади. «Улуғбек ҳали қишлоқни яхши билмайди, адашиб-падашиб қолиши мумкин. Яна бир-икки ҳафта ўтсин, ундан кейин сизларга қўшилар», деб баҳона қилаётган эди, Улуғбек «Катта онажон, адашмайман. Бизнинг мактабдагилар дўлона териш учун ҳатто тоққа чиқишган, мен ҳам бирга борганман», дегандан кейин ноилоҳ қолди.

Дўлона кесиб келиш учун юқори синф йигитларининг тоққа чиқишганлари рост-у, лекин унинг бирга боргани ёлғон. Аслида, ўнинчи «А», «Б», «В», «Г» синфларнинг йигитлари тил бириктиришиб тоққа чиқиб кетишган эди ва уларнинг ҳаммаси бурунлари ерга теккудек бўлиб бир кўтаримдан дўлона оқалаб келишган, кейин ўтинларини гузар майдонига тўплаб гулхан ёқишган, гулхан чўғига эса картошка кўмиб пиширишган, душанба куни бутун мактаб ўқувчилари дарс пайтида ҳам, танафус чоғларида ҳам картошка кавшаш билан овора бўлишган эди.

Бувисини энди кўндириб бўлишган чоғда қаерданам буваси келиб қолдию ишнинг пачаваси чиқди.

Улуғбек олдин нима гаплигига унча тушунолмади: болалар худди милтиқдан отилган ўқдай, бир лаҳзада ғойиб бўлишди.

Фақат Шаҳноза чорпоядан тушолмай қолди. Қалтираганича, пиллапояга оёқ узатаётган Шаҳнозани бувиси секин тушириб қўйди-да: «Қўрқмай кетавер, чироғим, сенга ҳеч нарса қилмайди», деди.

Улуғбекнинг роса кулгиси қистади.

Вой тавба, катта отасидан болалар худди Саттор амакидан қўрққандай қўрқишаркан. Саттор амакидан нимага қўрқишлари-ку маълум — бурундан сал сув оқсаям, томоқ сал шамолласаям Саттор амакининг дарров қўли қичийди: нинанинг энг каттасидан олиб, типирчилашингга ҳам қарамасдан ғарч қўлизиб санчади. Кетидан: «Айтдим, бугун нега қўлим қичиди деб, шунга экан-да», деб қафтларини ишқалаганча қулиб қўяди. Шунақа пайтда Саттор амакини росаям ёмон кўриб кетишади. Рост-да. Бировнинг жони оғриб турганда қулиш яхшими? Шунинг учун ҳам Саттор амакинига болаларнинг ҳеч қайсиси оёқ босмайди. Бўлмаса, Саттор амакининг ўғли Асрор жўралари. Барибир боришмайди. Асрор ҳар доим: «Бизларникигаям юринглар, дадамга ўзим айтаман, укол қилмайди», деб қанча ялинади. Лекин ҳеч ким юрак ютиб боролмайди.

Катта отасидан болалар нега бунчалик қўрқишди экан-а? Еки катта отаси ҳам олдин дўхтига бўлганмикан?

Улуғбек ҳали ўйини охирига етказгани йўқ эдики, буваси лапанглаб келиб, ниманидир сезгандай барра пиёз ғарамини обдан титкилади. Қўлига ҳеч нарса илинмагач, тупроқ юқи бармоқларини ўнгирига артиб, бувисининг тепасига келди. Бувиси индамай, кувисини пишираверди.

— Бу қанақа меҳмондорчилик? — Катта отаси оғзини каппа-каппа очиб ҳансиради.

— Болалар келишувди... Улуғбекнинг олдига... — Бувиси секингина шундай дедию ранги оқариб, қовоқлари уюлди.

Буваси энди Улуғбек томон ўғирилди. Улуғбек бувасининг кўзларидан кўриб кетди: «Вуй, жаҳли чиқса қурбақага ўхшаркан!» У шоша-пиша нигоҳини олиб қочди.

— Бу қанақа жўрабозлик, мирзо Улуғбек?!

— Бола бор жойга бола келади-да, қузёқ экансиз, — деди бувиси Улуғбекдан садо чиқавермагач. — Иннайкейин, беганамас, ўзимизнинг Султон билан Норпўлатнинг болалари. Ҳалима маллилари ўт теришга олиб бораётган экан. Шунга, зерикиб ўтирмасин деб, Улуғбекниям қақриб чиқишбди.

— Э, ҳо-о-о! — Бувисининг кўзлари бадтар қақчайиб, бошини сарак-сарак қилди. — Қанча ўт бўлса ўзимизнинг ҳў-кизлардан ормайди! Ана, очликдан бўкириб ётишибди!

— Унақа ўтмас, доривор гиёҳ йиғишаркан. — Бувиси тушунтириш учун куви пишишдан тўхтади. — Кейин дириктир уни дорихонага топшираркан.

— Қаёққа топширишини биламан дириктирингни, хўпми? Унақа чўпчакни боласига айтсин. Мактабни соғиб егани етмагандай энди болаларнинг кучидан ҳам фойдаланар эканми?! Майли, бир ҳисоблашиб кўямиз.

Бувисининг жаҳли чиқди шекилли, пешонаси бадтар тиришиб, лаблари уча бошлади.

Улуғбек кўриб кетди. Буваси билан бувиси ҳозир уришиб кетишса-я? Вой, бувиси йиғлаётими? Ҳа, нурсиз кўзларида нимадир ялт этиб, кейин ажинлари орасига сингиб кетди. — Катта онажон!..

Бувиси энги катта юз-кўзларини шошиб артди-да, маънос кулимсиради. Кейин нариги томон ўғирилди.

— Ҳеч бўлмаса қариганда тавба қилинг, — деди секингина ва куви четидаги ёғни сидириб ола бошлади. — Шунча гуноҳга ботганингиз ҳам етар ёки Турдиқулники каммиди?!

Бувисининг кўзларида ўт қақнагандай бўлди.

— Ҳа... ҳали қўйнимизда илон асраб келаётган эканмиз-а?! Буни қара-я! Турдиқул дириктирга нега жонинг ачиётганини билсак бўладими?! — Буваси азбаройи тутоқиб кетганидан эгиндаги чопонини ечиб, ҳовлининг ўртасига улоқтирди. Чопон ўзини офтобга тоблаб ётган олапарнинг устига гуп этиб тушди. Ороми бузилган Олапар ўрнидан сапчиб турди-да, вангиллаганча тандирхона томон отилди ва буваси ҳозиргина ўчоқ бошига қўйган идишга забт билан урилди: зиғир ёғ тўлатилган идиш думалаб кетди.

Ер билан битта бўлган ёғни кўриб, бувисининг ранги қув ўчди.

Буваси шаҳд билан уйга кирди ва Улуғбек унинг нима қилмоқчи бўлаётганини ўйлаб улгурмай, қўлида қўшотар милтиқ кўтариб чиқди.

— Падарлаънат!

Буваси шундай дедию аввал Нозик кампирга, кейин Улуғбекка бир қаради-да, ҳансираб кўчага отилди.

— Улуғбекжон, чироғим, бери кел, болам!.. — Бувисининг кўзларига жиқ ёш тўлиб, ияклари титради.

Милтиқни кўриб кўриб кетган Улуғбек бувисининг пинжига кирди. Кўз ўнгига олапарнинг қонга беланган танаси гавдаланиб, унинг ҳам оёқ-қўллари титрай бошлади...

* * *

— Тўйдим, ёмонлигимни қўйдим-ов!

Эшим даллол кекирганича ёғли қўлларини қуроқ дастурхоннинг бир четига артди. Сўнг, пахта тикилган қанордай бесўнақай гавдасини лўла болишга ташлаб, Қиём оқсоқол томон ёнбошлади. Боя, уйга кирганида қорни очлиги учун ўтирганларга тузукроқ қарамаган эди, оқсоқол узатган чойдан хўпларкан, чордона қуриб ош еяётганларга энди синчиклаб назар солди: тенг ярни нотаниш, кийим-бошларидан, ҳар-ҳар замонда чўкилабгина ош ейишларидан каттақонларга ўхшайди.

У қўшни қишлоқдаги улуғларнинг ҳаммасини танирди. Лекин булар қўшни қишлоқлик каттақонларга ўхшамасди. Ё районники, ё областники, худо билади, балки пойтахтдан қақиртиришгандир. Бу қизиталоқ Абдулла отасидан ҳам уста чиқди. Бўлмаса, бунақа иш унча-мунчанинг калласига келмайди. Отасининг ўлими баҳона обрў олмақчи бўлган, қуш уясида кўрганини қилади, дегани шу-да! Бўлмаса, иш қизғин кунда

шунча узоқ жойга ташир буюриш уларга зарур келибдими? Қахрамон бўлса нима? Ҳозир нима кўп — қахрамон кўп! Вой, падари қусурнинг пухталигини, таъзияга ким айтилса, иложсиз келишини ҳисобга олган. Рост-да, ўлим тўймидики, ҳар хил баҳона қилиб узр сўралса! Айтилдими тамом, бориш керак. Бу бир нарсани билмаса чақиртирмайди. Эҳтимол, қахрамонларнинг гўрига ҳайкал қўйилади, деган гапни бировдан эшитиб, айттиргандир. Ё бўлмаса, бу гапни отасининг ўзи пишиқлаган: «Мен ўлсам, кўмишга ўша ёқдаги каттаконлардан чақиртир. Раис билан дўм¹ буванг уларга яхши кўриниш учун ҳайкалга кетадиган харажатларни ўзимиз кўтарамиз, деб ҳиммат кўрсатишмоқчи бўлишди. Бошқа билан сенинг ишинг бўлмасин. Сенга ишнинг битиши ҳисоб» деган. Чунки тулкиликда Ҳаким писмиққа тенг келадиган одам йўқ эди ўзи қишлоқда. Шунинг учун ҳам қахрамон бўлиб олди. Бўлмаса, унга ўхшаб трактор ҳайдаганлар йўқмиди колхозда!

Иккинчи бири тракторчи-ю, худонинг қудрати билан, бу баччағар омадининг ҳам кўзи кўрми нима бало — топиб олгани шу Ҳаким писмиқ бўлди. Ҳали унақа орден олади, ҳали бунақа. Тўйдаям тўр шуники, аздаям. Ёлчитиб ишлаганини кимдир кўрган бўлса, айтсин агар! Далага эл қатори бориб, эл қатори қайтарди. Лекин обрўйига нарвон етмасди. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда кўйруқ на қилур», деб бекорга айтишмаган. Бўлмаса, орденларни бунчалик қаторлаштириб ташламасди-ёв! Иннайкейин, раисга Ҳаким писмиққа ўхшаган оғзи маҳкамлар керак: тую кўрдигми, йўқ! Юқорига ёзган хатларини «Тасдиқланмади», деб читтак қилиб юборган ҳам шу раис бўлди-да!

— Қани, раис бова, ошга бир омин қилинг! — Пойгакда ўтирган Салим кўсанинг гапидан Эшим даллолнинг энсаси қотди: «Кўса, сенга ким қўйибди гапиришни. Обрўйингни билиб ўтиравергин. Раис бўлса ўзига! Шунча ёши улуглар турганда, қирқ ёшдаги одам фотиҳа ўқирмиди!»

У кўнглидан кечган ана шу фикрни кўса яхшилаб уқиб олиши учун унинг кўзларига қаттиқ тикилганича, оғир гавдасини унглаб, чордона кўрди.

Кўса бунга жавобан беписанд хўмрайди. Кейин туксиз, сип-силлиқ иягини қашлаб, яна раисга мулозимат қилди.

Эшим даллол бу сафар чидаб туролмади. Қиём ошнаси томон энгашиб: «Бу кунингдан улганинг яхши, мол!», деди пичирлаб.

Даврадагилар Эшим даллолнинг бу гапни эшитишган бўлишса ҳам, икки ошнанинг суҳбати орасидаги луқма деб эътибор беришмади. Қиём оқсоқол саллали бошини ирғаб, даллолнинг гапни маъқуллади.

— Йўғ-э, раҳмат! — Раис кўлини кўксига қўйиб, ёнидагиларга ишора қилди: — Мана, биздан катталар ўтиришибди. Қолаверса, меҳмонлар бор. Меҳмон отангдан улуг, дейишган.

Раиснинг «Мана, биздан катталар ўтиришибди» деган гапидан кейин Эшим даллолнинг тани бирдан яйради ва хаёлида ҳамма у томон ўгирилгандай, қисик кўзларини ерга қадади.

Меҳмонлар ҳам фотиҳани ёши ўзларидан улугроқларга бахшида этишди. Раис Қиём оқсоқолга манзират қилди:

— Қани, Қиём бова, ўзингиз бир омин қилинг энди. Бу ерда сиздан улуги йўққа ўхшайди.

Раис шундай дейиши билан фотиҳа қилишга тамоман тайёрланиб ўтирган Эшим даллолнинг уни ичида қолди, фақат раиснинг гапига қўшимча қилди, холос:

— Шундай, шундай, Қиёмдан улуги йўқ!

Унинг гапиди бир сиқми тузни Қиём оқсоқолдан бошқа одам сезмади: ўзидан бир ёш кичиклигини сездириш учун атай «Қиёмдан» кейин ҳеч нарса қўшмади. Бошқа пайт ҳар доим ё «Қиём оқсоқол», ё «Қиём ошна» дерди. Қиём оқсоқолнинг шоша-пиша фотиҳага қўл очиши Эшим даллолнинг қонини қайнатиб юборди: вой паст-эй, кун кўрмаган кун-кўрса, кундузи чироқ ёқармиш. Бир оғиз манзират қилишга ҳам ярамади. Бўлмаса, худонинг берган кунни носни баҳона қилиб уникадан чиқмайди... «Пулинга мита тушгур, энди захарни чекасан!»

Меҳмонлар туришди. Уларнинг ҳурмати учун бошқалар ҳам бирин-кетин кўзғалишди. Даллолнинг оёқ учида ўтирган Улуғбек ярим кўзғалганча бувасига қаради. Даллол «турма»

дегандай қоқоқ солиши билан яна секин жойига ўтирди.

Қиём оқсоқол ошнасини туртиб: «Қузатмаймизми?» деган эди, даллол шундай тикилдими, кўзларидаги нафратнинг зўридан оқсоқол ўзини кўярга жой тополмасдан: «Ҳа, ҳа», деганича оқсоқолга қарамай меҳмонларга эргашди.

Ҳовлида ҳўшлашаётган овозлар пасайгунча даллол дастур-хондаги қанд-қурслардан бир белбоғ қилиб тугиб олди-да, Улуғбекка узатди:

— Хуржинга сол-да, эшакни қозигидан бўшатиб тур! — Кейин оғир гавдасини кўтарганича базўр туриб олдию эшикка юзланди.

Ҳовлида ўн чоғлик одам уймалашиб турарди. Унинг ўша томонга юрганини кўриб, Абдулла нимадир деди шекилли, ҳаммаси бирин-кетин ҳар томонга тарқалишди. Эшим даллол Абдулланинг ҳўшламаётганлигини сезиб, атайдан унинг ортидан юрди. «Сўтак! Ҳолингга маймунлар йиғласин! Қахрамон отанинг кетидан қариллаш қанақалигини энди кўрамиз! Ҳеч бўлмаганда, «Бригадирман!» деб ҳаммага приказ қилишни ташларсан. Эсизгина, тунов кун «Эшим тоға, шу колхозда яшаганингиздан кейин иссиғиям-совуғиям аралашинг-да: Сиз қаториларнинг ҳаммаси ажирик теришга ёрдам берапти!» деса, қўрқанидан чиқиб ўтирибди. Эндяман ёрдам сўрасан!»

Абдулла Эшим даллолнинг келаётганини сезди шекилли, ўчоқ бошига етганда истар-истамас тўхтади. Унинг бу илтифотсизлигидан даллолнинг иссиқдан кўпчиган қорача юзларига қон тепди. Асабини босиб олиш учун липпасига қистириғлик носкадасидан бир кафт нос олиб отди.

— Мулла Абдулла! — Даллол пишилаганича Абдулланинг қони қочган юзларига, киртайиб қолган маънос кўзларига тикиларкан, ичидаги ғалаёни сездирмади. — Ота-она қазоси ҳам қарз, ҳам фарз, улим. Туркингга бир қара, икки кунда суробинг тўғри бўп қопти-ю! Бу туришда ўзингни афгор қилиб қўясан!

Абдулланинг боши янада қуйроқ эгилди. Айни лаҳзаларда эса сини суймаган одамнинг гапларини, бунинг устига ёлгон манзиратини эшитиб ўтирмай, шартта туриб кетиш мавриди эмаслигини ўйлаб, ижирғанди.

Даллол Абдулланинг бошидаги қалампир гулли, яп-янг дўпписига, оҳори кетмаган беқасам чопонига, сиқиб боғланг атлас белбоғига истеҳзо билан тикиларкан, боядан бермиясини пармалаётган фикрини аниқлаш учун унинг қўйнига қўл солди:

— Айтгандай, мулла Абдулла, ўзинг биласан, худо раҳматлик отанг унча-мунча одаммасди. Районимизда ўнта қахрамон бўлса... — Даллол гапни шу ерга етказиб, атайлаб оғзидида носни фарғара қилиб туфлади. Абдулла ирганди шекилли, ниманидир баҳона қилиб юзини тескари ўгирди. Даллол носни кўмиш учун қалиши билан тупроқ ишираётган ерида буни кўриб тўхтади. Атайдан, очик қолдирди. «Тупурдим, ўша писмиқ отангга, хўпми?» Хаёлан шундай деди-да, ҳузур қилиб керишиб, сўнг гапида давом этди: — ўшаларнинг олди эди. Энди, ғам билан бўлиб сенинг эсингга келмагандир, лекин аслини олганда, бу энг биринчи галдаги зарил иш. Кўплашиб шуни қилсақ дегандим...

Абдулла Эшим даллолнинг муддаосига тушунмагани учун савол назари билан миқ этмай тураверди.

— Балки бошқалар ҳам айтишгандир-у, лекин кўрдинг, бугунги ўтиришда ҳеч ким шу ҳақда миқ этиб оғиз очмади. Ҳолбуки, раис ўтирувди, дўм ўтирувди — гапириш ўшаларнинг вазифаси эди, ўзинг биласан, бояги каттаконларнинг бир оғзи сўзи — сўз! «Фалон нарса қилинсин!» деса, тамом. Айтгандай, уларни унчалик танимадим. Узимизнинг катталардан эмас, шекилли?

Абдулла Эшим даллолнинг ишорасига ҳалиям тушунмагани учун «гапни чўзмай, муддаоингизни гапиринг» деб юборишдан ўзини базўр тийиб турган эди, «Узимизнинг катталардан эмас, шекилли» деганидан кейин даллол нима учун бунчалик ич-этини еяётганини тушунди.

Эшим даллол Абдулланинг кўзида ёнган нафратли ўтни аниқ кўрди. Лекин хафа бўлмади, қайтага қувонди. Тани оғир юкдан халос бўлгандай яйради: «Ҳали бу кўзларинг кўп ёнади!» У соқолига сачраган нос юқларини чопонининг ўнгири билан артгач, гапида давом этди:

— Ҳакимга ҳайкал қўйиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, мулла Абдулла!

Эшим даллолнинг гапни эшитиб Абдулланинг томоғига

¹ Қишлоқ советининг раисини айтмоқчи.

қаттиқ бир нарса қадалди. «Тавба, одам ҳам шунчалик туллак бўладими? «Қахрамонликни пулга сотиб олган», деб ёзган думалоқ хатларини ўқимаган бўлсам ҳам майли эди. Умрига зомин бўлган ҳам ўзи-ю! Энди бўлса...» Абдулла зарда билан ўгирилди-ю, лекин кўнглидаги гапларини сиртига чиқаролмади, кўп нарсаларни ўйлади. Бутун вужуди сирқираб базўр:

— Раҳмат, шуғулланишяпти, — деди, холос.

Даллолнинг юраги зил кетса ҳам, семизликдан ёғи ялтираб турган чорпахил юзини силаб, кулимсиради. «Шуғулланишяпти эмас, шуғулланиб қўйганмиз дегин, тулки!»

— Бу бошқа гап, балли, асил ота ўғил шундай бўлади!

Даллол Абдулланнинг шаънига қайта-қайта ҳамду санолар ўқиб дарвоза томон йўналди.

Улуғбек эшакни қозигидан бўшатиб, бувасини кутиб турарди. Даллол дарвоза олдида қолган Абдуллага яна бир бор, «Хуш қол», деди-да, узангига оёғини қўйди. Улуғбек эшак жоловини бувасига тутқазиб, орқасига мингашди.

Катта йўлга чиқиб олишлари билан даллол юзини ярим ўқиб, Улуғбекка гап қотди:

— Мулла Улуғбек, ана энди кўрамиз Абдулла сўтакнинг аҳволини! Дунёни бузгудай бўлиб қарилларди. Эндям бир қариллаб кўрсин, баттол! Ҳаммаси Ҳаким писмиқнинг кетидан эди!

Даллол худди яқин ошнаси билан гаплашаётгандай пиқирлаб кулди.

Тавба, бувасининг одати ғалати экан. Одамларнинг олдида ўзларини роса мактардан-да, орқасидан ёмонларкан. Мана, ҳозир ҳам шунақа қиляпти. Бўлмаса, Абдулла аканикида ўтириб қанча меҳрибончиликлар қилган эди. Ҳатто «Эх, бевафо дунё, шундай жўрам оламдан ўтди-кетди-я!» деб кўзига ёш ҳам олди. Орқасидан эса сўкиб ўтирибди. Бу гапларни Олма буваси эшитганда, роса уришиб берарди. Чунки буваси икки гапининг бирида дадасига: «Бировнинг кетидан ёмонлама, бошинга қилич келсаям иккиозламачи бўлма!» деб таъкидлагани таъкидлаган эди. Буваси эса кап-катта бўлсаям, орқадан гапираркан...

— Душманнинг сиртида эмас, ичида бўлиш керак, мулла Улуғбек! — Буваси худди унинг фикрини уққандай орқасига ўгирилди. — Бу дунёнинг палсапаси шу!

Улуғбек қанча ўйламасин у айтган «палсапа»нинг маънисига шунмади. Рост-да, қанақа қилиб душманнинг ичида бўлиш мумкин? У уймидики, ичига кириб олса! Иннайкейин, Абдулла ака нега энди душман бўларкан? Душман — бу Гитлер! У уруш қилган. Қўтлуғмуроднинг, Назаржоннинг, Хонимойларнинг буваларини ўлдирган. Бувасининг ўзи ёмон. Бароқ билан Олапарни қандай қийнаб ўлдирди? Эшакни-чи, эшакни?! Ҳар қуни тепади. Эх, қишлоқларининг йўлини билса, қочиб кетарди-я. Лекин Нозик бувасига қийин бўлади. У кетса, бир ўзи қолади. Иннайкейин, йиғлайди. Чунки ҳар доим: «Сен келиб уйим шодликка тўлди», дейди. Аягониси билан дадажониси тезроқ келишса эди...

Куртак ёза бошлаган ишқом тагидаги чорпояда, лўла болишга ёнбошлаб чой ичаётган Эшим даллол уйлари томон лўкиллаб келаётган Қиём ошнасини узоқдан кўриб, ўрнидан кўзгалди. Ҳозиргина пиёлага қуйган қайноқ чойни чорпоя тагига селиб, дастурхонни ёпди. Даллолнинг оғир гавдасидан чорпоянинг эски тахталари ғирчиллаб, ингранди. «Нокас, латга!» Темир чорпоядан базўр тушиб олган даллол товоңларини титилиб кетган ўн иккинчи қалишига қирқ ямоқ маҳсисини тиқиб оғилхона томон юрди. «Чилим чеккинг келиб қолдими? Ё, носинг тугадими? Жума бўлди — носинг тугарди. Бугун қайси кун ўзи? Кеча пайшанба эди. Ҳақиқатдан ҳам, жума! Чекасан! Эшагимнинг тезагини чекасан энди!»

Уша кунги воқеа даллолнинг юрагига худди ўргимчак канадай ёпишиб олган, эсларини сари баттар зардасини қайнатарди. «Бир оғиз ҳам манзират қилмади-я, аблаҳ! Дунё топан қалдай ўзини йўқотгани-чи?»

Даллол ошнасининг овозини эшитса ҳам эшитмаганга олди. Ҳозиргина охурига ем солинган эшагини қозигидан бўшатди. Эрталабдан бери даладан тўрт-беш қанор ҳўл ажириқ ташиб, тўши яғир бўлган ҳанги юқдан ҳам кўра, эгасининг оғирлигидан задаланиб ҳангради. Шусиз ҳам аламини кимдан олишини билмай турган даллолга баҳона топилди: учига тўмтоқ мих

қоқилган, узун халачўп билан худди Қиём ошнасини ураётгандай ғазоби жўшиб эшакни савалай бошлади.

— Иззатини билмаган, ҳайвон! Текинга ем ейишни биласан-а? Сигир сийловни билмайди, ит иззатни билмайди, дегани мана шу-да!

— Ҳай, ҳай! Эшакни ўлдириб қўясан-ку, ошна!

Олдига югуриб келган Қиём оқсоқолнинг чувак юзидаги ғалати ачинишни кўриб даллол ҳузурланди. «Буям сенга ўхшаган эшак, қўявер, ҳаққини оляпти.»

— Вой-вуй, териси кўпчиб кетибди-ю, шўрлик жониворнинг гуноҳи нима?!

— Гуноҳими? — Эшим даллол тер қоплаган пешонасини чопонининг ўнгири билан артиб, чечак изи қолган япасқи бурнини ошнаси томон буриб, қоқди. — Гуноҳи — гуноҳсизлигида! Гуноҳсизлиги учун ҳам худойим уни эшак қилиб яратган. Чунки ким нима деса ўшани қилади, ўзи ўйлаб, мулоҳаза юритиб ўтирмайди!

Қиём оқсоқол ошнасининг гапларига унчалик тушунмади. Тўғриси, тушунишга ҳаракат ҳам қилмади. Ҳаёли чорпоядаги носда эди. Даллол шошганидан носкадасини лўла болишнинг шундоқ устида қолдирган эди.

Қиём оқсоқолнинг лаблари ташаниб, оғзи сув очди. Ошнаси эса ҳали-береси эшакни савалашдан тўхтамайди. Гап ҳам бефойда. У секингина чорпоя томон юрди. Кўз қири билан Қиём оқсоқолни кузатиб турган даллол шартта эшақдан тушди-да, халачўпини ҳам ташламай, унинг орқасидан эргашди. Қиём оқсоқол қалишини ечиб, ивирсиланиб чорпояга чиққунича ён томондан келиб носкадасини кўрпачанинг тагига тикди.

Лўлаболишини биқинига тортиб баҳузур ястаниб олган Қиём оқсоқол энди мириқиб нос чекиш умидида носкадасининг ўрнини пайпаслади: йўқ. Лўла болишнинг тагини кўрди. Ё, қудратингдан! Ҳозиргина шу ерда эди. Ё Улуғбек яширдими-кан? Улуғбек йўқ эди-ю... У чорпоядаги нарсаларнинг ҳаммасини бирма-бир назардан ўтказди ва чорпоянинг кунгурасига тирсақларини тираганича тиржайиб турган ошнасига кўзи тушиб, ҳар доимги қилигини қилиб яширганини сезд.

— Во-о, қудратидан қачон улгура қолдинг?! Мен бўлсам, тавба, ҳозиргина кўрувдим-ку, Улуғбек яширдимикин, ё жинпин олдим деб уёқни қарайман, буёқни қарайман...

— Ҳали кўп қарайсан!

Даллол ошнасининг гапини чўрт кесиб, икки лўланинг орасидаги ранги униқиб кетган сатин белбоғини сўғуриб олди-да, белига боғлаб, яна оғил томон юрди.

Носдан айрилганига кўзи етган Қиём оқсоқол бирпас ҳангманг бўлиб турди. Кейин одатдаги усулини қўлламаसा бўлмаслигига кўзи етди. Даллол энди унча-мунчага эрмайди. Эритиш учун даллолни энди обдан макташи керак. Мақтов ҳам шунчаки гаплардан иборат бўлса ўтмайди. Узоқдан бошлаш лозим! Яъни, даллолнинг алп келблати, азамат ёшлигидан. Шунда даллолнинг семизликдан қисилиб, бор-йўқлиги билинмай қолган бит кўзлари аста-секин йирилади-да, ичинда нимадир яллиғлана бошлади. Бу — ишнинг Қиём оқсоқол фойдасига ҳал бўлаётгани. Шундан кейин бўшаштирмаслик керак. Овозида сал ишончсизлик сезилсаям тамом, даллол тўнини тескари кийиб олади. Кейин ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келади. Қиём оқсоқолни қийнайдиган жойи — уруш йиллари. Гап шу ерга келганда озорқ чайналади. Чунки қишлоқдаги каттаю кичик эркакнинг ҳаммаси урушга кетганда, у қанақа қилиб қишлоқда қолган, ана шу ёғи қоронғи. Лекин ҳамма орқаворатдан ҳар хил таҳмин қилади; бир хиллари: «Отаси катта пул билан (отаси Нормамат колхоз чорбоғида қоровул эди) олиб қолган», деса, базиллар «Урушдан қочиб келган», дейишади. Узининг айтишича, йўлда кетаётиб уларнинг машинаси авария бўлган. Қайси бири тўғрилиги ёлғиз худога аён. Ҳар қалай, қочган бўлмаса керак. Қочса, кейин бўлса ҳам ушлаб қамашарди. Ишқилиб, соппа-соғ урушга кетган одам икки-уч ойда оқсаб қайтиб келган. Уша йиллар ҳақида гап кетадиган бўлса, Адолат кампири: «Уша қолсин ўша Эшим гуппингиз, фронт орқасида нима хизмат қилган экан? Қилган хизмати колхозда ҳисобчи бўлиб олиб, ҳамманинг ҳақини ўмарди. Иш ҳақимизнинг саксон фоизини урушга берган бўлсак, қолгани Эшим гуппининг томоғидан ўтган. Замон нотинч эди-да, бўлмаса, ўша қилмишлари учун оғзидан отишарди. Текшир-текшир бошланганда «қишлоқда санокли эркак қолган, деб бригадир тоғаси бошқа ишга ўтказиб қўя

қолди. Бахтимизга яхшиям сабзи билан шолғом бор экан. «Тишимиз кўкка теккунча жонимизга шу ора кирарди», деб бурнини жийиради.

Қиём оқсоқол оққўнғил бўлгани учун ҳам ким нима деса ишонади. Эшим ошнаснинг гапига ҳам. Рост-да, фалокат оёқ остида дейишган. Авария бўлса бўлгандир. Бунақа воқеалар камми? Хотини ҳам гапираверади. Аёл зотиға бир гап тегмасин, нинадай бўлса туядай қилади. Айниқса, Адолатга ўхшаган тилли-жағлиси.

Қиём оқсоқол эски усулини ҳазил билан бошлади:

— Эшим жўра, сўқим кирмасин, носингдан бир кафтгина ташла энди!

— Бир кафтгинаси неччи пуллигини биласанми ўзи? — Эшим даллол ўша кунги аламини олиш учун жиқиллашишга баҳона топилганидан суюниб кетиб, зиппа орқасига қайтди. — Ана, Қудрат эшон сотаяпти. Ол! Пулингга мита тушгани йўқ!

— Юз сўм бўлсаям бир кафт бер, тўларман.

— Олдингиларини тўласанг ҳам миллионер бўп кетаман!

— Узинг биласан, Қудрат нос тайёрлашни энди ўрганди. Сеники эса ҳақиқий ишлов берилгани!

Узим кал, кўнглим нозик, деган экан биттаси. Узингда йўғ-у, танлаб чекканингда ўлайми? Сенам тайёрла! Биров қўлингдан ушлаётгани йўғ-у!

— Шундай-ку, лекин бу қурғургаям уқув керак-да! Менда бунақа нарсаларга уқув йўқлигини ўзинг биласан.

— Ана шу уқувсизлигинг ва фаросатсизлигингча ўлиб кетасан, билдингми?

Эшим даллолнинг пешонасидаги тиришлари ёзилиб, энди чорпоёга чиқмоқчи бўлиб интилаётган эди, Нозик кампир ишининг белига тепди.

— Нурмамат! — Бош болаларининг оти Нурмамат эди. Нурмамат болалигида ўлиб кетган бўлса ҳам ҳалигача эрини ўшанинг номи билан чақирарди. — Нурмамат-ув! Чой дамлаб кўйдим, обораёйми?

— Сенга биров, чой дамла, дедими? Е, менинг чойдан бошқа ишим йўқми? Чорбоғда тўртта дўқиз очликдан оғзини очиб ётибди. Сув билан алдаб тур деб ҳозир Улуғбекни юбордим. Кўриб турибсан, эрталабдан бери беш марта бориб ажирқ опкелдим, лекин урвоқ бўлгани йўқ.

— Билмасам, ошнангиз келганига ичасизларми деяпман-да. — Табиатан мулоим бўлган Нозик кампир паст овозда шундай деди-да, ичкарига кириб кетди.

— «Ошнангиз келгани учун» эмиш. Нима кўп, менинг ошнам кўп. Ҳамма ошнам билан чой ичаверсам, кун бўйи ҳеч иш қилмаслигимга тўғри келади. Нима, уларга ўхшаб бекорчи-манми!

Қиём оқсоқол, мендан бошқа ит ҳам келмайди-ку, демоқчи бўлди-ю, лекин, тарки одат амри маҳол деганларидай, ичидаги гапни сиртига чиқса олмайди. Рост-да, шу пайтгача қишлоқнинг бирорта чоли даллолликдан чой ичганини билмайди, бунинг «Нима кўп, ошнам кўп», деб қариллашини қаранг!

Қиём оқсоқолнинг охириг умидлари ҳам узилиб ўрнидан кўзгалди. Чунки энди ўтириш бефойда. Бунақа пайт даллолга гап уқтириш нина билан қудуқ қазишдай гап.

Даллол ўрнидан ҳалиям умид билан имиллаб кўзғалаётган ошнасининг ҳаракатларини кузатар экан, тани қувончдан яйради. «Баттар бўл! Энди мулозамат қанақалигини ўргана-сан!»

Даллол чорпоёга чиқмоқчи бўлди-ю, лекин орқасига қараб-қараб кетаётган Қиём оқсоқол ярим йўлдан қайтиб қолишини ўйлаб, оғилхона томон юри. «Бетиям, кетиям бир унинг. Баҳона билан орқасига қайтишданам тоймайди. Яхшиси, яна бир қанор ажриқ опкелганим маъқул».

У ҳангини қозигидан бўшатди-да, Улуғбекни чақирди. Чорбоғ томондан челақларнинг даранглагани, сўнг Улуғбекнинг: «Боряпман», деган ингичка овози эшитилди.

Нозик кампир Улуғбекнинг ҳали тушлик қилганини айтиш учун уйдан отилиб чиқди.

— Нурмамат, ҳали Улуғбек тушлик қилгани йўғ-у?!

Даллол унга ўқрайиб қаради.

— Болага ким қўйипти тушлик қилишни! Бир бурда нон билан қорни тўяди. Опқиқиб қўлига бер!

— Еш болага катталардай иш қилдирыспиз, ахир! — деди Нозик кампир йиғламоқдан бери бўлиб, — бу туришда майиб бўлиб қолади-ку!

— Боласини текин боқшининг кафилини олганманми мен? Узлари юришипти-ю, чўлда пул ишлаб!

— Ҳалиям ташлаб қўйишгани йўқ. Мактаби очилиши билан олиб кетади. Иннайкейин, пул ишласа шу ердаям ишларди. Чўлни ўзлаштиришга кетишган. Биздан ҳам Норқобиллар кетишди-ку!

— Билямиз нимани ўзлаштирмақчи бўлишганини! Улар сўйган товукнинг патини мен юламан, билдингми? Уларингга бола керакмас, мукофот керак, орден керак!

Улуғбекнинг овози уларнинг орасидаги сўхбатни узди.

— Нима дейсиз катта ота, мана келдим!

— Мингаш дарров, яна бир «рейс» қиламиз!

Даллол кейинги бир йил ичида кўзи анча хира тортганини ҳис қилиб юрарди. Бугун аниқ ишонди. Ораларидаги масофа беш-ўн қадам қолгунча аёлни танимади. Қараса, Маликнинг келини. Сувдан чиққан шапақдай новча, қоп-қора Сорани даллол умуман ёқтирмасди. Чунки тўйгаям, азагаям эркаклардан олдин шу суқилади. Қўл жонивор доим белда: «Фалончи сен уни қил, пистончи сен буни қил!» Худди у буюрмаса ҳеч иш қилинмайдигандай. Эри жонивор Азимбекнинг эса молдан фарқи йўқ. «Хотиним шундай одам экан», деб оғзи қулоғида. Бунинг номуслиги ўлсин агар эсига келса! Бўлмаса, аёл нарсага трактир миндириб, майлисма-майлис, идорама-идора чоптириб қўядими? У жонивори эса «Мажлисга кетдим, идорага кетдим» деб не номаъқулчиликларни еб юради, у ёғини худо билади. Йўлса, район бўйича битта шуни депутат қилиб сайлашадими? Яна унча-мунчасигаям эмас, зўрига — Москопга борадиганига экан. Еган оғиз улар дегандай, раисниям, Абдулляциям шунинг учун тили қисқ-да!

Даллол Маликнинг келинига ижирғаниб тикиларкан, ачитиб пўнғиллади:

— Биз, вақтида хизматимизни қип қўйганмиз, чироғим! Навбат сенга ўхшаган бели бақувватларники!

— Вақтидаям оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрган-сиз, Эшим бува! — Сора қўлининг чангини қарсиллатиб қоқди-да, «ҳамма қилмишларингиздан хабардормиз» дегандай беписанд орқасига қайтди. Боронанинг тишларига илинган ажриқларни олиб, даллолга яқинроқ жойни зарда билаг чангитиб ташлади.

Даллол уни чапараста қилиб сўқкиси келди-ю, яна тилини тийди. Олаётган пенсиясини ўйлади. Рост-да, беш юздан айрилиб, бунинг устига, «Отанг яхши — онанг яхши» қилиб базўр Райим тафтишга тўғриллатувди. Ҳозир ҳамма гап қонун билганники бўлиб кетди. Яхшиси, индамагани маъқул. Бир оғиз гапи билан бу шаллақ кетиға тушишдан ҳам тоймайди. Лекин буларнинг ҳаммаси Малик қитмирдан. Валақлаб, ҳар балони гапириб ўтирса керак. Бўлмаса, бу қаердан биларди унинг нима қилиб, нима қўйганини! Вой, қўтир эчки-ей, давр тегипти-да! Ҳали шошмай тур, қандай давр текканини кўрсатиб қўяман сенга! Совунимга кир ювмагансан, ювсанг ўзинг ҳалимдай эшилиб қоласан!

Даллол ичида бўралаб сўқди-да, хангисини ниқтади. Лекин рошда қолиб кетаётган ажриқларга ичи аниди. Ун қадамча юргандан кейин тракторига минаётган Соранинг кетишини ўйлаб, ажриқларни қанорга солиб олишни мўлжаллади. Йўлнинг четига ўтиб эшагининг жоловини торти-да, Улуғбекни туширди.

— Ариқдан сув ичаётган бўлиб тур!

Улуғбек суюниб ариқ томон кетди: «Ура, ниначи тутаман!» Сора ҳам унинг ниятини сезди шекилли, тракторини юргизмай, у ёқ-бу ёғини кўраётган кишидек, энгашиганича ғивирсий бошлади.

Даллолнинг бошидан иссиқ ўтиб, кўнгли лоҳас тортгач, кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди: «Ҳаммасининг падарига минг лаънат! Қаерданам шу Қиём сассиқ келди-ю, нашъасига сув қўшилди. Уша келмаганда бу гаплар йўқ эди, асли.

— Улуғвой, бўлди, мингаш! Бу мегажин ҳали-бери юргизмайди, шекилли!

Биттаям ниначи тутолмаган Улуғбекнинг ҳафсаласи пир бўлиб, шашкак мингашди. Буvasи оғзини тўлдириб энди сўкишни бошлаган эди, ён томондаги қалин тўздордан узун бўйли одам сирғалиб чиқди-да, улар томон лапанглаб бурилди.

— Ассалому алайкум, Эшим бова! Йўл бўлсин?!

Даллол овоз эгасини таниб, энаси қотди. Шаллақининг товук мижоз эри. Унинг кўзи Азимбекнинг қўлидаги тугунчага тушиб, аламини олиш имконияти туғилганидан қувониб кетди.



Расми Қ. МАҲКАМОВ чизган.

— Ваалайкум ассалом! Ваалайкум ассалом! — У алиқни атайлаб икки марта қайтарди-да, қўлларини пешонасига соябон қилганича Азимбекка илжайиб яқинлашди. Япасқи бурнининг катаклари учиб, бит кўзлари яйраб очилди. — Мулло бўлинг, чироғим! Узларига йўл бўлсин? Э ҳа, қуёв болага тушликми? Қиҳ-қи! — Даллол «қуёв болага» сўзини ингичка қилиб, масхаралаб айтди.

Азимбекнинг буғдойранг юзлари дувва қизариб, бир қўлидаги тугунчага, бир пайкалда ер молалаётган хотини томонга қараб, ўзини оқлашга тушди:

— Келинингиз тушликка бормоқчи эди. Ишга қизиқиб кетиб эсидан чиқипти, шекилли. Қарасам, овқатни знамнинг ўзи олиб келяпти. Қизлар мактабдан қайтишмаган экан. «Йўлимнинг усти, менга бера қолинг», дедим. Қабристон ёнидаги Полвон ариқни қазияпман...

— Эсидан чиқармоқ қаерда, чироғим, — дея унинг гапини шартта бўлди даллол, — сенинг шу хотининг бўлади-ю, овқатини эсидан чиқарадимми? Бирор жойга кириб тушлик қилишгандир-да. Боя кимамдир: «Раис бова келаркан, пичак қилиш керак», деётган эди... Эркак бошинг билан тугунча кўтармасдан ўз кунингни кўравер, чироғим. Хотининг ҳам ризқини териб еб юргандир...

Даллолнинг иршайиб турган башараси, гапларидаги оҳанг, илмоқли иборалари Азимбекни бирдан мулзам қилиб қўйди. У на олдинга юришини, на ортига қайтишини билмай серрайиб қолди.

Улуғбек катта отаси бу одамни бекорга хафа қилганини кўриб ачинди.

Даллол эса қувониб эшагига минди-да, соясига қараб вақтни чамалади. Сўнг:

— Пешиндан оғипти, — деди Улуғбекка. Худди хаёлидан ўтган гапни Улуғбек биладигандек: — Айни пайти! — дея қўшимча қилди.

Буваси ҳангисининг жиловини Эрка кампирнинг чорбоғи тарафга бурди. Чунки бу пайт Эрка кампир ўзи қатори уч-тўртта қайвоиларни йиғиб олиб гап бозорини қайнатаётган бўлади. Шу боисдан ҳам қишлоқдагилар Эрка кампирини очикдан-очик «Сўнгги ахборот» хола дейишади. Эрка кампир бундан сираям хафа бўлмайди. Қайтага фахрланади. Негаки, бирор воқеадан Эрка кампир хабарсиз қолса, гарчи, ўша воқеа чиндан содир бўлса ҳам, ҳеч ким бунга ишонмайди. Шубҳа билан қарашади. Лекин гапнинг зиғирдаккина бир учи Эрка кампирга бориб тақалса бўлди, ўша воқеа тўғрими, тасдиқланади.

Энг қизиғи, бирорта ҳам одам «Нега мен ҳақимда бўлмағур гапларни гапирдингиз, ҳаном шунақа воқеа бўлувди?» деб гина қилмайди. Қайтага, қачон маталаб бўлиб, қўшиб-чатиганларига-ча эшитиб ўтириверади.

Дўм ҳақида гап чиққан куннинг эртасига одамлар, «Сич-қоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашаркан. Энди дўм Эрка кампирни аяқ қўймаса керак», деб маҳоват қилишувди, аммо тескариси чиқди.

Боғча қурилишидан хабар олгани ўтиб кетаётган дўм чорбоғда ўтирган кампирларни кўрди-ю, ўша ёққа бурилди. Дўмни кўриб кампирларнинг капалаги учиб кетди. Ранги оқарган Ҳанифа кампир ҳатто кетишга чоғланувди. Эрка кампирнинг: «Жонингни олар», деган пичингидан кейин яна ўтирди.

Шохлари тарвақайлаб кетган қари, жайдари олманинг соясига пўстак тўшаганича Ҳақим оқсоқолнинг неварга тўйига аталган кўрпачаларни қавиётган кампирлар билан дўм қуюқ сўрашди. Устига дока чорси ёпилган дастурхондаги нондан ушатиб, тотинган бўлди. Кейин жуволдизини дасторига санчганича беписанд кузатиб турган Эрка кампирга ўғирилди. Дўмнинг юзидаги ҳар бир ҳатти-ҳаракатни ўзича ўқиб ўтирган Эрка кампир дугоналари олдида мулзам бўлиб қолмаслик учун отини олдинроқ қамчилади.

— Ҳа, Луқмонжон, бизгами шепир билан тахта кептими?! Эрка кампирнинг овозидаги пешкирлик дўмни шошириб қўйди. У Эрка кампирнинг шаддотлигини, бетгачопарлигини биларди-ю, лекин ўша қилиғини менгаям қилади деб ўйламаган эди. Шунинг учун бир лаҳза каловланиб қолди: Эрка кампир билан ўчақишиш арининг уясига чўп суқшдай гап. Яхшиси, бир гапдан қолгани маъқул. Иннайкейин, ўзига ортиқча гап сотиб олиб нима зарур. Дўм айтмоқчи бўлиб

юрган гапларнинг ҳаммасидан воз кечиб, Эрка кампирнинг ҳазилига ҳазил қилди.

— Сизга энди шепир нимага керак, Эркатош хола!

Дўмнинг нимага шама қилаётганини сезган Эрка кампир унинг чангдан ранги ўчиб, униқиб қолган эскигина шляпасига, икки томонга тарвақайлаб кетган туфлисига бирма-бир назар ташларкан, бўш келмади:

— Бу дунё қизиқ экан, Луқмонжон! Сен ёшсан, сен қарасан деб ўтирмасакан. Сенга ўхшаб катта гапирганларнинг ўнтасини ўзим ювдим, чироғим. Шунинг учун олдиндан бир нарса дейиш қийин. Ана, Мусакул чўлоққа ажратилган тахта Раббимга насиб қилди. Амир шўрлик олти ой югуриб тўғрилаган шепирини Султон илиб кетди, тўғрими? Шунга ўхшаб, менга келган ўша чорак куб тахта ҳали ўзингдан ортадим, йўқми, худо билади!

Уларнинг суҳбатидан кампирларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ҳатто Ҳанифа кампир гапни бошқа ёққа буриб ҳам кўрди...

Суҳбатга дўмнинг ўзи нуқта қўймаганда бу тортишув нима билан тугаши номаълум эди.

Ҳар қалай, дўм кўп нарсаларни ўйлади шекилли, Эрка кампирнинг елкасига қоқиб ўрнидан турди:

— Маладес, Эркатош хола, тан бердим! Бир-у ноль! Сизнинг фойдангизга. Ҳазилкашлигингиз учун чиндан ҳам ҳали кўп яшайсиз!

— Иншоолло, чироғим! — Эрка кампир мийиғида кулганича дугоналарига голибона назар ташлади.

Шундан кейин Эрка кампирга бўлган ишонч янада мустаҳкамланди. Хабарларининг қиммати радио ёки телевизордаги хабарларнинг қимматидан ошса ошдики, пасаймади. Илгарилари «ёмоннинг юзини тескари қилсин» қабилида кўрққанидан ёки ноиложликдан «ҳа, па» деб юрадиган одамлари энди ихлос билан суҳбатлашадиган бўлишди...

Узоқдан Эшим даллолни кўриб кампирларнинг бурни жийрилди:

— Шуни кўрсам азроилни кўргандай бўламан, — деди Ҳанифа кампир шимарилган енгини билагигача тушираркан.

— Узи қарисаям кўзи ўлгур қаримаган! Қизларга тикилганини кўриб ерга кириб кетгинг келади, — деди Саломат кампир.

— Кўзи кўзидан ўтсин-ку, шўрлик Турсунни бошига етганига сира чидолмайман! — дея гапини давом эттирди Ҳанифа кампир.

— Вой, ростданам? — Турсуннинг кимлиги Робия кампирнинг хотирасидан кўтарилгани учун ҳайратланди.

— Рост ҳам гапми? Мана шу кўзларим билан кўрганман-а! — Ҳанифа кампир тозалаётган буғдойларининг устига шоша-пиша чорсинини ёпди. — Шу песнинг назари тушмасин. Сумалак ҳам ҳаром бўлади. Вой, худойим, эсласам ҳали-ҳали титрайман. Анорлар роса етилган пайт эди. Даллол ўлгур ўшанда магазинда қоровулмиди, билмайман. Ишқилиб, бир кун уйда, бир кун ишда бўларди. Вой, бунинг зикнализини! Анорниям ҳеч замонда санайдими одам? Анорларини ўшанда донама-дона санаб қўйган экан!

— Е, қудратингдан!

— Вой, ҳа! Уша куни санаб кўрса бештами, ўнтами, ҳозир эсимда йўқ, анор кам қиқибди. Олдин Нозик шўрликни дўппослади. Бечоранинг оғзи тўла қон, чирқиллайди: «Мен анорни ейманми, отаси? Бир дона еган бўлсам қонлар қусай! Болалик қилиб Турсунжон егандир!» Бундай бўларини билса-ку, ўлдириб қўйса ҳам бу гапни айтмасди-я! Тилаб-тилаб топган боласи шу эди ўзи. Вой, худойим, ажал етакладими билмайман, ишқилиб шу гапнинг устига Турсунбой келиб қолди. Даллол уни олдига чақирди. Нозик шўрлик ётган ерида ёлворади: «Турсунжон, қоч болам! Олдига келма!» Бола шўрлик ранглари ўчиб, елкасини қисиб келди. Вой, худойим-эй! Қочмайсанми?! Эсласам, ҳали-ҳали бағрим куяди-я! Нозик шўрликнинг ўлиб қолганига, балли! Унг қўлини мушт қилиб бир кўтарганини биламан, бола шўрлик «их» демади-ёв. Войдод деганча қочиб, оғилхонага кирибман. Қанча ўтирдим, билмайман. Бир пайт Нозик шўрликнинг «Вой, болам» деб чинқиргани эшитилди. Бу умидинг қургурни ўша пайт оғзидан оттириш керак эди. Қандай қилиб қамалмай қолди, билмайман!

— Пул-мул тиққан бўлса керак-да?

— Урушдан ҳам пул билан қолган дейишади-ку.

— Йўқчилик кўрсин, илоё! Бўлмаса, Нозик шу тўнғизнинг

тенгимиди? Мен у билан бир куну ёқда турсин, бир соат ҳам яшамасдим.

— Тақдир-да, тақдирга такбир йўқ, дейишади.

— Шунақа тақдирга ўт тушсин, илоё!

— Жим, кеп қолди! Қулоғи ўлгур яхши эштади!

Кампирлар ҳимарилиб ўтиришди.

— Ассалому алайкум, кампиршолар! Ҳорманглар!

— Ассалому алайкум!

— Саломинг бошингни есин, илоё, — деб пичирлаганча юзини ўғирди Ҳанифа кампир.

— Бу нима ҳашар? Э-ҳа, сумалакка тараддудми? — Теварақда сочилиб ётган буғдой бошоқларини кўрган даллол муртини бураб, тамшанди. — Маза қиларканмиз-да!

«Гўрингда маза қиласан, бетавфиқ!», дея яна қарғанди Ҳанифа кампир.

Эрка кампир қошларини чимириб «хўш, нима хизматинг бор», дегандай даллолнинг юзига савол назари билан тикилди. Даллол кампирлар ёқтирмаганини дарров сезди. «Вой, қашалар-эй, — деди ичида, — худди кўзим учиб тургандай ноз-фироқ қилишганини! Бир оёқларинг гўрда-ю, дунё сўраганликларингга ўлайми!»

У халачўп билан жиловни икки тиззасига бостирди-да, липпасидан қадисини олиб нос отди. Кейин қўлларини ўнгирига артганича гап бошлади:

— Нима янгиликлар бор ўртоқ «сўнги ахборот»? Ё ўзим янгибидан айттайми?

Кампирлар ялт этиб бир-бирига қарашди. Эрка кампирнинг қулоқлари динг бўлиб, чимрилган қошлари ёзилди.

— Ҳа, Эшим, нима бўпти? Хўроз туғибдимми ё туянинг думи ерга тегибдимми?..

Эрка кампир даллол билан тенг ёшда бўлганлиги учун ҳалигача «сен»лаб гаплашарди.

Даллолнинг кулгиси келмасаям ҳиқиллаб, беўхшов кулди. «Илоё кўмганда кул», деди Ҳанифа кампир ер остидан қараб.

— Ҳозирги замонда иккаласиям бўлади. — Даллол иягини қашиб эшагидан тушишга чоғланди-ю, лекин кампирларнинг ҳали унчалик очилмаганини кўриб иккиланди, фақат Улуғбекни туширди.

— Бор, момоларинг билан кўриш, — деди. Улуғбек кампирларнинг ёнига бориб, елкасини тутди. Кампирлар унга худди ғайритабий мавжудотни кўргандай ғалати бир ажабланиш билан тикилишди. Буни даллол дарров сезди.

— Неварам, — деди оғзини тўлдириб. — Ёдгоранинг ўғли. Ёлғиз болани бизга қолдириб ўзлари чўлга кетишди. — Даллол шундай деб Улуғбекка эшакнинг жиловини тутқазди: — Нарироқда ўтлатиб тур! — Шундай деб яна кампирларга ўғирилди. — Молларнинг қорнини ўйлаб ажриқ опкелгани ўн гектарлик «кўк дала»га борувдим. Қарасам, тутнинг соясига бир машина турган экан: раис бўлса, бир сўрашиб қўймасам уятдир деб, эшакни Улуғбекка тутқаздим-да, ўша томонга юрдим. Беш-ўн қадамча юрганимни биламан, машинанинг эшиги катта очилиб, бир аёл жонҳолатда тушди-да, Полвонариқ томон қочди.

— Вой, ўлмасам! — Саломат кампирнинг ранги оқариб, беихтиёр шундай деб юборди.

Даллол гапи кампирларга яхши таъсир кўрсатаётганини сезиб носини туфлади-да, олачанинг бир четига чўнқайди.

— Кўз очиб юмгунча машинанинг ўзи қайси гўрга гумдон бўлди, билмайман. Ажириқ олиш ҳам кўнглимга сиғмай оркамга қайтаётсам, катта йўл ёқасидаги тутзордан ҳовлиқиб Азимбек чиқди, на салом бор, на алик. «Нима гап, тинчликми?» десам: «Э, онасини палон қилай аёлдан катта бўлганни!» деганича ўша томонга зувва ўтди-кетди. Ҳеч балога ақлим етмай келяпман...

— Азимбекни худо уриб қўйипти унда! — Робия кампир дасторли бошини чайқаганича Эрка кампирга қаради.

Эрка кампир эшитган гапларини асослаб олмагунча бирор бир муносабат билдирмасди. Шунинг учун даллолни саволга тутди:

— Аёлни бўйи қанақа экан?

— Узунгина.

— Ориқми, семизими?

— Ориқ.

— Қанақа қўйлак кийган?

— Қўйлагига ким қарабди, лип этиб чиқдию йўқолди!

— «Кўк дала»да трактор бормиди?

— Тракторми? — Даллол соқолини тутамлаб, ўзини ўйлаётгани солди. — Бор эди. Уям тутага яқин жойда эди.

— Қанақа трактор экан? Барона тақилганми?

— Бароналик.

— Эшигининг олдида байроқчасиям бормиди?

— Қизилми?

— Байроқ кўк бўладими?! — Эрка кампирнинг қовоқлари уюлиб ёвқараш қилди. Кейин кампирларга ўғирилиб бош ирғади: — Қуриб кетгур, Сораники!..

— Вой, худойим! Вой, шўрим!.. Уларми, Сора эмасдур-эй! — Саломат кампир билан Ҳанифа кампир ёқаларини ушлашди.

Манқалиги учун ҳеч қачон гапга қўшилмайдиган Меҳри кампир ҳам ҳайрат билан пўнғиллади.

Эрка кампир бир оз сукут қилди-да, сўнг: «Эҳ, хом сут эмган банда!», деди. Ана шу бир оғиз сўз Эрка кампирнинг ишонгани. Бошқа исботнинг кераги бўлмайди. Шу гапдан кейин даллол Улуғбекни чақириб, эшагига миңди.

Улуғбек ҳамма гапни эшитиб турган эди. Шунинг учун катта отасининг ёлғончилигига ҳайрон қолди ва кўрқиб кетди. Чунки Олма катта онаси: «Ёлғон айтган одам ёрилиб ўлади!» деб айтган. Уйга боргунча ёрилиб ўлиб қолса-я?

Беш-ўн қадам нари кетишлари билан кампирларнинг овози гоҳ баландлаб, гоҳ пасайиб худди уяси бузилган арилардай чувиллашиб қолишди.

Даллолнинг эса елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Оёқларини узангидан бўшатиб, қамчисини белига тираганича мириқиб керишди. Икки қўлини орқасига чўзиб, Улуғбекнинг қўймичига шапатилади. «Қалай келяпсан!», деди. Кейин кафтини тўлдириб нос отди. Тамакиннинг ўткирлигидан боши айланиб оёқ-қўли бўшашди. Танида хузурли бир ором туйиб, йўлни эшагининг иштиёрига ташлади-да, кўзларини юмиб олди. Ҳаёли кампирларга кетди. Қувончини ичига сиғдирилмади.

— Шу бугуноқ бошланади, Улуғбек, — деди. — Палон бўпти, пистон бўпти... Оғзи дадилроғи «Эри ушлаб опти!» ҳам дейди. «Ким кўрибди, ким айтибди» дегунча бир ҳафта ўтади. Бир ҳафта ичида битта гапи ўн айланиб, ўн хил бўлиб келади. Ана ундан кейин кўрасан, эри уриб дўмбирақўзи қилади. Авваласи, ҳозироқ берадиганини берган. Ҳақиқий эркак бўлса ўша заҳотининг ўзида «Ашқол-дашқолингни кўтар, уч талоқсан!» дейди. Оёғини қўлга олиб судга чопади, ўтга чопади — бормаган жойи қолмайди. Бу ёқдан эса икки энлиқина хат битиб, охирида, бунақа манший бузуқ аёл қандай қилиб катта бир қишлоқнинг, вакили бўла олади, деб юборилса, бор барака! Бунақа шаллақиларнинг жазоси шу! Ундан кейин ҳам қўлини белга қўйиб бир керилсин! Керилади-я! Ҳошимқул маллим эди керилган. Томоғини йиртгудай бўлиб: «Уругингни қурутаман, сен ғаламис, ичи қора савдогарни, аблаҳ одамхўрни! Бир ўзинг бутун бир қишлоқни булғатапсан! Сенинг дастингдан юзига қора чапланмаган одам қолмади. Исмаат мелисанинг кунини энди менга солмоқчимисан?» деб бақирувди, эсингдами? Айтгандай, сен йўқ эдинг унда. Бўлмаса, Ҳошимқулга тилим ҳам, жағим ҳам теккани йўқ эди. Файзулла-нинг хўкизини олти юзга олиб, эртаси кунини минг сўмга сотганимга ичи куйганидан қилди, билдингми? Қандай қилиб ўчминни олсам экан деб режалаб юривдим, худонинг ўзи ишимни ўнглади.

Чамангулнинг ўғли мактабда нимадир қилган экан. Ҳошимқул икки шапалоқ урипти. Қўрқиб кетган бола деразадан қочаман деб бир уюм фиштинг устига ўзини ташлапти. Уша кунини нимага бўлиб, яхшиямки уларникига бориб қолдим. Қарасам, бола бечора ҳаммаёғи кўкариб, шишиб кетган, бошида Чамангул йиғлаб ўтирибди. «Вой лапшаймай кет, Чаман, қанақа онасан ўзи?! Бағринг шунча тошми? Бу ёқда боланг ўладиган бўлиб ётибди-ю, сенинг чидаб ўтирганингни қара! Борадиган жойингга бормайсанми? Буниям сўрайдиган жойи бор. Ҳукумат болани маллимга урдиртириб қўймайди. Бир чертганининг оёғини осмондан келтиради, деб дўқ қилсам, пиқ-пиқ йиғлаганича: «Қаерга бораман, Эшим бова, отаси бўлсам бошқа гап эди! Аксига олгандай кеча дашта, буғдой ўрмига кетди. Бунинг устига айб унинг ўзида экан. Химия хонасидан бир балоларни ўғирлаб, болалар билан мактаб боғида портлатишибди. Ҳошимқул муаллимнинг ўзи айтди: «Янга, ўғлингизнинг ўлишига бир баҳа қолди, тергаб қўйинг»,

деб. Шунинг учун, майиб бўлсаям тирик қолганига шукр қилиб ўтирибман», дейди.

Чамангулнинг шу гапидан кейин чунонам жаҳлим чиқиб кетди: «Оми экансан, — дедим бақириб, — ҳеч замонда айб қилган одам гунохкорман, дейдими? Бугун сен индамасанг, эртага бошқа бировнинг боласини ўлдиради-да, ўзи портлаб кетди, дейди, билдингми! Ҳозир бориб қайноғанинг машинасини опке, ўзини обораман». дедим.

Чамангул уйига худди авлиё келгандай, алқаганича қайноғанини кетди.

Намозбеннинг машинаси билан тўппа-тўғри мелисага обордим. Ҳужжатлаштирдим. Кейин дўхтирхонага ётқиздим.

Ҳошимқул деганларнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб зир югурди-ку! Менинг ўзимга тўрт-беш қайта келди.

Лекин ҳамма қўйсаям мактабнинг райондаги каттаконлари қўйишмади. Партиядан ўчириб, ишдан ҳайдади. Ҳозир амманнинг бузоғидай бўлиб колхозда ишлапти. Исмат мелисани пеш қилувди, Исматдай бўп кетишига сал қолди. Иннайкейин, Исматни мен атайдан қаматибманми? Узининг бошига ўзи етди, тўғрими? Қишлоққа участкавой бўп келдию мен билан ит-мушук бўлиб қолди. Бўлмаса, юз марта айтдим: «Ҳай, мулла Исмат, мен билан кўп ўйнашма, сендан катталари-ям менинг мушугимни пишт деган эмас, деб. «Бошқалар пишт демаган бўлса, мана биз пишт деймиз-да!» деб қулди. «Ҳа, ўзинг биласан», дедим.

Тамаким энди пишиб етилай деганда яна айланиб келиб қолди. Бўлмаса, атрофига айлана қилиб кунгабоқар экувдим. Кўзи қандай кўрди, билмайман.

Бурни осмонда, худди одам ўлдирган қотилни тутгандай: «Ҳозир юлиб ташлайман, чолиб ташлайман», деб даф қиялпти. Кетмонни олиб: «Қани, чолиб кўр-чи» деб олдига тушувдим, қўшнимиз Умрзоқнинг ўғлини қақириб, оти нимаиди, ҳа, Таштемирни қақириб дўмни айтиб келишга юборди. Боза бирпас ўтмай қайтиб келди-да, дўмнинг гапини оқизмай-томизмай айтди: «Нима қилса ўзи қилсин. Эшим билан сур-сур бўлишга тоби-тоқатим йўқ». Кўрдингми, дўм бу гапни бекорга айтмайди. Чунки кетида ишкали бор, мендан кўрққан, билдингми?

Исмат ноилж қолганидан кейин папкасидан битта қоғоз олди-да: «Эртага районга бориб мана шуни тўлайсиз. Ана ундан кейин сиз билан органда гаплашаман», деб чиқиб кетди. Вой, сўтак-эй, у гаплашса, мен қараб ўтирарканманми? Қани, ким билан гаплашаркин, деб тонг-сахардан туриб районга бордим. Тўппа-тўғри мелисахонага қараб, бошлиғи билан гаплашдим. Кўзимга озроқ ёш ҳам олдим. «Қарганимда хор қилишяпти. Носга ўрганганим, шунинг учун ҳовлига озроқ тамаки экувдим. Исмат мелисангиз бориб: «Ураман, янчаман!» деяпти деган эдим, бошлиқ ҳам тамакининг зарари ҳақида бир дунё гапларни олдимга тўкиб солди. Шундан кейин бошқача йўл тутдим: «Ҳаммасиям майлику-я, икки минг берсангиз индамайман, дегани ошиб тушди. Икки минг бўлса шуни юз машаққат билан эмасдан сотиб олмайманми, дедим.

Бу гапни эшитиб бошлиқнинг ранги оқариб кетди. Телепонда биттасини қақирди-да, четга чиқазиб нималардир, деди. Ҳалиги одам «хўп» деб чиқиб кетди. Бирпасдан кейин қўлида пакет билан қайтиб келди. Бошлиқ пакетни олиб, менга узатиб тайинлади: «Бу участкавойингиз айтган миқдордаги пул, факат пакетни очманг. Мана бу, киши эса эртага эрталабданок сизни киди бўлади».

Эрталаб ҳалиги киши келиши билан катта онангни укамникига жўнатдим-да, Исмат мелисани кута бошладим.

Бир вақт кириб келди. Димоғи яна ўша. Салом-алик ҳам йўқ, чорпоёга суяганича: «Кечагини опчиқинг», деди. Гапини эшитиб, суюниб кетганимдан жавоб ҳам бермай, зиппа уйга кирдим у ёзиб қолдирган қоғозига бошлиқ берган пакетни қўшиб олиб чиқдим. У қоғозга қўлини узатар-узатмас ҳалиги одам орқасидан келди-да, билагидан ушлади. Исмат мелиса олдин ҳайрон бўлди. Кейин кўпкарнига ташланаётган асов отдай роса дингиллади, мелисалигиниям унутиб қўйиб, сўкина бошлади. Ҳалиги одам бўлмаганда-ку, нима дейишимни ўзим билардим. Базўр чидаб бердим. Қулоғимни кар қилганимча: «Раҳмат, қуллуқ, лекин отанг қаториман, уялсанг бўларди», деб ўтиравердим.

— Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди! — дейди даюс ўшандаям паст тушгиси келмай, муштини дўлайтириб. — Қайтиб келсам, оғзингиздан отаман!

Ҳақини бердим: «Насиб қилса, қайтиб келолсанг», дедим. Эшак ханграб даллолнинг гапини бўлди. Қараса, қаршисидан кимдир келяпти.

— Учир овозингни, падаринга лаънат! — Сағрисига санчилган тигдан ҳангининг кўзларидан ўт чиқиб кетди. Жон аччиғида дингиллаб, йўлнинг ўртасидаги кўлмакка ўзини урди.

Даллол узангига оёғини маҳкам тираб, эшакнинг бўйнидан қучоқлаб олмаганида Улуғбек иккаласи балчиққа юзтубан йиқилишарди. У хангининг бошига қарсиллатиб, устма-уст халачўп солди:

— Мана сенга! Мана сенга!!!

— Ҳай-ҳай, жонворни ўлдириб қўясиз, ошнам!

Салим кўсанинг овозини эшитиб даллолнинг баттар жини қўзиди: «Оғзини тўлдириб «ошнам» дейишини! Бир-иккида сен билан ош-қатиқ бўлувдимми-а, кўса серсоқол!»

— Йўл бўлсин, ошнам?

Салим кўса ориқликдан туртиб чиққан елкаларини ғоз кертганича, эшагининг жиловидан тортиб четга олди-да, тўхтади. Кейин тол таёқдан қилинган, ипак попукли халачўпчи тиззасига уриб бит кўзларини қисганича, безрайиб турган даллолга ўзи жавоб қилди:

— Мозорга бўлса, қайтаверинг, одамлар аллақачон тарқалишди.

У қўлини соябон қилиб Салим кўсага тикилди:

— Тинчликми? Мозор бошига нега чиқишди?

Доимо ис чиққан жойдан қуруқ қолмайдиган даллолнинг бу гапдан беҳабарлигига Салим кўса унча ишонмади. Шунинг учун ҳам «мени масхара қилмаяптиман» деган ҳадик билан юзларига тикилди. Ҳеч қанақа ифода кўрмагач, ҳайрон бўлди.

— Абдулла тонгда қарияларнинг ҳаммасига хабар берди: эртага отасига ҳайкал қўйиларкан. Бугун жойини тўғрилади. Катта акаси Саъдулла билан райондаги дўхтир акаси мармар сағана опкелишибди. Абдулла бошқа майда-чуйдаларни тонди. Баргатдагиларнинг ҳаммаси тушгача мазор атрофини тозалашди. Бизда мазорга эътибор йўқ-да! Бўлмаса, ҳаммамизнинг борадиган жойимиз ўша ер! Хароба бўлиб ётган жой бирпасда гулзорга айланди-қўйди!

Салим кўсанинг кейинги гаплари даллолнинг қулоғи кирмади. У уяғи-маъзурни ҳам насия қилиб эшагини олдинга ниқтади.

— Кўрдингми, Улуғбек, — деди Эшим даллол орқасига ўғирлиб, — падар лаънати Абдулла, атайдан айттирмаган. Бўлмаса, эрталаб уйда эдим. Ажриқ тергани чошгоҳга яқин кетдик-ку! Иннайкейин, йўғимда айтган бўлса катта онанг дарров етказарди. Ичи қора, сўтак! Бошқалар қўли билан еган ошни мен оёғим билан ердимми?!»

У қабристонга етгач, эшагини йўлнинг четига тутга боғлади-да, Улуғбекка: «Ўтириб тур», деди.

Кейин шўра ва бурганлардан тозаланган ингичка йўлак томон юрди. Қабрлар атрофи чолиб, эндигина гўнчалай бошлаган қизғалдоқ ва чучмомадан бошқа ҳамма ўтлар юлинипти. Дарахтлар тагидаги қуриган шох-шаббалар, чириган барг-хазонлар ҳам қолмади.

У юқорига ўрлагани сари, ўзида олдинлари ҳеч қачон сезмаган ғалати бир қўрқув туя бошлади. Тавба, наҳотки у ҳам мана шу мазорга кўмилиб, қўрт-қумурскаларга ем бўлса!

Баданида чумоли ўрмалагандай туюлдию кўнгли беҳузур бўлди. Ё раббий! Дунёга кечагина келган эди-ку. Бугун эшак Кўз очиб юммасидан ҳаётининг интиҳоси кўриниб қолибди-ю! Падарига лаънат! Яхшиси, бу ҳақда ўйламаслик керак. Ҳали у кўп яшайди. Ундан ёш каттароғлар, касаллар ўлаверсин! Чунки унинг тани соғ, юрагидан ҳеч қачон шикоят қилган эмас. Энг асосийси, ош қуяри омон. Эскилар айтган, «ош қуяринг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас», деб.

У мазорнинг ярмига етганда хансирай бошлади. Лекин тўхтамади. Ҳамиша шу ерга етганида чарчайди. Хаёлида, оёғининг тагидаги ер алдаб-авраб жонини олмоқчи бўлаётганига ўхшайди. Шунинг учун ҳам бу жойга келганда қадамини илдамроқ босади, ўнг тарафга қарамасликка ҳаракат қилади. Чунки ўнг тарафда ўғилларининг қабри бор. Иккитаси гўдаклигида ўлган. Учинчиси — Турсунбойники. Шунинг учун бировни кўмишга келишса ҳам бу тарафга ўтмайди. Утса, Турсунбойи бўйнидан ғиппа бўғиб олиб, ёнига судрайдигандай туюлаверади. «От!»

Даллол ортига қайрилмоқчи бўлди-ю, хаёлини чалғитиш учун ички чўнтагидан носкадисини олди. Касофат, Исма! Узига жабр қилгани бир сари, уни бултурги носдан ҳам қолдирди. Шундоққина нақд бўлиб турган икки минг-уч минги ҳавога учди-кетди! Бу падар лаънатнинг насибаси қамоққа тортиб турган эканими, айни тамаки терадиган кунлари оёғига илашди! Ҳеч бўлмаса бир ҳафта сабр қилиб турганда ҳам гўрга эди.

У эски бир қабрнинг четгинасига чўнкайди-да, чопонининг ички чўнтагидан носкадисини олди. Кафтани тўлдириб отди-да, кейф қилишини кутди. Бояги кўркүв йўқолиб, мияси тиниқлашгандай ўзини енгил сезгач, тиззаларига суяниб туриб олди. Енгил одимлай бошлади.

Ҳакимнинг гўрини роса созлашибди. Қадамлаб ўлчаб кўрди: бўйиниям, эниям уч газдан қилиб цементлашибди. Одам бўйича гишт териб, бош томонига бир қулочча келадиган қора мрамар ўрнатишибди. Нимадир ёзилган шекилли, ялтираяпти!

Даллол хиралашган кўзларини ишқалаб, ялтираётган ёзувни ўқишга ҳаракат қилди. Кўз олди жимирлашиб, ҳарфлар чалғишиб кетаверди. Пишиллаб чўнкайди. Бармоқларини ҳарфларга теккизиб, ҳижжалаб ўқиди! «Му-ҳ-та-ра-м па-да-ри бузрук-во-ри-м-из Со-ци-а-лис-т-ик Ме-ҳ-на-т Қа-ҳра-мо-ни...»

Даллолнинг кўксидан нимадир чирт этиб узилиб, бутун вужуди зирқиради. Кўз олди баттар хиралашиб, қулоқлари шангилагандай бўлди. «Илоё, гўрингда тик тур, Ҳаким! Тик турмасанг рози эмасман. Аслида, сени ўшанда бир ёқлик қилиш керак эди. Эсингдами, Қобилбекнинг чарвоғида. Қишлоқ советига бормасимдан олдин. Насибанг бор эканими, лоқайдлик қилдим. Акс ҳолда, давранинг тўри сеники эмас, меники бўларди. Омадим шундоққина юришиб турувди. Мен аҳмоқ эса, сенга ялиниб ўтирибман...

— Ҳаким, жўражон сенга бир гап айтсам, ҳеч кимга айтмайсанми?

— Олдин айт-чи, кейин...
— Йўқ, олдин сен ваъда бер!
— Айт, олдин.
— Қасам ич! Чунки бу гап менинг ҳаётим билан боғлиқ!
— Йўқ, Эшим, гапининг мазмунини билмасимдан туриб андай қасам ичаман?
— Ҳаким, жўражон, сен албатта қасам ичишинг, мен эса бу гапни албатта сенга айтишим керак.
— Бўпти, қасам ичаман!
— Онанг ҳаққига, майлими?
— ...
— Мана бу ҳужжатларни кўргин-да, кейин менга ёрдам бер, жўра!

— Буни қаердан олдинг?
— Топиб олдим...
— Ёлғон! Топиб олсанг ундан фойдалана олмаслигини яхши биласан. Чунки тирик киши уни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам топтиради!
— Эгаси ўлган.
— Ўлдирдингми?
— Худо ҳаққи, ўзи ўлди. Госпиталдан келаётган экан. Йўлда аҳволи ёмонлашганини сезиб мендан: «Мана шу ҳужжатларимни уйдагиларимга олиб бориб бер», деб илтимос қилди. Ҳаким, жўражон, бу ҳужжатларнинг уларга энди кераги йўқ. Буларсиз ҳам нафақаларини олишаверади. Менга эса бу ҳужжатлади, ўзинг биласан.

— Бунчалик юзсизлигини билмаган эканман, Эшим...
— Жон Ҳаким, жон жўра, ҳаётим сенинг қўлингда!
— Йўқ, Эшим, мен сенинг сохта ҳаётингга гаров бўлолмайман!
— Ҳаким...
— Ўлдирсанг ҳам кафил бўлмайман!

Уша гапларинг ҳеч қачон кўнглимдан кетмайди. «Сохта ҳаётингга гаров бўлолмайман», дединг-а! Баттол! Сохталигини биров билармиди? Иннайкейин, «Эшим сен билан қаерда хизмат қилган?», деб сўраб ўтирмасди-ку! Сўрагандаям, ҳужжат бор эди ахир! Сен эса атайдан ичи қоралик қилдинг. Шу мен билан бир даврада юрмасин, бир дастурхондан чой ичмасин дединг. Лекин ўзинг кўрдинг, ҳеч кимдан кам бўлмадим. Қишлоқдегилар очликдан кунжара еганда, мен буғдой нонини едим. Сен камбағалчиликдан битингни санаб

ўтирганганда, мен белимдаги минг-минглаб пулимни санадим. «Қанча иззат-икром кўрдим», деб севинома! Ўлдинг, ўчдинг! Мен эса гўрингни тепкилаб ўтирипман. Хоҳласам, гўримни сеникидан ҳам яхшироқ қилдиртираман. Хоҳласам, ҳайкал... Ҳа, нега кинояли куляпсан? Шу қилганинга ўзимга ҳайкал қурдиртирмасам, Эшим отимни бошқа қўяман, мана кўрасан! Пулимга битта ҳайкал тугул, ўнта ҳайкал ясаб беришади. Пул бўлса чангалда шўрва, ошнам!

Носнинг таъсирида бит кўзлари тасрайиб кетган даллол ўрнидан шахд турди. Оғир гавдаси чайқалиб юзтубан йиқилишига оз қолди.

Дарвоқе, емай-ичмай тирноқлаб йиққан пулларини кимга ташлаб кетади? Нозикками? Икки дунёдаям унга қолдирмайди. Унинг кўли очик, беш кунда Едгора етимчасига суворади. Иннайкейин, у касалванд, ундан олдинроқ ўлиши мумкин. Ё йигирма йилдан бери юз кўрмас бўлиб кетган укаси Тошмаатгами? Ўз қадрини билмайдиган, хотинининг қули бўлиши ўша нокасга-я?! Отаси тирилиб келиб айтсаям, бир тийинини бермайди! Турсуннинг жанозаси кунни элнинг олдида шарманда қилгани бир умрга етади. «Ака, худойим сени нимага яратди? Бунчаям бағри тош, бунчаям юраги қора бўлдинг? Елғиз боланг яйраб юролмаган ҳовлинга, яйраб мева еёлмаган чорбоғинга ўт қўй, ака!» деб бўқариб йиғлади-я.

Унга қолса ўзига ўхшаб «бола-бола» деб балоларга гирифтор бўлса, ана, қариган чоғида бир буйрагидан айрилиб, одам қаторидан чиқиб ўтирибди. Лекин ўнта боладан биттаси жонига ора кирган эмас. Егани олдида, емагани кетида бўлгани билан соғлиғи йўқ. Икки куннинг бирида касал. Ана кетди, мана кетди билан на тўйга қўшилади, на азага.

Айтган гапига пушаймон бўлиб, кейин хўп ялиниб кўрди, ҳали уни ўртага солиб, ҳали буни. Лекин у ерда қолган эмас, иннайкейин, бошқаларга ўхшаб туфлаган туфугини қайтиб олмайди.

Унга ўнта боласини пеш қилиб: «Ўғлим ўғил бўлди, қизим қиз бўлди», дегандай қариллаган эди, попуғини пасайтириб қўйди. Институтда ишлаётган ўғлининг устидан юмалоқ хат ёзди. «Қишлоғимиздаги Қиём оқсоқолининг ўғли билан Ҳаким Қаҳрамоннинг неварасини пул олиб ўқишга қўйди», деб. Худонинг қудрати билан, таваккал қилиб ёзган эди. Пул олгани рост эканими, олти ойдан кейин ишдан бўшатишди. Қишлоққа қайтиб келишга уялганидан бир бало ёқлайман деб Москопгами, ишқилиб ўша ёқдаги совуқ юртларга кетибди. Тошмаат оёғи куйган товуқдай ҳали райком, ҳали обком чопди-я, ўн боласини пеш қилиб.

Тўрт қизидан биттасиям соғ чиқмади. Тўртталаси ҳам ўзи эр топди. Тошмаат эл олдида шарманда бўлмаслик учун ўлганининг кундан тўй қилиб берганини билмайди, деб ўйлайди. Совчиларидан хабарсиз қолди-да, бўлмаса унинг қизлариям Абдурасулнинг қизига ўхшаб ҳалиям сочини тараб ўтирарди.

...Эшакка жир битмасин, жир битса, эгасини танимайди, дегандай Абдурасул бедага қоровул бўлди-ю, ўзини кўрсатди. У бўлса, қариндошлигини орқа қилиб ўт олишга бориб ўтирипти. Ҳа йўқ, бе йўқ; тепис тўлдирган қанорини тортиб оляпти: «Бу аммамининг мулки эмас, жўра, колхознинг бедаси, иккинчи бу ишни қилманг!» дейди.

Қони қайнаб, чапараста қилиб сўқди. Қараса, Абдурасул тентак: «О-в гуппи! Пешкирлигини бошқаларга қиласан! Менинг кетимда хомим йўқ, сендан кўрқадиган. Иннейкейин, урушда контуж бўлган одамман, испрапкам бор. Сендақаларнинг ўнтасини аспаласопинга жўнатсам ҳам биров гинг демайди. Ажалинг лакалак урмасдан туриб жўнаб қол!» деганича маймоқ оёғини ликонглатиб, икки юзи ойнадай ялтираб турган ўроғини ҳавода сирпаган қўйи хезланиб келяпти.

«Тўғри, тўғри, колхозга сенга ўхшаган итлар керак ўзи» деди-ю ростданам контуж бўлса, аччиқ устида қорнимга ўроқ тортиб юрмасин деган хаёл билан қаноргайм қарамай орқасига қайта қолди. Лекин бир йилдан кейин ўчини олди. Уша кун Иштихоннинг мол бозорига даллоллик қилаётган эди. Битта сигир, иккита қўйни «бор барака» қилиб, тушган пулини энди санаётган пайт чуваккина, сариқ одам ўғли билан иккита зотдор ҳўкизни етаклаб келди. Жумаовой даллол пeshвоз чиқмоқчи бўлиб югурувди, ундан илдамлик қилди. Бора солиб иккала ҳўкизиниям арқонидан ушлади. Жумаовой даллол тўнғиллаб орқасига қайтди.

Қанча нархга сотмоқчилигини сўради. Чувак одам елкасини қисди. «Боқимга кўювдим, сўйиб сотишга кўзим қиймади. Сўқим бўлишига ҳали озроқ бор. Тўй чиқиб қолди. Шунга пул зарур. Бозорни кўриб чамалармиз. Иштиҳонда мол қиммат, дейишганига ҳайдаб келавердим. Узимиз Челакданмиз. Дурустроққа сотиб берсангиз ширинкомасиниям дурустроқ оласиз», деб қулди.

У аввал ҳўкизлар атрофини айланиб қолган харидорларга сотиб бермоқчи бўлди. Уйлаб қараса, бозорнинг олди бўлган ҳўкизлар текин кетади. Чунки бу ёғи қиш оёқлаб қолди. Икки-уч ҳафта ушлаб турса молларнинг тиши кўкка тегади-да, бозор баҳоси ошади. Иккаласидан қамада беш юздан фойда қолади.

Сотувчи билан олувчининг феълени беш қўлдай билгани учун бозор охиригача энг қиммат баҳони айтиб, оёқ тираб турди. Бадиандан совуқ ўзим, кўкара бошлаган чувак одам ўғлининг танбеҳи билан арзонроқ нархга бўлса ҳам сотмоқчи эканлигини билдиргач, шартта ички белбоғини ечди-да, қатидан пул олиб, сўраганларини берди. Чувак одам алқаб-алқаб уни тўйга таклиф қилди. «Насиб қилса, бораверамиз. Биттаси айтган экан, насиб этса келар шому ироқдан, насиб этмаса, кетар қошу қовоқдан, деб. Қизни қаерга беряспиз ўзи?» деди шунчаки. «Қиз бермаяпмиз, қиз оляпмиз. Мана шу ўғлимизга, келин бўлмишимиз сизларнинг райондан экан», деди чувак одам пулларини санаб ўғлига узатар экан.

«Қуда томонмиз денг?! Бахтли бўлишин! Шундай паҳлавон йигитга қайлиқ бўлаётган ўша пешонаси ярақлаган қиз қайси қишлоқдан экан?» деб сўради хариди сув текин бўлганидан тани яйраб.

«Кўнгирокчи деган қишлоқларингиз бор экан, ана ўшандан».

«Э-э-э, шошманг, унда чинакамига куда эканмиз-у! Қуда бўлмишингиз ким?»

«Абдурасул оқсоқол».

Юраги қаттиқ зил кетди: шундай баркамол, қадди-қомаги келишган йигит Абдурасул қоровулнинг куёви бўлса-я! Бундай йигитга районнинг манман деган одамлари қизини беради-ю! Абдурасул мана бизгаям нават етди. Сен колхознинг бедасини тортиб олган эдинг, мен қизингнинг бахтини тортиб оламан. Хўш, қалай бўларкан? Шунақа, қайтар дунё дейдилар бун!

Чувак одамни шоша-пиша чеккага етаклади: «Жўражон, нима, бу ўғлингиз олдин уйланганми?» деди ўзини ҳайронликка солиб.

«Йўқ, — деди чувак одам тушунмай, — биринчи уйланиши, нимаиди?»

«Абдурасулнинг қизи қиз эмас-ку! У ўқишга бормасидан олдин, агар ўқигани рост бўлса, биттасига илашиб тўйсиз-пўйсиз туғиб қўйган эди. Кейин эл-юртнинг гап-сўзига чидолмасдан аллақаерларга кетиб қолди. Отаси уни, ўқишга кетди, деб овоза қилди. Мана, беш йил деганда қайтиб келди. Уқиган бўлса ўқигандир, буни билмайман, лекин шундай баҳодир йигит «қиз оляпман» деб чув тушиб ўтирмасин дейман-да: ўзингиз биласиз ҳозирги қизлар бунақа нарсаларнинг пири бўлиб кетишган».

Чувак одам қотди-қолди. На ҳа деди, на бе. Бирпасдан кейин ўғлининг олдида борди-да ҳўкизларга берилган пулни олиб келди.

«Хафа бўлмайсиз, — деди унга пулларини қайтара туриб, — боланинг гапига кириб ўтирган мен аҳмоқ ўзи. Бўлмаса, онаси огоҳлантирган эди: «Отаси, ўқишдаги қиз гўр бўлармиди. Яхшиси, қишлоқдаги опаси ўпмаган қизлардан олиб берайлик», деб. Сизга катта раҳмат, жўра. Бир палакатимизни аритдингиз, яхшиям шу ёққа келган эканман. Йўғасам, ғафлатда қоларканмиз».

У мўмай даромаддан бенасиб қолганига ачинаётган бўлса ҳам пулини дарров қайтариб олди.

Кейин икки ойгача Абдурасулнинг ҳовлисига кўз-қулоқ бўлиб юрди. Абдурасул деганларнинг қайфи чоғ, ўтганния, қайтганния чойга таклиф қилади. Кун сал илиди дегунча ҳали деворининг андаваси кўнган жойларини сувайди, ҳали оғилни тартибга келтиради. Ҳожатхонасигача қайтадан оқлаб чиқди. Кўни-кўшиллар: «Ҳа, Абдурасул оқсоқол, бу тараддуд ниманики?» деса, ўзини гўлликка солиб: «Бу ёғи баҳор, одам уйда ўтиролмай қолди, иннайкейин, ҳадемай экин-текин бошланиб қолса, қўлим теғмайди деб қимирлаб турибман», дейди. Лекин икки кўзи катта кўчада бўлади. Нотаниш одам кўринса, ичкарига қараб томоқ қиради. «Момогул, чой-пой қўйиб юбор,

одам чанқаб кетди», дейди. Ҳовлида ғимир-ғимир бошланади. Келини ўчоқ боши билан тандирхонани яна бир сидра кўздан кечириб чиқади. Кичик қизи қўловғичларга сув тўлдириб, миҳга тоза сочиқ илади. Келин бўлмиш қизи эса шоша-пиша қўшиникига ўтади. Уғиллари эса куртак ёза бошлаган ўрикларни кўздан кечираётган киши бўлиб ҳовли айланишади.

Икки ойгача Абдурасулнинг қайфияти шу хилда бўлди. Кейин бирдан ҳовлида кўринмай қолди. Эшитишса, боди кўзиган эмиш. Икки юзи олмадай, дўндикчиқа қизининг ҳам ранги синиқиб, бир алпозга тушди. Йигит томондаги гапларни «Сўнги аҳборот»дан билиб олди: «Момогулнинг қизини олмақчи бўлган йигитни ота-оналари зўрлаб холасининг қизига уйлантирган эмиш. Йигит тўйдан кейин, бир ой ўтар-ўтмас ўзи ариза бериб, армияга кетиб қолибди».

Даллол анчагача чувак одам мени сотиб қўйса-я, деб хавотирланиб юрарди. Лекин шу гапдан кейин елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди ва чувак одамнинг оғзи маҳкамлигига қойил қолди. Мана, ўшандан бери Абдурасул деганларининг олмамай Ойсулуви «қари қиз» бўлиб ўтирибди. Чунки жазмани борлигини эшитишган, бошқалар оғиз солишмади.

Даллол мункиб кетди. Оёғининг ости ўпирилиб, тиззасигача чуқурга ботди. Носнинг қайфи бирдан тарқаб, юраги гурсиллаб бошлади. Жонҳолатда оёғини тортиб олди. Уч-тўрт қадам юргач, ўнг оёғи енгилдай туюлди. Қараса, калиши йўқ. Мозорда нараса қолдириш ёмонлик аломати эканлиги кўнглидан ўтди. Лекин қайтишга қўрқди: «Иримнинг кети га жири», деганича шошиб пастга энди.

Улуғбек қизғалдоқлардан гулдаста тайёрлаган экан, ҳовлиқиб бусасига кўз-кўз қилмоқчи бўлувди, бир ўқрайди. Ҳангисига ўтиргандан кейингина ўзига келди. Қилигидан кулгуси қистади: «Тавба, умрида қўрқув нималигини билмайдиган одам, нима жин урди? Е, ўлими яқин қолса, одам шундай бўлармикан? Оғзидан шамол учирсин! Лекин... лекин ўлса шунча пули кимга қолади? Бир сандиқ пул-а?.. Ростдан ҳам ҳайкал ясатса-чи? Нима бўпти, ясаиб оғилхонага қўйиб қўяди. Ёнига эса бир энлик хат қолдирарди: «Мен ўлгач, ушбу ҳайкални мозоримга қўйинглр».

Марҳумлар васиятини раис-ку раис, пайғамбариям икки қилолмайди.

Мармарга кетадиган пулни кимга қолдирса бўларкин? Нозиг касалванд, ундан олдинроқ ўлади. Ишончлироқ одам топилмади керак. Қиём ошнаси инсоғли-ю, лекин кампири ёмон. «Улган ўлди кетди, сизга пул берганини ким кўрипти» деса гапига лаққа ишониб еб юборишдан ҳам қайтмайди. Айгандай, Шоди муаллимга бериб қўйиши мумкин. Бировнинг бир тийинига хиёнат қилмайди.

Бўлди, эртагаёқ шу ишга киришади...

* * *

Улуғбек ҳўкизларни сўғориб бўлгач, ниначи тутиш учун ариқ бўйига тушди. Одам билан тенглашадиган қамиш ва шақанларга қўниб, учаётган ниначилар ҳечам тутқич беришмади. Ҳафсаласи бир бўлган Улуғбек энди орқасига қайтмоқчи эди, нариги қирғоқда унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган таниш ям-яшил бақага кўзи тушиб тўхтади.

Шу пайт қамишларнинг нариёғидан кимнингдир пиқ-пиқ қилиб йиғлагани эшитилдино яшил бақа «чўлл» этказиб, сувга сақради.

Улуғбек, бирорта одам сувга чўкиб кетяптимикиан, деган хаёлда қамишлар томон шошиб бўйлади. Қараса, қамишлардан сал наридаги дўлананинг тагида битта йигит билан қиз турибди. Қизини икки-уч марта кўрган эди. Доим ерга қараб, гапнинг юрадиган қиз. Йигит эса нотаниш. Вой, йигит худди кинолардагидек қизнинг қаршисида тиз чўкяпти. Улуғбекнинг юраги ҳам бир орзиқиб тушди. Эҳ, уям тезроқ катта бўлсайди, Наргизанинг қаршисида худди ана шундай тиз чўкиб турарди. Синфларидаги қизларнинг ичида энг яхшиси ана шу Наргиза. Ҳам аълочи. Танаффус бўлди дегунча, дарров: «Улуғбек, ирис ёйсанми?» деб юғуриб келади. «Йўқ» десаям барибир партасининг устига қўйиб кетаверади. Уларнинг чўлга кетишаётганини эшитиб роса ачинди...

— Керакмас...

Қизнинг овози Улуғбекнинг хаёлини бўлди.

— Энди керакмас... Энди бефойда... Мен униям ўзимдай

бахтсиз бўлишини истамайман! Иннайкейин... Йўқ, бўлди, бошқа келманг!

— Феруз... ҳамма гуноҳларимни бўйнимга оламан... Ҳаммасига ўзим айбдорман. Лекин... ишонинг, сизсиз яшай олмаслигимга имоним комил бўлди.

— Бозорда, ёлғон-яшиқларни эшитганингизга қадар шу қарорга келолмаганмидингиз?

— Отам...

— Отангизни қўшманг, илтимос! Сиз ёш бола эмассиз бировнинг гапи билан иш қиладиган.

Уларнинг суҳбатидан Улуғбекнинг ҳафсаласи пир бўлди. Уларни яхши кинолардаги қиз билан йигитдан деб ўйлабди. Булар эса уришишяптию! Йўқ, у Наргиза билан ҳечам уришмайди. Уни хафа ҳам қилмайди. Расм қаламлардан, пластинлардан пачкалаб опкелиб беради.

— Фақат битта нарсага ачинаман... — Қизнинг овози яна эшитила бошлади. — Менинг тақдиримни, менинг неча йил авайлаб, асраб юрган туйғуларимни қаердаги бир одам бир кўнглида ҳал қилди...

— Уша одамнинг бунақа паст, ифлослигини ким билибди, ахир!

— Билмасангиз, сўрашингиз мумкин эди. Қишлоғимиздаги етти яшар боладан сўрасангиз ҳам Эшим даллолнинг кимлигини айтиб берарди.

Катта отасининг отини эшитиб Улуғбек сапчиб тушди. Бутун вужуди қулоққа айланди.

— Бегоналар-ку майли, ўзининг ёлғиз ўғлини анор учун ўлдириб қўйган одам у, билдингизми?

— Улдираман! Ҳозир бориб ўлдираман!

— Йўқ... — Йигитнинг қўлларидан маҳкам тутди қиз. —

Ўзингизнинг ақлсизлигингизни бировларнинг ёмонлиги билан ниқобламанг!

Йигит қизнинг қўлларига лабларини босганича ҳиққиллаб йиғлай бошлади.

Буни кўриб Улуғбек ҳам ўзини тутолмади.

Улуғбекнинг овозини эшитган қиз жоҳолатда ўзини қамишзорга урди. Йигит эса қаддини тиклаб, у томон юрди.

— Эй бола, кимсан?

Улуғбек гуноҳкорона бош кўтарди.

— Ростданам... Эшим катта отам ёмон... Бароқияям, алапарнияям Эшим катта отам ўлдирди. Ану кампирларгаям Сора хола ҳақида ёлғон гапларни Эшим катта отам тўқиди. Эшим катта отам ёмон, Эшим катта отам жуда ёмон...

* * *

Кечқурун ҳамма ухлагач, даллол ўрнидан секин турди-да, чироқни ҳам ёқмасдан ташқарига чиқди. Ҳовлининг ўртасига етганда тўхтаб, мабодо орқамдан Нозик ҳам чиқмадимикан, деган ҳадик билан атрофга қулоқ солди. Қоп-қоронги тунда ҳар-ҳар замонда чириллаётган қора чигирткаларнинг товушидан бошқа овоз эшитилмади. Кўнгли жойига тушиб, ўзидан бошқа одам тугул пашша ҳам киришга журъат этолмайдиган «қақур-қуқурхона»си томон юрди. Тандирхона билан оғилхона ўртасига қачонлардир қурдиртирган уйчани одамлар ҳар хил гумонларга бормаслиги учун даллол шундай деб атарди.

Бир ойча нари кирмагани учун алмисоқдан қолган эски осма қулфни очишга қийналди. Ичкарига киргач, зулфни илди-да, эски пештоқнинг икки бурчига миҳ билан қоқиб, тепага кутариб қўйилган эски аёлони туширди. Аёлони чанг босган шекилли, қўл теккизиши билан нафасига зах тортиб, ёқимсиз ҳид таратаётган мол териларининг бўйи урилиб, устма-уст аксирди.

Даллол энг аввал чопон тиқилган туйнукка қаради: белгиси ўзгармабди. Демак, ҳеч ким тегмаган. Олдинлари у Нозикка унча-мунча ишонарди. Турсунбойи ҳалигидай бўлиб қолганидан кейин унга ҳам ишонмай қўйди. Боланинг куйиги билан бирор нарса бериб ўлдириб қўяди, деган ҳадикда анча вақтгача дамлаган чойини ичмай, пиширган овқатини емай юрди. Нозик кўрпа-ёстиғини бошқа қилиб, кичкина уйга кўчиб ўтгач, ваҳимаси яна ҳам ортди. Ҳаёлида, айни ширин уйқуга кетганида Нозик бостириб кириб, бошига болта билан туширадигандай туйлаверди. Кечалари алламаҳалгача уйқуси ўчиб, ҳузурини йўқотгач, охири янги қулф-калит қилиб олди.

Кейин-кейин Нозик уни ўлдириш пайида эмас, балки унинг

барча йиққан-терганларини қоқлаб, кейин уйига ўт қўйиб кетиш учун пайт пойлаб юргандай кўринди. Шундан кейин, таваккал қилиб, тандирхона билан оғилхона ўртасига тушган мана шу уйни қуриб олди. Нозикнинг кўрқоқлигини билгани учун икки марта яшириб илон олиб келди-да, худди шу ўйдан ушлаб чиққандай оташкурада қисиб, чорбоғнинг этагидаги ариқча элтиб ташлади. Шу-шу Нозик бу уйга бош суқиб у ёқда турсин, яқинидан ҳам ўтмайдиган бўлди. У эса барча йиққан-терганларини ташиб, кўнгилдагидай жойлаштириб олди. Пули солинган сандиғини энг тўрға қўйди ва кўздан пана бўлсин учун атрофига ҳар хил латта-путта солинган чой қутиларни териб чиқди. Уларнинг устига эса эски самовар, темир қаравотнинг занг босган оёғи, пачағи чиққан челақлар, бир ёғи учган ёки тишлари ёйилиб кетган теша, кетмон, паншаҳалар жойланди.

Даллол нарсаларни шовилмай, биттама-битта пойгак томонга олди. Устига чурик кўрпача ташланган сандиғининг атрофи очилгач, юраги гурс-гурс уриб кетиб, чарчаганини ҳис қилди. Устига ўтириб, нафас ростлади. Кейин қўйлагини қўтариб, эчки терисидан қилинган тасмага ўтказиб, доимо белига боғлаб юрадиган калитини базўр ечди.

Сандиқ очилиши билан димоғига пулнинг алланечук ширин ҳиди урилиб, юраги бир орзиқиб тушди. Устки қаватиға ёпилган эски, ранги билинмай қолган шол рўмолни шовиб кўтарганича белгисига қаради. Сарик ёстиқчанинг тўрт четига қўйилган тўртта беш тийинлик тангалар тескарчилигича турарди. Кўнгли хотиржам тортиб, беш тийинликларни четга суриб қўйди-да, ёстиқчани олди. Бу энг сўнги касби — даллоликдан топган пуллари эди. Етти минг бўлиши керак. У ёстиқчанинг қош томонидаги чокини сўқди. Омонат кассада алмаштириб олган пулларининг тахи бузилмай шалдираб турарди. Ҳаммасини санашга сабри чидмай, олдин очиб олай, кейин ҳаммасини санаб, ҳаммасини бирдан тикиб қўярман, деган хаёл билан иккинчи ёстиқчани кўтарди. Бу қассоблик қилган вақтидаги пуллари. Неча сўмлигини ёд билса ҳам, ёстиқчанинг ичига солиб қўйилган қоғозни очиб қаради: саккиз минг саккиз юз сўм. Ҳар доим икки юз сўм қўшиб қўяман дейди-ю, лекин эсидан чиқади.

Даллол учинчи ёстиқчани олди. Одатда ана шу ёстиқчани очмайди, қўлида кўп ҳам ушлаб турмайди. Чунки булар Саримсоқнинг магазинида қоровул бўлиб ишлаган пайтида топилган. Иннайкейин, ўша пайтдаги анорларининг пуллари ҳам шунинг ичида. Жонивор анорлари роса ҳосил қиларди-да! Эсиз, ўшандан кейин нима бало бўлдию, битта-биттадан қуриб қолди.

Бўздан қилинган бу ёстиқчани чап томонга қўйди: «Тикилмайди». Лекин хаёлан ёстиқчадаги пулларнинг миқдорини наригилар билан қўшиб ҳисоблади: «Етти минг, саккиз минг саккиз юз, ўн тўрт минг, демак, йигирма тўққиз минг саккиз юз!»

Тўртинчи ёстиқча... Йўқ, бу ёстиқча эмас, расмана ёстиқ эди. Энг омади келган пайтлари эди-да, ўшанда. Агар, йигит кишига уч марта омад кулиб боқади, деган гап рост бўлса, битта омади мана шу вақтда боққан. Урушга бормаи, йўлдан қайтган йили ҳисобчи бўлганига қитмирлик қилишувди, тоғаси товуқ фермасига мудир қилиб қўйди-ю, олдинги топганлариям ҳолва бўлиб қолди. Парранда етти хазинанинг бири, деб бекорга айтишмаган экан. Бу жонивор даромад сувдай оқиб келиб, икки йилда бир умрга етадиганини жамғарди-я!»

Даллол ёстиқнинг чокини ҳафсала билан сўқди. Пул алмашган йили Самарқандга тушиб янгилаб, пачкасини ўша пайтдаёқ бузиб қўйган эди. Чунки ўзи йирик пуллар, санашга осон, иннайкейин, шамоллатиб турилмаса, худо билади нам олиб чириб-пириб кетиши мумкин.

Лекин ўшанда бир нарсани хом қилган, ўйласа ҳалигача ўзини ўзи сўқади. Ит эгасини танимайдиган ўша замонда битта диплом олволмаган. Бўлмаса, бунинг кори бир белбоғ пул эди. Сал-пал ёзиш-чизишни билганда-ку, пул ҳам бериб ўтирмасди. Шунга қолганда ҳафсаласизлик қилди. Бу ёғи томир ёйиб олдим-ку, сал нарига бориб қиларман шу ишларни, деб ўйлади. Сал ўтмасдан эса уруш тугаб, ҳамма нарса қонун-қоида бўйича бир қолипга тушди. Бунинг устига, ишонган тоқсиям ўлиб қолди.

У элликтиликлар тўпламини ўнг томонга суриб, сандиқ ичига бўйлади. Ёстиқдан ҳам кўра лўла болишни эслатувчи қизил алвондан қилинган бу ёстиқни даллол «хамиртуруш» деб атарди. Чунки қолган бойликларининг ҳаммаси мана шу

«хамиртуруш»нинг орқасидан келган. У бу пулларни ҳисобчи бўлиб ишлаган йиллари ирим билан йиққан. Бир тийинини ҳам бировга сарф қилмаган. Сарф қилса, гўё пулларининг қут баракаси учиб, бойлиги дарз кетадигандай туюлаверган. Ер етказиб бермасан-у, онаси ўлганда укаси хўп тавалло қилиб кўрди. Лекин бермади. Бермади эмас, борлигини билдирмади. Бу дунёда энг яқин кишингга ҳам сир айтма, деган ақидага амал қилишнинг фойдасини ўшанда билди. Бўлмаса, қўлига пул тушган кезлари икки-уч марта бели буқилмаган шапалоқдай-шапалоқдай пулларни шалдиратиб Нозикнинг кўзини ўйнатгиси келган. Лекин кимнингдир: «Душманнинг бўлмаса, хотин ол!» деган гапини эслаб, ўзини тийган эди. Шуларни ўйлаб севинди. Ўзининг ақл-фаросатига қойил қолди. Рост-да, ўлган одам ўлди-кетди, минг сийлагани билан тирилиб келмайди. Йиққан-терганини одамларга едириб аҳмоқ бўптими? Иннайкейин, она бўлиб нима каромат кўрсатибди унга? Икки гапининг бирида: «Уруғимизда сенга ўхшаган одам йўқ эди, билмадим, сен кимга тортин!» деб зорлангани-зорланган эди. Қўли эгрилигини-ку айтмасам бўлади. Кўзи пана бўлди дегунча ўрикми, шафтолими, олмами енгини тўлдириб Тошмаматниқига чопарди. Бир куни нимаям бўлиб, қоровулликдан эртароқ келиб қолди. Қараса, ярим қопча олmani орқалаб, дарвозадан чиқяпти. Уни кўриб қотиб қолди. Кейин базўр: «Оқшом билан шамолда тўкилиб, ер билан битта бўлибди, бекорга чириб кетмасин деб уқангнинг болаларига олиб боряпман», деди. «Уқамнинг болаларини боқиб меннинг маҳримга тушган эмас, чиримайди, қоқи қилиб оламан, жойига обориб қўйинг», деди. Ойтожибиби олмаларни этак-петаги билан унинг оёғи остига ташлади-да, хўнграб йиғлаганича кетиб қолди. Шу-шу Тошмаматларниқидан келмади. Нозик бир-икки марта: «Энамни опкелинг», деб ғинғиллаган эди, ҳамма аламини ундан олди, бир ойгача беланги бўлиб юрди. Онаси оламдан ўтгандан кейин Тошмамат уйига келиб, «Ака, онамизнинг сўнги иззати-мавридларини биргалашиб ўтказсак, бир ўзимга сал оғирлик қилиб қоляпти, биласиз, жўжабирдай жонман», деган эди: «Тиригида эғалик қилган, ўлигиғаям эғалик қилади. Онамдан қолган мероснинг ўзини ишлатсанг ҳам юз маъракасига етади» деб оғизга урди. «Онамдан қолган мерос» деган гапидан Тошмаматнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Лекин мерос қолгани рост эканми, шундан кейин бу ҳақда қайта оғиз очмади.

Даллол ёстиқдаги пулларни худди энди тухум очиб чиққан жўжаларни ушлаётгандай авайлабгина олди: «Ҳайкалга қанчаси кетаркин?»

У пулнинг учдан бир қисмини ажратди. Етармикан? Агар клубнинг ҳовлисидаги ҳайкалдай ясалса етиши мумкин. Чунки, тоши мундайроқ. Оҳақ билан қум аралаштирилиб қилинган шекилли. Лекин шунча пул сарфлагандан кейин тузукроқ бўлиши керак-да! Айтгандай, қишлоқ советининг олдидаги ҳайкал нимадан ясалган? Мис эмас. Миснинг ранги қизғиш бўларди. У қорамтир кўнғир. Иннайкейин, ёғин-сочин бўлса, тозям қорайиб, афт-ангори билинмай қолади. Энг яхшиси мактабнинг олдидаги ҳайкал. Соқолигача аниқ-тиниқ ишланган. Рангиам яхши — қумушранг, ўзиям ярқираб, узоқдан кўзга ташланиб туради.

Даллол пулнинг тенг ярмини ажратди. Ажратди-ю, худди ичидан нимадир ўпирилиб тушгандай вужуди зирқираб пулларга ютоқиб тикилди. Ҳаммасини бир-бир ушлаб, сўнг бармоқларини ҳидлади. Одамлардан эшитгани: «Пулга жиғарнинг қони қўшилган бўлади, шунинг учун ҳам кўзга иссиқ кўринади», деган гапни хаёлан тасдиқлади.

У битта элликтиликни чироққа тутиб синчиклаб қаради: қон қўшилса қизғиштоб бўлиши керак.

— Катта ота!

Улуғбекнинг овози даллолнинг бошига гурзидай урилдию юраги потирлаб, бор гавдасини пулларнинг устига ташлади: «Падар лаънати! Демак, уйғоқ ётган экан-да! Балки, орқамдан пойлаб ҳам чиққандир?»

Даллолнинг қони гупириб, чакка томирлари лопиллай бошлади. «Нозик уйғонса, иш пачава бўлади. Юраги ёрилиб кўни-кўшиникига чопишдан ҳам тоймайди. Тезроқ уларга кўриниш бериш керак».

Даллол сочилиб кетган пулларнинг устидан ҳатлаб, тўрга ўтди-да, тарашадай қотган териларни шошиб қозиқдан олди. Пулларини бир ерга тўплаб устига териларни ёпди. Овоз чиқишидан кўриқиб, пала-партиш қалаштириб ташланган қути-

ларга тегмай, эҳтиёткорлик билан пойгакка ўтди-да, чироқни ўчирди. Шоша-пиша қулоғини эшикнинг тирқишига босиб, ташқарига қулоқ солди.

— Қарасам, туйнукдан шундоқ ёруғ тушиб турибди. Кўрқиб кетиб, «Катта ота!» десам, учиб қолди.

— Кўзингга шунақа кўрингандир, болам. Уша уйга яқин борма, у ерда газанда бор.

— Қанақа газанда, катта она?

— Кундузи айтман, хўпми?

Уларнинг овози пасайиб, кейин эшитилмай қолди.

Даллолнинг кўнгли хотиржам тортиб, секин яна чироқни ёқди...

Улуғбек тонгда бувисининг овозидан чўчиб уйғонди.

— Вой, шўрим... Вой, ўлай! — Бувиси деразага тирмашганча мук тушиб ўтириб қолди. — Улуғжон... чоп... тезроқ чоп! Катта отангни уйғот! «Қақур-қуқурхона»га ўт тушибди!!

Кўрқиб кетган Улуғбек бувасининг хонасига кўйлақдан отилиб кирди.

— Катта ота, уйингиз ёняпти, тезроқ чиқинг!

Эшим даллол уйқусираб, олдин нима гаплигига унча тушунмади. Тушунгач, жонқолатда сапчиб ўрnidан турди-да, ҳовлига отилди. Миясига қаттиқ бир нарса зарб билан урилди: «Чироқ ёниқ қолганмикан?» Тахмин тўғри чиқди. Олов «қақур-қуқурхона»нинг эшигидан тутун аралаш буралиб чиқарди. Даллол бўкириб юборди. Тандирхонанинг олдида етганда тиззаларидан мадор кетиб, оёқлари кесакка айланди ва қулоқлари чиппа битди.

«Пуллари... бир умр йиққан пуллари ёняпти-я! Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас! Туш кўряпти! Ахир... ҳозир... ҳозиргина ҳаммасини санаб кўрган эди-ку!»

Бармоқлари шошиб сонини чимчилади. Уюшиб қолган баданида чумоли чаққанга ўхшаш оғриқ сезилди. Уртаниб, ингради. «Падар лаънатилар... Ундан кўра уйига, хону моминга ўт кетса майли эди!»

«Ўтники ўтга, сувники сувга...» дея масхаралаб «қақур-қуқурхона»дан тилини чиқазди олов.

«Худди шу гапни ким айтувди?», дея хотирлашга ҳаракат қилди даллол. «Кеча... Йўқ, бугун... бугун тушимда онам айтди шекилли...»

Даллолнинг тани кўрқувдан бир сесканди. «Тавба, нега онам тушимга кирди. Йўқ-а, онам эмасди. Падар лаънати Эркатошнинг совуқ башараси эди. Чунки: «Эй, Эшим қасамхўр, — деди тиржайиб, — нега Сора ҳақида ёлғон-яшиқлар тўқидинг? Раис бечора ўн кундан бери касалхонада экан-ку?»

«Ўтники ўтга, сувники, сувга!» — Бу гал рақсга тушиб, осмонга ўрлади олов.

«Йўқ, бу гап Эркатошники эмас. Чунки овоз аниқ онамники эди. Кейин... Кейин нима деди? «Қуртга ўхшаб яшаш жонингга тегмадимми, жоним болам?» деди. Нега ундай деди? Шум кампир жойида тинч ётавермай, нега пичинг қилди? Бўлди, эсимга тушди. Пулларини халтага солиб, ҳайкал ясашига бораётган эдим. Қаердандир пайдо бўлиб қолди. «Ҳе, — деди, — йўл бўлсин!» «Ҳайкал қилдирмоқчиман. Шунга боряпман», дедим. «Йўқ болам, — деди, — бу пуллар сеники эмас. У бошқаларники. Шунинг учун сенга буюрмайди. Уни эгаларига қолдир. Мен эса сенинг энангман. Сен меникисан! Сени олиб кетаман!!!»

Даллолнинг ич-ичида нимадир чирт узилди. Тинмай масхаралаётган олов, югуришиб қудуқдан сув ташиётган одамлар ва бир чеккада мунғайганича ҳайратдан қотиб ўтирган Нозик кампирни элас-элас бир кўриндию, кейин бирдан юзтубан қолади.

Мен сиздан қарздорман, соғинчим қарздор.
Ва яна шунчалик қарзим устида
Кўтара олмайман бунча шафқатни.

Сергей Есенин

«Мен уни танирдим, шивирлар ўрмон, —
Доим сўқмоқлардан шошиб ўтарди».
«Мен уни танирдим, — шивирлар осмон, —
Кўзлари ўзимга ўхшаб кетарди».
Уни севар эди барча баробар,
Айниқса гўзаллар, соҳибжамоллар.
Уйига ёғарди мисли оппоқ қор —
Жонфизо мактублар, жонбахш саволлар.
Оламни кузатиб аҳволи нигун
Куйларди: «Россиям, тупроғим, далам...»
Такрорларди онаси деярли ҳар кун:
«Сергей, яна сенга мактуб бор, болам».
Жононларки, саргайтиб йўлида кўзин
Мудом йўқлаб ўтди, сўроқлаб ўтди.
У эса...
Йўллари тошли қизнинг,
Кўзлари ёшли қизнинг —
Шеърятнинг ортидан кетди.

Мен алдаб яшадим ўзимни ўзим
Ўзимники дедим қарашларингни.
«Ўзгани туш кўрса кўр бўлсин кўзим»
Ўзимга қаратдим қарғишларингни.
Энг гўзал баҳорлар кетди, қайтмади,
Кунларим шундайин ўтди жимгина.
Ёмғирлар йиғлади, дардин айтмади,
Адирлар туманни ютди жимгина.
Бир тонг юва туриб, оқармас, сездим
Гуноҳ ғижимлаган кўйлақларингни.
Ўша кундан бошлаб беимкон кездим
Кўнглимнинг хазонлиғ йўлақларини.
Айбни ахтардим ёмғирдан, тундан,
Хатоларга ботиб келса ҳам изинг
Билдим, билатуриб кечирган кундан
Мен алдаб яшадим ўзимни ўзим.

Ҳеч ким кузатишга чиқмади мени,
Улкан аэропортда ёлғиз бир ўзим,
Чамадон кўтариб совуқ куз кун
Ёлвордим: фoш этма кўз ёшим, кўзим.
Учишга ўн минут... Титрама таним,
Рухим боғларида ким ўқ отмоқда.
Биламан шу маҳал бир ишонганим
Бурксиган даврада мени сотмоқда.
Ажралиш тош отган аэропортда
Кўнглим синиқларин термоқчидайин
Негадир сўнги бор қарадим ортга,
Келмаган одамни кўрмоқчидайин.
Сўнг учдим, тақдирнинг баланд-пастидан,
Жону-жигаримни тиглаб учдим мен.
Хиёнат ўқ отган ўйнинг устидан,
Ярадор қушчадак йиғлаб учдим мен.

Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётгонинг қани!
Мен — ёмондан айрилиб,
Яхшини топгонинг қани.

(Халқ кўшиғи)

Ҳой, оқ илон, оппоқ илон,
Бу йўлдан йиғлаб қайтдим.
Тушлар кўрдим мен ёмон,
Тушимни сувга айтдим.
Баридан тўйган жондай,
Тонглар тушларим оқди.
Сувга ташланган нондай,
Ақлу хушларим оқди.
Анавининг тили узун,
Менинг дилим узундир.
Анавининг кўли узун.
Менинг йўлим узундир.
Узун-узун ишончларим,
Жон жойидан ўзилди,
Юракдаги ишонч ўйи
Тикланмасдан бузилди.
Ҳой, оқ илон, оппоқ илон
Тишингдаги заҳарму?
Қон йиғладим мен ёмон,
Кулдирганинг саҳарму?
Бир кун душман тузлади,
Тақдирга тошлар отдим.
Бир кун дўстим тузлади,
Кўндим, тузларга ботдим.
Атрофда сўзлар тарих
Куйдим, кузга айландим.
Тузланавериб охир
Ўзим тузга айландим.
Тузман, тепиб ўтдинг ёр
Кўр бўлмасанг, майлийди.
Пешонаси бир умр
Шўр бўлмасанг, майлийди.
Ҳой, оқ илон, оппоқ илон,
Тўнингни ташлаб кетма.
Олиб-олиб менга ёмон
Кунингни ташлаб кетма.
Гумонларда адаштирдинг,
Кулгум ёшга бурилди.
Туманларда адаштирдинг,
Бошим тошга урилди.
Бошидан қон оққанларнинг
Изи ҳам қизил бўлур.
Изидан қон оққанларнинг
Сўзи ҳам қизил бўлур.
Қизғалдоқман, қараб қолгин
Ялов бўлиб ўтаман.
Аравангни четга олгин,
Олов бўлиб ўтаман.
Эшикларни йиғлаб ёпдим
Эшигингни ёпгин ёр.
Мен-ку сени севиб топдим,
Топганингдан топгин ёр.



фантастик ҳикоя

Бир тақдир Нақли



Бахтиёр
Каримов

Улар йўл бўидаги қаҳвахона олдида тўхташди. Тор йўлқадан пастлаб ичкарига мўралаган Отабек бунда одам сийраклигини кўриб зина бошида турган қизни ишлади. Ҳамроҳлар вақт зиклигидан шу ерда енгил-елпи тушлик қилишни маъқул топдилар.

Қаҳвахона ичи салқин, нимқоронғи, ёлғиз девордаги анвойи чироқларгина жиҳозларни бир қадар ёритиб турарди. Пасту баланд токчаларга алламбало ичкиликларни дид билан териб қўйган бармен пештахтани заруратсиз артиб турар, соҳиб ортидаги бир жуфт қутичадан ҳаётсевар «Арабески» қизларининг қувноқ қўшиқлари янграр эди. Мусиқа гарчи шовқинли бўлса ҳам киши руҳига алланечук бир хотиржамлик бағишларди. Уртадаги столга давра қуриб, «тиниб» ўтирган кунда-шундалар эшикдан кирганларга бир ҳушёр разм ташлаб, вазмин каллаларини тагин қуйи эгадилар. Шу асно паға-паға тутунларнинг яна бир гуруҳи шифтга ўрлайди.

Тиллабиби тутун ишғол қилмаган бурчакка келиб ўтирди. Бир муддат ўтгач, дастрўмолчаси билан лаб бўёғини артиб, Отабек келтирмиш қора қаҳвадан ҳўплаб кўрди. Қаҳва маъқул тушди чоғи, тарам-тарам киприкларини ялт кўтариб сархуш ҳамроҳига ширин табассум ҳадя қилди. Отабек ютинди, қизнинг оппоқ, майин билагини юзига қосиб, узун ва нозик бармоқларидан ўпди. Тиллабиби кизариниб, ортига ўрнинча қараб қўйгач, ёш боладай меҳрталаб Отабекка бир оз эрк берди, аввал олиб қочган ёноғини бу гал тутиб берди. Отабек ҳаддидан ошаётганидан ажабланиб, уни ҳушига қайтардию тагин қаҳвасига маҳтал бўлди. Қаҳвасини ичиб бўлгач, кўркем киприкларига инган бўёқ нуқраларини номсиз бармоғи ила артиб, бўйнидаги мўъжаз соатига кўз ташлади: Профессор Хонкелдиевнинг дарс бошлашига санокли дақиқалар қолганди...

Шаҳарнинг марказий кўчаларидан мўътадил тезликда юриб келган енгил автомобиль махсус жиҳозланган жойга келиб тўла тўхтагач, азим чинор тагида иссикдан лоҳас бўлиб турган бир гуруҳ кишилар шод-хуррам кайфиятда унга пешвоз чиқдилар. Паст бўйли бу одамлар — олимлар, автомобиль эшигини очиб ерга қадам қўйган дароз инсон — факультет декани Хонкелдиев эди.

Кузнинг ўрталари бўлса ҳам осмонда ёз куёши чарақлаб турарди. Хонкелдиев домла эшик тутқичига ошиққан шогирдларидан бирига чарм муқовали папкасини узатиб, бир зум кўкка боқиб қолдилар. Само бағрини тилиб кетаётган реактив самолёт домланинг ўткир нигоҳларидан чўчигандай увода булут остига сингиб кетди. Саккиз нафар шогирднинг пешонага тиралган қўллари ҳам пастга тушиб, домланинг момиқ кафтларига монанд силкинганча эгалари билан бирга деканат эшигигача ҳамроҳ бўлдилар.

...Отабек Тиллабибининг кистови билан аудиторияга биринчи бўлиб кирди. Хонкелдиев домла давомат ҳақида ҳисобот беришга чоғланган тепакал курсбошига лоқайд қўл силтаб, қалтираб ўтирган талабаларни қовун санагандай бир-бир ҳисоблай бошлаганди, Отабекни кўриб энсаси қотди. Ҳайдаб чиқармоқчи эди, унинг ортида ийманиб турган Тиллабибига кўзи тушиб, беихтиёр мамнун табассум қилди. Утиришга ижозат берилгач, Отабек орқа қатордаги бўш ўринга қараб юрди, Тиллабиби Хонкелдиевнинг ишораси билан минбарда қолди...

Хонкелдиев — орнитолог, бугунги семинар машғулотини ҳам қушларнинг саргардон сайлларига бағишланган эди. Тиллабиби дастлабки савол бўйича билганини,

Кўлингиздаги ҳикоя — Бахтиёр Каримовнинг матбуот юзини кўраётган илк ҳикояси. Бошқа ҳикоялари ҳам бор, лекин Бахтиёр инсоф юзасидан шу кунгача индамай юрди. Унинг ҳикояларида ҳажвга мойиллик кучли, муаллифнинг мактаб кўргани яққол сезилади: Гоголь, Қодирий, Қаҳҳор... Лекин у бировага эргашмайди — мавзуси ҳам, танлаган қаҳрамонлари ҳам ўзиники.

Муаллиф сизни нақл этилмиш тақдирларнинг ростлигига қанчалик ишонтиради ёки ишонтирмайди — буниси менга қоронғу. Лекин мен ўзим Бахтиёрга чиппа-чин ишондим. Айниқса, у муболағани роса оширган жойларга. Янада ошқорроқ қилиб айтадиган бўлсак, аини ўша муболағани кўриб, ёзувчи дўстимга ҳавасим келди.

Ҳикояда дағал ва ғализ жойлар ҳам бор. Сабаби — тажрибанинг камроқлиги. Қолаверса, муаллиф танлаган усулнинг ўзиёқ олачалпоқликка сабаб бўлмоғи табиий. Муҳими — ҳикоянинг дилдан, дард билан, олижаноб мақсад билан ёзилгани.

Мурод Муҳаммад ДУСТ

ўқиганини гапира бошлади. Хонкелдиев муштини жағига тираб уни ихлос билан эшитаётганида Отабекнинг хаёли бўлинди.

Агар Гоголь қаҳрамони Иван Никифорович ҳовузга стол ва самовар қўйдириб, бўғзигача сувга тушган кўйи чой ичишни ёқтирган бўлса, Хонкелдиев домла ўқишни битираётган серзавқ қизларнинг диплом ишига раҳбарлик қилишни яхши кўрардилар. Домла талаба зотига ўта талабчан бўлсалар-да, лекин бу усулни дипломант қизларга ишлатишни номақбул деб ҳисоблардилар. Бугина эмас, қаторасига тўрт фарзандлари ўғил туғилган домла «Асосий боб»ни бошлашга қийналаётган қизларга лозим бўлган барча йўл-йўриқларни кўрсатиб, ҳаттоки баъзи қисмларига қўл уриб, ёзишиб ҳам бераверардилар. Мабодо иш давомида талаба ўзининг муайян қобилиятга эга эканини намойиш қилгудай бўлса, бу ҳолдан бағоят мутаассирланган домла «шогирдка»сининг етти ухлаб тушига кирмаган ишни — олима бўлиб қўл остларида илмий-ижодий ҳамкорликни давом эттиришни маслаҳат беради. Лекин «Асосий боб» муваффақиятли бошланиб навбат очиқ қолган «Хулоса» қисмига келганида зукко Мамажон Норматовичнинг андак қисик-ғилай чап кўзлари чарақлаб очиладию домла ёрдамнинг бу ёғини насия қилиб ўринларидан турадилар. Акс ҳолда диплом ишининг фақат хулоса қисмини ўқийдиган рашкчи оппонент — рафиқалари домланинг дастхатини таниб қолиб жанжал кўтариши, икки ўртада гап қочиши мумкин. Бу серғалва дунёда кимнинг жанжалга тоби бор дейсиз?

Мамажон Норматович докторлик диссертациясига материал йиғиш учун ҳаётни чуқур ўрганиб чиқдилар ва қатъий амин бўлдиларки, илм чўққиларини кўзлаган соҳибжамоллар оилавий ҳаётда бир оз ноқулай аҳволга тушиб қоларканлар. Бу ҳолни чуқур англаб етган домла шу боис шогирдкаларига паришонхотир шогирдларидан ёйинки ўғилларидан бирига турмушга чиқиб олишни, сўнг хотиржам катта илмий ишга ўтиришни маслаҳат қилардилар. У кишининг маслаҳатларини олган шогирдкаларнинг биронтаси кам бўлган эмас. Улар халқ хўжалигининг минг бир соҳасида жавлон уриб ишламоқдалар. Илм орқасидан пешонаси ярқираган шогирдкалар домлани бот-бот эслаб, байрамларда, бўлса ҳам андаккина фурсат топиб ўз ҳурматларини изҳор қилиб турадилар.

...Отабекни қушлар қизиқтирмасди. У эсини танибдики, фикрлайдиган мавжудот ҳақида ўй суради. Шу муаммога ечим излаб, у қироатхоналарнинг кимсасиз бурчакларини титкилади, турфа жонзотларни, уларнинг юриш-туришини кузатди. Сўнгги йилларда бир тўхтамга келиб, фикрлайдиган мавжудот сифатида итга қаттиқ ихлос қўйди.

Ҳайвонлар табиатини ўрганувчи фан — этологиянинг асосчиси Конрад Лоренц — ит одам боласининг руҳини,

дилини энг яхши тушунадиган жонзот эканини тасдиқла-са-да, негадир унинг хатти-ҳаракатларидаги онг белги-ларини туғма эмас, балки кўникма натижаси ^{дўст} ҳисобларди. Бошқача қилиб айтганда, у ҳам «XXI аср бошига келиб фақат дельфинларгина одамзот билан мулоқотга киришади» деган машҳур табиатшунос Лиллидай итнинг порлоқ келажагига шубҳа билан қарарди. Идеал ит яратиш орзусида астойдил изланган бу улғу олим тадқиқотларини Отабек синчиклаб ўрганди. Унинг фикрича, Лоренц асосий масалада янглиш хулоса чиқарган. Итнинг одамга хос қилиқлари туғма эканига, тўрт миллион йиллик такомиллашиш жараёнида одамзот ўз табиатидан ҳануз йўқота олмаган иллатлар бу мавжудотда уч бермаслигига Отабек қаттиқ ишонч ҳосил қилиб, тўрт оёқли дўстини шу асрдаёқ юксак онгли жонзотга айлантиришга бел боғлади. Иш аввалига силлиқ кетди. Тўтининг овоз пардаларига кўниккан Олапар ақиллаш ўрнига ҳижжа-лаб гапиришни, кейинроқ бўғинлаб ўқишни ўрганди. Итнинг бош мия ярим шарлари устида ўтказилган тадқиқотлар ҳам ҳаялламай ўз самарасини кўрсатди: энди Олапар дунё кўрган кекса одамдай мушоҳада қиларди. Аммо бу хусусият унда гоҳо йўқолиб қолар, шу боис, Отабек уни одамлар сафига қўшишга ҳали эрта деб ҳисобларди — жонивор ҳар гал тўйиб овқатлангач, ошпазга қуллуқ қилиб, ўз хизматини давом эттириш ўрнига ялтоқланиб ортган таомга панжаларини тиқар, шу йўсин ҳамма ёғини расво қиларди. Айни кунларда унинг бу дардига чора излаб Отабекнинг боши қотганди...

Аудиторияда Тиллабидан бошқа ҳеч ким қолмабди. Деразадан ўйчан боқиб ўтирган қиз Отабекка ўгирилиб, синиқ жилмайди. Юрт пахта ташвиши билан ётиб-турган кунлар эди, Отабек ўша кунни кечкурун хаста онасига хат ёзиб, ундан хавотирланганча эртасига пахтага жўнаб кетди. Оғир кунда кишига дўст асқотади, яхшиямки Олапарнинг борлигини, боёқиш автобусгача кузатиб, онасидан хавотирланмасликни қайта-қайта уқтириб қолди.

Автобус Сарсонқум чўлларига кириб борганида вақт пешиндан оққан эди. Ёз қуёши кузни тан олмай, борлиққа аждарҳодай ўт пурқаб, далаларда жавлон ураётган ўзига бепарво зангори кема капитанларини қора терга ботириш билан овора. Унда-бунда тиккайган дов-дарахтлар одамга салқин бериш у ёқда турсин, ўзлари ҳимояга муҳтож, салгина эпкиндан қалтираб қолишади. Факультетда қизлар кўп бўлгани учун декан ҳар йили кишлоқ отчопарларидан нарироқ шу чўл пахтазорларига лангар ташлашни маъқул кўрарди. Тўс-тўполон билан хоналарга жойлашган талабалар сал ўтмай салобатли Хонкелдиев қаршисида камалаксимон давра тортдилар. Йигитларнинг кўзлари аланг-жаланг, сайёҳ нигоҳлар дуркун кўкраклар малоҳатини тағин ҳам

бўрттирган футболкалар узра зир-зир югуради. Хонкелдиев домла тўпланганларга шусиз ҳам маълум қондаларни бир-бир санаб чиқишдан эринмади. Давра тўзигач, Тиллабибини имлаб чақирдию унга қозонбошиликни раво кўрди...

...Ой ўша сокин чўл оқшомида ҳам тилла баркашдай ярқираб чиққан эди. Унга парвона юлдузларнинг сирли жимирлаб туриши одам боласининг ожиз руҳини ғалаёнга соларди. Тиллабиви қадим араб эртақларидай сирли, сеҳрли осмонга боқиб тўймас, шаҳар ташвишларини бир зум унутган Отабекнинг кўнгли ундан ҳам масрур эди. У қизнинг нозик елкаларидан қучган кўйи бағридан қизғиш-яшил нур таралгучи Миррих юлдузини томоша қилди. Кейин энг чиройли юлдузга қўл узатиб уни ўзига қаратди-да, билинар-билимас титраб турган лабларидан ўпди...

— Тиллабиви...

«Киз кўзларини очди. Шунда, Отабекнинг қитмирлиги тугиб уни ўсал қилмоқни истади.

— Нега доим ўпганимда кўзларингизни юмиб олаверасиз? — Сўради у.

— Тентак,— деди киз қизарганча унинг бағридан бўшалиб, кейин дарахт тағидаги шарпадан Отабекни огоҳ қилди.

— Қўяверинг,— деб қўл силтади Отабек одатича фалсафа сўқиб.— Улар ҳам сизу бизга ўхшаган одамлар. Ешлик шуниси билан гаштли. Юринг, ундан кўра кечаги тепаликка чиқиб кўлни томоша қиламиз.

Отабек шундай деди-ю, тилини тишлаб қолди. Улар кеча чўлдаги сунъий кўлга боришган, қайтишда адашиб, сал бўлмаса шу ерларда қўй боқиб юрган чўпонларнинг бўрибосар итларига ем бўлишаёзганди. Ҳайтовур, Отабек итларнинг феъл-атворини яхши билгани учун юраги ўйнаб қолган Тиллабибига нафас чиқармай ерга ўтиришни маслаҳат қилди. Тўдалашиб уларга яқинлашган итлар ўтовдан чиққан эгаларининг овозини эшитиб қайтиб кетишди. Тиллабиви барибир пича йиғлаб олди. Кейин ҳазил аралаш Отабекни қўрқоқликда айблаб, кулишдилар.

Тиллабиви жиддий тортиб шарпани таъқиб этарди. Дарахт тағига яқинлашганларида шарпа барак томонга қараб қочди. Тиллабиви уни анча ергача қувиб бориб келди. Шу-шу Отабек тунги сайрларда уларга гоҳ-гоҳ ҳамроҳ бўладиган шарпага — жамалаксоч қизга кўникиб кетди. Ҳатто бирда кўнгли тоғдай ўсиб юрди, бир жонимга икки сулув деб. У жамалаксоч қизнинг пастки курслардан бирида ўқишини, ўзига ҳамшаҳар эканини биларди, лекин бунини Тиллабибига индамай қўя қолди.

... Улар оппоқ булутлар устида парвоз қилишарди. Қизнинг елкасидаги зар рўмол офтобда ял-ял товланар, қараган одамнинг кўзи ўйнарди. Булутнинг у бошида шамолга дарғадай кўкрак кериб бораётган Отабек бир зум ортига тикилди. Шу асно шамол янги тўлқин билан оқилдию қизнинг зар рўмолини учириб кетди. Тиллабиви зар рўмолга эргашиб пастга йиқилаёзганда Отабек эпчиллик қилиб қолди. Қиз унинг қўлларидан тилла балиқдай сирғалиб чиқдию булутлар остида учиб юрган зар рўмолига, кейин... ҳамроҳига сўлғин нигоҳ ташлади. Отабек бу кўзларда илк дафъа аллақандай совуқ беғоналик чарақлаб турганини кўрди.

Зар рўмол ҳамон сор бургутдай қанотларини озод қўйиб, булутлар остида қувноқ парвозини давом эттирарди.

«Мен унга жонимни бермоққа тайёр турсаму, у бўлса аллақандай латтадан баланд туролмаса», дея фикрини Отабек. Эсини танигандан буён бировга малол келишни ёқтирмайдиган йигит қизнинг таънали боқишларини кўриб беихтиёр мук тушди. Зар рўмолга қўл чўзган эди,

етмади. Қарздор одамдай кўнгли хижил тортиган Отабек зар рўмолни олиш учун анча пастлаши кераклигини англади. Тиллабибининг эса айна дамда зар рўмолни қўлга киритишдан бошқа ташвиши йўқ эди.

Булут аста келиб қуёшга урилди. Қуёш энди аввалгидай чарақламас, ожиз йилтирарди, холос. Отабек йигитлик ғурурига, ҳамиятига тегадиган нигоҳлардан қандай қутулишни ўйлади. Лекин сўнг дафъа қизнинг энг ҳалол фалсафа ўчоғига ҳам ўт қалаб юборгучи оташ нигоҳларига дош беролмай, кўз ўнги қоронғилашдию... пастга қулади.

...У бир муддат, яъни то осмону фалакда ёлғиз қолиб кетган Тиллабиви эсига тушмагунча шу алфозда ётаверди. Дик этиб турганида қуёш аллақачон ботиб кетган, борлиқ зулмат қўйнига чўккан эди. Жиққа тер босган йигит аллақайда чакиллаб томаётган сув томон талпинди. Лекин уч-тўрт қадам юрмаёқ мункиб, боши билан муздай қояга урилди. Ихраб-инқиллаб юборган йигит пешонасидан сизиб чиқаётган қонни яланғоч билигага артиб, оғир тин олди. Жаҳд билан оёғининг тагини пайпаслаганди, қўлларига тош эмас, қандайдир бир латта илинди. Ой ёруғида қўлидаги зар рўмолни таниб, шодон ўрнидан турган Отабек ярим газ баланликда — оппоқ булутлар устида ётган Тиллабибининг ўзини кўргач, юраклари жимирлаб кетди.

«Дераздан тушаётган ойдан қизнинг сочини, яланғоч елкасини ёритиб турар, ой бу оқшом фақат шунинг учун чиққанга ўхшар эди...»*

Мушукдай абжирлик билан булут устига сакраб чиққан Отабек Тиллабибининг келишган қадди-қомати, кўзларини тўсиб турган сочларини силаб хўрсинди.

Уша бодомқовоқ кўзлар... Тарам-тарам киприклар...

Отабек кутилмаган бахтдан масрур, Тиллабибининг узун, ингичка бармоқларини дағал қўллари билан эркалаб тарашларкан, қўққис бошига гурзи келиб тушгандай орқасига сапчиб кетди...

«Эх, Отабек! Тиллабибини сендан узоқлаштирган ўша оқшомни унутдингми? Уша оқшом осмон нўноқ рассом чизган расмдай беўхшов, хунук эди. Олачалпоқ булутлар карвони жинчиқроқдай хира шуъла сочиб турган ойни босиб-четлаб белгисиз ёқларга оҳиста юзиб кетишарди. Сарсонқум чўллари энди шундай кечалардагина бир оз мижжа қоқиб олар, унинг қуш уйқусини Тиллабибининг оёқлари остидаги қон томирларидан оққан обиҳаётнинг гувранишигина безовта қиларди. Ёқимли куйни хиргойи қилиб бораётган Тиллабиви қўлларини сендан тортиб олди-да, сўнг уларни лангарчўпдай ёйиб қувур устида қад ростлади. Кейин қувурнинг нақ ўртасига қувонч билан, тўлқинлашиб чопқиллагач, «қойилмисиз!» дегандай сенга қиё боқди. Сен эса бу пайта адоқсиз ўйларга ғарқ бўлиб турардинг! Ушанда, Тиллабиви — бокира вужуд — қаршинга келиб паришон хаёлларинини тўзғитмоқчи бўлди. Таажжуб, сен ўз оламинга қанчалар берилганин сайин ораларингдаги чоҳ шунчалар каттайиб борар, бунини сезсанг ҳам парво қилмас эдинг!»

«Ҳа, Олапар. Сен ҳақсан! Мен ўша пайтларда ўзимни талвасага солган ўй-хаёллар гирдобидан бошимни чиқаролмай юрган эдим. Ушанда, Олапар, ўзингга билинмайдиган ножўя феълингни тузатмоқ кўйида бошим қотиб юрганида, аямнинг бир китобчасини ўқиб қолдим у кўзларим чарақлаб очилди. Сен қорни тўйган гўдакни ҳеч кузатганмисан? Унга сал бепарво бўлиб қолсанг, аввал қошиғини тескари ушлайди, кейин овқатни чапиллатиб ейишга ўтади. Қарабсанки, бир зумда юзларию кийим-бошларига овқат чапланган,

* А. Қаҳқордан.

булганган. Сен, Олапар, панжаларингни товоққа тикқаннигда унга ўхшаб кетардинг. Бу мени ҳам ўйлантирар, ҳам жиғибийрон қиларди. Аямнинг китобчасини ўқиб чиққанимдан кейин ўтган асрдаги мешчанларнинг бугунги қариндошлари ҳақида ўйлаб қолдим. Мешчанликнинг асоси худбинлик бўлгани учун бу бадфезлик сенда учрамаслигини қанчалар истаганимни билсайдинг?... Ҳолбуки, сендаги бу иллатни тузатиш мумкинлигига кўзим етмас эди. Уша кеч Тиллабиби келажак ҳаёт ҳақида орзуларини баён қилди. Шахсий машина, Қора денгиз бўйлаб саёҳатлар қилишимиз ҳақида энтиқиб гапирди. Мен қайсидир китобларга алданган аҳмоқ — унинг яхши яшаш ҳақидаги орзуларини худбинлик деб ўйлабман. Бир куни уни ўчоқ бошида ҳаётсевар Хонкелдиев билан ҳиринглашиб турганини кўриб жон-поним чиқиб кетди. Тиллабиби Хонкелдиевдан узоқроқ юриш ҳақидаги маслаҳатимга кулиб қўя қолди, рашким ноўринлигини айтди. Мен Хонкелдиевни яхши билардим. Афсус, Тиллабибини яхши билмас эканман, буни кеч тундундим».

...Уша куни Отабек қироатхона ёпилгунча ўтирди. Кутубхоначи қизнинг таънали овозидан ўзига келиб бошини кўтарса, залда жамалаксоч ҳамюрти икковидан бошқа ҳеч ким қолмабди. Бирга узр сўрашиб, гардеробчи кампир ҳузурига чиқишганида Отабек қиздан бу қадар сермутолааликнинг боисини андак киноя аралаш суриштирди. Қиз курс ишининг ташвишида юрганини айтиб, мосмик ёқали пальтосига қўл чўзди. Отабек унинг пальтосини тутат туриб, шу лаҳзада Тиллабибини жуда соғинганини ҳис қилди.

Кўчага чиқишганида борлиқ оппоқ қорга бурканган, ҳамон лайлаққор гупиллаб ёғарди. «Осмон ерга қўшин тортди» — Отабек таниш шеър сатрини эслаб кулимсириккан, боши узра япон шамсийси қанотларини ёзди. Китоб лаззатидан вужудига ширин ҳорғинлик уйғонган йигит қушдай енгил бўлди-қолди. «Ҳамма қизлар, дунёдаги ҳамма одамлар — яхши!» У тоза қор ҳавосини симиришга нафаси етмай энтиқканча, қизнинг зонт тутган қўлларидан маҳкам тутиб олди. Қиз бунга қаршилиқ кўрсатмай, бепарво, Отабекнинг саволларига жавоб қайтариб борди. Ора-сира унинг қизиқ гапларига жилмайиб қўйди.

Улар бекатда анча туриб қолишди. Алламаҳалда диспетчер аёл бензин танқислигини рўқач қилиб, охириги автобусни кутмасликни маслаҳат берди. Ҳамроҳлар бундан хафа бўлишмади. Катта йўлга чиқиб, шахсий машинада шаҳар четроғидаги ижарачи кампирниқига йўл олишганида қиз ҳамюртлик, меҳр-оқибатдан нозланиб гапирди, Отабекнинг бепарволигидан гина қилди. Отабек ўсал бўлиб, айтилган куни қизнинг туғилган кунига боришга ваъда берди. Қизни кузатиб алламаҳалда ётоқхонага қайтганида ҳамхонаси уйқусираб унга хат узатди. Онасидан хат олган кунининг эртасига Отабек хиёбоннинг таниш ёлғизоёқ этагида Тиллабиби билан учрашди. Ҳар учрашувда уни бетоқат кутадиган йигитнинг бу гал кечикканини кўриб Тиллабиби хайрон бўлди. Унинг тунд қиёфасидаги нолакор ўтинчдан хаёли паришон тортди. Кейин... ҳозир тўйга розилик беролмаслигини, ҳали турмушга чиқмаган опасини тақдир ҳукмига ташлай олмаслигини айтди. Отабек гоҳо уни уйига кузатиб қўйган кезларида фабрикадан қайтаётган Опанинг синглисига ўғринча боққан чехрасидаги мамнуний ифодани эслаб (бундай кезларда Тиллабиби тунд бўлиб қоларди), чархи кажрафторнинг шевасидан кўнгли эзилди.

Шу кеч Отабек Марғилонга қайтди. Аясига касалхонадан буткул жавоб текканини эшитиб, нимқоронғи дунёси зимистонга айланди. Аяси унга ҳеч сўз демади.

Фақат Тошкентга қайтар чоғи «кўзим очиқлигида тўйингни кўриб қолсайдим», деб йиғлади.

Отабек Тошкент вокзалида поезддан тушгач, шу бугуноқ Тиллабиби билан қатъий гаплашиш зарурлигини ўйлаб, кўнгли чўкди. Вужудини бир халта юкдай судраб ётоқхонага келдию қаравотга чўзилди, дарсга боришни хаёлига келтирмай шифтга тикилганча ётаверди. Арази ҳол сўраган ҳамхонасига чарчаганини баҳона қилди. Эртасига ҳам хонасидан чиқмади. Студентлар шаҳарчасида яна бир қувноқ, гавжум оқшом палласи бошланганида унинг чироқ ёқса ёришмайдиган кўнгли танҳоликни кўмсади. У шу тобда дардини тўкишга бир ҳамроҳ истарди. Табиатан одамови бўлган Отабекни тақдир дўстдан қисди. У на курсдошлари орасида, на атрофидаги яқинларидан ҳамдард киши тополмаганини ўзининг мураккаб феъл-атвориغا йўйиб, шу билан ўзини овуларди... Қанча ўйлаганини билмайди, бир вақт қараса, одам сийрак трамвайда аллақайёққа кетаётган. Трамвайчи кейинги бекатнинг қироатхона эканини айтгач, шоша-пиша тушиб қолди. Шунда жамалаксоч ҳамюртининг ўтинч аралаш тақлифини эслаб, хижолатдан манглайини муздай тер қоплади. Шу кайфиятда у хушчакчақ даврага кириб боришни ақлига сиғдирилмасди. Лекин хаёлининг бир четиде «қиз мени кутади» деган фикр ялт этиб, беихтиёр гастронормга қараб юрди.

Вақт алламаҳал бўлса ҳам, кеча ҳали тарқамаган экан. Жамалаксоч қиз туғилган кунига атай тиктирган кўйлақда гул-гул ёниб тортни қабул қилди, уялинқираб, уни даврадагиларга таништирди.

Отабек даврага боқди. Тақдир зайли билан шу азим шаҳарда беш йил умрлари кечадиган ёшлар имкон топилган дамларини ажиб бир умргузаронлик билан ўтказишар, бу кеч ҳам шодумон чақчақлашиб ўтиришарди. Отабек тўрга — «кеча айбори» ёнидаги бўш стулга бориб ўтирди. Танимаса-да одат юзасидан ҳаммага бир-бир бош эгиб, кўз югуртириб чиқди. Кечанинг табрик қисми тугаб, дастурхондаги нознеъматлар яримлагач, энди «маҳаллий» хонадалар ижресида бадийий қисм бошланаётган экан.

Кечага раислик қилувчи тепакал курсбошининг «ҳая-ҳая»си билан Отабекнинг ичи қизиби олди. Сал ўтмай, жамалаксоч қиз «ўзим қилганман» деб шивирлаб бир коса овқат келтирди. Оч қоринга ичилган ароқ Отабекнинг кайфини оширди. Орадан бир соат чамаси вақт ўтгач, унда бояги хафаҳолликдан асар ҳам қолмади. У энди стул суянчиғига қўлларини ташлаб анча ёзилиб ўтирар, ўзи ҳам билмай ора-чора даврадаги ҳазил-хузул гапларга қўшилиб турарди. Маҳаллий вақт билан соат бирдан ошганда стол-стуллар йиғиштирилиб, магнитофон садолари остида рақс тушиш бошланди. Аввал ўзбекча, кейин хорижий рақслар тушилди. Отабек бир пайт кўзларини тарангроқ очиб қараса, хонада жамалаксоч қиз билан оўста куйга рақс тушиётган эди. Ёнларида стул ўрнини ўтаган қаравот...

...Тўй қизигандан қизиби борарди. Хурсандчиликдан дўпписини осмонга отиб, ичида анчадан буён саклаб юрган дардларини шоша-пиша оғиз кўпиртириб ёнидаги фужерларга тўкиб солаётган шампанларни томоша қилиб ўтириш Отабекни зериктирди. У бармоғини сиққан ҳалқани бўшатишга уринаётганида ишқибоз ўртоғи тўйга асраган мушакларини отиб юборди. Мушаклар ўз ёғдуси билан Отабекнинг зимистон кўнгли тубидаги юлдузларга қайта ўт ёқиб юбордилар. «Ажабо! Нега улар бу кеч шунчалар кўп-а?! Тиллабиби уларнинг мана бундай тўп-тўп бўлиб чиқишини яхши кўргани учун у ҳам бир пайтлар шундай осмонни орзу

қилмасмиди? Наҳот энди ўтган кунлар тотли хотиротдай орта қолган бўлса?! Нима қилиб қўйдим?..»

Бу орада электр танбурлар «икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши» ҳақида қувноқ яллалар ижро этишарди. Қилпиллаётган йигитлар, зикр тушаётган хотин-қизлар унинг хаёлини чалғитди. У дафъатан ёнгинасида Тиллабибидай нозик, ҳимояталаб бир вужуднинг камтарона бош эгиб ўтирганини пайқаб қолди. Юзига тўр парда тутган келинчак тўр қўлқопли қўлларини тиззасига қўйиб, майдончада бўлаётган хангомаларни жимгина кузатиб ўтирарди. Эс-ҳуши чалғиған Отабекнинг баданлари жимирлаб кетди. Илинж билан тўрни кўтариб, асирига кўз ташлаган эди, маҳбуба унинг шунча қилган ҳаракатига бир табассум ҳада қилганини кўргач, оғир сўлиш олди-ю, куёв болага ғасмият учун қўйилган ароқни илқис сипқориб юборди.

Сўнграқ, у чимилдиқда хушқўл ўтирган маҳбубани соғуққонлик билан маҳкам кучди-ю, шу асно Тиллабибини ҳам бу кунги Тошкан отабекларидан бири қўйнида тасаввур қилиб, юраклари муз қотди.

Ҳозир эса аввалига ажабланган куёвжўра энди мамнуният билан тансиқ газак тутди. Отабек унинг қўлини қайтариб аламли кулимсираганда давра четида қимтиниб турган аясининг бедаво дарддан тобора сўлғинлашиб бораётган чеҳрасига бир дам қизиллик югурганини кўргач, кўзларига юрагининг сели қалқиб чиқди...

Хонкелдиев домла ўша куни яхши кайфиятда институт қадам ранжида қилган эдилар, аммо кутиб олгувчилар даврасида бир доцентнинг йўқлигини кўриб, тепа сочлари тиккайди, ғазабноқ юзлари буришиб, чақчайган кўзлари атрофга қўрқув сочди.

Хонкелдиев домла аудиторияга қизариб-бўзариб кириб келдилар. У киши бағоят интизомни севардилар. Аудиториянинг энг четдаги дерзаси атрофида учиб юрган пашша домлага кўзи тушар-тушмас жуфти билан роз айтишдан тўхтади-да, оёқлари қалтираб шифтга ўрмалади. Сўнг қанотларини овоз чиқармай пирпиратиб, очик туйнукка етиб олди-ю, жуфтини ҳам унутиб «Сағбон сари парвоз айлади». Хонкелдиев домла пашшанинг кетидан бир ўқрайиб қўйиб, чарм муқовали сумкаларини очишга тутиндилар.

Бугун диплом ишлари тақсимланиши керак эди. Хонкелдиев ўзи раҳбарлик қилмоқчи бўлган дипломантлар рўйхатининг бошида Тиллабибининг фамилияси «Мирзакаримова» турарди — уни қироат билан ўқиган домланинг юзи ёришиб кетди. Отабек беихтиёр Тиллабибига қаради ва ўзи етиша олмаган кўзларга кўзи тушиб хиёл кулимсиради. Беихтиёр унга қараган Тиллабиби Отабекнинг қарашларидан бошқача маъно эди. Шу он кутилмаган ҳодиса рўй берди. Тиллабиби Хонкелдиевдан диплом иши олишдан бош тортди, буни баланд овозда домланинг ўзига маълум қилди. Бу ҳам етмагандек, сумкасини ёғимлаганча эшик томонга юрди. Хонкелдиев домла бакрайиб қолди. Аввалига бир оз саросималаниб турди, кейин ёшига ярашмаган чаққонлик билан қизнинг йўлини шартта тўсиб чиқди-да, кўпни кўрган донишмандларга хос бир ҳаракат билан унга партасини кўрсатди.

Отабекнинг юраги яна жадал ура бошлади. У шифтга қараб ўйланаркан, «Хонкелдиевлар билан бу тарзда курашиб енгиб бўлсан» деб чириллаётган ақлига эмас, юраги буюрган ишга қулоқ осиб мавриди келганини билиб, жиддийлашди. Мағрур қиз Хонкелдиевдан икки қадам берида нозик кафтчаларини юзига босиб йиғлар, оппоқ бармоқлари орасидан кўз ёшлари аста сизиб

чиқарди. Отабек қизнинг билагидан ушлаб ўзига қаратди. Во ажаб! Тиллабибининг ёш тўла кўзларида юзлаб юлдузлар порларди!!! Отабек энг чиройли юлдузга боқиб, ўзининг фалсафий мушоҳадалари хато чиққанини, Тиллабиби у ўйлаганидан ҳам бошқача қиз эканини англади.

...Тиллабиби чўчиб-сесканиб ортига тисланди. Отабек уни жойига ўтқазиб, қош-қовоғи уча бошлаган Хонкелдиевга юзланди, негадир аламини ундан олди — домланинг япаски бурнига илқис чертиб қўйди. Сиз сап-сарик ҳандалакни ёхуд таранг етилган кува анорини ҳеч чертиб кўрганмисиз? Бай-бай-бай! Диёримиз қуёшидан нур эмган бу сархил меваларнинг шарбатю лаззати шу чертқидан юзингизга сачрамаса — мен қафил!

Қордай оппоқ қўйлаклари, сўнгги урфдаги ингичка бўйинбоғларига доғ тегиб, Хонкелдиев домла ноқулай вазиятга тушиб қолдилар. У киши Отабекнинг ёқасидан ушлаб бир силтадилару шўрликни пастга улоқтирдилар. Отабек очик турган дерзадан учиб чиқиб кетди. Осмон узок, ер қаттиқ, шу кетганча икки йил парашютга осилиб Белоруссия ўрмонларини томоша қилди. Қайтишда марказий қурилиш-монтаж трестига қарашли автопаркнинг бўш турган диспетчерлик столига келиб тушди. Зарб қаттиқ бўлганидан бошини бир силкитиб, димиққан хонанинг дерзасини лашини очиб борди ва ...илк дафъа китоблардан фарқли дунёни кўрди. Ташқарида — ҳаёт гуриллар эди. Ана, биров тешилган баллонининг ямалганидан шодумон, тирикчилигини ёрилатганча автобусига шошяпти; биров бева диспетчерни гапга солиб, унинг яримта кўнглини обод қилмоқда. Отабек ҳам бемажол столга бош эгди туйнукдан узатилган йўл варақаларига имзо чекишни бошлади...

Ойнаи жаҳонда катта олим ўлкада табиатшунослик фанларини ривожлантириш, бу борада бир қатор истеъдодли ёшларни тарбиялаб камолга етказиш ҳақида босиқ, мазмунли ваъз ўқирди. У илм чигалликларини ечишга бел боғлаган ёшларнинг олдида турган улкан вазифалар ҳақида гапиргач, ўрнидан туриб фикрларини рангли диаграмма ёрдамида чуқурлаштириб берди. Кўрсатув сўнгиди у бугунги кундаги жиддий муаммо — олий ўқув юртларидаги турли найрангбозликларга ўз муносабатини билдириб ўтди. У илм аҳлининг мешчанликка берилмай камтарроқ яшаши зарурлигини, локигин кўпгина олимлар илмдан шахсий томорқа сифатида фойдаланаётганини, бу ҳолга зудлик билан чек қўйилмаса, яра маддалаб кетиши мумкинлигини куйиниб уқтирди...

Одам боласи ўз бўйидан баландга сакраши қийин. Ўз бўйидан баланд ҳақиқатни тан олмайдиган пала-партиш асрда инсон ақл-заковатининг қудратидан, унинг кама-лақдай ранго-ранг товлана олишидан ёғиниб ўтирган Отабек бу кеч дарғазаб бўлишдан — ойнаи жаҳонни ўчириб қўйишдан ўзини тийди, аксинча, унга яқинроқ сурилиб, овозини баралла кучайтирди, қулоқлари тагида масхараомуз жаранглаётган шу товушларга жимгина қулоқ солиб ётди. Катта олим тимсолида йирик шохли ва мушуксимонлар оиласига мансуб ҳайвонларнинг абжирлигини, бошқалардан ёғлироқ яшаш учунгина қилинадиган саёй-ҳаракатларни кўриб, Отабекнинг йўй-хаёллари ағдар-тўнтар бўлди. Эртасига боши шишиб ишга борганда, йўлакда оппоқ «Волга»дан тушаётган трест бошлиғига дуч келиб, негадир оёқлари чалишиб йиқилаёзди. Шошганидан, қақдини тикладию икки қайта салом бериб юборди.

Мазахўрак хушомадгўйларига ён берадиган ҳар бир валломат бошлиқ ҳалол одамлар ичидан ҳам лоақал

битта ҳомий орттиришга интилади. Трест бошқарувчиси Отабекни кўпдан бери кузатиб юрарди — милтиқнинг ўқидай ўз йўлидан қайтмай, шофёрларни безори жон қилиб юборган йигитчанинг жавобини бериш-бермасликка иккиланиб қолганда ундаги ўзгаришни пайқаб, товук катагидай тор будкага бўйинни эгиб кирди. Талмовсираб қолган Отабекнинг мис сопли шақилдоқ чойнакка чой дамлашини жимгина кузатиб ўтирди. Чорак соатлар ҳамаси у билан ҳаёт, сиёсат ва тирикчиликдан сўхбатлашиб ўтиргач, илиққина хайрлашиб чиқиб кетди. Эртасига мажлис чақириб, бир ойдан кейин ўтадиган шаҳар диспетчерларининг навбатдаги конференциясига Отабекни делегат қилиб сайлашда ўзи бош-қош бўлди.

Уша куни Отабекни илк марта тобора қорин қўйиб бораётган Ҳомидбоевнинг салобати босди.

Отабек шаҳар ўртасидан шинамгина ҳовли сотиб олди ва уйига бошқа йўлдан қатнай бошлади. У гоҳо дўстлари таклиф қилаётган гаражнинг ранги ёқмай афтини буриштираётганида ўзининг тухумдан чиқибоқ иссиқ жойнинг ҳаракатини қиладиган кўзойнакли илонларга монанд иш тутаётганидан эзилар, лекин очик ҳавода туйғулари бир оз шамоллагач, яна хотиржам машинасига қайтар эди. Уйлаб-уйлаб, бир пайтлар ўзи ҳурмат қилгувчи кўпгина олимларнинг ҳам ими-жимиди иш битиришларини эслаб кўнгли кўтариларди-да, бешиктўйига кетган автобусни беҳуда кутаётган йўловчиларга огоҳлантирувчи сигнал чалиб, яна автопаркка йўл олар эди.

Кеча нима бўлди? Кеча катта ўғли ўрта мактабни битириб олгани шарафига ёр-биродарлардан эликтачаси унинг хонадонига ташриф буюрдилар. Дарров базми жамшид қизиб кетди. Бир томондан машшоқлар ялчачиси билан, бир томондан, «Ш»симон тизилган стол атрофида обрўсига қараб, меҳмонлар жой олишди. Давра тўрида яқинда автоколонна бошлиғи лавозимига кўтарилган Ҳомидбоев Отабекнинг девордармиён кўшнисини Нинелхон билан хандон pista чақиб ўтиришди. Нинелхоннинг асл исми-Ноилахон. Маҳалла-кўй, ҳамкасблари маданийча қилиб шундай чақиршади. Бу аёлнинг амалдор (кимсан, каттакон бир институт директорининг бош муовини) бўлатуриб, маҳалланинг тўю азасига фаол аралашини, умуман, яшаш, кийиниш тарзи кўпдан бери Отабекнинг завқини келтирар, у доим лалайган-ландовур хотинини шу ишбилармон аёлдан ибрат олишга чақирарди.

Отабек гоҳо Тиллабидини эслаганида уни Нинелхон қиёфасида тасаввур қилар, Зайнабда шулардай жозибат йўқлигини кўриб, андуҳ чекарди. Отабек Зайнабнинг негадир унга ўхшаш жозибадор бўлишини жуда-жуда истарди...

Базм қизиб борар, кетма-кет қадаҳлар кўтарилар, жимжимадор нутқлар ирод қилинар, гоҳо-гоҳо кеча айбдори ҳам тилга олиниб қолар эди. Кимдир Ёдгорбойнинг келажигига қизиққан эди, Отабек уни автопаркка ишга олишини, шу ерда ўзи ҳам кам бўлмаганини айтди. Очиги, у ўғлининг ўқишига чандон эътибор қилмади. «Ўтиб ўқиганлардан бири мен эдим, нима бўлдим...» Шунда Нинелхон сўз сўраб, базм аҳлини бир муддат сукут сақлашга даъват этди. Кейин Ёдгорбойни институтда ўқитишни ўз бўйига олди. «Ўқисин, ёрдами мендан, битириб илмий иш қилсин, ўзим раҳбар бўлай, мана мен шунча йил ишлаб кам бўлганим йўқ, тўғриси, тинч иш шу бўлиб қолди — кандидатскийни зашита қилиб олгач, институтда ишлай-веради», деди хотиржам, қувноқ кайфиятда. Отабек уни хижолат қилмоқчи бўлди, ортидаги сервант

тортмасидан ўғлининг аттестатини олиб, сидирғасига тизилган яккаш «уч»ларни рўкач қилди. Боёқиш Ёдгорбой жисмоний тарбия ўқитувчиси яхши баҳо қўймоқчи бўлса, кўнмабди, аттестатни бузасиз, деб...

Нинелхон лоқайдлик билан қўл силтади ва «бу ёғига маҳкам бўлсангиз — бас» деб, гувоҳномани яна тортмага итқитди.

Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Роса ирғишлаб «зикр» тушилгани учун сервантдаги каттакон биллур гулдон синган пайт пастки қаватда яшайдиган кампир инқиллаб чиқди-да, касал чоли ҳақида алланима деб минғирлади. «Оқ лайлак»ка қўлбола мусалласни аралаштириб юборган Отабекнинг кайфи ошиб дўқ урмоққа ўтди. Нинелхон зийрак аёл эмасми, дарров хушёр тортиб ўз ишига шўнғиб кетган машшоқларга қўл силтади ва даврага яқун ясашга шошилди. Аҳли базм Ёдгорбойга «унвонда академиклик, умрда савлат, қўли очик мезбонга давлат» тилашиб, лифтга тикилди. Нинелхон ҳам хорижий туфлисини оёғига илиб меҳмонларни кузатишга тушганида, Отабек уни тўхтатиб тагин пича ўтиришга даъват қилди: «Меҳмонлар-ку узоққа боради, сиз шу ерда туриб...»

Нинелхон Отабекка синиқ жилмайди. Таклиф учун қуллуқ қилиб, уйда болалар ёлғиз эканини, бирор кор-ҳол юз беришидан чўчиётганини айтди-да, ўз уйига бурилди.

Ҳомидбоев негадир кетишга шошилмасди. У қаторлаштириб қурилган гугуртнусах уйларга тоғ тизмаларига боққандай ҳайрат билан тикилди. Кейин машинаси буркситаётган тутундан кўнгли беҳузур бўлиб, четга чиқди. Отабекдан коньяк қолганим эканига қизиққан эди, бош диспетчер физиллаганча уйига чопди. Учта зинани битта босиб уйга отилганида ошхонада қадаҳларни юваётган Зайнаб қўрққанидан биттасини тушириб юборди.

— Қўявер, яхшиликка буюрсин! — деди Отабек шоша-пиша атлас чорсига «наполеон»дан ташқари шампан, қази ва бошқа егулик нарсаларни ўраб соларкан, ҳайрон каловланиб-лалайиб турган хотинига тез қайтишини айтиб пастга зипиллади.

Ҳомидбоев машинасини иситиб ўтирган экан, тугунни катта қилиб юборган ходимига «овора бўлибсан-да» дегандай қараб қўйдию мамнун жойидан силжиди.

— Қайтатуриб албатта кириб, жойлар бемалол! — дея илтижо қилди Отабек машинанинг нотекис йўлдан юришига монанд юриб-югуриб бораркан, қалбида бир олам қувонч билан тўлқинланиб.

«Волга» нариги кварталдан чапга бурилгач, Отабек кўнгли тоғдай ўсиб, боя машинадан таралган «Гулоийм»нинг нақоратини баланд пардаларда хиргойи қилганча уйига қайтди. Кенг залда хотини дастурхонга ёпишган апельсин пўчоқларини қиртишлаётган экан, унга суюлмоқчи бўлиб кетаётганида оёғи тагидаги ананас пўчоғига сирпаниб чалқанчасига ағдарилди. Хотини қўлтиғига кириб, диванга бошлаганида эса қўлларини бигиз қилиб нималарнидир гўлдиради. Бошқасини эслаёлмайди...

Ўзига ёмғир томчилари урилган Отабек ўзига келиб сесканди, шу асно қўлоғига хотинининг минғирлаган товуши эшитилди. Зайнаб ярим кечада балконда дилдираб турган эрини ичкари уйга киритолмай ҳалак эди. Отабек уни кўриб ғижинди. Ғижиниб ваннага кирди, совуқ қотган юз-кўзини, қўлларини иссиқ сувда ювиб сал ўзига келди. Зайнаб тутган юмшоқ сочққа қулоқ супрасини артатуриб кафти қичишганини сезиб қолди. «Тагин соққа тушади...» деган ўй ўтди кўнглидан ойнадаги эгизагига истеҳзоли кулимсираб. Бу қўллар ҳар кеч маъноли ёзиладию ҳожати чиққан шофёрлар

унга диспетчернинг насибасини қистириб кетишади. Кечагидай ёдида: илк бор шундай ҳол юз берганида биров башарасига лой чаплагандай сесканиб, файласуф домласининг «ким қанча пора олса, унинг нархи ўшанча!» деган гапини эсланган эди, йўқ, бора-бора кўникиб кетди. Одам боласининг урса эти, сўкса бети қотади, деганлари рост, шекилли.

Ҳалол туйғулари яна бир зум жунбушга келган Отабек телбавор аҳволда ичкари уйга кирди. Замш курткасидан кечаги тушумни олди. Кузги япроқлардай бужмайган пуллари ғижимлаб туриб столга сочиб юборди. Чуқур хўрсиниб ўзини креслога ташлаганида кўз қири билан гиламга тушган битта уч сўмликни кўриб, беихтиёр пул санашга киришди: уч, тўрт, етти, ўн, ўн беш, ўн етти, ўн тўққиз, йигирма... Йигирма? Бугун йигирма сўм тушибди. Эҳ-ҳ...

Отабек ўткир ёғдудан қарақлаётган биллур қандилга, биллур буюмларга, ҳатто бир бор варақлаб кўрилмаган «Жаҳон адабиёти дурдоналари»ю тўплаган мол-мулкига термулиб, кўзларини беҳол юмди.

«Кўп ҳақиқатпарварларнинг дарди меникидай енгил шифо топиб кетгани учун ҳам дунёнинг ишлари чаладир балки» деб ўйлади у семиз тўшини ғижимлаб. Кўкрагидаги сабил безовта қилаверган эди, тил тагига битта таблетка ташлаб, секин ҳобхонага йўл олди. У ўзининг ҳақиқатпарварлиги бир бангиникидай мудҳиш, аянчли эканини унутишни, унутишни ва юмшоққина кўрпасига қирмашиб уйқуга кетишни истарди. Хотини киприк қормай ўрнида ётган экан, тўшакка чўзилиб аста тунчиروқни ўчирди, Зайнабнинг ушлашга тайёр иссиқ кафтларига совуқ қўлларини ташлаб кўзларини юмган пайт кўшни хонадаги какку соат эсноқ билан беш марта қичқириб, яна эшикчасини ёпди.

Кўнғироқ жиринглаганда кўзлари эндигина илинган экан, жаҳл билан трубкани кўтарган эди, телефоннинг хотиржам, бир маромда «ту-ту»лаётганини эшитиб ҳайрон бўлди.

— Эшик жиринглапти, — дея хўрсинди Зайнаб ёйиқ сочларини силкитиб, халатининг тепа тугмаларини қадаркан.

Отабекнинг пешонаси тиришди. «Қизиқ, сўфи азон айтмасдан ким келди экан? Ҳомидбоевмикин?! Палакат! Маишатиң битган бўлса, уйингга кетавермайсанми, номард!»

У тревога пайтидагидай қирқ беш лаҳзада кийиндию бошлиғини бўралатиб сўкканча, ваннага кирди. Душнинг иккала жўмрагини шариллатиб очди. Сувни денгизникидай мовий ҳамда енгил қилиб, кўпиклатиб юборадиган суюқликдан қизғанмай анча тўқди-да, қўлини елкасигача тикиб уни обдан аралаштирди.

Кейин сочиққа артина-артина эшикка юрди.

— Ким у? Сизми, хўжайин? Пича ҳаялладингизми, бу сафар?

— Ким бўларди, менман бу, хўжайин!

— Хўжайин?!

Қулоқларига иссиқ эшитилган овоз эгасини тусмоллаб ҳалқани туширган Отабек кўзларига ишонмай бир лаҳза қотиб қолди.

— Олапар?! Олапар!

Эшик тагида тавозе билан қўлларини кўксига қўйиб, Олапар турарди.

— Азонлаб келиб сизларни безовта қилдим, узр... Салом, келиноий! — деди ит остонага қадам босгани ийманиб.

Отабек ўзини қўярга жой тополмай қолди. У Олапар атрофида гир айланаркан, ити билан сўнги марта қачон кўришганини эслаш учун пешонасини тириштирди.

Аясининг сўнги васияти билан Отабек итини одамлар орасига қўйиб юборган, рост, ундан кейинчалик хабар олишни кўнглига тугиб ҳам қўйган эди. Лекин... Тезкор ҳаётимизда биз кимларни унутмаймизу, бу бор-йўғи бир ит бўлса... Ҳозир қаерлардан келяптийкин шўрлик тиллари осилиб? Хотинга шипшитай, яна довдираб залга жой қилиб юрмасин, ошхонага ўтганимиз тузукроқ. Оёғи ифлос бўлса, тағин гиламга доғи чиқмасин...

Олапар посёлкада яшаса ҳам, ора-чора шаҳарга тушиб турар, ўзига кўзи учиб турмаган хўжайинини соғиниб, барибир келишга аҳд қилган пайтларида ҳар гал бир муҳим ишга тутилиб қолар эди. Ит кечки салқинда йўлга чиққани учунми, юз-кўзлари хийла салқиб турарди. Катта шаҳарнинг кенг кўчаларини тўлғизган машиналарнинг тинимсиз қатнови, лекин унинг бу машиналарга минбъзд чиқарилмагани... Олапар тўхтамай пой-пиёда йўл босган, ниҳоят азон пайти эгасининг эшигини қоққан эди. У ўз ихтиёри билан «Сувга фарқ бўлганларни қутқариш жамияти»га ишга кирган экан, хизмат боёқишни анча оздириб қўйибди. Отабекнинг фикрини Зайнаб ҳам тасдиқлади. Олапар уларга қўшилиб кулимсирадию Отабекнинг бағурда гавдасига имо қилиб: «Вақт инкилобчининг ҳам қорнини қаппайтириб қўйишга қодир, деган гап рост экан-да», дея сўз қотди тегишиб.

Отабекнинг юз-кўзлари бир зумда ола-кула бўлиб кетди. Пиёласидаги сўнги қултум чойини хўпламай ўрнидан турди-да, дераза олдига бориб кўчага қаради. Тонг отиб қолган, бекатга биринчи сменага шошайтган ишчилар аста тўпланишар эди.

Тунги тўлғоқ туйғулар таъсиридан батамом ўнглиниб кетмаган Отабек Олапарнинг қўққис ташрифидан қанчалик боши осмонга етган бўлса, унинг ҳозирги пичингидан шунчалар ўксиди. Олапар буни сезиб, ўрнидан турди, беканинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай идишини чайиб қўйди, сўнг Отабекнинг ёнига келиб, елкасига аста қўлини қўйди.

— Мен сизларни тўйга айтгани, қолаверса, хўжайин, сизга унут бўлган бир ҳақиқатни эслатгани келган эдим! — деди у хижолатомуз ерга қараб. Отабек беихтиёр ортига ўгирилиб, Олапар тугган рангли расмга тикилди. Унда сап-сарик, чиройли бир кучукча ҳамда Олапарнинг гулгун чехралари акс этган эди.

— Сизлардаги энг яхши хусусиятларга тақлид қил-япмиз! — дея изоҳ берди ит негадир тағин ийманиб.

— Таб... табриклиман, Олапар! Тоғаниннг бахтинг бўлсин, уни қўлдан чиқариб юборма! — Отабек секин ортига ўгирилди, табрикка қўшилган Зайнаб бўш чойнакни кўтариб ошхонага йўналди. Ит баҳаво балконга йўл олганда, Отабек чўнтагидан сигарет олиш учун ичкари уйга кирди.

Шу пайт боғ томондан аёл кишининг дод-фарёди, ёрдамга қақиргучи овози эшитилди. Балкондан ўқдай отилиб кўрган Олапар Отабекка: «Пастда... кимдир бир қизни зўрламоқчи», деб шипшидию ташвишли қиёфада бошини чайқаб, зиналардан илдам чопа кетди. Отабек аввалига гарангсиб турди, сигаретни асабий тишлаб гугурт қақди, сўнг истар-истамас пикамаси устидан енгилроқ мўйнасиз тўнини ташлаганча итининг кетидан пастга тушди. «Бировнинг байрамини бузиб нима зарил», деб ўйлади у бир-бир қадам ташлаб кетаркан.

Нарироқда истироҳат боғи бор эди. Отабек таҳмин билан ўша ёққа юрди. Тунги бош офриғи яна қайталаниб, кўнгли беҳузур бўлаверган эди, очиқ ҳавога кўкрагини тутиб сал ўзига келди. Кўзлари юмилиб кетаёзганда, аллакимнинг қаттиқ чинқириғи чўчитиб юборди. Боғ ичидан ўқдай отилиб чиққан машина ўзига йўл тополмай хиёбоннинг тор йўлкаларида чийиллаб гир-гир айла-

нарди. Отабек беихтиёр ўша томонга юрди, машина сал ўтмай унинг олдига келиб тўхтади. Ҳомидбоев ойнани туширар-туширмас Отабекка ўшқира бошлади:

— Боғми бу, сиртмоғми? Йўлларни тузатиб қўйсангиз бўлмайдами, бундай? Ким айтади сизни йўллар институтининг битирувчиси, деб?

Отабек қотиб қолди ва бошлиғига илк бор лоқайд тикилди. Ҳомидбоев уни шу ҳолда кўриб, бир қават пастлади, чайналди.

— Даюсининг уйда болалари бор экан, бу ерга чиқиб нағма қилганиди, тортвордим! Қирқ ёшида ноз-карашма қилишга бало борми?! Аммо-лекин палакатнинг кучуги шу атрофда изғиб юрган экан, яхшиям мошинада пичоқ борлиги... Қўл ҳаром бўлгани чатоқ бўлди-да, деди у қўлларини ариқчада чаяркан.

Ҳомидбоевнинг кейинги пайтлар сичқондай ҳар шарпадан ҳадиксирашлари Отабекка ҳам юқа бошлаган эди. Бошлиқ олағовур овозлардан чўчидими, ходимидан тўғри йўлни билиб олди-да, бир зумдаёқ кўздан ғойиб бўлди. У кетдию ортидан етиб келган участка инспектори машина номерини билолмай ҳуштагини чуриллатганча қолаверди. Отабекдан сўраган эди, жавоб ололмади, ноилож олағовур товушлар келган томон юрди. Отабекнинг юраги алланимани сезиб, шувиллади. У узоқ йиллардан буён илк бор қадрдон итининг увлашини таниди-ю, инспектор ортидан ўша ёққа чопди.

...Одамлар орасида ётган Олапарнинг кўзлари бир нуқтада қотиб қолган, бўйнига, бўғзига палапартиш санчилган ўткир пичоқ изларини ҳали совуб улгурмаган қип-қизил қон қошлар, кейин майин таралган юнглари-дан сизиб, аста томиб тушар эди...

Ҳушсиз Отабекни анчадан кейин ўзига келтиришди. У димоғига алламбало искатган аёлнинг саволига тушунмай ён-верига аланглади, скамейкада узала тушиб ётганидан ўнғайсизланиб ўрнидан туришга уринди.

— Сизнинг итингизмиди? — деб сўради оқ халатли аёл қулоғидаги асбобни суғуриб. Шу ит бўлмаганида анови аёлнинг шўри қуриб қоларкан.

Отабек ўша томонга аланглади. Нарироқда инспектор сўроқ қилаётган Нинелхонни кўрди, лекин ўзини босди. «Бу ҳаётда одам боласи ҳар қандай мўъжизаю фожиага тайёр туриш керак» деган ўй ичдан хуруж қилаётган талвасани босиб келди...

Эрта тонг палласи. Қабристонда сукунат ҳукмрон, фақат аҳён-аҳёнда бу жимликни бузиб аллақерларда бойқуш сайраб қолади. Олапарнинг ўлиmidан бир ҳафта ўтгач, Отабек унинг қабрини зиёрат қилгани келди. Қабристоннинг сўл томонида ёлғизоёқ йўл кетган. Унинг тўрида — қари тол тагида чақалоқникидай мўъжаз қабрда Олапар абадий уйқуда ётибди. Отабек димоғига урилган ачимсиқ ҳидга бепарво, ўша ёққа юрди. Ҳаво совуқ, рутубатли. Олачалпоқ булутлар карвони ерга жинчироқдай хира шуъла тўкиб турган ойни босиб четлаб белгисиз ёқларга оҳиста юзиб кетишади. Қабрга яқинлашган Отабек шу асно гўр устида узала тушиб ётган маҳлуқни кўриб аъзоибадани жимирлашиб кетди. «Наҳот унинг қабрини бузишган бўлса?! Ахир бу бир парча ер учун бир даста пул қистирган эди-ку, қабристоннинг инжиқ гўрковига...» Отабек хаёлига изма-из келган нохуш фикрлардан гангиб жойида серрайиб туриб қолди. Чақмоқтошни ёқиб аста итга разм солди. Кейин ортга тисланиб, бир муддат чуқур тин олди. Осмоннинг бир бурчидан мушакдай отилиб чиқиб, яна йўқликка сингиб кетган юлдуз хаёлини чуваштирди. Отабек оёқлари тагидаги

Олапарнинг тасвири ўйиб туширилган қора мрамртошни олиб, унинг арзонлигига ачинди. Қабр устида ўлиб ётган сариқ кучукча — Олапар умрида машаққат чекиб сазовор бўлган энг қимматбаҳо тош эканини ҳис қилиб, бош эгди. У шу асно ҳаёт ҳодисалари ичидан доимо бош сабабни қидиришни уқтирган фалсафа ўқитувчисини, унинг ўғитларини эслади.

Бир вақтлар чаламулла профессорлар устидан истеҳзо билан кулган Отабек, йиллар ўтиб, тақдир кулгисига дучор бўлиб ўтиришида ҳам, идеал ит яратиш орзусида кеча-кундуз изланиб, кейин унинг қотилига ҳамтовоқ бўлишида ҳам ТАСОДИФ ва ЗАРУРИЯТнинг шафқатсиз бир мантиқини кўрди.

Юлдузлар ҳали-ҳали унинг юрагига ғашлик солади. Бир оқшом Тиллабиби тепаликка чиқасолиб Отабекка: «Қаранг, юлдузларнинг гўзаллигини! Нега бир юлдуз ерга узилиб тушгиси келди? Балки у ўзга сайёралар бизга йўллаётган элчилардандир, балки бошқа сайёраларда ҳам биз каби жонли мавжудотлар яшар?! Агар шундай бўлса, мен уларни бирам кўргим келяптики!» дея энтикканча юлдузлар томон учган эди, Отабекни оғир ўйларга ғарқ ҳолда ташлаб. Оғир ўйлар унга бахтсизлик келтиришини билганмиди Отабек ўшанда? Дарвоқе, ўзга сайёралардаги мавжудотлар ҳар қачонгидан ҳам ташвишга ботган она заминимизга ўз элчиларини жўнатишармикан?.. Ушанда уларни гирибонидан тутиб, Тиллабибининг оёғи тагига судраб келтира олмаганидан юраги сиқилган Отабек ҳозир Олапарнинг қабри устида ўнсиз қотиб тураркан, ўша файласуф домланинг «Ерликлар ўзга сайёралардан келадиган мавжудотларни кўтиб олишга ҳали тайёр эмас» деган гапларининг мағзини чақди.

Мағиз аччиқ эди...



«СЕН ЁНМАСАНГ, МЕН ЁНМАСАМ...»

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Одил
ЁҚУБОВ билан суҳбат



Ахмад АЪЗАМ. Одил ака, энг аввало, сизни мўътабар олтмиш ёшга чиққанингиз билан табриклаймиз! Одил ЁҚУБОВ, Раҳмат! Лекин, Аҳмад, илтимос, мен ҳақида «айни кучга тўлган, навқирон, ижоди гуллаб-яшнаш палласига кирган» деган гапларни айтмасангиз.

А. АЪЗАМ. Бунақа баландпарвоз гапларни айтмоқчи эмасман-у, лекин олтмиш йил умр, қирк йиллик ижодий меҳнат индамай ўтса бўлаверадиган гап эмас-да. Айниқса, адабиётимиз солномасида алоҳида, бир саҳифани ташкил қиладиган сиздек адиблар ҳаёти...

О. ЁҚУБОВ. Ўтган умр қўлга кирган, энди ҳамisha ўзингни бўлиб қоладиган бир қучоқ ютуқ эмас. Бу умр энди кетди, орқага қайтмайди. Олтмишга тўлган одам, сизга қандай тушунтирсам, ўз ҳаёти тўғрисида нукул завқ-шавққа тўлиб, қувониб ўйламайди.

А. АЪЗАМ. Шунча романлар, қиссалар, ҳикояларни яратган, эл эътиборини ўзига қаратган киши ҳамми?

О. ЁҚУБОВ. Гап фақат фалон-фалон асарлар яратганимда эмас. Менинг ёшимдаги — умрининг асосий қисмини яшаб қўйган одам ўтган ҳаётига ўзгача қарайди, ўзгача яқун чиқаради: нималар қилдим, нималарни қилолмадим? Кўпроқ қилолмаган ишларини ўйлайди. У сабаб, бу сабаб йўл қўйган хатоларини эсга олади. Эҳтиросларини жиловлайди, босилади. Умр поёнига қараб кетавергандан кейин ҳар қандай киши ҳам атрофидагиларга, яқинларига, оиласига, фарзандларига ўздан нима яхшилиқлар қолаётганини чамалаб кўради. Ёзувчи одам Ватани, халқига қўлидан келганча хизматни қилолдим, йўқми — шунини ўйлайди. Менинг ҳам ҳаётим осон кечмади. Айниқса, болалик, ўсмирлик йилларим. Отадан эрта — ўн ёшимда айрилдим. Беш фарзанд ёлғиз онамизнинг қўлида қолдик. Очликни, юпунликни, умуман, етимнинг бошига нима тушадиган бўлса, ҳаммасини кўрдик. Лекин одам деганининг зуваласи пишиқ бўлар экан, чидадик.

А. АЪЗАМ. Халқимизнинг жуда чиройли мақоли бор: бўлар бола бошидан маълум. Яъни ундаги барча имкониятлар болаликдаёқ шаклланади. Шу фикр тўғри. Чунки кишининг характер белгилари, қизиқиш доираси, туйғу-хавасларининг йўналиши болалигидаёқ маълум бўла боради. Буни биз Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» қиссаси мисолида ҳам кўрсак бўлади.

О. ЁҚУБОВ. Шубҳасиз, Айниқса ёзувчининг болалик йиллари, ёшлигида кўрган-кечирганлари унинг кейинчалик яратадиган аксари асарларидаги туйғулар қўламоғи асос бўлади.

А. АЪЗАМ. «Эр бошига иш туша» романингизда сиз ҳам ёшлик таассуротларига таянганга ўхшайсиз. Чунки романдаги жуда кўп лавҳалар, туйғулар тасвири кишига аниқ кечмишларга асослангандек таъсир қилади.

О. ЁҚУБОВ. Шундай. Романда, фақат шу асардагина эмас, бошқа бир қанча нарсаларимда ҳам болалик, ўсмирлик хотираларимдан кўп фойдаланганман. Болалик нечоғли машаққатли бўлмасин (ўз ҳаётимни назарда тутаяпман), барибир кейин эслаганда, ўша машаққатлардан холи қандайдир ҳарорат, сурур, ҳаяжонли туйғуларни ҳам беради. Болалик хотираларида ҳамisha ҳам ўзига хос поэтика бор. Шахсан ўзим шундай фикрдаман: ёзувчининг ҳаёти силлиқ кечмаслиги керак. Болалигиданоқ омадли, бахтиёр бўлган, етишмовчилик кўрмай ўсган одамдан каттароқ бир ёзувчи чиқишига унчалик ишонмайман. Ёзувчи ўз асарида тасвирлайдиган қийинчиликларни юракдан ҳис қилган бўлиши зарур. Бусиз ҳаётдаги зиддиятни — яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашни самимий, теран очиб бериши кийин.

А. АЪЗАМ. Чунки самимият билан ростгўйлик қариб эгизак тушунча.

О. ЁҚУБОВ. Машаққатни, ўлимни, фожиани кўрмаган ёки бошқаларнинг бошига тушган мусибатлардан қаттиқ таъсирланмаган одам қандай қилиб булар ҳақида ёзади?

А. АЪЗАМ. Ҳозирги болалар бахтиёр, фаровон яшайди, деймиз. Демак, улардан чиқадиган ёзувчилар...

О. ЁҚУБОВ. Гапингизни бўламан. Нима демокчилигингизни тушундим. Лекин ҳар бир авлоднинг ўз талаблари, ҳаётга ўзининг муносабатлари борлигини ҳам унутманг. Қийинчиликлар деганим фақат қорин қайғуси эмас. Инсоннинг интилишлари бир жойда тўхтаб турмайди. Мақсади ҳам аниқ белгиланган бир манзилга етиб келиш билан кифояланмайди. Инсон тинимсиз курашади. Кеча орзу бўлган нарса бугун ҳақиқат, одамларнинг интилиши эса энди янги манзилларга қараб кетади. Бу мангу кураш демакдир. Инсон курашадими,

демак, машақатларга дуч келаверади. Мана, мен сиз тенгкур ёзувчилар, шоирларнинг ҳаммасини шахсан танийман, биламан. Бир-иккитасини истисно қилганда, ораларингда бизга ўхшаб ўттизинчи, қиркинчи йилларнинг азобларини тортган, етимликни, етишмовчиликни бошидан ўтказган ёзувчи ё шоир йўқ.

А. АЪЗАМ. Шундай-ку-я, лекин бу авлодга мансуб ижодкорларнинг оёққа туриб олишига тўғри келган кейинги ўн беш-йигирма йиллик даврнинг зиддиятлари-чи?

О. ЁҚУБОВ. Ҳа, балли, бунақа пайтларда кўзи бор одам кўрмай туrolмайди, виждонли одамнинг қийналмасдан иложи йўқ. Ёшлар ижодидаги курашчанлик руҳининг кескинлиги ҳам шундан, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан ҳам мен Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Миразиз Аъзамлар билан бир қаторда улардан ёшроқ бўлган Муҳаммад Солиҳ, Усмон Азимов, Шавкат Раҳмон, Хуриш Даврон, Муҳаммад Раҳмон, Йўлдош Эшбеков каби шоирларнинг ижодидаги замонга, даврга, замондошимизнинг бугунги ўйларига ҳамнафасликни қадрлайман. Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Тоғай Мурод, Хайридин Султонов, Ғаффор Ҳотамов сингари навқирон ёзувчиларимизнинг асарларида ҳам ана шу руҳни кўриб, қувонаман. Албатта, бу ёшларга анчагина эътирозларим ҳам бор, уларнинг асарларида бундан ҳам кўпроқ фазилатлари кўргим келади. Лекин, булар, ҳарҳолда сидқидилдан меҳнат қилишади, фикрларини баралла айтишади. Шунинг ўзи ҳам катта гап. Адабиётнинг келажаги учун жавобгарлик туйғуси бор эканим, демак, уларга бемалол ишонса бўлади... Ҳозир китобхонни тўлқинлантирадиган асар яратиш осон эмас. Бадиий асар деганимиз тирик бўлиши, баайни юракдек ишлаб туриши керак. Локайд, машақатларни кўрмаган, халқнинг дардларидан, ташвишу қувончларидан узоқ одам шундай асар ярата оладими? Пушкинни, Толстойни, Лермонтовни олинг. Ёки ўзимиздан Машраб, Муқимий, Фурқатни кўрайлик. Ҳаётлари нечоғли зиддиятга тўла. Толстойни кўпчилик, ҳа, у граф бўлган, бойлиги катта, кийинчилик тортмаган, истаган пайтда хоҳлаган нарсани ёзиб ётаверган деб ўйлашади. Лекин у ҳеч қачон осойишта, беғам яшамаган. У катта шахс, катта виждон эгаси бўлгани учун ҳам бунақа осойишталикдан узоқ юрган. Балки шу тўқин-сочин графлик ҳаёти учун ҳам виждони қийналгандир? Шунинг учун у ҳамма жойда бўлиб, оддий халқнинг ҳаётига аралашиб юргандир? Жуда ёшлигида онасидан айрилган, кейинроқ акасининг ўлимидан кўрган, урушларда бўлган, мусибатлар ичиде юрган. Левин, Безухов, Нехлюдов каби Толстой яратган образларга, уларнинг руҳий қийналишларига эътибор қилсангиз, ёзувчининг шахсини ҳам теранроқ англайсиз. «Тугилиш» романини ёзишдан олдин унинг Тула губернаторига ёзган илтимономасини биласизми? У губернатордан ўзини бир ой турмага қамаб қўйишларини сўраган! Қамоқ ҳаёти, маҳбустларнинг азобларини яқиндан кўриш, ҳис қилиш учун. Достоевскийнинг асарлари нима учун одамни титратиб юборади? Чунки у асарларидаги ҳамма фожиани ўзи кўрган, қамоқ, сургунларни ўз бошидан кечирган. Буларнинг ҳаммаси унинг инсоний фожиаларни, мусибат, руҳий азобларни жуда теран англашига, мислсиз ҳаққоният билан очиб беришига сабаб бўлган. Улуғ истеъдодлар инсоний дардларни теран тушуниш билан бир қаторда бу дардларни енгилаштиш учун курашга чорлаб турадиган буюк виждонга ҳам эга бўладилар.

А. АЪЗАМ. Виждон туйғуси ҳам кишига тайёр ҳолда берилмайди. У ҳаётни кузатиш, ўрганишдан, адолатсизлик билан бетма-бет келишдан туғилади. Шунинг учун ҳам қайси буюк мутафаккирнинг ҳаётини мисолга олманг, уларда ана шу буюк кучни кўрасиз.

О. ЁҚУБОВ. Албатта. Бу туйғу ҳам муайян социал шароитда тарбия топади, кишининг билимлари кенгайгани сайин теранлашиб боради. Агар болаликда виждон кечинмалари конкрет воқеалардан, аτροφдаги одамларнинг хатти-ҳаракатларидан таъсириланшига боғлиқ бўлса, одам улғайгани сари туйғулари ҳам ижтимоий тус олади, халқнинг ҳаёти, Ватанининг бугуни, эртасига улашиб кетади.

А. АЪЗАМ. Ўз болалигингиз мисолида айтилмайсизми? Кўпинча киши болалигини ўйлаганда, эсига энг кучли, кўнглига каттик таъсир қилган воқеалар тушади. Аслида, шу воқеалар киши фель-хўйининг, виждон туйғусининг шаклланишига боғлиқ бўлади, ёзувчи учун эса унинг истеъдод йўналишига туртки берадиган таассуротга айланади. Масалан, «Ўтмишдан эрталар»ни синчиклаб ўқисак, ёш Абдулланинг кўнглидаги энг азобли туйғу «келгинди» деган таҳқиромуз сўзни эшитиш бўлган.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ҳам автобиографик киссасини ёзаётганида, шу туйғун руҳий композицион маркага қўйган.

О. ЁҚУБОВ. Тўғри. Аслида кишининг болалигида умуман унинг характер йўналишига таъсир қилган воқеалар сон-саносиз бўлади-ю, лекин улардан айримлари хотирда қолади. Менинг ҳам эсимдан бир воқеа чиқмайди. Эсласам, титраб кетаман. Ўн икки-ўн уч ёшларим эди. Боя айтганимдек, отам вафот қилиб, оғир кунларга қолдик. Ер чопамиз, ўроқ ўраимиз, мол боқамиз, сув қуямиз, хуллас, ёш бошимиз меҳнатдан чиқмайди. Бир куни суҳбатлашиб ўтирган икки аёлнинг ёнидан ўтаётти, уларнинг мен ҳақимдаги гапларини эшитиб қолдим. «Манави Гулшан тўтининг боласими? (Биз томонларда «опа», «хола» ўрнига «тўти» сўзи ишлатилади.) Мунча қорайиб кетган? Ориқлигини қаран! Ким тўққанига қарамас экан-да. Гулшан тўтини кўринг, бу болани кўринг». Бу гапни айтган аёл хушрўй, қойилли эди. Болаликда, биласиз, одам шунақа фаришталик аёлларнинг эътиборига тушишни, улардан яхши гап эшитишни истади. Ниҳоятда эзлиб кетдим. Аёл-ку бу гапни, ҳозир ўйласам, мени таҳқирлаш учун айтмаган, офтобда юриб қорайиб ориқлаб кетганман, раҳми келган, ачинганидан гапирган. Лекин мен эзлиб кетдим. Шу туйғу неча йилларгача мени тарк этмади, ҳатто ўнинчи синфларда ҳам кўришимни шунақа абгор экан, деб қизларга ботиноброқ гапиролмас эдим. Кейин бу туйғудан қутулдим-у, лекин болалигидан меҳнатга аралашган, ҳамма қатори ўйнаб-қулиб ўсмаган болаларнинг қисматини ўйламасдан туролмайдиган бўлдим. Кейинчалик бу туйғу умуман меҳнат кишининг тақдирини ўйлашга айланди. Қишлоқ ҳаётига бағишлаб ёзганларимнинг ҳаммасининг замирида шу туйғу, озми-кўпми, ётади.

А. АЪЗАМ. Одил ака, энди бугунги кунимизга яқинроқ мавзуга ўтсак. Мана, СССР ёзувчиларининг VIII съездида сизнинг «Диёнат» романингиз республикамизда қонунбузарлик, ўзбошимчилик, кўзбўямачиликларга қарши бошланган кескин курашни аввалроқ кўтарган, волонтиризм, дабдабозлик ва табиати гораат қилишдек иллатларга қарши ўз вақтида бонг турган асарлардан бири сифатида баҳоланади. Бу, бир томондан, адабиётимизнинг Иттифоқ микёсида эътибори ортиб бораётганидан далолат берса, иккинчидан, ёзувчиларимизнинг ҳаётда шунақа иллатлар авж олган пайтда ҳам қўл қовуштириб, бир чеккада турмаганликларини кўрсатади. Ана шундай кескин курашчанлик, муросасизлик руҳи кейинги йилларда яратилган нарийр ва шерьий асарларда акс этганини биламиз.

О. ЁҚУБОВ. Очигини айтганда, адабиётимизда шундай муросасиз асарлар яратилиши билан бирга, унга шу дабдабозликнинг нуқси ҳам урди. Иллатларни кўриб-билиб турган ҳолда уларни аниқ-равшан, ошкора фош этиш камроқ бўлди. Ҳар хил шаймалар, «қизим сенга айтаман...» қабилидаги эҳтиёткорона «жасоратлар» кўпайди.

А. АЪЗАМ. Лекин муаммолар дадил кўтарилган асарларга «кимгадир тегиб кетади», «бунақа масалаларни очиб мавриди эмас» қабилидаги муносабатлар ҳам бўлди-да. Мен бир нарсани тушунолмайман: нима учун ҳаётимизда рўй берган ёмон ҳодисаларни жасорат билан фош қилган асарга дарров «қора бўёқ меъъридан ошибди», деб айб тақалади-да, ёзувчи салкам воқелигимиз ҳақида нотўғри фикр юритаётганиликка йўйилади? Ахир, «ёзувчи — халқнинг виждони» деган машҳур иборадан келиб чиқадиган бўлсак, бу хилдаги айбашлар айни шу виждонни бўғиш бўлади-ку?!

О. ЁҚУБОВ. Бу ниҳоятда мураккаб масала. Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай йирик ўзгаришлар адабиётга таъсир ўтказмай қолмайди, асарларда акс этади, таҳлил, талқи қилинади. Айни пайтда, баъзан бу ўзгаришлар адабиётни ўз измига (озми, кўпми) солади ҳам. Биз ўша волонтиризм, ўзбошимчиликларнинг адабиётга таъсири бўлмайди, деб айтилмаймиз.

А. АЪЗАМ. Қайси маънода? Ҳаётдаги ўзгаришлар ўзига мувофиқ равишда илгаригисидан ўзгарган қарашлар, муносабатларни юзага келтиради, демокчимисиз?

О. ЁҚУБОВ. Қисман шундай. Гап шу янги қарашлар, муносабатларнинг ўзига йўл очиб олишида. Ўзингиз яхши биласиз, янгилик курашсиз тан олинмайди.

А. АЪЗАМ. Тан олиш ҳам унинг тўла маъқулланганини билдирмайди.

О. Ёқубов. Бунинг учун курашиш керак. Кураш эса узоққа чўзилиб кетиши ҳам мумкин. Мана, бу масалани олайлик. Танқидчилик, умуман адабиётшуносликда ижобий қаҳрамон

масаласи неча йиллардан бери муҳокама қилинади. Мен ҳамма танқидчиларга тош отмоқчи эмасман. Улар орасида, шубҳасиз, чиндан ҳам адабиётимизнинг ривожига катта улуш қўшаётган, бадиий ижоддек оғир соҳада ёзувчилар билан елкадош ишлаётган олимлар аначгина. Лекин айримлари ҳалигача бизда ижобий қаҳрамонлар кам яратилипти, ёзувчиларимизнинг асарларида Чапаев, Корчагин, Левинсон, Давидов каби қаҳрамонлар учрамаяпти, деб таъна қилишди, шу талаб билан бугунги прозани чиғирикдан ўтказмоқчи бўлишди. Мен бу ҳақда кўп ўйлаб юрган эдим. Яқинда Москвадаги съездимизда ҳам ижобий қаҳрамон муаммосини ана шу тарзда галати тушуниш тўғрисида гапирдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, орадан шунча йиллар ўтди, ҳаётимиз тубдан ўзгарди, бу қаҳрамонларнинг яратилганига қирк-эллик йил бўлди, нега ва нимга асосланиб бугунги кунда ҳам ҳозирги ҳаёт тўғрисида ёзилган асардан ўша давр қаҳрамонларидек образлар яратиш талаб қилинади? Улар чиндан ҳам юксак образлар. Гражданилар уруши, коллективлаштириш, мамлакатнинг индустриаллаштириш саноатини вужудга келтириш, синфий ишчиларга, кулоқларга қарши курашдек гоёт мураккаб ижтимоий ўзгаришлар, тарихий силсилалар ичида яшаган бу қаҳрамонлар эзгу мақсад — янги тузум яратиш йўлидаги интилишлари туфайли қанчадан-қанча мусибатларни, жудоларни кўришмаган ва ҳатто шу йўлда жон фидо қилган кишилар тимсоли. Ўша даврларда енгаман деган одамлар шундай яшаган. Ҳозир-чи? Ҳозир ҳам иродаси кучли, ўзини Ватанга, халқига бахшида қилган, мамлакат равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган одамлар минглаб, ўн минглаб. Лекин, дейлик, айти йигирманчи йиллардагидек эмас-да. Ахир, давр бошқа, ижтимоий, инсоний муносабатлар, талаблар бошқа. Демак, бугунги адабиётдан Корчагин яратиб беришни талаб қилиш ўринсиз. Замонавий қаҳрамон шу замон характерига, руҳига мос бўлиши керак-да.

А. АЪЗАМ. — Катта ижобий қаҳрамон яратиш учун у қарши курашадиган катта салбий типларни ҳам очик-ойдин тасвирлаш шарт. Битта талабанинг сотувчи билан, журналистнинг магазин мудири билан олишгани ва олишувда ижобийлиги кўринадиган қаҳрамон яратиш билан иш битирishi кийин, албатта. Бунинг учун ёзувчи ўша юлғич сотувчи, магазин мудирининг орқасида турадиган «шеф»ларини, «шеф»ларининг суянчиқларини ва бу суянчиқнинг қайси иллатдан озикланаётганини очити, иллатнинг илдизларини таҳлил этиши зарур бўлади. Илдиз отган, кенг ёзилган иллатлар тараққиёт йўлида ҳазилакам тўсиқ эмас.

О. ЁҚУБОВ. — Балли! Демак, бугунги ижобий қаҳрамон катта майдонга тушиши, зўр душманга қарши кураш бошлаши керак. Шунда ҳам у кўп азобларни кўради, машаққатларга дуч келади. Ахир, қаҳрамонимиз салбий типларга қарши отурса, улар дарров қавагига кириб кетмайди-ку. Билмак, қарши хужумга ўтади.

А. АЪЗАМ. — Яна шуниси ҳам борки, улар фақат мансаб, мартаба жиҳатдан эмас, балки характер, шахс сифатида ҳам кучли бўлади, дарров инқирозга юз тутавермайди.

О. ЁҚУБОВ. — Энди, дейлик, ёзувчи мана шундай курашни қаламга олди. Кучли типлар билан олишувда талай азобларни бошдан кечирган, баъзан устун келиб, баъзан ютқизиб, борингки, охир-оқибат ғалаба қилган ижобий қаҳрамонни ҳам яратди. Лекин тажрибадан яхши маълумки, бунақа асарнинг «чиғириклар»дан ўтиши кийин бўлса? «Нахотки бугунги кунда алолат учун кураш шунча оғир бўлса? Нега бу қаҳрамонимизнинг «ёзувчи» коллектив қани? Бизда ёмонлар бўлса, битта-иккитадир, лекин бунақа типиклаштирадиган даражада кўп эмас. Бунақа ҳолисалар ҳаёт ҳақиқатига хилоф!» деган таъналар чиқиб қолади. Ҳолбуки, ҳаёт ҳақиқати шунки кўрсатадики, бизда ёмонлар битта-иккита эмас, ўнлаб ҳам эмас, юзлаб, минглаб ҳам экан. Шунчака урчиб кетишибдики, партиямиз буларга қарши махсус-махсус қарорлар қабул қилляпти, кескин ва муросасиз кураш олиб борляпти. Шундоқ бўлгандан кейин адабиётда касални яшириб, иситмамиз чиқиб юришдан кимга зарару кимга наф? Ҳаёт ҳақиқатини бўямай-бежамай очиб бериш республикамиз, умуммамлакат миқёсида кечаётган бурилиш жараёнининг маънавий моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилишга, шу орқали партиямизнинг улғу курашига улуш қўшишга йўл очмайдами? Партиямизнинг ёзувчилар олдига қўяётган талаблардан бири ҳам шундай-ку!

А. АЪЗАМ. — Баъзиларнинг ҳалигача «қора бўёқлар»дан ўзини олиб қочиши фикрлашдаги турғунликнинг, қарийб қўрқоқликка айланган, шарпадан шубҳа қиладиган эҳтиёткор-

ликнинг асорати бўлса керак, лекин йўлда илон учраши мумкин, чакиб олади, деб хавфсираб олдинга қадам босмай, бир жойда қотиб туравериш ҳам ақлга сиғмайди. Ҳолбуки, олдинга юрсак, ўша йўлда ётган илон ҳам қолади: у ҳам босилиб-янчилиб кетишдан қўрқади. Эҳтиёткорлик, хушёрлик доим керак, айниқса мафкура соҳасида, лекин бу Абдулла Қаҳҳор айтгандек, «ҳар бир ҳарфнинг этакини кўтариб қарашга» айланиб кетса, адабиётнинг ҳақ сўзи бўғилади, ёлғонга кенг йўл очилади. Мана, эътибор беринг, бир ёқда халқимиз чиндан ҳам фидоий меҳнати билан тоғ-тоғ «оқ олтин»ни уйди, бир ёқда эса тўда-тўда юлғичлар, порохўрлар ўн минглаб, юз минглаб пулларни чўнтагига уришдан бошқа «ташвиш»ни билмади, радиодан эса худди шу даврда «Ватан обод, эллар озод, ҳамма хурсанд, ҳамма бахтиёр» деган қўшиқ айтилиб турди.

О. ЁҚУБОВ. — Рус халқида: «Ржа ест железо, а лжа душ» деган мақол бор. Ўзбекча эквиваленти шундай: «Занг темирни, ёлғон кўнглини емиради». Биз — ёзувчиларнинг ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифаларимиздан бири — адабиётдан ёлғонни қуритиш. Яхшини яхши, деб, ёмонни ёмон, деб ёзиш. Тўғри, ҳали ҳаётни гулгун, нукул ютуқлардан иборат қилиб тасвирлашни талаб қилувчилар бор. Йигирма-ўттиз йил давомида шу талабни қўйиб келган, энди эса ўзлари ҳам шунга ўрганиб-одатланиб кўтган одамларнинг қарашларини ўзгартириш кийин. Ҳали кўп курашиш керак.

А. АЪЗАМ. — Шундай бўлиб қолдики, Одил ака, биз ёлғонга асосланган заиф асар билан чиндан ҳам юксак асарларни ёнма-ён кўришга одатланиб қолдик. Ҳатто шу бўш асарлар мақталганда, адабиётимизнинг катта ютуғи деб тарғиб қилинганда ҳам бефарқ қараб туравердик.

О. ЁҚУБОВ. — Энди, ука, адабиётнинг бағри кенг. Бўш асарни ҳар қанча мақтаманг, барибир, куни келиб чуви чиқади. Бир хотирлаб кўринг: бундан ўн-йигирма йил олдин шундай ҳамду сано ўқилган, лекин ўзи бўш асарлардан ҳозир қайсилари ўқияпти?

А. АЪЗАМ. — Адабиётнинг ўзини ўзи тозалаб бориши тўғри-ку-я...

О. ЁҚУБОВ. — Энди ўйланг, ҳозир яратилаётган асарлардан қайсилари яна ўн-ўн беш йилдан кейин ҳам ўқилади? Буни билиш учун бош қотириб ўтириш шарт эмас — у жуда оддий ҳақиқат. Лекин кўриб туриб ҳам тан олгимиз келмайди. Гўё ўзимиз ҳам, ёзган романимиз ҳам мангу яшайдигандек обрў талашамиз, олтмишдан, етмишдан ошиб, нарғи маълум бўлиб қолгандан кейин ҳам рекламага зўр берамиз. Муболага қилаётганим йўқ. Орамизда бор шундай ёзувчилар. Нимадан бу? Савиямиз пастми? Фалсафийроқ мушоҳада юритолмаймизми? Маънавий маданиятда орқадамизми? Мавжуд нуқсон, иллатларга бунча ўрганиб қолдик? Нега фақат бугунни, бугун эшитадиган омонат мақтовни ўйлаб қолдик? Нега шундай? Буларнинг сабаби — оддий одамлардан, уларнинг дард-ташвишларидан узоқлашиб қолганимизда, деб ўйлайман. Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиладиган содда, бизга ишонадиган пахтакорга бегоналашдик. Юрагини тинглаш ўрнига уни «бободехқон», «дала шунқори», «чўл бургути» деган сифатларга кўмиб ташладик.

А. АЪЗАМ. — Тўғри айтдингиз. Пахтакор деганда адабиёт муҳлиснинг кўз ўнгига кенг кўксини шамолларга очиб, қўлини пешонасига соябон қилганча, ўткр нигоҳини одис уфқларга мағрурона тиккан пахлавонлар гавдаланадиган бўлиб қолди.

О. ЁҚУБОВ. — Лекин шу даврда ҳаётдаги пахтакор қандай яшайди? Мен бу ҳақда янги романим — «Оққушлар, оппоқ қушлар»ни ёзаётганимда кўп ўйлайман. Меҳнат кишини қанақа одам? Ўттиз-қирк йил давомида эрта саҳардан қора шомгача даладан келмай, меҳнатдан боши чиқмаган одамнинг қувончи, ташвишлари қанақа бўлади? Шораҳим шоввоз деган қаҳрамоним мисолида шу муаммоларни Баҳоли қудрат ечишга уриндим. Шораҳим шоввоз ўттиз йиллик умри — ҳаётининг энг гул даврини одамларга, меҳнатга бағишлади, катта боғ барпо қилди, кун ўтди, ой ўтди, йиллар ўтиб кетаверди, у ҳам бош кўтармай ишлайверди. Бир вақти келиб, қуролдош дўстининг ўғли — совхоз директори уни жиноятга бош қўшмагани учун ишдан олиб ташлади. Ишдан бўшаган Шораҳим шоввоз мундоқ бошини кўтариб қараса, тепасида кенг осмон бор экан, кенгликка чиқиб кўрса, кишлоғи жуда чиройли экан, боғи гўзал экан, аммо ўттиз йилдан бери бош кўтармагандан шуларни кўрмай, пайкамай яшаб юрaverибди. Шунча вақтдан бери ёнида юрган, хизматини қилган, ўзига суянчиқ бўлиб турган муштипар аёлига ҳам



Ўрозбой Абдурахмонов

ЧАНГАЛЗОР «ПАЙҒАМБАР»ИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Қойил-э сизга, лақмалар!

Бетоб кишилар вақтида самарали муолажа ололмаган жойда экстрасенс пайдо бўлади.

П. СИМОНОВ,
СССР Фанлар Академиясининг
мухбир аъзоси.

Абай билан Мирзабойнинг «саргузашт»ларига кизиқиб кетиб, уларнинг суянган курули — экстрасенс ҳамда биомайдон ҳақида фикр юритишни унутмаёзимиз. Мана, мавриди келди, энди иккита йирик олимнинг бири-бирига зид фикрини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз:

Академик Ю. Б. Кобзарев айтишича, инсон организми теварагида ҳали фанда маълум бўлмаган, текширилмаган, ўрганилмаган биомайдон борлиги тасдиқланди, дейиш мумкин.

Академик Е. И. Чазов дейди:— Афсуслар бўлсинки, энг нозик жонларни сеза оладиган замонавий ускуналар ҳам экстрасенслар айтган ўзгача бир тоқларни илғай олмади.

Биз бу фикрларни экстрасенслар билан яқиндан таниш бўлган ва уларнинг қўлида «даволанган» таниқли публицист Валерий Аграновскийнинг китобидан олдик. Шундан кўриниб турибдики, ҳали бу масала ўрганилиши ҳамда илмий равишда текширилиши лозим. Хўш, экстрасенс дегани нима ўзи? «Экстра» — ўткир, «сенсор» — сезим (*французча*). Яъни *эстрасенс* — ўткир, сезир одам, деган маънони билдиради. Агар шундай деб ҳисоблайдиган бўлсак, ҳозирги кунда икки одамнинг бири экстрасенс бўлиб чиқиши турган гап. Баъзиларнинг экстрасенсларга чопиши ва улардан даво исташи, профессор Б. Карвасарскийнинг тили билан айтганда, йиғлаётган норастани эмизик билан овутишдай гап. Маълумки, эмизик тўйдирмайди, аммо юпатади.

Биомайдон ҳақидаги гап эса одамлар орасида кеча ёки бугун тугилгани йўқ. Инсон пайдо бўлибдики, у ҳар хил атама ва тушунчаларда биз билан ёнма-ён яшаб келади, бу ҳақда турлича афсоналар ҳам мавжуд. Диндорлар шу афсонаю турли-туман олди-кочди миш-мишлардан усталик билан фойдаланган, одамларнинг ақл-заковатини заҳарлаб келган биомайдонни «худонинг қудрати»га олиб бориб боғлашган. Фан эса ўз навбатида бу гапларнинг бўлмағур сафсата эканлигини исботлади. Масалан, медиум энергия (бу биомайдоннинг эскича атамаси), телепатия, телекинез, спиритизм кўринишлари ҳақидаги миш-мишлар бундан қарийб юз йиллар муқаддам Европада тарқалган ва турли товламачилар, кўзбоғлағичлар, сеҳргарларнинг кун кўриш манбаига айланган. Айниқса, спиритизм шунчалик кенг тарқалганки, оқибат натижада баъзи одамлар уни ёқлай бошлашган ҳам. Атоқли биолог Альфред Рассел Уоллес ҳамда талий элементини кашф қилган химик Уилья Крукслар спиритизмни ўрганишди. Оқибат натижада эса ўзлари ҳам товламачию сеҳргарлар курсовида қолиб кетишди. Спиритизмнинг товламачиликдан бошқа нарса эмаслигини Фридрих Энгельс ўзининг «Табият диалектикаси» асарида тўла исботлаб берди.

Спиритизмнинг Россияга тарқалиши А. Н. Аксаков, А. М. Бутлеровларнинг номи билан боғлиқ. Петербург университети ҳузуридаги физика жамияти 1875 йил 6 май куни медиум тебранишларини текшириш учун махсус комиссия тузди. Бу комиссия составига атоқли олимлар қаторида Д. И. Менделеев ҳам киритилган эди. Комиссия ўз ишини 1876 йилнинг 21 мартга қадар давом эттириб, шундай хулосага келди: «Спиритизм асли онгсизликдан пайдо бўлиб, онгсиз кишиларни лақиллатадиган бир манбадир». Комиссиянинг бу хулосаси «Голос» газетасининг 1876 йил 25 март сонида эълон қилинди.

Мана, орадан қарийб бир аср ўтиб, ўша медиум тушунчаси, биомайдон ҳақидаги гаплар қайта кўзгалиб, турли миш-мишларга сабаб бўлмоқда.

Экстрасенсорик таъсир, биотаъсир, психорегуляциялар билан тегишли ташкилот ва мутахассислар муайян илмий хулосаларга келишар, ҳозир биз одамларни лақиллатиб юрган «олий насабли» Абай билан Мирзабойларнинг «фаолият»ларига қайтайлик.

Халқимизда «Фоллик ҳам бўлма, фолсиз ҳам бўлма!» деган маълум ва машҳур нақл бор. Ушбу жумлалар муаллифи каминан-камтарин ўн йилча илғари Тошкентда таҳсил қўриб юрган кезларим бир лўли аёлга кўчада рўпара келиб қолдим. Анчадан бери уйдагилардан хат келмай, овул ҳақидаги бир оғиз хабарга зор бўлиб юрган кезларим эди. Айниқса, кўнгли қўйган кизим ҳақида жиллакурса икки оғиз гап эшитишга интиқ эдим. Худди шу аҳволда юрганимда ҳалиги айтганим — лўли аёлга дуч келдим:

— Ҳой, йигит кўнглингдагини айтиб берайми? — деди у йўлимни тўсиб.

Аваллига бир оз гарангсиб турдим, кейин чўнтагимдаги бор-йўғи беш-олти сўм пулни маҳкам гижимладим.

— Сен ғамга чўмиб юрибсан, — деди у кўзларимга тикилиб, — нега мунгайиб юрганингни айтмайми?

— Айта қол, — дедим мен. У кир-чир енгидан картасини олиб, бештасини ажратиб тахлади-да, ичидан биттасини чиқариб менга тутди:— Қани, мана бунинг устига пул қўй!

Мен бир сўмни худди тишимни суғургандай чўнтагимдан олиб картанинг устига қўйдим. Лўли бетўхтов сайрай кетди:

— Сен тошкентлик эмассан. Узоқ жойдан ўқишга дейинми, ишга дейинми... келгансан. Ўқишингда дейинми, ишингда дейинми жуда кийналгансан. Ким биландир дардлашинг бор-у, сени ҳеч ким тингламайди. Сени тушунадиган ота-онанг, қавми-қариндошинг узоқда, сен уларни соғиниб юрибсан, улар ҳам сени бир кўришга зор. Сен бир нарсани кўпроқ ўйлайсан... Тўғрими?

Мен бошимни лиқиллатдим. Лўли менинг жавобимдан илҳомланиб гапида давом этди:

— Уша кўп ўйлаб юрганинг — овулингдаги севган қизинг. Сен уни жонингдан ҳам яхши кўрасан, бироқ у буни билмайди... Карта хиралашиб боряпти, кўролмаяпман, тагин пулдан сол! — деди лўли чўнтагимга тикилиб. Мен тагин бир сўм чиқарганимни билмай қолдим. Лўли карталарни аралаштириб жаврай кетди. — Қизинг ҳам кўнгли йўқ эмас, шекилли. Бироқ унинг кетиға бир йигит тушган. Эпчилроқ бўлсанг ўша кизни олсан, бўлмаса анави йигит илб кетади. Ҳа, айтгандай, сен ўша қизинг ҳозир қандай аҳволда юрганини кўрдинг келадими? — деди лўли менга қаттиқ тикилиб. Бу пайтда мен севганимни кўрсам жонимни ҳам ҳадя қилишга шай турар эдим. Лўли чўнтагидан кўзгу олди.

Давоми. Бошланиши журналнинг ўтган сонида.

— Мана, мана ҳозир кизингни кўрасан. Кўзгуниг устига бор пулдинги ташла.

Мен қолган уч сўмимни ҳам кўзгуниг устига ташладим.

— Бу кам,— деди лўли.

— Борим шу,— дедим мен чўнтагимни ағдариб.

— Яхши,— деди лўли кўниб,— сен энди ўша севган кизингни қаттиқ ўйла, ўйлайверар. Кўрнинг келганида у кўзгуда пайдо бўлади,— у кўзгунини тутди. Мен бутун кучим, ихлосим билан севганимни кўз олдимга келтиришга уриндим, бироқ кўзгуда ҳеч нима кўринмади.

— Энди кўринмайди,— деди лўли,— нега деганигда пулинг кам. Кўпроқ пул топганигда кел, мен шу ерда бўламан... Энди сенга рухсат, охири бахтли бўлиб кетасан...

Мен охириги пулларимдан ҳам айрилиб, студентлар шаҳарчасига пиёда кетдим...

Тўғриси айтганда, ўша пайтда лўлининг кўзгусида севганимни кўрганимда, эҳтимол, фолга ишониб кетган бўлардим?

Экстрасенс, телепатия, телекинез, хирамантия деган сўзларнинг ўзимиздаги фолбинлик, дуохонлик, сеҳргарлик деган сўзларга ўхшашлигини айтсак, масала анча равшанлашади, ортиқча миш-мишларга ўрин қолмайди. Абай билан Мирзабойлар ҳам кўпчилик тушунмайдиган иборалар билан одамларнинг бошларини айлантиришга ҳаракат қилишди, ўз манфаатлари учун самарали фойдаланишди.

...Бир гал газандалар тўдаси Шимам овулидан Султон Войис бобо қабрига пиёда келишаётган эди. Уларнинг олдида икки киши мингашган мотоцикл шиддат билан ўтди. Абай қўл силқиди, бироқ мотоциклчи парво ҳам қилмай ўтди-кетди. Орқасида келаятган машина эса тўхтади ва йўловчилар унга минишди. Орадан ўн минута вақт ўтмай бу машинада бораётганлар йўлда фалокатга учраган бояги мотоциклга рўпара келишди. Шунда Абай: «Ана, кўрдингизми,— деди,— ҳозиргина улар тирик эди, мана оқибати...» Унинг бу гапи, гапни бошлаб, охириги ютиб юбориши шерикларини чўчитиб юборди, албатта.

ГРИША Б.:

Мен Абайнинг оддий одам эмаслигига шубҳа қилмадим, негаки, у фалокатнинг олдини олиш учун уларни тўхтатмоқчи бўлган экан...

...Улар Қирғизистондаги Қорасув қишлоғида дам олиб юрган кезлари кун ниҳоятда иссиқ эди. Кундузлари жазирма тафти кирқ даражага довуз кўтарилар эди. Улар эса зиёратбоп жойларни кезишар, кечкурунлари тагин маишат қилишар, тинмай арақ ичишар эди. «Мана, Мирзани қаранглар,— дерди шунда Абай,— қанча ичса ҳам маст бўлмайди. Чунки у камолотга эришган — кароматли пир, космос воситасида тўппа-тўғри худо билан муомала қиладиган, экстрасенсларнинг узоти! Бордию сизлар ҳам ўзларингизни тарбия қилиб, шундай камолотга етсангизлар, бошқаларга ҳам экстрасенсорик таъсир кўрсатадиган қудратга эга бўласизлар. Бунинг бирдан бир йўли — арақ ичиш. Арақнинг таркибида олий асаб системасига таъсир ўтказувчи жамланган энергия бор. Биз шу энергияни қанчалик ўзимизга кўп сингдирсак, таъсир кучимиз шунчалик ошади. Тўғри, дастлабки пайтлар у бизни элитиб қўйиши мумкин. Бундан чўчибмаслигимиз керак. Мирзабой кайф босқичини енга олгани учун ҳам кароматлидир. Энди арақ унга ҳеч қачон таъсир этмайди».

ИГОРЬ С.:

— Бизлар Қорасувда кўп арақ ичдик. Абай айтганидай кайф таъсирини енгизса ҳаракат қилдик... Мен руҳан кучли экстрасенсорик бўлиб етилиш учун уларнинг айтган гапларидан чиқмадим.

...Вильнюслик Валентас М.нинг аёли фарзанд кўрди, оилада тантана бошланди. Бунинг устига берунийлик «кароматли шахс»дан табрик телеграммаси келгани хурсандчилик устига хурсандчилик бўлди. «Вой, садағанг кетай Мирзабой! — деб ёқаларини ушлайди улар.— Аёлинг ўғил туғди, деб баъшорат қилган эди-я! — У Мирзанинг баъшорати тўғри чиқганини яқин-йирокка ёйиб чиқди.— Буни қаранг-а, минг қақирим узокда туриб, хотинимнинг нима туғишини билибди-я! Офарин!»

Вильнюс университетини ходими, физик Валентас М. аёлининг киз ё ўғил туғишини, бундан ўзгача бўлиши мумкин эмаслигини ўзи ҳам яхши биларди. Шундай бўлса ҳам, Мирзанинг тахминан «ўғиллик бўласан!» деган гапи шунчаки тўғри чиқиб қолганини баъшоратга йўйганига қуймайсизми?

Мирзабой Талъат Нигматуллиннинг аёли Венерага ўғил туғасан деган эди, афсуски у киз туғди. «Талъат ўғил кўришни

хочлаган эди,— деди Мирзабой ўзининг ёлғон гапини хаспўш-лаш учун,— биз уни ношукрлик қилма, деб юпатдик».

Улар гапларининг ёлғон чиқиб қолишидан чўчимас ва одамларни алдашнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топишар эди. Гапни маъхум қилиб, бир учини олиб бориб худога боғласанг ўқимишли одамлар ҳам лакка ишонишади. Баъзи жойларда Абай ўзини «космос билан боғлиқ институтнинг ходими» деб танитди, Мирзабойни эса космос билан бевосита алоқа боғлайдиган пир деб юборди. У одамларнинг феълидаги нозик жиҳатларини яхши билар, шогирдларининг ҳам заиф томонларини ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам у бошқаларда ишонч туғдириш учун авраётганида аввало ўзининг «пир»лигини қайта таъкидлар, сўнг уларни эмлашга киришар, яъни манфаати йўлида лақиллатар эди.

ГРИША Б.:

— У менинг ичак-чавоғимгача аниқ кўриб турганига заррача шубҳам йўқ эди...

АНДРИОС К.:

— Мен унинг олдида фикрлашга ҳам қўрқар эдим. Чунки, у менинг барча ўй-фикрларимни ўқиб тургандай ҳис қилган эдим.

Экстрасенсларнинг тушунтиришларича, ҳар бир одамнинг атрофини ўраб турадиган нур — «қобик» бўлармиш. Бу қобик кишининг ҳолатига қараб турли ранга кириб турар экан. Ана шу рангга қараб унинг қандай касал эканини айтиб бериш ва эмлаш мумкин эмиш. Масалан, кайфияти йўқ, чарчаган одамнинг сиртида сиёҳранг қобик бўлармиш, у одамнинг кайфияти кўтарилгани сайин аста-секин сарғиш рангга қараб боради эмиш. Валерий Аграновскийнинг ёзишига қараганда: «Агар экстрасенс теварагинда қизил ранг кўрса, унда сен яқингинада ишқий ишар билан шуғулланганини яширолмайсан. Худди шунингдек, нутқ сўзлагани минбарга чиқиб кетаётган нотикнинг теварагида ҳам қизил ранг товланиб турар эмиш. Кимнинг нотик, кимнинг учига чиққан суюкоёқ эканини чалқаштириб юбормаганларига ҳайронман бу экстрасенсларнинг!»

Экстрасенсларнинг гапларига қараганда, биотаъсир орқали касалларни даволашнинг учта тури бор эмиш: контактли, контактсиз, гойибона. Яъни олдида турган касални, нариги хонада ётган касални, мамлакатнинг бошқа бир жойида яшаётган касални. Бу биомайдоннинг сийрак ва тифизлигига боғлиқ эмиш. Агар биомайдон сийраклашиб кетса, касалнинг оғриётган жойи зўрайиб кетармиш, уни кучли экстрасенс-биоэнергия бериш йўли билангина эмлаши мумкин эмиш.

Абай билан Мирзабой, айниқса, Абай экстрасенслар ҳақидаги китоблар билан танишиб олгач, экстрасенсорик таъсирнинг юқорида қайд қилинган уч туридан ҳам унумли ва усталлик билан фойдаланди. Улар аёлларни контактли, эркекларни контактсиз, баъзи бир лозим топилмайдиган касалларни эса узокда туриб телефон орқали «эмладилар».

ИГОРЬ С.:

— Қорақалпоғистонга иккинчи бор келганимда, мен ва бошқалар Мирзабойдан каромат кўрсатишини сўрадик, одамларнинг теварагидаги нур қобикларини қандай қилиб кўришларини, ўзгаларнинг ичидаги фикрларни қандай қилиб ўқиб олишларини гапириб беришини илтимос қилдик. Мирзабой ўзининг кароматини айтиб беришдан бош тортиди. У, бу масалада Абайга мурожаат қилди, чунки у «бош дарвиш», «директор» деди...

Албатта-да, Мирзабой ўзида йўқ хусусиятни қандай намоиш қилиши мумкин?

Аввал Қорақалпоғистондаги Султон Войис бобо қабри маъраб бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг турар жойи кўпайиб кетди. Қирғизистонда Қорасув, Литвадаги Кинтай қишлоғи хизматда Москва, Вильнюс шаҳарларида истиқомат қилувчи таникли кишиларнинг, аёлларнинг ўйлари, чорбоғлари уларнинг маконига айланди. Масалан, 1984 йилнинг баҳорини Берунида, ёзини Ўш областининг Қорасув мавзусида, кузини эса Литванинг Кинтай, Воверяйчай қишлоқларида ўтказишди.

Қизик томони шундаки, Абай билан Мирзабойларнинг қўлида врачлар томонидан берилган ҳужжатлар бор эди. Бу ҳужжатларда уларнинг жисмоний меҳнатга яроқсизлиги кўрсатилган бўлиб, «дарвиш»ларни жиноий жавобгарликдан асраб қолган шу. Бунинг устига экстрасенслар ҳақида турли миш-мишлар тарқалди ва бу ҳам иш берди. Айниқса, «Огонёк» журналнинг бош редактори А. Сафронов томонидан берилган хат уларни кўп балолардан асради. Натижада уларгина эмас, балки издошлари ҳам гоҳо Қорақалпоғистон, гоҳо Қирғизистонга гоҳ Тошкент-у, гоҳо Литвага сафар қилиб, аста-секин газандага айланиб

бораётганликларини ўзлари ҳам сезмай қолишди. «Пир»лар дуч келган жойга макон қуришиб, лақмалар ҳисобига кун кўриб, беўй аёллар билан айш-ишрат қилиб юраверилди. Пул эса сувдай оқиб келаверди...

ГРИША Б.:

— Мен Шлуга районига қарашли Кинтай қишлоғидан Абайни топиб, унга ёз бўйи студентлар қурилиш отрядида ишлаб топган 370 сўми бердим, пулни у ҳамёнига урди. Аслида бу маблағни мен Мирзабойни ўрганиш учун очиладиган идорага атаган эдим.

Бошида «Мирзабойнинг шогирдиман» деб юрган Абай 1984 йилга келиб ўзи ҳам «каромат» соҳиби бўлганлигини эълон қилди. Дарвоқе, бу ҳол қандай рўй берган эди?

...Шимамда зиёфат чоғи Мирзабойнинг уйига овулошларидан бири чаламаст ҳолда кириб келди. Давра аини қизиган, арақ сувдай оқади. Боз устига жононлар бор. Гапдан гап чиқиб, ўша меҳмон йигит билан Мирзабой жанжаллашиб қолишди. Абай орага тушиб, тинчитиб қўйиш ўрнига пиёланга тагида қолган бош култум арақни меҳмон йигитнинг башарасига сегиб юборди. Ушунга нафасини ичига ютиб, жимиб қолишди. Улар меҳмон йигит шу қилиғи учун Абайни ғажиб ташлашини кутишаётган эди. Чунки у ғулабирдан келган, келбатли, важохати ёмон эди. Шу бўлишига у юзини сидирди-да, индамай чиқиб кетди...

Шериклар, бу Абайнинг «каромати», деб ҳисоблашди ва уни муридликдан «пир»ликка кўтаришди. «Пир»нинг ўзи ҳам шундан кейин Будда даражасига етиб қолганлигини дуч келган жойда айтиб юрди. Юқиниб келган пойтахтлик шогирдларига «Москвада ҳеч қачон бирга юрмасликларини, алоҳида-алоҳида ҳаракат қилишса-да, аслида Абайнинг фармонларини ижро этишлари лозимлигини» уқтирди. Шогирдлари ҳам «пир»нинг топшириқларини оғишмай бажара бошлашди...

«Каромат»ли Мирзабой «тахт»дан туширилишига ва унинг ўрнига Абайнинг ўзи ўтиришига зарурат нима?

Мирзабойнинг «пайғамбар» деб овоза қилиниши авваламбор содда одамларни лақиллатиш учун керак эди. Кейинчалик, кўрқокни қувлайверсанг ботир бўлади, деганларидай, одамлар Мирзабойнинг баъзи омиларча хатти-ҳаракатидан шубҳа қила бошладилар. Қолаверса, бу хатти-ҳаракатлар моҳияти тамомила пул билан боғлиқ эди. Пул боис, шубҳасиз, улар орасида бунинчилик учун зимдан кураш ҳам бор эди.

Масалан, Валентас М. билан Игорь Клар Абайни устоз сифатида тан олмай, тўғридан-тўғри Мирзабой билан алоқа қила бошлаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бир гал Мирзабой Берунийнинг бозорида муридларини эргаштириб хайр-садақа йигиб юрганида, овулошларидан бири билан учрашиб қолдию бениҳоя севиниб кетди, хурсандчилигини у шогирдларига рус тилида қийна-ла-қийна-ла тушунтирди: у омонат кассаси орқали қандайдир лотореядан 2000 сўм ютган эмиш. Бундай ютүк ҳаммага ҳам насиб бўлавермасмиш. Унга «Космос» ёрдам берган эмиш... — шундай деб Мирзабой шаҳодат бармоғини юқори кўтарди.

Каминга умримда лотореядан бир сўмдан ортиқ ютмаган бўлсам-да, Ўзбекистон пул-буом лотореясининг тўққиздан бири, спорт лотореясининг олтидан бири ютүк эканини айтиб ўтишни лозим деб биламан. Чунки, Эхтимоллик назарияси бўйича, олимларнинг математик йўл билан ҳисоблаб чиққанларидан беҳабар баъзи содда одамлар ютүкдан омад қидирадилар.

Мирзабойнинг «2000 сўм ютдим», «менга космос ёрдам берди», деган гаплари аслида ғирт ёлгон эди. Бу — ёнидаги нодон муридларини яна бир марта ўзининг «қудрат»ига ишонтириш мақсадидаги уринишдан бошқа нарса эмас эди. Шогирдлари эса унга бусиз ҳам қаттиқ ишонар эди. Мирзабойнинг топган пуллари осмондан тушган эмас. Улар содда, лақма қишлоқнинг пешона тери эвазига топилган ва унга хайру эҳсон сифатида берилган эди. Ҳар қалай, Мирзабой тез-тез таъқидлайдиган «ёлгон дунё» бу сохта «пайғамбар»га мухтож эмас эди. Шунинг учун ҳам Абайнинг биотаъсир, экстрасенсорика, Шарқ ва Тибет медицинаси, йоғларнинг нафас олиш системаси ҳақида тўқиб чиқарган гапларининг миси чиқиб қолмаслиги учун ҳам «пир»ни алмаштириш лозим бўлиб қолди. Шу сабаб Абай ўзини «кароматли» дея эълон қилдию Мирзабойнинг кадри тешиқ чақага ҳам арзимай қолиш хавфи туғилди. Мирзабой эса, топганига шукр қилиб, қорни тўйган қунини байрам ҳисоблаб юрадиган одам бўлгани учун, «пайғамбар»ликка ортиқча даъвоси ҳам йўқ, унга жарак-жарак пул ва хуру филмонлар бўлса бас эди. Агар, у Абай билан «пайғамбар»ликни даъво қилиб талашганида, шубҳасиз, юзтубан кетиб, тумшуги лат еган бўларди...

ЖИНОЯТ

Нодонлик — катта кучга эга ва бу жамиятда анчагина фожиага сабаб бўладими, деб кўркаман.

Карл Маркс

Ота-онаси билан арази авжига чикқач, 1984 йилнинг августида Абай Вильнюсга келди ва газандаларнинг сайёр «зиёфат»и Литвага кўчди. Бу ерда у литвалик муридларининг меҳмондўстлиги туфайли ярим йилдан ошқроқ даврон сурди. Абай билан Мирзабой Берунийда ва Қорасувда шерикларини вақтида сийлашган, ўз навбатида булар ҳам уларни қўярга жой тополмай обдан меҳмон қилишди. Вильнюс, Тракай, Шилуга, Клайпеда, Кретинг ва бошқа жойларни кезиб, мезбонларнинг ўзига нисбатан нима ўйда эканликларини Абай билиб олди. Муридлар унга ҳаддан зиёд содиқ эдилар.

Бир куни Тракайдаги Зита Ж.нинг уйида меҳмон бўлиб ўтирганларида Абайни Арвидас Б. меҳмонга таклиф қилди ва уни машинада олиб кетди. «Пир»нинг хўрматига куюк бўлди: турли-туман ичимликлар қўйилди. Ҳамма хурсанд, кўнгли хуш эди. Кайфлари ошишгач, дуч келган жойда ётиб қолишди. Арвидас бир пайт туриб қараса, хотинининг ёнида — кип-яланғоч «пир». Арвидас шу заҳотиёқ Абайни калтаклашга тушди, уни уйдан хайдаб чиқди...

Кейинчалик Абай тўғри қелган жойда тунаб юрди-да, врач Линас Й.га эргашиб Палантага қараб кетди. Палантага яқин жойдаги Клайпеда шаҳрида унинг содиқ шогирдлари бўлиб, уларнинг орасида севган қизи Ниела Г. ҳам бор эди. У Ниела билан тўрт йилдан бери бирга, қизни ота-онасидан айнитган ва ўзининг «қул»ига айлантириб олган эди. Дастлаб, Мирзабой билан Ниелаларнинг уйларига боришганида қизнинг ота-онаси Абайнинг туркидан кўркишиб, милиция чакришган, лекин муҳаббат ажойиб нарса-да! Қиз бечора қуйдим-пишдим деб, бари бир улардан бир қарич ҳам ажралмади. Бу сафар ҳам Анатолий Софронов ёзиб берган хат Абайларнинг жонига оро кирди, жавобгарликдан қутулиб қолишди.

Абай Клайпедада туrolмай, Ниелани Шилугага Римос П.нинг уйига чақиртириб олди. Район марказидан унчалик узок бўлмаган Кинтой қишлоғи уларнинг навбатдаги зиёфатгоҳларига айланди. Бу ерда Вильнюсдан, Москвадан ҳамда бошқа жойлардан содиқ шогирдлари тинмай келиб туришди. Кейинчалик Абай Кретинг районига қарашли Воверяйчай қишлоғидаги Римос Ю.нинг уйида ҳафталаб истикомат қилди.

Абай билан Мирзабойга литвалик шогирдлар, айниқса, вильнюслик Вильма ва Андриус Кларнинг эътиқоди баланд эди. Вильма ўзининг биринчи эрини уларга доволатгач, гарчи ҳеч қандай нафис кўрмаган бўлса-да, кейинги эри Андриусни ҳам уларнинг ихтиёрида кўргиси келди. Эрта-индин иктисод фанлари кандидати бўламан деган умиддаги бу аёл диссертациясини эсон-омон химоя қилиб олай деган ниятда Мирзабойга 1000 сўм иона атади. Эри расом эди, у ҳам истеъдоди яна ҳам барқ урсин учун 1000 сўм чўзди.

Абай Литвани кезиб юриб анчагина пул тўплади. Бу пуллари у «Мирзабойнинг йўлига», «Мирзабойни ўрганиш бўйича очилажак янги идорага» йиғди. Кўпчилик буни ихтиёрий равишда берди-ю, баъзи бировлардан «тарбия»лаб олишга тўғри келди.

Хотинини қўшиб қўймагани ва «пир»ни аямай калтаклагани учун Вильнюсдаги тасвирий санъат институтининг студенти Арвидас Б.га нисбатан Абайда ўч олиш нияти туғилган эди. Буни қаранг-а, ўзи меҳмонга таклиф қилади, хотинини қўчирмайди, бунинг устига ўлгудек калтаклаб хайдаб юборади. Бу қандай гап, ахир! Тагин кимга қўл кўтарди, денг? «Пир»га-я! Машхур Жуна билан Мирзабойнинг устозига-я! Москвадаги машхур кишиларнинг эътиборини қозонган Абайга-я!

Абай «пир» сифатида кечагина кетида югургилаб юрган одамнинг ҳақоратини ҳазм қилолмади. У ўзининг содиқ шогирдлари Андриус К. билан Линас Й.ларни чақириб олиб, безорининг танобини тортиб қўйишларини буюрди. Орадан кўп ўтмай «пир»нинг топшириғи бажарилди. Аммо бу жазо билан у қаноатланмади. Арвидасни кўнгилдагидек қилиб калтаклаш учун Витас С.ни жўнатди...

1985 йилнинг январи «пир»нинг топширикларию унинг бажарилиши билан ўтди. Шу билан гўё Абай шогирдларининг содиқлигини синаб кўрди, яна бир бор текширувдан ўтказди. Январнинг охирида эса Москвага телефон қилиб, Владимир Пестрецов, Григорий Бушмакинларни чақирди. Улар билан бирга Игорь Седов келди. Чақиришдан мақсадини Абай телефон орқали ҳам яшириб ўтирмади: ўзининг ўлгудай калтак еганини, калтаклаганларни «тарбиялаш» лозимлигини очик-ойдин айтди. Буни эшитган собик каратэ тренери «бизнинг устозга кўл кўтарган мардни бир кўриб кўяйлик» дейишиб, кафтларига туфлашиб, шогирдлари билан етиб келишди.

Уша кезлари Андрус К.нинг уйда бўлган бир маслаҳатда «баланд мартабали» Мирзабойнинг ўрни билиниб турганлиги ҳақида гап бўлди.

«Аттанг, Мирзабой бўлганида яхши билан ёмонни куф-суф деб дарҳол ажратиб берган бўлар эди, унинг етишмай турганини кара!» дейишди улар. Сўнг Берунийга телефон қилиниб, Мирзабойнинг етиб келишини сўрашди. Аммо, ёши бир жойга бориб қолган «ул зоти олийлари»нинг ёлғиз бир ўзи келолмаслиги ҳақида ҳам фикр бўлди, ахир, унинг онаси қартайиб қолган, эҳтимол уни ҳам бирга олиб келиши керакдир. Бу ишнинг уддасидан фақат Рамуте А.гина чиқиши мумкин, деган қарорга келишди. Негаки, «пир»лар бир неча бор узоқ сафарга чиққанларида унинг онасига Рамуте кўз-қулоқ бўлиб турган эди-да!

— Мен отпускардан, — деди инженер Рамуте, — бориб кампирга қараб тураюломай. Мабодо кўнса, бирга олиб келай. Абай Қоракалпоғистонга бориб келишни ихтиёр қилган кизга икки минг сўм санаб берди. Рамуте эса, Берунийдан Мирзабойни онаси билан бирга олиб келди...

Уша кезлари студент Арвидас москвалик каратэчилардан кетма-кет калтак еди. Абай билан Мирзабойнинг «кўнглингга нимаики келса ўшани қил, ичгинг келса — ич, ётгинг келса — ёт! Ўз эркинги ўзинг топтама, чунки сен ҳаммага тегишлисан, ҳамма сенга тегишли», деб ўргатган таълимотига шак келтириб, хотинининг номусини ҳимоя қилгани учун бечора етти марта калтак еди. Тагин қасрда денг, уйининг бўсағасида! Аммо нимагадир милицияга хабар қилмади, бошқалардан ёрдам сўрамади. Чунки, «нима бўлса ҳам тақдирдаги иш бўлади». Бу Мирзабойнинг таълимоти эди. «Пир» айтдимми, тамом-вассалом!

Абай содиқ шогирдларининг «муштлари»ни пул бермаган баъзи «шаккок»ларга йўналтираверди. Рассом Арвидас А.нинг олдига икки-уч марта Рамуте А.ни пул сўраш учун жўнатди. Аммо у сарик чақа ҳам ундиролмай қайтиб келди. Рассомни «тарбиялаш» учун икки тренери юбориб калтаклатди. Бари бир, рассом пул топиб беролмади...

Февралнинг бошларида газандаларнинг «пир»и ҳам, унинг шогирдлари ҳам ашаддийлашиб кетишди. Вильнюсда уч юз чакирми наридаги Воверийчай кишлоғида учта каратэчи пайдо бўлди. Улар газандаларнинг шогирди хунарманд Римас Ю.ни калтаклашиб, 2000 сўм пулини ва бошқа нарсаларини олиб келишлари керак эди. Бу топшириқни ортиги билан адо қилган каратэчилар «пир»нинг олдига қайтганида Абайнинг қовоғи очилмади. «Ҳали у дурустроқ сабоқ олгани йўқ, — деди «пир» шаштидан тушмай, — бориб, яна калтакланглар!» Каратэчилар хали нафас ростламай туриб орқага қайтишга мажбур бўлишди.

Римас Ю. шунча мушт еса-да, ғинг демади, бировга бориб айтмади, тақдирга тан бериб қўя қолди. Ваҳоланки, улар Римасни ўлгудай қилиб калтаклаган, равонининг деразаларини уриб синдиришган, хотинининг кўлидаги узукларига тортди олишган эди.

Мирзабой истикомат қилаётган уйда кўниб, эртасига учта каратэчи, Шилута райони қайдасан, деб йўлга тушишди. Улар Абайнинг топшириғи билан ўша районда яшаётган Сергей П.ни излаб топилари, устознинг сурати, хатларини олиб, бирваракай ўзини ҳам «тарбиялаб» қайтишлари лозим эди. Сергей «кароматли» Мирзанинг уйига етти марта қатнаб, унинг ўти билан кириб, суви билан чиқиб юрган кунларидан эсдалик суратларни уларга берди, ўзларини эса, яхшилаб зиёфат қилди, эртасига ҳурматларини жойига қўйиб кузатиб чиққанида, «тўйдирганинг соқолига...» деганларидай боғлаб уришди. Аммо у, калтаклангани ҳақида биронта одамга оғиз очмади. Чунки устознинг амри унинг учун вожиб эди...

Психорегуляция соҳасида «энг етук назариячи» ҳамда «пир» Абай ўзига тик қараганларга, пул чўзмаганларга каратэчиларни юборар, ўзи эса бу ишларга аралашмай четда турар эди.

Шогирдлари ҳеч нимани ўйлаб ўтирмас, «улуғ мартабали» Мирзабой билан «пир» Абай биз учун ҳам ўйлайди, уларнинг йўриғини мулоҳаза қилиб ўтиришининг, топшириқни муҳокама қилишининг нима қараги бор», деб билишарди. Устозларнинг оғзидан чиққан ҳар қандай буйруқ сўзсиз бажариларди.

...Шу орада Кишинев шахрида суратга олинаётган фильмда роль ўйнаши лозим бўлган Талъат Нигматуллин «пир»ларидан фотиха олиш учун, гарчи айланиш бўлса-да, Вильнюсга келди. Абай ўзининг содиқ шогирди Талъатнинг мушти орқали Арвидас Б.ни «тарбиялаш»ни кўнглига тугиб қўйган эди. Худди ўша кезлар «Советский экран» журнали муқовасида Талъатнинг сурати ҳамда унинг ижодий йўли ҳақида «Ўтмишдан келажаккача» деган мақола босилиб чиққан, обрўси ошиб кетган Нигматуллиндан ҳамма дастхат олишга интилар эди. Дуч келган киоскада унинг сурати туширилган журнал кистириғлик турарди...

9 февраль куни у «пир»и билан бирга шаҳар марказидаги «Вильнюс» кинотеатрининг директори билан гаплашди-да, Абай билан Мирзабой суратга олинган «Хайрлашув» номли метражли фильмни томоша қилмоқчи бўлишди. Бу фильмнинг лентасини Талъат ўзи билан бирга олиб келган эди. Анчагина одам тўпланиб, кинофильмни кўриб бўлишгач, улар Андрус К.нинг уйига йиғилишиб, ичиди.

10 февраль, Вильнюс Давлат университетининг ходими Валентас М.нинг Антакальнис районидаги Межитою кўчасида жойлашган шахсий уйи. Меҳмонларни Абайнинг ўзи бошлаб келди. Улар орасида сизга илгаридан таниш бўлган икки каратэчи ҳамда каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, таниқли киноактёр, режиссёр ва сценарист Абай билан Мирзабойни ром қилган содиқ шогирд Талъат Нигматуллин ҳам бор эди. Абайнинг бу ерга келишдан муроди — мазкур хонадондан пул ундириш, хонадон соҳиби Валентас М.нинг ўзига нисбатан содиқми ёки йўқлигини билиш эди. Негаки сўнгги пайларда Валентас М. Игорь К.га қўшилиб Абайнинг «пир»лигига шубҳа қилиб, тўғридан-тўғри Мирзабой билан алоқа қила бошлаган эдилар. Уларнинг бошқалар билан муносабатда бўлиши Абайга малол келганди. Шунинг учун ҳам муридларни қайта тарбиялаш керак эди. Каратэчилар Игорь К. билан Валентас М. бақувват, шу боис буларга унча-мунчанинг бас келиши қийин. Уларни таслим қилиш биргина каратэчи Талъатнинг кўлидан келиши мумкин эди...

Валентас М. «меҳмонлар»ни яхшилаб кутиб олди-ю, аммо уларнинг гап маромларидан бу ерга бежиз келишмаганларини пайқади ва зимдан шерикларини тўплади. Валентас бир кор-хол бўлишини, Абайнинг муридларини унча-мунча одам енга олмаслигини биларди. У араққа зўр берди. «Меҳмонлар»ни тўйдириб қўлга олмаса, тўғридан-тўғри кучи етмасди-да. Мезбоннинг арағи тугагач, меҳмонларнинг ўзлари ҳам ичимлик таший бошлашди. Хуллас, арағу шампанга фарқ бўлган кеча ярим тунгача давом этди. Ичкиликдан бошлари хум бўлган меҳмонларнинг гаплари қовушмай, меҳмондорчиликнинг охири муштлашувга айланиб кетди. Тошкентдан келган чемпион Талъат Нигматуллин ўзига топширилган вазифани бажармади, яъни, Валентас М.ни муштламади. У бетараф бўлиб қолганлиги учун Антакальнисдаги «тарбия ишлари» чаппасига айланиб кетди. Абайнинг ўзи ғирт маст, оёғини зўрға судраб босар, ишонган иккита каратэчиси эса, Валентас М.нинг дўстлари «инъом этган» кучли зарблардан қўқарган юзларини силаб-сийпаб қайтишга мажбур бўлишди. Улар бунақа хўрликни, шармандаликни биринчи бор топиб кўришлари эди...

Калтак еган каратэчилар билан Абай Вильнюс кўчаларида санкиб, Мирзабой истикомат қилаётган Андрус К.нинг уйига келганларида булардан эртарақ етиб келган Талъат дўстлари билан арақ ичиб ўтирган экан. Буни кўрган «пир»нинг жон-пони чиқиб кетди, чунки Антакальнисдаги шармандали мағлубиятнинг бош гуноҳқори Талъат эди-да. У шу қадар кучли эдики, агар ураман деса, Валентасни ҳам, Игорни ҳам, ҳатто унинг шерикларини ҳам гумдон қила оларди. Бироқ у қўлини ҳам кўтармади, яъни Абай билан Мирзабойни сотди. Сотқин эса жазоланиши керак.

— Антакальнисдаги бетарафлиги учун, «пир»ларга ваъда қилинган уч минг сўминг олиб келмаганлиги ҳамда хотини Венерани Абай билан Мирзабойнинг таълимотига бўйсундира олмагани учун, шухратига ишониб, кеккайиб кетгани учун!.. Сотқинни аямай уринглар!

Биринчи зарбани каратэ бўйича собик тренер Владимир Пестрецов берди, унга каратэчи қўйилиши, булар ҳам етмаганидек, Абай билан Мирзабой ҳам жўр бўлишди. Талъатни муштлаш орада озгина «танаффус»лар билан тонгтача давом этди. Уша «танаффус»ларда улар қайта стол атрофида ўтиришар, бирга арақ ичишар, алмойи-алжойи сўзлар айтишар эди. Талъат эса, бу қалаҳларга қатнаша олмай қолди. У жудаям ҳолдан тойган эди. Криминалистларнинг ҳисобига кўра, у бир юз ўн тўққиз жойидан жароҳат олган экан. У полда ётиб, ағанаб кемирим сўради, инграниб узоқдаги онасидан мадад тилади... Аммо, теграсида уни тепкилаб юрган Абай ва каратэчиларда меҳр-шафқат деган нарсанинг ўзи йўқ эди.

— Мен сизларга нима қилдим? Нега урасизлар? Кечининглар... — деб ёлворди Талъат.

— Нима учун ураётганимизни тушунмадингми?

— Гуноҳим нима эканини тушунмапман.

— Ана шу тушунмагани учун уринглар. Тушунгунча уринглар... — деб буюрди Абай.

— Гуноҳим бўлса кечиринглар... — деб «пир»нинг оёғига йўқлиги Талъат. У тамоман ҳолдан тойган эди.

Абай эса унинг устида гердайиб туриб, мазах қилди:

— Сен каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлсанг ҳам менинг оёқларимнинг тагида ётибсан...

Вильнюснинг марказий кўчаларидан биридаги кўп қаватли уйда бўлаётган шовкин-сурон, муштлашув, зорланиб ёрдам сўраётган товуш қўшнилари тинчини бузгач, улар милиция чақиритишга мажбур бўлдилар...

Талъат куч ишлатганида ўзини-ўзи ҳимоя қилиши мумкин эди, ўзини тепкилаётганларни битта-битталаб уриб йиқитиши ҳам мумкин эди, бироқ Абай билан Мирзабой каби «устоз»ларга қўл кўтариб бўлармиди? У ўз тақдири устидан чиқариладиган ҳукми битта мушт кўтармай кутди...

Орадан кўп ўтмай, бу ерга милиция ходимлари етиб келишди. Бироқ, газандалар уларни алдашди. Улар ҳолдан тойган Талъатни ваннага ташлашди-да, дастурхон атрофида гўё ҳеч нарса бўлмагандай зифатни давом эттиравердиши. «Вильгельмина диссертация ҳимоя қилган эди, шуни ювяпмиз. Озгина келишимовчилик чиққан эди, ўзимиз босди-босди қилдик, мана, кўриб турибсизки, шунинг шарафига чўкиштиряпмиз», деб улар Григорий Бушмакиннинг Антакальнисда орттирган ишларини айтишди. Милиция ходимлари ҳам уларнинг гап-сўзларига лаққа ишониб, «тартиб сақлансан», деб чиқиб кетишди. Абайга эса Талъат чекаётган азоб камдай кўрина бошлади. У телефон орқали ўзининг содиқ севиқлиси Ниела Г.ни бу ерга чақиртирди.

Ниела эшикдан кириб келиши билан Абай ва каратэчилар бечора қизни муштлай кетишди. Аямасдан муштлашди. Сўнг Абай: «Талъатни кўринг борми?» деб сўради. Қиз бечора индамади. Уни Талъат ётган сув тўла ваннага ташлашди. Бу ҳам етмагандай, яна ўлғудай уришди. Абай Ниеланинг кўлига пичоқ тутиб: «Ма, бошини ол!» деб буюрди. Қиз унинг бу буйруғини бажармади. Сўнг Абай унга: «Йўқол, кўзимга кўринма!» деб уйдан ҳайдаб чиқарди. Қиз ўйдан кўчага чиққач, ёрдам сўраб милицияга мурожаат қилиш ўрнига тезроқ уйига етиб, кийимларини кўриштириб олиш учун тахсига қараб чопди. Негаки, у ҳам «пир»ларнинг содиқ шогирдларидан бири бўлиб, уларни сотолмас эди.

Талъат ваҳшиёна калтакланди. Уни муштлаётганда мазкур хонадоннинг эгалари — иқтисод фанлари кандидати Вильгельмина, рассом Андриус, меҳмонлардан олий маълумотли молия факультетини Витаутас С., инженер Рамуте Аларнинг ҳеч қайсиси орада тушиб, ажратишмади. Мирзабойнинг ошхонада ўтирган кекса онаси эса, бу уйда нима бўлаётганидан беҳабар эди.

Шаҳар марказида бўлган бу ваҳшиёна муштлашувга Абай раҳбарлик қилди, Мирзабой эса жўр бўлди. Тарих фанлари кандидати, собик каратэ тренери ўзининг икки шогирди билан бу ишга улуш қўшди.

Эрталаб, Талъатнинг инграган товуши базўр эшитилиб турган пайтида ҳам «тез ёрдам» чақиритиш мумкин эди-ку. Аммо газандалар парво қилмай ўтиравердиши. Ахир, Абайнинг буйруғи билан таниш врач Линас И. айтиб келинди. У ахволни кўриб, зудлик билан «тез ёрдам» чақиритиш лозимлигини айтди. Лекин Абай «тез ёрдам» чақиритишга рухсат бермади, ўзинг бир амаллаб муолажа қил, деб буюрди. Бу маҳалда Талъатнинг паймонаси тўлган эди. Хуллас, улар «тез ёрдам»ни чақиритишга мажбур бўлишди...

Абай Григорий Бушмакин билан Игорь Седовларнинг қўлига

йўлкира берди-да, тезда бу ердан ғойиб бўлинглар, деб буюрди. Ўзи эса, «тез ёрдам» етиб келгунча қочиб қолди...

У бир ҳафта кўздан панада юрди. Шу ерлик таниш жувонлари унга бошпана беришди ва иложи борича қутқариб қолишга ҳаракат қилишди. Вильнюслик филолог Даля М., инженер Рамуте А., ўқувчи Ларета М.лар Абайни уйларида яшириб, жиноятга шерик бўлдилар. Юозас Юрьявичос айтганидай, бу хайрихоҳлар халигача нима ҳодиса рўй бераётганини тушунмас, виждонан қийналмас эди.

Абай қўлга тушгач, мухлислари жиноятни яширишга, нотўғри гувоҳлик беришга ҳаракат қилишди. Улар: «Талъат Вильгельминани зўрламокчи бўлган эди, сўнг йигитлар аёл номусини ҳимоя қилиш учун уни калтаклашди» деган бўҳтон билан «пир»ни ҳимоя қилишди.

Аммо, Литва республика ҳамда Вильнюс шаҳар прокуратурасининг тажрибали ходимлари фактларни ўрни-ўрнига қўйиб, жиноятни тўлиқ очишга ҳаракат қилишди...

Минг афсуски, Абай билан Мирзабойни «пир» деб сиғинган одамларнинг кўпчилиги олий маълумотли кишилардир. Уларнинг гапларига қараганда ҳаммасининг саломатлиги яхши, ҳеч қанака тиббий ёрдамга муҳтож ҳам эмас. Бироқ, негадир улар ғойибдан қаромат излаб, бу ярамасларга «сиғинишган». Хайрон қолсан киши, нима учун улар Мирзабойнинг олдига боришган? Топинишган?!

ДАЛЯ М. (1954 йили туғилган, олий маълумотли филолог):

— Менинг оилам, болам бор. Эрим ҳам яхши одам. Тинч яшаймиз. Соғлигим ҳам яхши эди. Дунёни ўзгача кўриб, ўзгача тушуниш учун баъзи тенгдошларим менга Мирзабойнинг олдига боришни маслаҳат беришди. Менда шунга хоҳиш туғилди. Боламни қайнаманга ташлаб, Осиёга сафар қилдим. Мирзабой билан Берунида, Абай билан Вильнюсда учрашдим. Уша учрашувлардан сўнг мен ҳақиқий касалга йўлиқдим. Ҳозир ўзимни бахтсиз ҳис қиламан, сочларим оқариб, тўкила бошлади. Уйқум йўқ, негадир ҳовлиқавераман. Виждон азобида қийналаб, эримдан ҳам шубҳаланавераман...

ВИЛЬМА Б. (1963 йили туғилган, Литва консерваториясининг тўртинчи курсида ўқишни ташлаб кетган):

— Камолота эришиш учун, истеъдодлироқ бўлиш учун Мирзабой ва Абай билан бирга яшадим. Бироқ наф кўрмадим...

ЕВА А. (1951 йили туғилган, олий маълумотли ўқитувчи):

— Мирзабой ҳам, Абай ҳам олдинга ажойиб одамларга ўхшаб кўринганди. Мен кўп харж қилмадим. Фақат икки юз сўмгина инъом қилдим, холос. Мирзабой билан Абайнинг содиқ шогирди, истеъдодли йигит Талъат Нигматуллин вафот этганидан сўнг уларга нисбатан фикрим ўзгарди. Эҳтимол, фақат менинггина фикрим ўзгармагандир?!

Жиноят ишлари бўйича қўшимча тергов ишларини олиб бораётган Литва республика прокуратурасининг тергов бўлими бошлиғи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Гедиминас Норкунас яқинда бу ишни яқунга етказди.

Сўнгги сўз одил халқ суди томонидан айтилади...

Биз ҳозирча «Чангалзор «пайгамбар»нинг ҳалокати» ҳақидаги материалга сўнгги нуқта қўёلмаймиз. Чунки нопоклар талай кишиларни майиб қилди, тақдирларни издан чиқарди, халқимиз обрўсига путур етказди. Анчагина одамларнинг шаънини булғашди...

Вильнюсда Мирзабойнинг кекса онасини суриштирдим, бечора кампир аллақандай кимсаникида турган экан. Уша кимса ҳам Мирзабой билан Абайнинг мухлисларидан бўлиб, газандаларнинг макони бўлиши Шилута районида истиқомат қиларкан. Бориб, кампирни кўрдим.

— Мирзабой келгандан сўнг овулимизга қайтамиз, — деди хануз не фалокат рўй берганини тушунмаган она бечора.

Унинг гапларини эшитиб, беихтиёр Талъатнинг онаси кўз олдига келди. Унинг бечора онаси ўғлини кутмайди, чунки...

Қорақалпоқчадан Носир ФОЗИЛОВ таржимаси

РЕДАКЦИЯДАН: Мирзабой билан Абайнинг қилмишлари шу тарихқа фош бўлди. Бироқ муаллиф айтганидек, бу мавзуга «ўнги нуқта қўйишга ҳали эрта. Айни шу кунларда Ўрозбой Абдурахмонов нопокларнинг жиноий ишлари кўриб чиқилган суд материаллари билан машғул. Табиийки, кишиларнинг кўзига чўп солиб яшаган бу қаллобларнинг бошқа кирдикорлари, суднинг ҳукми ҳақидаги навбатдаги мақолаларга омил бўлади. Муаллиф ёзилажак материалларни ҳам «Ёшлик» ўқувчиларига тақдим этмоқчи.



Ўтган йилнинг ёзида мен Ёкутистонга борган эдим. Мангу музликда 13 минг йил ётиб бузилмаган, яхши сақланган мамонт гўшти худди ўша ердан топилганди.

Гўшдан кучукларга ташланганида улар иштаҳа билан паққос туширишди. Менга тухфа қилинган ана шу мамонтнинг жуни билан Москвага қайтиб келдим. Июль ойида бу ерда Америка ёзувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Достонда ҳам, худди ҳаётдагидек, фантастика ва мутойиба жиддий воқеот билан боғланади. Мен унда ёқут ва рус эпосининг оҳанглари бирлаштиришга ҳаракат қилдим.

МАНГУ РИЗҚ

ДОСТОН

МУҚАДДИМА

XX аср итлари ғажир мамонт гўштини. Нефтчилар қаро ердан, йўл қазиб, топди уни. Тоза бўлмасайди гўшт итлар ермиди шуни.

Оч-қизил у гўшда бир қизиқ ҳол ботин эди, салгина тиғ теккан жой шу онда битур эди. Қанчалик кўп юлишса — шунча кўп, буткул эди.

Яшасин итларга ризқ бераётган ўлмаган жон! Бензобакларга сачрар ўнучмингйиллик соф кон. Талошларга қарамай равнақдин тўлар ҳаёт — қанча кўп юлсанг ундан, шунча кўп қолар ҳаёт...

Бутун қолган мамонтгина пишиллади, кўрдилар... Сарғишгина юнглирида эриб кетди қировлар. Ҳайдовчилар эса унга Дима деб ном қўйдилар.

2

Нега уйғотдинглар Димани?
Сен нимадан ранжидинг, Дима?
Ҳаммасини эрта тушуниб,
ағдариб ҳамма ёқни
«Колхозчилар уйи»га
кириб келдинг. Бу нима?

У айтди: «Музляяпман.
Учмингинчи йилларда
мени чилпарчин қилган
Овчини изляяпман».

Бу не тўполон, Дима?
Ўтган асосчилар ва
тирик санъатбозларнинг
асарларин беомон
айларсан хонавайрон?

Андрей Вознесенский



*Дароғице гивагаги "Ёшлик"!
Осень яры восточа с вами,
Узбекская турская земля
дорога мне. Уселою
зем моллурская, аркоча!*

Вэйл

*Андрей Вознесенский
1986.*

У айтди: «Бўзлаяпман.
Қадимий қояларда
менга мангулик берган
Рассомни излаяпман».

3

Петрозаводск узра учмоқда мамонт,
етимлиги учун айлабон фарёд.

— «Олохолуу!»—

Қанча кўп сарфласанг юракни ўртаб,
шунчалик кўпаяр юракдаги дард.
Совук, оҳ, совук.



1. ПРОХОРОВ

Димитрий Прохоров — база мудир,
У ҳам гўшдан тотиниб кўрди.
«Мен мамонтман,— бўкирар,— мамонт!»
Уни тушунмайди хотини ва дер:

«Мамонт эмас, асли тўнкадирсан эр,
қачон сен ўзинга келасан, қачон?
Мамонтнинг гўшtidан келтирсанг эди,
биз зарбдор базага айланар эдик,
гўшт билан сийлардик дўсту ёрларни,
обод қилар эдик сўнг бозорларни.
Эркакмисан ўзи айт, Прохоров?
Қайси ой кетяпти, менга дахли йўқ».

Лекин Прохоров қулоқ солмайди.
Душхонасида
хартумдан сув пуркаб ўзига шодон:
«Мен мамонтман,— дейди,— ўртоқлар,
уйда ҳам, ишда ҳам мен — мамонт.
Қанча заҳмат чексанг ўзингни сарфлаб,
шунчалар кўпаяр юракда ҳасрат».
Толғинлик бор эди кўзи, ўйида.
Шундай Прохоров кетди уйдан.

2

Мамонт учиб ўтди Воронеж узра,
балою қазодай кўрқинч, серхатар,
Қанча кўп қувласанг уни, қанча кўп,
шунча кўп қайтар у, тобора қайтар.
— Олохолуу!—

Мамонт учиб ўтар Аризона узра,
ўтган аждодларни чорлайди бўзлаб —
«Бунчалар хилқатдир бу жойлар, ҳей-ҳуув!»—
унинг кимлигини билмади ҳеч ким:
«Олохолуу!»

3. БОЗОРДА

Карнайчи Арлекин Тарелкин,
кар лекин,
гўшт олмади бозордан,
унга
қиммат туюлганди гўштнинг баҳоси.
Бу ношуд карнайчи ранжиган эди,
«мерседес» мошиннинг калитин ўйнаб,
ният қилиб қўйди ўзича ўйлаб:
«Менинг ўпкаларим омбордай катта.
Бутун ҳаволарни ичимга ютиб,
пуфлаб чиқармайман ҳеч қачон қайта».

Биринчи уринишда —
филчадай кичрайиб кўкарди,
иккинчи уринишда —
шампан пўкакларидай
учиб кетди кўзлари.
Учинчи уринишда —
бозорда бўлди ғавғо:
ҳаво қолмади, ҳаво.

Бирдан парвоз этди одамлар узра,
тобора, тобора шишиб тўларди,
баландроқ, баландроқ кўтариларди,
кичрайиб борарди, кичрайиб.
Кўкдан ерга тушди бир кичик калит.

4

Ёки бу ясама — Дима эдимми?

5

Мамонт учиб ўтди анқовлар узра,
дунё хавотирин босиб бағрига —
офат рўй берганди, ахир эсланг Сиз,
Темурланг гўрини очганларида.
Обидалар дунёсига тегманг сиз.
Олохолуу!



6. КАССИР АЕЛ

Авиакасса кассири ҳам
гўшдан бўлди баҳраманд.
Ўйнашларни унутмайди,
Севги уни ухлатмайди.
Қандай гўзалдир у, қаранг!
Киноюлдуздан ҳам башанг.
Кўк камзули таранг, тордир,
сочлари ажнабийроқдир!
Навбатчи қиз ҳиринг-ҳиринг,
Дейди:
«Пулгингизни текширинг»,
Юрагида унинг очлик..
Қайниси Прохоров шошиб
учиб кетди. Тарелкин ҳам

учиб кетди ахир беғам.
Омск шаҳар хори тонгда
кетди Вена томонга.
Юрак қолди қақраб, юрак,
Фарзанд, унга фарзанд керак...
Мамонт, чивингинам менинг,
ўлмас ширингинам менинг!

7

Узун тишларининг каналарида
Коломенск узра учмоқда мамонт.—
Олохолуу!—
дўстларни қанча кўп дафн этсанг, ному
ёдлардан шунча кўп ўртанади жон.
Мен шунча дафн этяпману...



8. ҚАЙТИШ

Мамонт юнги билан мақтаниб, уни
бармоғимга узукдай ўраб,
Аэродромдан тўғри
Адабиётчилар уйига мен бордимку кириб.
Унда вентиляторлар нури остида
мажлис қураб эди улкан каллалар:
Ваксёнов, Прохоров, Олби,
Макгибин милтиғи билан — анграяр
ҳамда манглайи кенг бостонлик шоир,—
(Бостон бир замонлар Калигула эди).
Роберт Лоуэллнинг бўш қолган ўрни.
Унинг ёди бўлиб тикилар эди.
Уларга ҳайқирдим: «Ҳамкасблар!
Мусаввирлар ҳамда овчилар!
Қарздормиз бизлар бугундан бошлаб
Мангу ризқ берган жоннинг олдида.
Токи ғажир экан итлар тинимсиз,
Демак ҳали бормиз, ҳали тирикмиз!»

Лоуэлл кулмади.

Тотиб кўргандайин дафна баргини,
узугини бармоқлари билан силаб турарди...

Лоуэлл, бир ойдан кейин ўласан,
Янглиш такси сени элтар қабрга,
фоний оилангдан ўтмишга қайтиб,
кетасан бу даврдан бошқа даврга!

Метафизикага яқин жойларда
айланди шофёрнинг ноллари ҳайрон,
Мемфислар, Московлар, Римлар ёнидан
ўтди оппоқ мамонт, қоп-қора мамонт,
шунга ҳам шукрлар —
Ҳаёт — олтин сир,
бу оламнинг ўзи бизга эҳсондир.

9

Мамонт учиб ўтди Волгоград узра,
мамонт учиб ўтди Ворошиловград узра,
мамонт учиб ўтди Царград узра,
не манзиллар узра учиб ўтдиё,

Тарих вергулидай думи, давомида яна
ағдар-тўнтар бўлар неча бор дунё.

Габриэл Маркесдан 13 минг йил аввал,
христиан динидан 11 минг йил олдин
ва ўлмаган жоннинг жигарларини
ғажжишиб, кучуклар осилиб олди.
Учиб кетди аммо мамонтлар.

Сершовкин дунёни тарк этиб сарсон,
у учар ойнаванд ўлатлар томон,
қайдаким ўлтирар Олох билан Олуу! —
Вақтни пиёлага қуйиб мисли сув.

Замонлардан ажралиб қолган
полдаги кўлкани кўрибон ногоҳ,
«У меники», — деб айтар Олуу,
«Мана сенга», — деб айтар Олох.

10. ВЕРНИСАЖ

Рассом Прохоровнинг кўргазмасида
одам кўп, бировнинг жанозасидай.
«Тиқилманг!» — қичқирар тиқилаётганлар,
«Суратга оляпман!», — дер оператор.
«Тушунмайман!», — дейди ақлли зотлар,
аҳмоқ: «Тушуняпман!», — деб айтар дарҳол.
Коллекциячи Гостики ҳам лол,
Арлекин Тарелкин билан хотини —
дуркунбадан, малламтир аёл,
композитор Бошлақ судрар итини.
Ҳамма тўкиб кетар бунда битини.
Газниқобда келди Прохоров.
Ҳаяжонда ташрифчилар арши:
«Норозилик билдирыпти, — дейишар, —
ҳушёрхонадаги димликка қарши».

Прохоровнинг асарлари эсингиздами?
Унда энг муҳими — биобўёқлар.
Улар ўрмалайди жароҳат янглиғ,
Сўнг кўз олдингизда каттариб борар.
Композиторнинг гўл ити бирдан
Тиш солди асарнинг қоқ ўртасидан.

Прохоров итни кечирди:
«Минг йилликлар билан фикрлайман мен.
Тупурдим авлодлар тушунчасига,
аждоғлар онгини зикрлайман мен,
токи англасинлар мени тушуниб,
қайта яратмоқнинг мазмуни шуки:
ўзингни қанча кўп фидолар этсанг,
шунча кўп қолади, шунча кўп».

Шу пайт кутилмаган бир ишлар бўлди.
Гостики тарқатди колляциясини,
Хотинини ўртоғига берди Тарелкин,
Бошлақ ўз куйини сотмай бир тинга,
Совға қилди Бенжамин Бриттенга.
Қанча кўп улашиб чиқишса бироқ,
шунча кўп бойишди, шунчалар бойроқ:

коллекция тўлди, тўлаверди,
хотин ҳам тобора кўпаяверди,
оломондай келди куйлар, оҳанглар.
Бироқ шу пайт янгради карнай.
Яшинлар ўтидан чакнаб янгради
Тарелкиннинг олтин карнайи.
«Овчилар бонги»ни чалдию, лекин
«Йўқ!» — деди бу бадрашк Тарелкин. —
Прохоров, юргин, яккама-якка!
Вақтни беркитганмиз бизлар юракка,
Шероз хазинасин дури сингари.
Бизлар — бу дунёнинг торкўнгиллари,
Сенинг дунёнг эса кенгайиб борар.
Ҳалокатга элтмоқдасан жамиятни сен.
Сен биз ҳаммамизни бир-биримизга
қориб ташляпсан, қани юр, бугун
мен билан яккама-якка чиқ, Прохоров,
номуси хўрланган хотиним учун!»

Карнайин пуфлади боди карнайчи,
дам бериб тўлдирди атмосферани.
Суратлар узилди деворларидан,
Сўнг учириб кетди барини.

«Тулуз-Лотрекнинг тақлидчиси сени
дастхатлардан халос этаман».
«Ҳали шунақами!» — деди Тарелкин.
«Ҳа!» — деди Прохоров юриб у томон,
Шу он
Тарелкиннинг қулоғига туширди чунон.

Хотину осмонлар олдида
Овчию Рассомнинг жангини кўринг!
Итлар, пичоқларнинг тўс-тўполони.
Иккови ҳам зўрдир мисоли бўри.

Нима билан тугар бу мардона жанг?

Бироқ кулаб тушди уй деворлари,
Самолардан қандайдир ҳайвон
бўғиқ овоз билан ҳайқирди нолон:
«Укагинам менинг, Прохоровжон,
мен — Дима, мамонт!»
Ва кўшимча қилди: «Олохолуу!»
Уларни кўрмади кейин ҳеч инсон.

11. ОВОЗ

Ўзингизни сарф этинг,
бахш этиб ё кечириб,
бир сўмингиз бўлса ҳам,
бошқага минг сўм беринг!

То абад булганмагай
маъсум қудуқларда сув.
Қанча кўп юлсанг дилдан,
дилда қолар шунча кўп.

Кўп болали она ҳам
ёт етимни олади,
Қанча кўп юлсанг дилдан,
дилда шунча қолади.

Россия, кенгликларинг!
Поездларинг елади —

қанча кўп бердик ўздан,
яна қанча қолади!

Нечоғли тириклик бор
пичанзор ҳавосида,
дил зарбидай, айниқса,
мозорлар тепасида.

Сен жар узра яшайсан,
сартарошдан ҳам хорроқ,
учқур дилинг бошқаларни
Ҳаётга чорлар бироқ...

Халқ деб куйинган одам,
тарқат ноёб пулларни,
Яшаргандай бўласан,
Кўнглинг бирдан гуллайди.

Абадият, жон Фауст,
оддий гапдир азалдан —
дилдан қанча кўп юлсанг,
шунча кўпроқ яшайсан.

РОСТА қўли ё Есенин
шунчаки ўлган эмас,
ўлимлари — тирикликдай,
худбинларга бергай дарс.

Гадога бари бирдир.
Қайғу, бахт — опа-сингил.
Дилдан қанча кўп юлсанг,
шунча кўп қийналар дил.

ХОТИМА

Мамонтнинг қабрини очибоқ нега
ногоҳ комиссия лол-караҳт қолди?
У ерда жигарранг музликлар аро
Тюмендан шимолроқда, шимолда
бир-бирини кучиб грелкалардай
ухлар Прохоров билан Тарелкин.

Мамонтлар-бечоралар,
фарзандлари сўнгги ишончинг,
жим ухлашар энди мангу йитмайин...

Уларни ғажинг, янги
асрларнинг итлари...

Сирожидин САИДОВ
таржимаси.



«Шум бола»нинг гувоҳномаси



Ним қоронғи сахна. Аста-секин тонг отмоқда. Қаердадир хўроз кичкиради, эшак ҳанграйди. Ва тонг отади — сахнага нур таралади. Саҳнада соч-соқолига мос тушадиган кўйлак-иштон кийган чол пайдо бўлади. Унинг елкасидаги сочиқ ҳам соқолидан ранг олган — оппоқ. Чол пакирдаги сувга тикилган кўйи димоғида ҳиргойи қилади: «Бевафо ёрни қаранг-эй ўлмай туриб айрилади-ё...» Сўнг бет-қўлини ювади, артинади, соқолини тарайди. Шу пайт сахнага олти-етти яшар трустикчан бола чопкиллаб чиқади-да, бобога рўпара келгач, таққа жойида тўхтаб, керишади. «Одамга қараб керишма, ёмон бўлади», деб танбеҳ беради бобоси ичкарига кириб кетаётиб. Невара: «Бўпти», дейди-ю, лекин бобоси кириб кетган эшик томонга ўгирилиб ҳам яна бир марта керишади. Одатда, ланж одам керишади. Дилгир одам эса фақат эснайди, холос. Лекин, эснагандан кўра керишган маъқул — томирларда қон гупиради. Яъни, уйқу қочади. Уйқуси қочган одамнинг қорни очқайди. Томоқ кидиради. Топади — бола ҳовли четидаги тахта-қаравот устига териб қўйилган лаганчаларга яқинлашади: лиммо-лим сут, бет олибди шекилли, бола лаганчага бармоғини тикиб қаймоқдан ялаб кўради. Лабларини чаппилатади. «Ширинмикан, а?» деб қўяди томоша залига ўгирилиб. Шу чоғ... томоша залининг олдинги қаторида ўтирган олти-етти яшар ёш томошабин: «Ада, манам қаймоқ йийма-ан, ҳий-й...» деб хархаша қила бошлайди. Хархаша не, ростакамига хўнграй бошлайди! Залда кулги кўтарилади. Кулги қаҳ-қаҳага айланади... Ада эса ўғилчасини юпатолмай ҳалак: «Э-э, коп-котта йигит-а, қўй-э, уят бўлади. Ахир лаганчада ҳеч бало йўқ, бўм-бўш-ку! Ишонмасанг, ана, бориб қара!» Залдагилар қотиб-қотиб, қоринларини чангаллаб қулишади. Ёш томошабин эса баттар авжга мианади, авжни баланд пардаларда олаверади...

Бу — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти-

нинг лауреати Хайрулла Саъдиевнинг илк «роли», «номери» — томошабинларни мафтун этган эртаги «махорати» эди. Уни овутирмоққа бот-бот уринаётган инсон эса падари безруквори, ушбу воқеалар кечаётган Ҳамза театрининг истеъдодли актёри Ҳабиб Саъдий эдилар. Афсуски, у кишининг умрлари қисқа экан — 36 ёшида оламдан ўтдилар. Олти яшар мурғак бола қалбида отаси ҳақида ширин бир хотира — ўкинч қолди. Ўша хотира бевосита театр билан боғлиқ эди: адажонисини эсласа, театр сахнаси кўз ўнгида гавдаланарди; театрни эсласа, адажониси кўз олдида намоён бўларди...

«Адамлар...» Ширин сўз, жуда ҳам ширин! «Ойимлар», дейилса — бас, беихтиёр югуриб бориб қўлтиқларидан суягинг келади.

«Ким бўлсам экан?»

— Инженер бўласан, деди ойимлар... Тўқимачилик институтининг тайёрлов бўлимига бир ойча қатнадим. Ортиқ ўқиёлмадим. Самолётсозлик заводида ишлаб юрдим. Иқтисодчи бўлишга кўндиришди. Хужжатларни тайёрлай бошладим... Лоп этиб уйимизга Яйра опамлар келиб қолди-ку! Тўлқин Тожиев ҳақида газетага ёзмоқчи эканлар. Эшитдимки, Бешоғочда Театр ва рассомлик санъати институти бор экан. Эртаси куни секингина Лутфуллага шипшидим ва... иккаламиз тил бириктириб, ўша институтни уч кун ахтардик. Уч кун-а! Эски шаҳарликмизда. Хуллас, имтиҳонларни топширдик. Лекин мени — қабул қилишмади эмас — қабул қилишди, фақат резервга. Товушим паст экан. Қулоғимдан бурашмаган-да, шунинг учун товушим паст бўлса керак. Иккинчи курсда «асосий состав»га ўтказилдим — кўпчилик студентлар институтни ташлаб кетди, ўн икки киши қолдик, холос.

Институтни тамомладим. Диплом қўлга тегди. «Хайрулла, — дейишди устозлари, — сен ёш томошабинлар театрига ишга боргин — кучоқ очиб қутиб олишади». Устозларининг насиҳати шо-

гирднинг иззат-нафсига тегди! Хафа бўлди. «Мен Академик театрга бораман», деди қайсарлиги тутиб ва айтганини қилди. Айтганидек, уни Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик театрда ҳам кучок очиб қарши олишди. Бир-икки йил сидқидилдан ишлади. Яна бир-икки йил «Ўзини кўрсатганда» борми, кейин то пенсияга чиққунча ишлаб юраверарди.— ҳеч ким унинг мушугини «пишт» демасди. Лекин... мушук бекорга офтобга чиқмайди-ку. «Шошма, оғайни-чалиш, — деди у ўзига-ўзи, — рулни сағал чапга буриш керак. Йўкса, кемамиз Бермуд учбурчагига кириб қолади». Сир эмаски, Бермуд учбурчагидан баъзи вақтларда ўтган кема ҳам, ҳарбий корабль ҳам омон чиқолмаган — фарк бўлиб кетаверган. Сабаби — номаълум. Олимлар, океаншунослар ҳамон бош қотиришмоқда. Бирок, тилсим очилмаяпти. Демак, ҳозирча энг оқилона йўл, омон қолишнинг бирдан бир йўли — Бермуд учбурчагини айланиб ўтишдир. Уни тикқасига кесиб ўтмоққа уриниш — то пенсияга чиққунга қадар Ҳамза театрида ўралашиб юришга баробардир. «Мен,— деган эди империя учун, тожтахт учун қакшатқич кураш бошлаган ёш Юлий Цезарь,— Римда вазир бўлгандан кўра, унинг вассали саналмиш Галлида шох бўлмоқни афзал деб биламан!»

— Ёш томошабинлар театрида салкам чорак аср ишладим. Яширишнинг нима ҳолати бор, мен шу ерда элга танилдим — менинг кимлигимни эл билди. Демакки, меҳнатларим зое кетмади, елга совирилмади.

— Албатта, «Шум бола»ни биламиз. Ўша танти ўспирин билан танишган чоғимизда ўзимиз ҳам «шум бола» эдик. Мана энди ҳар биримизнинг икки-учтадан «шум бола»ларимиз бор, улар ҳам ўз тенгқурлари билан танитишни истайдилар. Алдасак — кўнишмайди, овутсак — баттар авжга чиқишади. Билмадик, нега бунчалик шўх эканлар-а? Чамаси, қондан ўтган шекилли... «Шум бола»ни бир қўришса, қуйилиб қолишармиди, нима дедингиз?

— Эҳтимол. Мен гастролга чиққан чоғларимда баҳоли қудрат «Шум бола»дан парчалар ижро этаман. Аммо, томошабинларнинг талабини тўла-тўқис қондириш душвор.

— Телевизор орқали қайта намоиш этилса, ҳўб савоб иш бўларди-да!

— Тўғри-ку-я, лекин эшитишимга қараганда, «Шум бола» спектакли суратга олинган ленталарни телестудия ҳовлисига чиқариб ташлашганимиш. Яроқсиз бўлиб қолибди.

— Энди нима қилади?

— Бошқатдан суратга олиш керак, вассалом.

— Иби! Сиз Бой ота ролини ўйнайсизми?

— Қорнимга ёстиқ боғлаб ўйнайманми — ориқман-ку! Қотмалигимни қаранг, энгил атлеткачиларга ўхшайман.

— Оббо, чаток-чаток... Қачон семирасиз?

— Семирмасам керак.

— Талаб қилсак-чи?

— Хўп, семирдим, дейлик. Лекин «Шум бола» ролини сиз ижро этасизми?

— Йўк. Биз аслида, «Шум бола»ни — сизни кўрмоқчимиз-ку!

— Ҳозир «Шум бола»ни ўша даражада, эл биладиган савияда қўйиллатиб ўйнолмасам-чи?!

Ягона нажотки Ўзбекистон телевидениеси мутасаддиларидан кутиш мумкин экан-да. Биз улардан: «Шум бола»ни асраб қолингиз!» деб илтимос қиламиз. Агар илтимосимиз инobatга олинмаса, журналхонларга мурожаат этамиз: «Хўш, сиз нима дейсиз, азиз журналхон! Атоқли ёзувчимиз Гафур Ғулом қиссаси асосида суратга олинган «Шум бола» телепостановкаси ўзбек театр санъатининг бетакрор намунаси сифатида авайлаб-асрашга арзийдими?.. Жавобларингизни кутамиз!»

«Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам бахмалга қадаб осиб қўйишар экан», деб ён дафтарига қайд этиб қўйган эди устоз Абдулла Қаххор, Гуржистон сафаридан қайтгач.

Яқинда гўзал пайтахтимизда Сатира театри очилди. Ушбу театрнинг «биринчи» рақамли гувоҳномаси Хайрулла Саъдиев номига битилди — «Шум бола»га берилди. Янги санъат даргоҳи ўз фаолиятини оташнафас Абдулла Қаххорнинг «Тобутдан товуш» комедиясини сахналаштиришдан бошлади.

— «Тобутдан товуш»да Юсуф ролини ижро этдим. Пьеса бир неча марта намоиш қилинди. Ўйлайманки, энди у сахнамиздан тушмайди, такомиллашиб боради. Ўзим ҳам Юсуф ролининг асл моҳиятига, ич-ичига энди кириб бораётирман — бу қахрамонда кичкина одамнинг катта фожиаси мужассамлашган экан. Майли, томошабинлар кулсин, кийқирсин. Лекин уйга боришгандан кейин, мундоқ ўйлаб қўришсин — Юсуфга ачинишин, жила курси, хижолат чекишин. Эсингизда бўлса, буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский Гоголь ижодига бағишланган мақолаларининг бирида: «Ҳар қандай комик ҳодисаларнинг остида буюк фожа

яшириниб ётади. Буюк фожиалар эса ўз моҳиятига кўра кулгилидир», деб ёзган эди. Назаримда, «Тобутдан товуш» комедиясини ҳам, ундаги ҳар бир персонажни ҳам Белинский гази билан, ҳақиқий адабиёт гази билан ўлчаш керак. Бу мезон биз актёрлар зиммасига улкан масъулият юклайди...

— «Чақалок»қа ном қўймоқчи эмасмисизлар?

— Қўймоқчимиз. Менга қолса, ўзим билар эдим!

— Сатира театрининг дастлабки премьераларида галати манзаранинг гувоҳи бўлдик: негадир томошабинларнинг сал кам тўқсон фоизини қизлар, аёллар, кампирлар ташкил этаркан-а?

— Балки, йигитлар жиддийлашиб кетишгандир... Ишончим комилки, ҳали улар кулишни унутишмаган. Театримизга албатта келишади. Қизлардан уялаётган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин, тегирмон навбати билан, деган гап бор.

— Ушбу суҳбатимиз журнал саҳифаларида моддийлашгунга қадар Жаҳон шахмат тожи учун Лондонда давом этаётган матч-реванш Ленинград шахрида ниҳоясига етади. Сиз ҳам шахмат ишқибозимисиз? Каспаровнинг мухлисимисиз ёки Карповнинг?

— Камтарин, камсуқум Анатолий Карповнинг содиқ мухлисиман.

— Кечирасиз-у, ундоқ бўлса, биз «баррикада»нинг икки томонида қолар эканмиз.

— Начора. Ҳаёт қонуни шунақа-да... Кимдир энгади, кимдир энгилади.

— Омад ёр бўлсин!

Театрлаштирилган суҳбатни Бола ПАҚИР қоғозга туширди.





Чингиз Айтматов

Ё ХАЁТ, Ё МАМОТ

Республикамиз ёшларининг сеvimли ёзувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати Чингиз АЙТМАТОВ янги романини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди («Новый мир», 1986 й. 6-, 8-, 9-сонларда). Яқинда «Литературная газета»нинг мухбири И. Ришина адиб билан учрашди. Суҳбат чоғида СССР ёзувчиларининг VIII съездида кўтарилган муҳим масалалар, жумладан, кўпмиллатли совет адабиётини янада ривожлантириш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида, ёшларни ҳар томонлама камол топтириш ва уларга тинмай ғамхўрлик қилиши кераклиги ҳақида, қолаверса, адибни ташвишлантираётган бошқа бир қатор муаммолар тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

Куйида ўша суҳбат билан («Л. Г.» 1986 й. 13 август, 33-сон) танишасиз.



Йайманки, кўпчиликнинг фикри ҳам шундай бўлса керак — бу галги съездимиз аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Албатта, бунинг ўз сабаблари, ўз қонуниятлари мавжуд: ҳозир жамятимиз янги даврга қадам кўйди — турмушимизнинг барча жабҳалари тубдан қайта қурилмоқда, асосийси — инсон руҳияти, фикрлаш йўсини ўзгармоқда, бусиз том маънода янгилашиб, яшариш амримаҳол. Зотан, ҳар қандай омилнинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам инсонга келиб тақалади. Биз ёзувчиларнинг йирик анжумани давримизга ҳамоҳанг равишда кечди. Жиддий, отақин, ошқора ва кизгин нутқларда долзарб, асл масалалар; жумладан, ҳаётнинг, адабиётнинг ўзаги саналмиш ижтимоий адолатни қарор топтириш, экологик муносабатлар, ҳозирги шароитда миллий маданиятларни ривожлантириш учун ғамхўрлик қилиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтилди. Ўз-ўзидан равшанки, шу кунларда адабиётчиларни кизиктираётган ташкилий, ижодий, ёзувчилик касбига оид масалалар ҳам ўртага ташланди.

— Сиз съездда нутқ сўзламадингиз, мабодо минбарга чиққангизда нима ҳақда гапирган бўлардингиз?

— Афсуски, бу гал мен объектив сабабларга кўра та тайёрғарлик кўришга улгурмадим. Хўш, агар мен минбарга чиқсам, энг аввало миллий масалалар тўғрисида; маданиятларнинг, адабиётларнинг, тилларнинг ўзаро муносабати ҳақида гапирар эдим. Булар биз учун ҳаётимиз масалалардир. Чунки мамлакатимиз федератив, кўпмиллатли. Қолаверса, ҳар бир республикада кечаётган воқеалар бевосита умумий аҳамиятга эгадир. Эҳтимол, биз ҳамма вақт бу ҳақда ўйлайвермасмиз. Лекин, аслида худди шундай. Миллий адабиётларнинг тараққиёти, улар кўтараётган масалаларнинг замонавийлиги, ҳозиржавоблиги ва айни чоқда ҳаммамиз учун ягона бўлган социалистик турмуш тарзимизнинг тўқислиги кўп жиҳатдан инсоннинг гражданлик бурчига, ахлоқий ва маънавий имкониятларига боғлиқ — у жамяятга, дунёга нималар ҳада этиши мумкин; гармоник муносабатлар ёки юзаки ҳамкорлик; улғувор миллий рух — ўзга миллий бойликларга ҳурмат-эҳтиром билан қараса, ўзи ҳам муайян халқ вакили сифатида эътибор қозонади ёки бошқа тилда гаплашадиган кишиларни менсимайди, лоқайд бўлади. Булар қуруқ гаплар эмас, балки шу кунларнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим масалаларидир. Бу ишларда ҳам бизга янги тавақкурнинг янги байроғи бўлмиш — ошқоралик зарур.

Ошқораликни эҳтиёжга айлантирмоқ лозим — бу давр талаби. Мен ўз республикамнинг партия съездида гапирган эдим, ҳозир яна ўша ерда айтган гапларимни такрорламоқчиман: эскича ўлчовлардан, эскича киёслашлардан қутулиш даркор, уларнинг йўлини тақатақ беркитадиган пайт келди. Биз миллий маданиятларга баҳо бермоқчи бўлсак ҳали ҳам қачонлардир чаласавод бўлганимизни, ёзувимиз бўлмаганини эслаймиз ва бугунги воқеликни идрок этиш учун албатта ана шу фактларни рўқач қиламиз. Гуё биз ҳали ҳам саводсизликни тугатиш даврида яшайпмизу қизил ва қора доскаларга термилиб ўтирибмиз. Лекин улар аллақачон тарихга айланган — бугунги кунлардаги ҳисоб-китоб учун мезон бўлолмайти. Айтайлик, ҳозирги индустрияни, умуман экономикани 1913 йилдаги аҳвол билан таққослаш мумкин эмас. Бу бемаъниликдир, қуракда турмайдиган гап — ҳозирги замон бошқа, ҳозир илмий-техника инкилоби давридир. Шунинг учун миллий адабиётларнинг, миллий маданиятларнинг тараққиётини ҳам янги тавақкур билан ўлчамоқ шарт: ҳамма ўқишни, ёзишни ўрганиб олди деб, миллий тилда газеталар чиқаяпти, радио, телевидение, театр ва бошқа нарсалар бор деб офаринбозлик қилавериш ярамайди. Тўғри, бу гапларнинг ҳаммаси рост, буларнинг барчаси ютуғимиз, албатта. Бироқ, мана шу гапларни қалқон қилиб олиб тирик халқнинг, ҳаракатдаги халқнинг ҳаётида, унинг маданиятида пайдо бўлаётган ҳаётимиз масалалардан кўз юммаслик лозим-да. Агар мен съездда сўзга чиққанымда каламкаш дўстларимдан, айниқса, публицистлардан, танқидчилардан, миллий мухитларда ҳамма ишлар ҳамирдан қил суғургандек осонгина ҳал этилган, энди ҳеч қанака камчилик йўқ, деган тарзда ёзмасликларини сўрардим. Арзимаган нарсаларни дастак қилавериш инсофдан эмас, эндиликда чуқурроқ мулоҳаза юритмоқ даркор. Бизнинг интернационал оиламизда миллий маданият, миллий онг нақадар теран ва демократик равишда раванқ топаётгани ҳақида гапирмоқ лозим. Интернационализм — арифметика эмас, қўшилувчилар йиғиндисиз ҳам эмас, балки кўплаб миллий маданиятлар, мустикал маданиятлар алгебрасидир. Айни замонда, ана шу мустикаликни барча маънавий бойликларимизнинг ягона байроқдорисиз, илғор

маданиятлар эришган ютуқлардан ижодий фойдаланмаган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мана шулар ҳақида фикр юритиш, баҳоли қудрат бир тўхтамаг келиш лозим.

Масалан, миллий адабий тилларнинг ривожланишини олиб кўрайлик. Улар қандай жараёнларни бошидан кечирмоқда? Айтайлик, бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштирилипти — бу табиий, замонга монанд ҳақиқий ҳодиса бўлишига қарамай кўпинча консерватив фикр-мушоҳадалар оқибатида, локаллик натижасида, механик равишда, баъзан эса хушомадгўйлик туфайли бир тилдан бошқа тилга нимадир кўчирилмаётими?

Мен олдиндан бир нарсани айтиб қўймоқчиман: ҳаммамизга маълумки, рус тили — буюк тил, бугунги кунда унинг мамлакатимиздаги миллий маданиятлар тараққиётида тутаётган бекиёс ўрни ҳақида сафсата сотиш ланг очик турган эшикдан ўтишдек бир гапдир. Рус тили — улуғвор, лекин, бу бошқа миллий тилнинг ички тараққиёт қонуниятларига эътибор бермаса ҳам бўлаверади деган маънони, ҳеч эҳтиёж сезилмаса-да унга четдан, хусусан, рус тилидан сўз олиб кириш мумкин деган маънони аниқлашмайди. Шу ўринда қирғиз тилида чиқадиган иккита область газетасининг номларини ажабловур мисол тариқасида келтириш мумкин: уларнинг бири «Ысык-Кол правдасы» деб аталади, бошқаси эса — «Нарын правдасы». Ушбу ҳол менинг бениҳоя нафсониятимга тегади. Ахир, бу минг йиллаб тарихга эга бўлган қандайин халқ эканки, тилида «ҳақиқат», «ростгўйлик», «адолат» деган сўзлар бўлмаса? Рус тилини шу қадар бузиб ишлатиш, қирғиз тилини камситиш — ҳолбуки бу тилда «ҳақиқат» сўзининг ўнлаб синонимлари мавжуд — кимга керак ўзи?! Миллий адабиётлар тараққиётини муайян халқнинг истеъдодли ёзувчилари кўп ёки озлигидан ташқари, бошқа бир қатор омилларга; халқнинг умумий маданиятига, маърифатлилигига ҳам боғлиқ. Фрунзеда юзлаб мактаблар бунёд этиляпти-ю, лекин қирғиз тилида ўқитиладиган мактаблар кўпаймаяпти. Республика пойтахтида қирғиз тилида тарбия берадиган болалар боғчалари очил пайти ҳам аллақачон етилган. Бундай ишларга ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмайди, лекин кимдир махсус шугўлланмайди ҳам, ахир ҳозирги шароитда халқ учун ана шу ишлар мумим аҳамиятга молик-ку. Бу қандок миллий маданиятки, ўзининг пойдевориға эга бўлмаса?

Бундай ишларнинг бир лекин бор: кишини қийнайидиган ана шу сингари дардлар, фикр-мулоҳазалар баён этилса — бас, шу эҳтиёж бу гапларни миллатчиликка, махдудликка йўядиган қимсалар ҳам топила қолади. Надоматлар бўлғайким, кўп ҳолларда амалпарастлик, тамағирлик натижасида шов-шув кўтаридиган ваҳимачиларга етарлича зарба берилмайди. Кези келганда, яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак: ана шундай аёнаналар оқибатида жойларда демагогларнинг ноёб нуسخалари пайдо бўлди — улар маҳмадана ваъзхонлардир, уларнинг қиладиган ишлари дуч келган жойда рус тили шаънига ҳамду санолар ўқишдан ва ўз тилини камситишдан иборат.

Ўз миллатининг тилини, миллий ўзига хосликни камситиш — масаланинг бир томони, холос. Бундан ташқари, масаланинг иккинчи томони борки, бу ҳол ҳам кишини ғазаблантиради. Мен ўз халқини фақат Ҳурмат таҳтасида кўриш — унинг фазилатларини ютуқларига эътибор бериб, турмуш тарзида учрайдиган қусурлардан мутлақо кўз юмиш аёнанасини назарда тутмоқдаман. Тушунарли, ҳар ҳолда тушунса бўладиган истак бу, лекин диалектикага мос эмас — маълум даражада янгиликка тўсқинлик қилади.

Баъзан биз назарий жиҳатдан, вақти келиб келажақда ҳамма ишлар бирлашиб кетади ва жаҳонда фақат бир ёки иккита тил қолади, деб қаромат қиламиз-у, лекин орзу-хаёлларга берилиб кетиб шундай бўлган тақдирда дунё хийла ҳувиллаб қолажағи ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ахир ўшанда «ғолиб» тиллар атроф-муҳитдан озука олиш имкониятидан маҳрум этилади-ку. Бир хиллик тараққиётга гаров бўлолмайди. Шунинг учун иложи борича ранг-баранг тилларни узоқроқ сақлаш керак. Ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда тараққий этган, у ҳамма нарсани ўз қомига тортмоқда ва ўз-ўзидан равшанки, тил соҳасида тайёрига айёрлик қилиш ҳеч кимга фойда келтирмайди. Менимча, адабий тиллар қанчалик кўп бўлса — шунчалик яхши, уларнинг яшаши ва ривожланиши учун барча зарурий имкониятларни яратиб бермоқ лозим.

Токи тил мавжуд экан — халқнинг умри боқийдир. Ҳар бир тил муайян халқ учун азиз ҳисобланади. Ҳар биримиз бизни вояга етказган, бизга энг бебаҳо бойлигини — тилини ҳада этган халқ олдида қарздормиз: тилимизнинг софлиги учун, бойиши

учун жон куйдирсак фарзандлик бурчимизни адо этган бўламыз.

Эндиликда биз янги тарихий диалектикага дуч келмоқдамиз: ҳозирги замон жамятида яшаётган инсоният доимий ва тобора кенгрок жабҳаларда алоқа қилмоқда. Бу ҳол ҳаётӣ, маданий эҳтиёжга айланяпти. Албатта, бундай шароитда ҳар бир киши бир неча тилни билгани маъқул. Баъзи республикалар адабиётида икки тилда асарлар яратилмоқда. Айтмоқчи, менинг ўзим зуллисонайн ёзувчилар сирасига қираман. Маълумки, В. Биков, И. Друцэ, М. ва Р. Иброҳимбековлар, Т. Пўлатов... ҳам ўзларининг она тилларида, ҳам рус тилида ижод қиладилар. Мен бир қатор СССР халқлари тилларини ва чет тилларни биладиган жуда кўп кишиларни танийман. Улар адабиётларнинг, маданиятларнинг бепоён олами билан ошнодирлар. Ишончим қомилки, келажақда аjoyиботлар оламиндан ҳамма кишилар баҳраманд бўладилар. Мен яқинда жазoirлик бир гуруҳ ёш тилшунослар билан учрашдим: улар рус тилини ҳам яхши билардилар, шубҳасизки, она тилларини — араб тилини ҳам яхши билардилар, франкуз тилида бемалол муомала қилардилар... Битта муаллима эса ҳатто барбарлар тилини ҳам билар экан. Назаримда, келажақ шулардан андаза олиши мумкин.

— Мен суҳбатимизни сизнинг ижодингизга бурмоқчиман: бош қисми «Новый мир» журналининг июнь ойи сониде Эвлод қилинган ва август ойи сониде давоми чиққан янги «Кунда-романингизга диққатингизни тортимоқчиман.

Альберт Швейцарнинг таъкидлашича, ҳаёт ҳақидаги оддий мушоҳадалар ҳам маълум бир қимматга эга. Асарларингизнинг қаҳрамонлари ҳам, агар уларнинг маънавий-фалсафий қарашларини, руҳан бардамлигини назарда тутсак, баҳоли қудрат, ҳар қайсиси ўз ҳолига қараб, айтайлик, у хоҳ «Момо Ердади кекса дехқон аёл Тўлганойнинг оқилона фикр-ўйлари даражасида бўлсин, хоҳ «файласуф-мўйсафид» деб аталадиган Танабойнинг («Алвидо, Гулсари!») мулоҳазалари даражасида бўлсин, лекин барибир ҳаётнинг чизал ҳақиқатларини англашда интиладилар. Сиз ўз вақтида Эдигей ҳақида, унинг ўзини ўзи ва дунёни англаши ҳақида ёзган гапларингиз, маълум маънода, янги романингизда бўртиброқ акс этади. Демак, ушбу сўзларингиз ўша пайтдаёқ сизда ёзилажак асарингизнинг хомаки режалари пайдо бўлганини кўрсатади: «Менинг қаҳрамоним Эдигей Бўрон инсоннинг турмуш тарзи ҳақида атрофлича, берилиб мулоҳаза қилади, маъно қидиради... Баъзи бировлар бундай масалаларни оллоҳга бўлган эътиқод билан боғлайдилар, лекин ўшаларнинг жуда кўнчилиги учун оллоҳ ахлоқнинг, виждоннинг, ўз-ўзини англашнинг воситаси сифатида хизмат қилади, холос. Жилла курса, бир восита вазифасини ўтайди. Мана, менинг қаҳрамоним ҳам меҳнаткаш совет кишиси, художўй эмас — ана шундай масалалар хусусида бош қотиради, аммо нўноқ лектордек, осонгина жавоб топа олмайди».

— Дарҳақиқат, менинг аввалги «Асри қаритган кун» романимда ҳам шундай оҳанглр янраган эди. Ўша оҳанг Эдигей ўз дўстини — Казангапни дафн этаётган дамлрда эшитилди: жасадни кўмиш учун куйиб-пишиб муносиброқ жой қидирадилар ва расм-русумларни бажо келтириш арафасида Эдигей худого муножот қилади: «Мен Сенинг мавжудлигинга, менинг шу-уримда барқарорлигинга имон келтиришни истайман. Қалима қайтариб Сенга илтижо қилар эканман, аслида, Сен орқали ўзимга мурожаат этаман...»

Кўриниб турибдики, Эдигей ҳақ талаго топинса-да, амалда ўзига ўзи мурожаат қилади, чунки унинг кўнглида туғилган, унга ўхшаганларнинг дилида пайдо бўлган шубҳаю гумонларни ўзларидан бошқа ҳеч ким ҳақ этишга қодир эмас. Таъбир жоиз бўлса, Эдигей куролланмаган, фалсафани пухта ўрганмаган жайдари донишманд эди. Янги «Кунда» романининг қаҳрамони Авдий Каллистратов эса диний фаолиятга чоғланган. Шунга қарамай, улар нимаси биландир бир-бирига жуда яқин — афтидан, ҳаётга муносабат, адолатга ташналик, эзгулик туйғуси уларни яқинлаштирса керак. Мутлақо бегона бўлишларига қарамай, Эдигей билан Авдий туташ тақдирлардир.

— Романинг биринчи ва иккинчи қисмида бир нечта йўналиш бор: Авдий Каллистратов, Моюнқум «хунтаси, нашаевандлар, бўрилар оиласи, лекин англашимча, сиз учун асосийси — Авдий Каллистратов. Назаримда, бу образ Айтма-товнинг ҳар бир янги асари олдингиларига сира-сира ўхша-маслигига, ҳам мавзуси, ҳам бадиий жиҳатлари аввалгиларидан мутлақо фарқ қилишига кўникиб қолган ўқувчиларингиз учун

» Барбарлар — Шимолӣ-ғарбий Африканинг туб аҳолиси (Ред.).

хам кутилмаган ҳодиса бўлди. «Кунда»да илк бора ўз асарининг бош қаҳрамони сифатида рус кишини танлабсиз.

— Ҳа, Авдий — рус, лекин мен уни анча кенг кўламда — христиан сифатида талкин этганман. Айтиш мумкинки, унинг назарида рўй берадиган барча воқеалар ўзга динларга дахлдор замондошларим ҳам тааллуқлидир. Бу асаримда мен дин орқали инсоннинг қалбига йўл топомоқчи бўлдим. Худога эмас, инсонга топиндим! Романдаги ҳамма чизиклар ичида, шубҳасизки, мен учун энг муҳими — Авдий, унинг изланишлари.

— Айтишлик, сиз бош қаҳрамон қилиб мусулмонни эмас, христианни тасодифан танлаганим бўлсангиз керак?

— Тасодифан танлаганим йўқ, албатта. Христиан динида Исо пайгамбар сиймосида мушоҳада учун катта имкониятлар мавжуд. Менинг аждодларим сигиниб келишган ислом динида эса ундай сиймо йўқ. Муҳаммад — жафокаш эмас. Тўғри, у ҳам оғир кунларни бошидан кечирган, азият чеккан, лекин у гоёси туфайли чормихга тортилмаган, кейин одамларнинг ана шу гуноҳини ҳам мутлақо кечирмаган — бундай ҳодиса юз бермаган. Исо пайгамбар ҳозирги замон кишиларига дилимдаги муқаддас гапларимни айтиш имконини яратди. Шунинг учун каминга, ўз ижодимда унга тўкнаш келдим. Нима учун бош қаҳрамон қилиб Авдий Каллистратовни танлаганим, нега бундай экани, шундай тасвирлангани энди тушунарли бўлса керак.

— «Кунда»ни ўқиб бейхотиёр Достоевский қаҳрамонлари — князь Мишкин, Алёша Карамазов кўз ўзингдан ўтади... Сизнинг Понтий Пилатингиз билан Исо Назарияни эса Булгаковни эслашга мажбур қилади.

— Бу ҳақда нима ҳам дердим? Бағоят хурсандман, албатта. Лекин мен ўзимни ялғ устозларнинг сафдоши қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Иш жараёнида вужудга келган вазият туфайли мен қачонлардир устозлар мағзини қачиб кетган жумбоқларга рўпара келдим. Булар абадий жумбоқлар, абадий ўлчамлар, уларга нафақат мен, балки биздан кейин ҳам жуда кўпчилик мурожаат этиши турган гап. Албатта, мен Булгаков ҳақида ўй сурдим, унинг Понтий Пилати билан Иешуаси менинг Понтий Пилатим билан Исо Назариянинг битта одам эканлигини, бир хил вазиятни бошларидан кечираётганларини ўйладим. Умидим шуки, ўша вазиятни мутлақо бошқача йўсинда эмас, балки Понтий билан Исо ўртасидаги суҳбат мазмунига жиддий лаҳза киритиш орқали ҳал этмоққа ҳаракат қилганимни зукко ўқувчи илғаб олади. Зотан, ўша учрашув Булгаков асарида ўз аксини топган пайтдан буён бутун бир тарихий давр ўтди, ҳозир биз ҳаёт мезонлари ҳам бирмунча ўзгарган янги замонда яшаймиз. Мен, қиёмат қойим деганда дунёни атом бомбалари билан кунпаякун қилиб юборишни тушунмоқ даркор, демокчи эмасман. Лекин яққол кўриниб турган ана шу хавф-хатар мени, тўқиб чиқарилган, диний-мистик маҳшардан эмас, ўзимизни ўзимиз гирифтор қилишимиз мумкин бўлган ва аслида ҳам қиёмат қойимнинг хиди келаётган дунёвий ишлардан кўркиш лозимлиги ҳақида бонг уришга чорлади.

— Ўз-ўзидан равшанки, романингиз тўла босилгандан сўнг унга танқидчилар, жумладан, «Л. Г.» саҳифаларида ҳам, баҳо беришади. Лекин «Кунда»ни мутолаа қилган баъзи ўқувчилар, муаллиф динга худди мурасасозлик билан ёндашаётгандек дейишса, нима деб жавоб берардингиз?

— Ишончим комилки, роман ҳар хил мулоҳазаларга, изоҳу шарҳларга сабаб бўлади. У тўла-тўқис чоп этилган, жиддий адабий-танқидий, ҳатто фалсафий мақолалар эълон қилинса керак, деб умид қилапман. Бирок, ёзувчи ҳақида, асар ҳақида фақат динга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда бўлганига қараб, ҳамма биладиган формулаларни ёллаб олиб ҳукм чиқарилса, англанадики, бу ҳол китобга қараб туриб ҳеч нарса ни кўрмаслик билан баробардир — асар нима учун ёзилгани, умуман диний мақсадларни ёки гоёларни кўзлаб ёзилмагани назардан қомади.

— Асарларингиздан бизга маълумки, мусиқа, қўшиқ ижодингизда алоҳида аҳамиятга эга. Сиз ҳатто дастлабки қиссаларингизнинг бирини «Тарона» деб номламоқчи бўлгансиз: муҳаббат таронасини назарда тутангиз-да, тўғрими? Ўша қиссангизни А. Твардовский «Новый мир»да эълон қилаётган «Жамила» деб қайта номлаган эди. Қирғиз тилидаги биринчи китобингизни «Тарона» — «Овон» деб номлаган эдингиз, шекли, а?

«Кунда»да романинг фалсафий доирасини белгилайдиган муҳим бир эпизод бор — Авдий Каллистратов Пушкин музейида қадимий булғорларнинг бутхоналарида куйланадиган муно-

жотни тинглайди. Қўшиқлар қанотида у қайсидир гуржи ёзувчисининг бир вақтлар ўқиган «Олтовлон ва еттинчи киши» ҳикоясини, аниқроғи, балладасининг мағзини чақайди. Демокчи-манки, асарларингизда афсона, масал, эртақ ва қўшиқлар муҳим аҳамият касб этади. Айтмигиз-чи, ўша балладани ҳам ўзингиз тўқиганмисиз, ҳақиқатда бундай асар йўқ эди чамаси? Балки, сиз гуржилик ўтмишини қайта баён қилгандирсиз? Ундан қандай бадий мақсад кўзланган? Балладанинг ечими, еттинчи ёт кишининг ўлими менга кўпчиликдан ажралиб қолган шахс фожиясидек туюлди. Еттинчи ёт киши ҳеч иккиланимай олтовлонни отиб ташлайди, чунки душман таслим бўлишни истамаса, кўпчиликнинг манфаати йўлида, гоёнинг манфаати йўлида у маҳв этилади. Шундай эса-да, еттинчи ёт киши ўзи қилган ишидан инсон сифатида даҳшатга тушади, иродаси дош беролмайди — қотиллик унинг учун ахлоқсизликдир. Авдийнинг фикрича, устига устак, у бутхоналарда куйланиб келинган муножотни тинглаётган бўлса, еттинчи ёт кишининг ҳаётдан кўз юмиши табиий ҳол, қолаверса, христианларнинг асосий ақидаларидан бири — «ўлдирма».

— Гапингизда жон бор. Бу жуда мураккаб масала: олтовлон қутуриб қаршилиқ кўрсатавереди, одамларни ўлдираведи, еттинчиси касб бўлиши учун уларни жазолайди, қасос олади. Лекин уларга хос бўлган ваҳшиёна усулда жазолайди ва душмани маҳв этгач, инсон сифатида ўзини ҳам маҳв этганини англаб етади — калаванинг учи чувалашиб, фожиа рўй беради. Албатта, амалда бундай баллада йўқ, мен гуржи ўқувчиларимнинг, қаламкаш дўстларимнинг бу ҳақдаги фикрларини сабрсизлик билан кутмоқдман, ҳаёт ҳақиқатини нечоғлик аниқ акс эттира олганимни билмоқчиман, қолаверса, гап фақат шундангина иборат эмас. Мен мана шу мўъжаз воқеа орқали граждандар уруши доимо миллий фожиаларга улашиб кетишини, жон чекиб, қон кечиб, миллий мотамлараро ўтишга тўғри келажани таъкидламоқчи бўлдим. Буларни қурашни, жасоратни, галаба нашидасини мадҳ этуви мусикадагина эмас, бильвакс, киши қалбига раҳм-шафқат уйғотадиган, қурбонларни эслатиб гапга ботирадиган муножот орқали ҳам ифодалаш мумкин.

— Романингиз «Кунда» деб аталади. Мен яна-тагин, назаримда, унинг дастлабки номи бошқачароқ эканини эшитдим — «Куюн». Текста ҳам ўша номнинг «акс садоси»га дуч келдим: «...мен энди мутлақо нотаниш ҳаёт кучоғига шўнғийман, рўзи азалдан буён тиним не билмайдоган беҳаловат ўпқоқ, қуюн бағрига ўзимни отишим керак...», «...Айланиб-ўргилиб вақтинг битта ити унинг тақдирига келиб туташиди». Хўш, нега роман номини ўзгартирдингиз? Ахир, асарнинг номи сиз учун доимо муҳим-ку?

— Дарҳақиқат, мен «Куюн» деган каттагина мужассам роман ёзмоқчи эдим — у Авдий Каллистратов тарихини ҳам, бўрилар оиласи тарихини ҳам ва яна бошқа кўпгина нарсаларни қамраб олиши лозим эди. Ўша ниятимдан ханузгача воз кечганим йўқ. Кўнғилдаги гапларни бир жойга жамлаш — турли-туман сюжет чизикларини туташтириш, замонларни бир-бирига боғлаш жуда ҳам мушкул экан. Ёзмоққа чоғланган асарим устида жуда кўп тер тўкишим зарурлигини англадим-да, Авдий тарихини алоҳида ёзишга қарор қилдим. Мен буни роман бўлиб кетади деб сира ўйламаган эдим — мўъжазгина қисса ёзишни мўлжаллаган эдим, лекин ўзидан ўзи кучайиб кетди.

Менимча, «Кунда» романинг мазмунидан келиб чиқадиган ном. Кунда — фақат қатл ижро этиладиган тахтасуна эмас, у ўрнатилган мақтал ҳамдир. Инсон ўз умри давомида жонини курси бир марта кундага рўпара келади. Баъзан у кундага кўтарилса — табиийки, жисмонан маҳв этилмайди, албатта — баъзан эса кўтарилмайди. Романинг номи кундангиз, унга кўтарилишнинг нақадар қимматга тушишига ва ана шу йўлда чормихга тортилиш азобидан бирор маъно бор-йўқлигига ишора қилади.

— Роман мотамсаро оҳангда бошланади; беқийёс оққуйруқлар подаси қонга ботирилади — саҳифалардан уларнинг даҳшатли қичқирғи қулоққа чалинади, айни пайтда, бўрилар оиласи тарихи зикоя қилинади. Сизнинг ўқувчиларингиз учун табиат билан, жониворлар билан учрашув янгилик эмас — йўрға Гулсари, туянгиз Қоранор, мана энди бўрилар: Акбара билан Тошчайнарлар нозик руҳий ҳолатларда, таъсирчан акс эттирилган...

— Қирғиз фольклорининг хайвонот дунёси ниҳоятда рангбаранг, чунки бу чорвадорлар яратган фольклор. Қаҳрамоннинг

ёнида албатта оти ҳам бўлади. Улуғвор «Манас» эпосида отга боғлиқ жуда кўп ажойиб психологик парчалар мавжуд: масалан, улоқ ҳақида ҳикоя қилинган чоқларда одамлар кўнглидан нималар кечаётгани, қандай ҳис-туйғулар қайнаб-тошаётгани, ақл кетган пайтда одамларнинг қанчалик бедодликка қўл уриши ишонарли тасвирланади. Бизда «Кожожаш» деган жуда ҳам қадимий, ғаройиб дoston бор: унинг илдизлари ҳали инсон билан табиат, ҳайвонот олами айро тушмаган, айириб ташланмаган замонларга бориб тақалади. Ушанда кўтарилган битта мавзудан мен «Алвидо, Гулсар!» қиссамда фойдаланганман. Эпосда Кожожаш деган довурак овчи — қабиланинг валинеъмати қандай қилиб тоғда юрган ёввойи эчкиларга қирон келтиргани ҳақида ҳикоя қилинади. Бир гал унга чўлоқ урғочи эчки — Бўзранг ялиниб-ёлворади: у ўзини ҳам, Бўзранг такани ҳам ўлдирмасликни ўтиниб-ўтиниб сўрайди. Чунки агар улар ўлдирилса, эчкиларнинг зоти қирилиб кетади — насл қолмайди. Урғочи эчки эҳтиётсизлик қилиб овчининг иззат-нафсига тегиб кўяди: «Агар бизни ўз ҳолимизга қўймасанг, қилмишингга яраша «азоланасан», дейди. Овчи унинг гапини эшитиб, қилиб юборди. «Бор-э, нима қила олардинг!» дейдию такани ўлдирди. Урғочи эчки эса чўлоқ бўлишига қарамай қочиб кетади, овчи уни қувлашга берилиб, қизик устида одам оёғи етмаган баланд қояга чиқиб қоладию бу ердан на телага ўрмалай олади, на пастга тушади. «Қилмишингга яраша жазоингни торг энди», дейди урғочи эчки нариги ўнгирга сакраб ўтгач.

Қадимги одамлар экологик «боши берк кўча»ни ана шундай тасвирлаганлар. Албатта, бу эпосни ҳар мақомга солиб шархлаш мумкин. Жумладан, мен уни мана бундай шархлаш бўлардим: қадим-қадим замонлардаёқ одамлар табиатга нисбатан жонхил-она муносабатда бўлишни қоралаганлар, хусусан, ҳатто ҳаётий эҳтиёж туфайли ҳам ҳайвонларни қириб ташлашдан ўзларини тийганлар. Бизларни шу кунларда ташвишлантираётган экологик проблемалар ўша замонлардаёқ пайдо бўлган эди.

Шундай қилиб, менинг ҳайвонот оламига бунчалик қизгин муносабатда бўлишимнинг сабаблари чуқур — илдири кизгиз халқининг оғзаки ижодидан озиқланади.

— Сизнинг аввалги асарларингизда Танабой билан унинг оти Гулсарининг, Эдигей билан унинг туяси Қоранорнинг, айтиши мумкинки, ички дунёси ҳам, тақдирлари ҳам уйқаш эди, бир-бирларидан ажратиб бўлмасди. «Кунда»да эса бўрилар одамлар устидан, одамларнинг тубан қилиқлари устидан тантана қиладилар. Моюнкум биёбонда оққуйруқлар подаси қуришовага олинади ва «...ана шундай охир замон сукунати ичра Акбаранинг кўзига қандайдир кимсанинг башараси кўринди. Шунчалик яқиндан, шунчалик даҳшатли, шунчалик аниқ-равшан кўриндики, оқибатда уни чунонам ваҳима босди...»

— Йирткич ҳайвоннинг кўзига йирткич ҳайвон кўринади-да.

— Шу билан бирга Акбардек қонхўр ҳайвон йирткич одамни кўриб даҳшатга тушади. Романдаги бўрилар оиласи гўё инсониятнинг икки хил олами ўртасида яшайди: бир томонда Авдий тимсолидаги бутун тирик мавжудотга меҳрибон, мушфиқ, юзтубан қулган одамларнинг-да кўнглига йўл топишга, уларга фақат насиҳатлари билангина эмас, ўзлари ҳам қўлидан келганича ёрдам беришга интиладиган, муҳаббатга ташина — «суюкли аёл ҳақида ҳаёл суришу унга номалар битиши ҳаётимнинг асл мазмунига айлиниб қолади деб ҳечам ўйламаган эдим... токи танамда жоним бор экан муҳаббат мени тарк этмайди...» — инсонлар истиқомат қиладиган сайёра жойлашган. Бошқа томонда эса инсонлик қайғосини йўқотган кимсалар; Моюнкумда ёвуз ниятларини амалга ошираётган гуруҳ — ўзларининг таъбирлари билан айтганда, «хунта» — ичкиликбозлар, дарбозлар, ҳайвонлардан ҳам баттар кун кўрадиган қўпимиз саёқлар, ёш-яланг нашафурушлар танда кўйган сайёра мавжуд. «Хунта»да одамийликка хос бўлган бирор фазилят учрамайди, бўрилар эса оилавий ҳаёт кечиряди, улар бир-бирларисиз яшаёлмайдилар, уларда оталик туйғуси, оналик меҳри бор. Асар бошидаёқ мен ана шундай қарама-қаршиликларни англадим. Бу ҳол Пушкин музейидаги саҳнадаёқ, Авдий нашафурушлар билан бираликда олис сафарга жўнаш арафасида софийлик қўшиқчилар муножотини тинглаётган пайтда таъкидланади: «Нақадар зиддиятли ҳолат — оллоҳга илтижо қилиш қайдою вокзалнинг овлоқ гўшаларидаги ипана-ларнинг ярамас майсалардан чиқаيدиган ярамас тутунларга хирс кўйиши қайда». Билмадим, романинг биринчи қисми билан иккинчи қисми атайлаб шундай қурилганми, лекин мен қаршилатиш усулун яққол кўрдим.

— Бу ҳол роман охиригача давом этади. Учинчи қисмда ҳам бўрилар оиласи, уларнинг фожиали тарихи, боя сиз айтган, икки олам ўртасида кечади. Яъни, икки оила тақдир билан, иккита қарама-қарши киши тақдир билан чамбарчас боғлиқ — чўпонлар Бўстон Уркунчиев ва унинг душмани Бозорбой Нойгутов. Улар худди Авдий Каллистратов билан ёшларни ҳам йўлдан оздирадиган — «дунёда ҳамма нарса сотилади, ҳамма нарса сотиб олинади», «пул ҳамма ишга қодир», деб билган наша-вандлар сардори Гришан сингари бир-бирларига муҳолиф.

— Нима учун сиз ёшлар масаласида «иситмалаб» қолдингиз?

— Менимча, бу масала жуда ҳам кескин тус олди. Мен ўзимнинг студентлик йилларимни эслайман: биз оғир уруш йилларини бошимиздан кечирган эдик, эндигина ўзимизни ўнглаётган эдик, ҳали кўп қийинчиликлар, ҳал этилмаган жумбоқлар мавжуд эди, лекин бизнинг беғубор, ишонувчан вужудимизда коллектив руҳи, интернационал яқдиллик тўлиб-тошарди. Эҳтимол, бизни ҳамманинг бошига тушган қулфат — уруш шунчалик яқинлаштиргандир.

— «Эрта қайтган турналар» қиссангизда ўша ҳолат жуда яхши тасвирланган.

— Ҳозир эса мен яшариб қолишни истаман бўлардим.

— Ёшингиз кичрайиб қолишини?

— Албатта, ёшим кичрайиб қолишини. Мен бундай имкони-ятта мушарраф бўлмасам-да, лекин барибир йигитча бўлиб қолишни истамасдим. Ҳозирги ёшлар орасида мен ўзимни қандайдир бегона ҳис қиламан.

Балки, ёш авлоднинг шу қўйга тушиб қолишига ўзимиз айландиримиз. Беками-кўст шароитда, ахир биз хузувр-халоватда яшаймиз-ку, орамизда оч, қашшоқ, бошпанасиз кимсалар учрамайди, лекин маънавий тарбияга кам эътибор бериляпти, чин қалбдан юксак маданият соҳиб бўлмаслик оқибатида истеъмолчилик пойгаси, текин томоқлик, молпарастлик авж олади. Иқтисодий омил етакчи ўринга чиққан маҳали маънавий потенциал нолини кўрсатади, ҳолос.

Менимча, бундай бўлишига маълум маънода мактаб, қола-верса, оила ҳам айбдор. Назаримда, мактабларимиз ҳозирги даврнинг юксак талабларига, биз бошимиздан кечираётган мураккабликларга жавоб беролмаяпти. Мен яқинда, биз ҳозир ҳаётга татбиқ этишга уринаётган ислохот ғояси билан эмас, бошқача ислохот қилишга — чуқурроқ, тубдан, мактабни ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама баркамол инсонни воёга етказадиган ўчоқка, маърифат, тарбия масканига айлантириш орзусида қуйиб-пишиб юрган бир одам билан гаплашдим. Унинг айтишича, болалар икки-уч ёшдан бошлабқоқ баҳоли қудрат меҳнат қилишга ўргатилади, ёшлликдан оқ адабиёт, мусика, рассомлик санъати билан таништирилади. Кичик гурпадаги болаларга алоҳида муомала қилинади.

— Бунинг харажатларини ким ўз зиммасига олади?

— Халқ маорифи соҳасида тежамкорлик қилиш ярамайди, яхши эмас. Синфлар тигизлаштирилса, ҳатто ажойиб му-аллимлар сабоқ берган тақдирда ҳам ўқувчиларнинг билимига, ахлоқига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Агар биз битта муаллим билан элликта ўқувчига таълим бермоқчи бўлсак, бу ҳол илм-фанни оёқости қилиш ҳисобланади.

Мен Қирғизистон Компартияси съезида Фрунзе шаҳридаги етакчи 5-мактабнинг мисолида ўзимни ташвишлантираётган шу муаммолар хусусида гапирдим. Бу масалаларни на республика Госплани, на Маориф министрлиги, на Фрунзе шаҳар ижроия комитети, на Марказий Комитетнинг тегишли бўлимлари йиллар давомида, ўн йиллардан буён ҳал этолмаётир. 5-ва бошқа мактабларда ўқувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда, ҳатто уч баробар кўпайди, лекин мактаб биноси ҳам, унга ажратилаётган маблағ ҳам ҳамон боғи-боғидек. Жамият маълум бир соҳани жиддий қисқартириш эвазига бўлса-да, маориф ишларига ажратилаётган сарф-харажатларни ошириши керак. Шундагина биз чинакамига илмий-техника тараққиёти ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади ва маънавий олами бой, ахлоқан баркамол ақли-дрок соҳиблари, қўплаб талантлар рўёбга чиқади.

Назаримда, комсомол ҳам ўзи ҳақида атрофлича ўйлаб кўриши керак, менимча, у бир жойда хийлагина депсинки қолди: унинг жанговар, бирлаштирувчи, сафарбар этувчи, сеҳрловчи руҳи сезилмаяпти. Уйлайманки, у ёшларга самаралироқ таъсир ўтказиш учун, ёшлар ҳаётида худди бизнинг ёшлигимиздагидек муҳим аҳамият касб этиши учун — менинг авлодим ўз ёшлигини гурур билан комсомол ёшлигим деб атайди — энг аввало ўзини қайта қуриши лозим. Булар қуруқ гаплар эмас.

Дидни ўлдирувчи «косиблар санъати» ҳам бу йўлда ёмон таъсирини ўтказди.

— Шу муносабат билан Валентин Распутин, агарда Пушкин Арина Родионовнанинг эртақ ва аллаларининг ўрнига ҳозир расм бўлган эстрада хонандаларининг кўшиқларини тинглаганда борми, ундан Пушкин эмас, Дантес етишиб чиқарди, деган эди. Албатта, бу муболаға, ёш замондошларининг маънавий ҳаётидан кайғураётган ёзувчининг бир оз ошириб айтаётган аччиқ гаплари. Қолаверса, гап фақат битта хонанданинг кўшиқлари ҳақида эмас, гап шундаки, арзонгаров кўнгилхушликлар, бемаза кўшиқлар фақатгина ўйнаб-қулишга, ҳаёлни чалғитишга, мойдек эритишга яради холос, лекин маънавий баркамолликка ундаёлмайди, «эзгулик туйғуси»ни уйғотолмайди — ёшларнинг бўш вақтларини шамолга совуради, вассалом.

— Кўнгилхушлик учун Фарбининг олди-қочди, ола-тасир, урхор — ваҳшиёна фильмларни намойиш этиш-чи! Катта ёшдаги одамлар бундай нарсаларга танқидий ёндашиши мумкин. Лекин болалар-чи, ўсмирлар-чи? Улар тажрибасизлиги туфайли ҳеч нарсанинг фарқига бориб ўтирмай ўзлаштириб, озикланиб олаверадилар, таклид қиладилар.

Ёшларимизни ҳеч ким биз учун тарбиялаб бермайди, маънавий кифасини шакллантирмайди. Ҳозирча ваҳима қилишга арзигулик ҳеч нарса рўй бермади-ку, деб арқонни узун ташлаб кўймаслик керак. Улар бугун бемехр бўлса, бағритош, манмансираган бўлса — ёши улғайгач эси кириб қолар, ўзимиз тарбиялаб оламиз-да, деб бўлмайди. Йўқ, кейин кеч бўлади. Кейин тарбиялаш душвор. Қолаверса, биз оммавий равишда ўрта маълумот беришимиз, демак, ҳамма жумбоқ ўз-ўзидан хал этилади деб умид қилиш ҳам, юмшоқроқ қилиб айтганда, гўлликдир. Аксинча, саводхонлик даражаси канчалик ошгани сари кийинчиликлар ҳам шунчалик ортиб боради, тарбиявий ишлар мураккаблашади, йўл-йўриқларда, тарбия йўсинларида зукко, мохир, тадбиркор бўлиш зарур.

— *Романинг нашавандларга оид саҳифаларини ёзаётган пайтингизда қўл остингизда реал ҳаётний фактлар бормиди?*

— Мен бу мавзуга ҳам тасодифан мурожаат этмаганман. Яқинда «Лит. газета» эълон қилган хатда онаизорнинг фиғонидан дуд чиқибди — у ака-ука нашаванд ўғиллари ҳақида ёзибди: ўша мактуб бизда «оғриқ тишлар» мавжудлигининг яна бир исботидир. Кўп йиллар давомида биз ўз дардимизни ўзимиздан яшириб келдик. Табиийки, бундай муаммолар мени ташвишлантирарди: бу касаллик бизнинг ёш авлодимизга қаёқдан юқди, унинг муайян сабаблари борми; оилавийми, шахсийми — бу қадар илдиз отиб кетишига ким айбдор? У қай гўрдан, қай йўсинда сизиб қирмоқда? Нима, қандай ижтимоий нобопликлар ёшларимизни харобалар сари етакламоқда?

Улар эмас, биз бош қотиришимиз лозим ва ўз виждонимиз олдида ўзимиз жавоб беришимиз шарт.

Бир сафар мен олис чўлдаги станцияга поездни кутиб олгани чикдим. Поезд бир неча соат кечикди, мен ўзимни қаёққа кўйишимни билмай у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Афтидан, шу пайт мени бир милиционер таниб қолди шекилли, бўлимига таклиф этди. Ичкарига кирсам, бурчакдаги темир қафас ичида ёш-ёш йигитчалар ўтиришибди: улар юк ташийдиган поездларда наша билан қўлга тушишибди. Хонанинг нариги бурчагида ашёвий далиллар сочилиб ётарди — никтаб-никтаб наша тўлдирилган рюкзаклар, сумкалар, чамадонлар. Мен жуда ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Энди менинг қўлимдан ҳеч нарса келмасди, уларга ёрдам беролмасдим. Чунки улар қилмишларига яраша жиноий жавобгарликка тортилган эдилар ҳисоб. Шўрпе-шона онаизорнинг «Лит. газета»да босилган мактубини ўқиб мен яна ўша воқеани эсладим: ҳа, улар қонунни бузганлар, қилмишларига яраша жазоланишлари керак, лекин биз уларга ёрдам беришимиз, албатта қўмаклашишимиз зарур, уларни даволаш лозим, муолажа йўлини топиш лозим.

— *Нима учун «Кунда»нинг давоми «Новый мир»нинг еттинчи сониди босилмади? Романининг учинчи қисми қачон чиқади?*

— Бу саволлар билан менга кўпчилик мурожаат қилди. Мен терилган саҳифаларни (вёрсткани) ўз вақтида ўқиб чиқишга улгурмадим. Шунинг учун романинг иккинчи қисми еттинчи сондан саккизинчи сонга ўтказилди. Тўққизинчи сонда романинг охириги қисми босилиши керак.

— *Чингиз Тўрақулович, агар мумкин бўлса айтинг-чи, сиз ҳозир қанака китоб ўқияпсиз?*

— Мен «Кунда» билан овора бўлиб, бир қатор кизиқарли китобларни ўқий олмадим. А. Адамовичнинг «Ничего важнее»

деган янги рисоласи билан таниша бошладим. Унинг сарлавҳаси остида «Ҳозирги замон ҳарбий прозасининг баъзи масалалари» деб қайд этилган эса-да, мен кўз югуртирган саҳифалардан ҳам билиниб турибдики, бу хийла кенг қўламли китоб — нафақат ҳарбий прозамизнинг долзарб масалалари, балки бутун бадий тафаккурнинг, бутун адабиётнинг, ҳатто ҳаётнинг долзарб масалалари қаламга олинган экан. Шубҳасизки, Алесь Адамовичнинг кўнглидаги гаплари мени яна-тагин ўйга толдиради, кийнайти ва ўша қийноқлар, кечинмалар орқали эзгулик томон, ҳақиқатга етаклайди — мен уни худди шундай, фақат шундай тушунаман ва унга сўзсиз ишонаман. У янги китобида ахлоқ-одоб ҳақида, бугун фақат биттагина йўл борлиги ҳақида, у ҳам бўлса инсонпарварлик эканлиги тўғрисида сўз юритади.

Биз ҳозир инсонпарварлик ижтимоий ҳаётдан айрича ҳолда яшолмайди деяпмиз, лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор: ҳозирги атом даврида — бутун инсониятга, тараққиётга реал хавф туғилган бир пайтда инсонпарварлик ҳақидаги тасаввурларимиз хийла кенгайди. Биз умуминсоний масалаларга ҳар томонлама ёндашмоқдамиз. Ҳозир, дунёда техника шунчалик ривожланган, зиддиятлар ниҳоятда кескинлашган бир замонда инсоният ўз қўли билан, ўз ақл-заковати билан яратган мўъжизалар қаршисида ҳайрон қотган бир пайтда адабиёт ва санъат барча мавжуд имкониятларини ишга солиб, дунёда ҳаёт-мамотдан — инсон ҳаётидан ҳам аълороқ бўлган ҳеч қандай эътиқод, мақсад, вазифа йўқ, деб айтмоғи, ишонтирмоғи даркор. Ҳамма учун дахлдор бўлган умуминсоний амри вожибни абадул абад қулоққа кўрғошиндек қуйиш керак — тинчлик, фақат тинчлик бўлсин!

Сухбатни Н. Боқий таржима қилди.



Нурулло Отахонов

БРИГАДИР НЕГА ЙИҒЛАДИ?

Буйруқбозлик можаролари

— Қайси жин уриб шу ишга аралашиб қолдим-а?! Тинчгина ишлаб, ризкимни ҳалол териб юрувдим-а!... Ўттиз беш йил трактирчилик кип битта дакки эшитмаган одам, мана энди, саккиз ойгина биргадлик кип... партиядан ўчирилдим-а!... Бола-чакамнинг олдида нима деган одам бўлдим?! Ҳамқишлоқларим мени ким деб ўйлашади? Зарилмиди менга шу биргадлиги... Асли ўзим бўшлик қилдим, тинчгина трактирчини ҳайдаб юраверганимда-ку, ҳеч гап йўқ эди-я... Халқ сени деярли, ўтавер, ёрдам қиламиз, дейишди. Холбой аканинг юзидан ўтолмадим: эскидан бирга ишлаймиз, битта қишлоқданмиз, суягимиз шу қолхозда қотган, ўзиям ёмон одам эмасди, ҳаммамизга отадек бўпқолган эди. Гапини икки киллоқмадим, кўндим...

— Қачон ўтган эдингиз биргадирликка?

— 82-йили биргад бўлдим, холос. Кейин, менга оғирлик қиларкан, эплаёлмадим бу ишингизни, деб тагин тарактирчиликка ўтиб олганман.

— Партиядан қачон ўчирилдингиз?

— 85-йили сентябрда... Йигирма йиллик стаж билан оқибат эришганим нима бўлди?! Ўша кунлари қишлоқда бош кўтариб юролмай қолдим ахир, ука!..

— Кўйинг, ўзингизни қўлга олинг, йиғидан фойда йўқ.

— Э-эй-й, йиғламай бўларканми! Тергов, суд, ундан кейин ҳам яна қанча-қанча сўроқлар... кўчада бегона одам салом бериб кўйсаям, юрагим ўйнайдиган бўпқолди... йиғлайман-да!— У кўйнидан рўмончасини олиб юз-кўзларини арди. Аммо мижжалари қизилгилча қолаверди. Шундоқ ҳам ситамкор кўринадиган юзидаги ажинлар шу уч-тўрт дақиқа ичида янада кўпайиб қолгандек туюлди.

Кўзларида эса, ҳамон ўша ҳадик аломати...

Ҳасанбой аканинг изтиробига айбдордек хижолат тортдим. Айни чоқда, миямни бир савол пармалар эди: «Нега бунча куйяпти, нега у ёш боладек йиғлаб юборди?»

«1982 йилнинг апрель ойида эрталаб қолхоз идорасига район ижроия комитети раиси А. Маматхонов МСУ бошлиғи Омонов билан бирга кириб келди ва гишт заводига ер ажратиш беришимиз кераклигини айтди (қўлёзмада «мажбур этди» дейилган.— Н. О.). Илож бўлмагач, мен агроном С. Холматовни, 9-бригада бошлиғи Х. Усмоновни ҳамда қолхоз ер ўлчовчиси Ж. Ўрмоновни чақирдим. Ҳаммамиз биргаликда гишт заводи тупроқ олдидан жойга бордик. Бу ерда бизга заводнинг директори Ш. Дадажонов ҳам кўшилди. Мен райижроқўм раисидан яна қарор талаб этдим: бизнинг экинни пландан чиқариб беринглар, дедим. Маматхонов, бу йил экинни пландан чиқариб бўлмайди, деди-да, кейин Омоновга қараб, ер эвазига 20 тонна пахта қилиб берасиз, деб айтди. Омонов: «Аҳмад ака, йигирма тонна эмас, ундан ортиқроқ пахта қилиб берамиз», деди. Ер ажратишга келганда, Маматхонов бир гектар беришимизни буюрди. Мен 60 сотих беришга рози бўлдим. Омонов, бу бизга етмайди, деб туриб олди. Охири 80 сотих ер ажратиш берилди. Мазкур воқеанинг тепасида турганлар: А. Маматхонов, Ш. Дадажонов, Х. Усмонов, С. Холматов, Ж. Ўрмонов, Омонов ва мен, яъни Х. Отабоев...»

(Собик раиснинг кундалик дафтаридан)

— Райижроқўм раисининг Отабоевга ер ажратиш тўғрисида буйруқ бериб, Омоновга ер эвазига фалон тонна пахта қилиб берасиз, деб айтганини сиз эшитганмисиз?— деб сўрадим Ҳасанбой Усмоновдан.— Отабоев гишт заводига бериладиган ерни экин пландан чиқариб беринг деб айтганмиди?

— Катталарнинг ўртасида ўтган гапдан беҳабарман,— деди Ҳасанбой ака овози титраб.— Мен сал берида эдим... биласизлар-ку, катталарнинг орасига ҳалдеб суқилавериш бўлмайди. Лекин Маматхонов кўли билан ерларни кўрсатиб бир нималар деганини кўрганман. Кейин Холбой ака мени чақирди, мана шу ердан 80 сотихини гишт заводига берамиз экан, деди. Ҳайрон бўлдим. Ахир, ер экин экишга тахт кип қўйилган эди-да. Пахта си нима бўлади бунинг, деб сўрадим. Шунда Холбой ака: «Кўзда гишт заводи пахта кип бераркан, ижроқўм раиси шундай деярли», деди. Майли ўзларинг биласизлар, деб қўяқолдим. Кейин 80 сотих ерни ўлчаб бердик...

Кейин баҳор ўтиб ёз келди, ёз ўтиб куз келди, куз ўтиб... Йўқ, кузнинг охирларига келиб, ўша пайтлари республиканинг жуда



азик» катта йўлдан далайўлга қайрилгач, қолхоз раиси Эсонали ака Шералиев секин уф тортгандек бўлди-да:— Ҳозир гишт заводини кўрсатаман, ёнидан ўтамиз,— деди.

Заводнинг номини эшитиб, сергак тортдик.

— Ҳўв ана,— деди у ойнадан чап ёни кўрсатиб. Овозидан унинг нимадандир хижолат бўлаётгани сезилиб турарди.— Тушамизми?

Машина номи ҳали мазкур мақолада кўп бор тилга олинадиган ва ўрганиладиган ишга ҳар жиҳатдан алоқадор бўлган «машхур» гишт заводининг рўпарасига етган эди. Лекин негадир у ерга киргим келмади.

— Қайтишда кўрармиз, аввал Ҳасанбой акани топсак,— дедим.

Раис шофёрга ҳайдавер дегандек имо килди.

...Ҳасанбой аканинг кўзларида ҳадик.

— Хорманг, ака,— дедим ўзимни бепарво тутиб.

— Саломат бўлинг. Келинг...

— Ишнинг бошлавордиларингми?

— Аллақачон бошлаганмиз... Манов зовурнинг сувини чиқармоқчи эдик, насос бузилибди, шуни созлаяпмиз-да.

— Зовурнинг суви ерга — шўрлик қилмайдами?

— Шўрликка шўр, лекин сув бўлмаганидан кейин нима қилардик.

Ҳасанбой ака бу савол-жавоблар йўлига эканини, асосий мақсадим бўлакчилигини юракдан сезиб, кўнглига оралаган хавотирни базўр енгиб жавоб қилар эди. Мақсадга кўчақолдим:

— Собик раисларинг Холбой Отабоевнинг иши юзасидан келган эдим. Редакцияга борган шикоят хатда гувоҳлар катори сизнинг исмингиз ҳам кўрсатилган экан... Нима бўлган ўзи? Бир бошдан айтиб берсангиз.

Ҳасанбой аканинг мой юки кўллари титраб кетди. Эрта баҳор бўлишига қарамай пешонасига ёздагидек тер тепчиди. Бирок у кўнглидан кечаётган ўйлари менга сездиргиси келмадим, зўр бериб ўзини босиб ўтираверди. Ниҳоят:

— Мен нимани айтаман?...— деди шивирлагандан ҳам паст товушда. Унинг бу гапида саволдан кўра афсус-надомат кўпроқ эди.

Яна бир-икки нарсани сўраб-суриштирдим. Ҳасанбой ака воқеаларни «бир бошдан» гапириб берган бўлди. Ва...

Кутилмаганда у йиғлаб юборди. Ўттиз беш йилдан бери умри шу қолхозда ишлаб ўтаётган одам — ўн боланинг отаси. 1965 йилдан буён КПСС аъзоси бўлиш Ҳасанбой ака Усмонов энди ўзини тугулмай пик-пик йиғлар эди. Меҳмонлар уни тинчлантиришга қанчалик уринишмасин, ҳаракатлари зое кетди. Энди унинг дарди рўй-рост ёрилган, тўлиб йиғлар, йиғи аралаш ҳаяжон билан сўзлар эди. Бояги тортинчоклигидан асар ҳам йўқ.

кўп жойларида одат тусига кириб қолган бир воқеа «Москва» колхозида ҳам рўй берди.

Ғишт заводининг директори Шавкат Дадажонов кунларнинг бирида 9-бригада бошига Ҳасанбой аканинг кўлига 2200 сўм пул тутказди. Ҳайрон бўлган бригадир нега деб сўраганида, директор: «Баҳорги келишилган ваъда бўйича... қолаверса, ташкилотимизга график берилган, шунга ёрдам бўлади», деб айтди. Бригадир пулни очиб ҳам кўрмади, кечкурун колхоз идорасига — раиснинг кабинетига кириб бориб, бор гапни айтди. Раис уни колхознинг пахта топириувчисига йўллади. «Иложини қилса, пунктдан пахта олиб берам», деди.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб, бригадир яна раиснинг кабинетига келди.

— Ун бир тонна пахта келибди, бизнинг биргадда қолади-ми?— деб сўради у.

— Заводга ер сизларнинг бригадаларингдан олинди, демек пахтаси ҳам сизларга,— деб жавоб қилди раис.

Шундан сўнг бригадир ғишт заводининг ишчилари фалон тонна пахта териб берди деган мазмунда справка ёзиб, Дадажоновга тутказди, бу справкага асосланиб завод директори ишчилар номига табель ва ведомость тузиб келади, колхоз бош бухгалтери Жумаев 2272 сўмга касса ордери ёзади, колхоз раиси имзо чекади ва Дадажонов кассадан пулни олиб кетади...

Булар ишининг ярми. Қолган ярми 1983 йилги мавсумда қилинган. Бунда ҳам 82-йилги воқеа деярли айнан такрорланади. Сабоби — ғишт заводи тўхтаб қолмаслиги керак, тўхтаб қолмаслиги учун унга тупрок керак, тупрокни эса, ёнгинанга шунча ер турганда олисан олиб келиш ўринсиз, оближроқўмнинг рухсатномасини кутишга вақт қайда дейсиз, демек, чораси тагин ўша — МСУ бошлиғи Омоновга, у орқали райижроқўм раиси Маматхоновга мурожаат қилиш...

«1983 йилнинг апрель ойи бошларида колхоз идорасига яна Маматхонов билан Омонов иккалалари келишди. Маматхонов яна ғишт заводига ер беришга мажбур этди. Иложи бўлмагач, ер ўлчовчи Ж. Урмонов, 8-бригада бошлиғи Ж. Тоштемиров, партком Э. Шералиев билан бирга ғишт заводи карьерининг олдига бордик. Ер чигит экишга тайёрланган эди. Мен Маматхоновга, бу ерни бизнинг экан пландан чиқариб беринглар, дедим. Шунга қарамай яна 80 сотих ер ғишт заводига ўлчатиб берилди. Омоновга, ер эвазига пахта қилиб берасиз, деди Маматхонов. Шунда Омонов: «Аҳмадхон ака, ўтган йили ҳам пахта қилиб берганмиз, бу йил ундан кўпроқ қилиб берамиз», деди. Шундан сўнг ижроқўм раиси: «Ана, Отабоев, Тоштемиров, эшитдиларингми?», деди.

Ноябрь ойида завод директори Дадажонов бригадир Тоштемировга баҳорги шарт бўйича ҳамда ташкилотга берилган мажбурият графини тўлғизиш мақсадида 1600 сўм пул берибди. Бу даврда бригада ҳам, колхоз ҳам пахта планини бажарган эди. Қолаверса, пахта 4-навага қабул қилиниб, колхоз зарар кўрайдиган давр эди. Тоштемиров Дадажоновнинг омонатини олиб, колхоз пахта топириувчиси Усмоновга бериб, бригада ҳисобига 8 тонна ўтказиб келибди. Сўнг завод ишчилари 8 тонна пахта териб берди, деб справка ёзиб берган, шунга асосан Дадажонов ишчиларига табель ва ведомость тузиб келган, бухгалтер Жумаевдан касса ордери ёздириб, мен унга имзо чекканман, колхоз кассасидан ўзининг пулини олиб кетган...

Агар бизга шу ҳар икки йилдаги пахта керак бўлганида, сентябрь ёки октябрь ойларида, яъни пахта биринчи ёки иккинчи навага қабул қилинадиган даврларда олган бўлар эдик...»

(Собиқ раиснинг кундалиқ дафтаридан)

Сухбатга «Москва» колхозининг ҳозирги раиси Эсонали ака Шералиевни тортдим:

— 83-йилги ғишт заводига ер ажратиб беришда сиз ҳам бўлган экансиз, иккита нарсани оидинлаштиришда ёрдам берсангиз. Аввало, райижроқўм раисининг заводга ер бериш масаласида буйруқ бергани, бу ер эвазига пахта қилиб берасиз деб Омоновга айтгани ҳамда Отабоевнинг бунинг учун қайта-қайта қарор талаб этгани тўғрими? Колхоз раиси бу кўшиб ёзишдан шахсан манфаатдор бўлганми, йўқми?

Эсонали ака айтгани, айтмайми дегандек бир оз иккиланиб турди-да, кейин тупшунтира бошлади:

— 82-йилги гап-сўзнинг тепасида мен йўқ эдим, лекин кейинги йилдагиси тўғрисида гапириб беришим мумкин. Унда

колхоз партия ташкилотининг секретари эдим. Идорада турсам, чақириб қолишди. Борсам, Маматхонов, Омонов, раис учалалари туришган экан. Шунда Аҳмадхон ака: «Ана, партком ҳам келиб қолди... пахтани қилиб берасиз-да?», деди. Омонов ҳам ер олгандан кейин қилиб беради-да, деди. Шуларни эшитдим, ундан олдин ўзаро нима гап ўтган — беҳабарман. Ўзларинг биласизлар, ер ижроқўм ихтиёрида бўлади, уларнинг кўрсатмасисиз биз ўзбошимчалик билан ерга тегинолмаймиз. Шунинг учун 82-йили ҳам ҳалигиндек гап бўлган бўлиши мумкин. Энди иккинчи саволингизга келсак, Холбой ака бирор манфаатни кўзлаб қилмаган бу ишни. Ишончим қомил, у киши ҳалол одам эди... уйини кўргандирсизлар? Колхоз учун ҳам қилмаган, чунки ўша пайтда пунктдан сотиб олинган пахталар тўртинчи навага ўтказилар эди. Бу колхозга зарар, даромад қамайиб кетади. Қайси раис ўзининг оёғига ўзи болта уради?! Сохта шон учун ҳам қилмаган, чунки ўша пахтасиз ҳам колхоз пахта планини ошириб бажарган эди. Умуман, Отабоев даврида колхозимиз қолқликдан чиқиб илгорликка ўтиб олган эди...

— Бўлмаса, ўша пахталар колхозга нимага керак бўлиб қолди? Ерни ғишт заводига берибди — садқан сар, лекин ўрниги пахта олмасаям бўларкан-ку?

— Менинг бир нарса дейишим қийин... бу анча мураккаб масала. — Шералиев узоқ ҳаёл суриб кетди. Орада менга қараб-қараб кўярди. Мен эса саволга аниқ жавоб кутаётган эдим. Шунги сезимни, тутилиб-тутилиб гапира бошлади: — Энди, ўзларингдан қолар гап йўқ, менинг жавобим бугун ғалати эшитилади-ю, лекин у пайтлар... давр ҳам, умумий руҳ ҳам бўлакча эди-да. Ўшаларни ҳисобга олмасангиз, тушунишингиз қийин бўлади... Қолаверса, колхоз планини бажаргани билан ҳали районники, областники, республиканики тўлмаган эди. Ундан кейин, республика катталаридан бири областимизга вакил бўлиб келди. Яширишининг нима ҳожати бор, сал қизикқонрок экан, бу ердагиларни кўп шошириб қўйди...

Бу ёғидан ўзим ҳам хабардор эдим. Одий колхозчилар билан, колхоз-совхоз, ташкилот раҳбарлари билан бўлган суҳбатларимизда, деярли барча бу ҳақда қуйиб-пишиб гапирган эди.

1982—83-йиллари пахта терими мавсумида Фарғона областида Ўзбекистон Министрлар Советининг собиқ раиси Н. Худойбердиев вакил бўлиб турган. Одатда, йигим-терим мавсумида жойларга юбориладиган бундай вакилларнинг зиммасида, асосан, ишни тўғри йўлга қўйиш, йигим-терим кампаниясини уюшқонлик билан ўтказишни таъминлаш, бунга тўсиқ бўладиган ҳолатлар юзага келса, уларни ижобий ҳал этишда хўжалик раҳбарларига яқиндан кўмаклашиш, план-план деб социалистик қонунчиликнинг бузилишларига йўл қўймайлик... ва шунга ўхшаган вазифалар туради. Афсуски, мана шундай олижаноб мақсад Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумига қадар ҳар доим ҳам оқилона йўл билан амалга оширилди деб бўлмайди. Бундай масъулиятли вазифага кўпинча юзакки ёндашилди. Қуруқ каттиққўллик билан ҳеч насага эришиб бўлмаслиги унутилди. Жумладан, Фарғона областида «боғланган» вакил ҳам бурчинчи «ўзига хос йўл билан» ўтай бошладди. Далалардаги ҳосилнинг чўғи, хўжалиқларнинг плани тўлган ё тўлмагани ҳисобга олинмасдан ҳар бир район, колхоз-совхоз, бригада, ҳар бир ташкилотга кундалик норма бўйича график ишлаб чиқилди ва унинг бажарилиши қатъий талаб қилинди. Бу, юмшоқ қилиб айтганда, планининг кетидан қувиш дейилади. Ўз номи билан айтадиган бўлсак, халқ хўжалигини бошқара олмаслик, ишга, бурчага тўраларча муносабатда бўлиш, хизмат вазифасини, мавқеини сунистеъмол қилиш... дейилади.

Олтиариқликлар айниқса икки-уч воқеани сира унутмасалар керак. Биринчиси — Катта вакил бир гапа милиционерни эргаштириб молхонама-молхона, қўйхонама-қўйхона изғиганларни, охурларнио чикиндиларни кўли билан титқилаб кўрганлари... Дехқон халқи бундан каттик оғринди: пахта иши учун куюнчаклик яхши фазилат, лекин одамлар тўғрисида бу қадар бадбин ўйларга бориш мумкинми, ахир?!

Иккинчиси — Олтиариқ районидаги стадионга пахта ишига алоқадор барча раҳбарларни тўллаб олиб, ўзи бош бўлиб ҳаммани ғайри-қонуний йўлга даъват этгани, қовоқакми, тупроқми бўлсаям пунктга топшириб планини бажарсанлар, деб буйруқ бергани, бунга эътироз билдирмоқчи бўлганларни эса ҳамманинг кўзи олдида куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаганлари...

Биз «арзимаган нарса»ни қўпиртираётганимиз йўқ, асосий мавзудан ҳам қалғиб кетмадик. Бу айтилганлар Ҳасанбой

Усмоновнинг ҳам, Холбой Отабоевнинг ҳам тақдирларига бевосита алоқадор бўлганидан ёзаямиз. Чунки стадиондаги ўша йиғинда «Москва» колхозининг раиси ҳам иштирок этган, ҳатто вакил олдиде бирмунча кизаришига тўғри келган эди. Вакил уни тикка тургазиб: «Манави раис планини 107 процент бажарибди, лекин даласида яна 7 центнердан пахтаси бор», деб айтган. Ваҳоланки, ўшанда нари борса тектаридан 3 центнердан яна ҳосил териби олиш мумкин эди. Демак, ҳудди шу ерда раисдан йўқни йўндириши талаб этилган. Қолаверса, ўша йиғинда хар ким ўзини ҳалиги ҳақоратланган раҳбар ўрнига қўйиб кўрган бўлса не ажаб?!

Ўрни келиб қолди, ўша йиллари шу областнинг бошқа районида содир бўлган антиқа воқеани ҳам кистириб ўтамиз.

Ўзбекистон район пахта тозалаш заводи ҳовлисида бир куни тўсатдан гув этиб қатор-қатор машиналар кириб келади. Ховлининг ўртасида бу пайтда бир тележка қантариглик турарди. Олдинги машина тўғри келиб шу тележканинг ёнида тўхтади. Ундан ҳовлидаги бир киши тушади, тележканинг бу ерда туриб бўлгани сабабини сўрайди. Тележкадаги пахтанинг ниҳоятда хўл экани, шунинг учун пункт уни қабул қилмагани айтилганида ҳалиги киши ёшига, савлатига номуносиб абжирлик билан бир сакраб, тележканинг киргоғига осилади-да, энгашиб ундан бир чангал пахта олиб тушади. «Шуни кайтаргунча қўзларинг кўр бўлса бўлмайди!» Буни етиштиргунча одамлар озмунча тер тўкканми?! — дея ўшқиради. — Қабул қилинглар дарҳол!» Ва чангалдаги «сичқонбола»ларни асфальтга сочиб юборади. Каттанинг ўшқиргани буйруқ берганидан баттар: ҳалиги тележкадаги «пахта» ноилоҳ қабул қилинади. У эса, қандай шитоб билан завод ҳовлисига кириб келган бўлса, шундай шитоб билан машинага ўтириб жўнаб юборади. Дехқонлар «сичқонбола» деб кўраги ёриб олинган, сикса-сикмаса пишиллаб суви чиқиб турадиган «пахтани» айтади. Буни мажбуран қабул қилдирган киши эса, биз юқорида айтганимиз Катта вакил эди...

— Отабоевнинг даврида колхоз колоқликдан чиқиб илғорликка ўтиб олган дедингиз, шу ҳақдаям гапирсангиз, — деб сўрадим Эсонали акадан.

Раис колхоз ҳаётига оид деярли барча фактларни ёдаки билар экан. Узоқ ўйлаб ҳам ўтирмади, салмоқлаб сўзлай бошлади:

— Холбой ака колхозимизда тўққиз йил раислик қилган. Бу давр ичида, ҳалиям айтиб ўтдим, хўжалигимиз колоқ деган тавки дўннатдан кутилиб олди. Хар йили районда, областда илғорлар сафида юрардик. Колхозчилар дурустгина даромд киладиган бўдилар. Кишлоғимизнинг аҳолиси 3300 киши, яъни 470 тага яқин хўжалик бор — катта кишлоқ. Отабоев даврида территориямиздаги йўлларнинг 90 фоизи асфальтланди. 150 ўринли болалар боғчаси, 624 ўринли ўрта мактаб, 4 та шинам дала шийпони, шунингдек, колхоз идораси, ҳаммом, магазин куриб ишга туширилди. Колхозчиларга 25 та кооператив уй ҳам куриб берилди. Кишлоқ водопровод суви билан таъминланган. Хуллас, қилинган ишлар ёмон эмас, факат бу ёғи сал чаток бўлди-да. Одам жиндай ачинади...

Дарҳақиқат, колхознинг ишлари унча ёмон бўлмаган — бунга биз ҳам амин бўлдик. Колхозчилар ҳам собиқ раисларидан домангир эмас. Лекин барибир 82—83-йиллари колхоз шаънига номуносиб иш рўй бергани ва бунда собиқ раис Холбой Отабоевнинг ҳам айби борлиги — далил-исбот талаб қилинмайдиган факт. Дарвоқе, биз мазкур иш юзасидан Фарғонага, Олтиариққа эна бир гап борганимизда аввал учрашмаган айрим гувоҳлар билан учрашиб, суд ишини кўрган ўртоқ О. Бекмирзаев билан сўхбатлашиб, шу нарсани сездикки, Х. Отабоев қилган гуноҳини тўла-тўқис бўйнига олган. «Мен 82—83-йиллари йўл қўйган хатоимдан тонмайман», деган. Лекин ҳозир гап факат шу ҳақдагина эмас, гап бу хунуқ ишнинг чиқиб келиш сабабларида, жиноятнинг маънавий жиҳатларида. Чунки Отабоев судда юқоридагидек икромини баён қилар экан, унга «Мен ҳам буйруқни бажарганман» деган жумлани қўшимча қилган. Ундан ташқари, уч-тўрт кун илгари райком бюросида ғишт заводи билан боғлиқ хар икки йилги қўшиб ёзиш масаласи кўриб чиқилиб, Ҳасанбой Усмонов ва бошқалар қатори партия сафидан ўчирилаётганида ҳам «Мен райижроқўм раисининг буйруғини бажарганман, қилган гуноҳим бўйнимда, лекин Маматхонов ҳам айбини тан олсин!» деб қаттиқ турди. Маматхонов эса: «Мен ҳеч қачон ғишт заводига ер бергин, эвазига пахта қилиб беришади, деб буйруқ бермаганман», деди. Ўртада жанжал чикди. Биз шахсан у жанжал тепасида бўлмаганимиз, бироқ унинг нақадар

жиддийлашиб кетганини Маматхоновнинг юрагини чангаллаб қолганида, Отабоевнинг эса партия билетини парткомиссияга топширмаганидан ҳам билса бўлади. «Мен узоқ йиллар партиянинг ҳалол аъзоси бўлиб келганман, коммунистик виждонимга хилоф иш тутганим йўқ деб ҳисоблайман, буйруқни бажарганман, холос, ҳақиқий айбдорлар қора курсига ўтирмагунча билетини бермайман!» деб қасд қилди ва бермади ҳам. 30 сентябрда эса...

Суд ўн икки кун давом этди. Олтиариқда бошланган эди, ҳукм Фарғона шахрида ўқилди. Отабоевга 6 (олти) йилга кучайтирилган режими қамоқ жазоси тайин этилди...

Бўлиб ўтган воқеаларнинг қисқача баёни шулар. Кейин... Кейин Отабоевнинг фарзандларидан редакцияга шикоят хати келди.

Кейин редакциядан командировка олиб Олтиариқ районининг Катпут кишлоғига бордик. Дастлаб Отабоевнинг уйини излаб топдик. Оила аъзолари билан бафуржа гаплашдик.

— Тўққиз йил раислик қилиб уйга битта чўп кўтариб келмаган эди, — деб гап бошлади уй бекаси Чўлпоной опа. — Номимиз улуғ бўлгани билан, ўзимиз томорқада дехқончилик қилиб рўзгор тебратардик. Тўққизта болам бор. Ҳаммаси ейман, кияман дейди. Дадаси нуқул, ношукр бўлманглр, ҳеч кимдан кам еб, кам кияётганларинг йўқ, кўп ҳам еб-киймайсишлар, дерди. Мана, ўтирган уйимизни кўриб турибсишлар, бир замонлар отаси куриб берган уй... Бор-йўқ қилган ишимиз — манави уйга битта келин олдик. Мен буларни ношукрликдан айтаётганим йўқ, мен у кишининг ҳалол бўламан, деб-деб охири қамалиб кетганидан қуйиб айтипман. Кечаю кундуз колхозни, одамларни дерди. Хали тўй, хали маърака, кимга хашак керак, ким касал — унгаям раис балоғардон... Раислигидан кетмончи бўлиб юргани яхшийти менга...

Чўлпоной опа яна кўп гапирди. Қизлари гапирди. Келини гапирди. Хулоса айланиб-ўргилиб келиб бир хил бўлаверди: «Дадасининг айби — катталарнинг буйруғини бажаргани, холос. Адолат қилиб беринглр, болаларим...»

«...Фарғона область судининг ҳукмига ва Олий суднинг қарорига қуйидаги сабабларга кўра қўшилмайман:

...айбномада ёзилишича, ғишт заводининг директори Дадажонов билан колхоз раиси Отабоев қўшиб ёзиш ҳақида келишиб олишган. Бироқ на суд мажлисида ва на унинг қарорига Отабоевнинг колхозга зарар етказгани ҳақида аниқ-ойдин ҳеч гап йўқ. Пулни қўлма-қўл қилган бригадирларнинг ҳеч бири 2200 сўм ва 1600 сўм миқдоридаги пул колхоз раисига топширилган, шунга асосан пахта топширганлик тўғрисида справка ёзиб берган, деб айтмаган.

Кассация шикояти бўйича иш қайта кўрилган пайти 80 сотих ер қарорга бинао қонуний ажратиб берилган, Отабоев буни билатуриб қаллоблик қилган, деган мазмунда справка кўрсатиб, бор айбини Отабоевга ағдарилган... Дарҳақиқат, судга бир справка тақдим қилинган, лекин у справканинг моҳияти қандай эди? Аввало, бу справка ҳеч кимга кўрсатилмаган, кейинроқ мағлум бўлишича, у Фарғона оближроқўми томонидан Олтиариқ районига қўшимча еражратиш тўғрисида экан*. Бунинг кўрилганига ҳеч қандай алоқаси йўқ. 1982—1983 йилларда ғишт заводига ер ажратиш тўғрисида ҳеч қанақа қарор чиқарилмаган.

Бундан ташқари, «Москва» колхози қўшиб ёзишга ва қаллоблик қилишга муҳтож эмасди, чунки 1982—1983 йиллари 9-бригада ҳам, 8-бригада ҳам, умуман, колхоз ҳам планини ошириб бажарган эди... Қарорда кўрсатилган ишлар эса план тўлгандан кейин рўй берган.

Кассация пайти ҳам, Фарғона область суди ҳам Отабоевнинг ҳукумат тақдирлаган орден-медалларини ҳисобга олмаган. Улардан энг аҳамиятлиси — 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан уруши даврида кўрсатган «Шаваклати меҳнати учун» медалидир. СССР Олий Совети Президиумининг совет халқи 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушида эришган Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан чиқарган амнистия ҳақидаги Қарорининг I қисмида айтилганидек, бундай шахслар жазодан озод этилади-лар...»

(Адвокат Ойгул ХОЛМАТОВАнинг ЎзССР Олий суди раиси номига ёзган шикоятдан.)

*Бу справкани Х. Отабоев 1985 йилга келиб суд пайтидагина кўрган. — Н. О.

Кейинги гал Олтиариққа борганимизда район партия комитетининг биринчи секретари Усмонжон Бегматов билан учрашдим.

— Яна ёзишбидими? — деб сўради секретарь энсаси котгандек бўлиб. — Қачон тинч кўйшаркин-а? Мана, яқинда «Муштум»га ёзган экан, ўзимизга юборишди. Парткомиссия жавоб тайёрлади, жўнатяпмиз... Қани, ўқиб кўрай-чи...

— Жуда тигиз ёзилган, ўқий олармикансиз, — дедим хатни берайинми, бермайинми деб иккиланиб.

— Қизи ёзгандир-да? Бераверинг, ўқийвериб кўзим ўрганиб кетган. — Ноилож хатни узатдим. Секретарь уни охиригача ўқиб чиқмаёк, қайтариб берди. — Отабоев иши — ҳал бўлган масала. Энди у қонуний жазосини оляпти!

Отабоевнинг кўшиб ёзишдан манфаатдор бўлган-бўлмагани хусусида сўрадим.

— Хеч ким уни шахсан пул олган деб айтаётгани йўқ, судда ҳам бу таъкидланди. Лекин кўшиб ёзиш содир бўлди — бўлди, шу иши ҳам жиноят!

Райком секретари хузуридан чиқиб Фаргона шахрига йўл олдим. Отабоев ишида судга раислик қилган Омонулла Бекмирзаева йўқдим.

— Ҳа, у иши? Эсимда, — деди Бекмирзаев бу ҳақда сўз очишимиз биланок. — Отабоев билан Дадажонов тил бириктиришган.

— Нега ундай деб ўйлайсиз? Одатда, бирор каттарок манфаатни кўзлаб «тил бириктирилади»-ку, бу ерда эса...

— Тўғри, Отабоев у пулнинг бир тийинини ҳам ўзлаштирмаган, лекин давлат пулининг ўмарилишига йўл кўйган.

— Отабоев райижроқўм раисининг буйруғини бажарганман, деб судда ҳам, райком бюросида ҳам айтган экан. Бундан ташқари, деярли ҳар кун суддан ҳеч бўлмаса гувоҳ сифатида Маматхонов билан юзлаштиришни талаб қилган, лекин ўн икки кун давомида бирон марта улар юзлаштирилмаган экан — шунга нима дейсиз?

— Етарли далил-исбот бўлмаганидан кейин биз Маматхоновни айблагша ҳаққимиз йўқ.

— Лоақал гувоҳ сифатида ҳам судга чақиринишга ҳақларинг йўқми? Ахир, барча ишлар бевосита шу кишининг кўрсатмаси билан рўй берган, деб даъво қилиняпти-ку?

Бекмирзаев пича ўйлаиб турди-да:

— Ҳозир аниқ эсимда йўғ-у, лекин Маматхонов ўша кунлари ё касал эди, ё узокроқ ерга кетган эди, биз уни судга чақиртирганмиз, — деди. Сал ўтиб кўшиб қўйди: — Суд Отабоевнинг хизматларини, кўшиб ёзишдан шахсан манфаатдор бўлмаганини ҳисобга олиб, жазонинг энг камини тайин қилди.

— Олти йилга, яна унинг устига «кучайтирилган қамок жазосига...»

— Айтапман-ку, Жиноят кодексига кўрсатилган жазоларнинг энг камини шундай.

— Майли. Сизнингча, бу ишларда айбдор ким?

— Албатта Отабоев! Кассация шикоятни юзасидан иш қайта кўриб чиқилганда жазонинг Дадажоновга тегишли қисми анча енгиллатилди, чунки у мажбур бўлиб пора берган.

«Айбдор ким?» Шу савол бўлиб яна бир кишига — Олтиариқ район халқ депутатлари ижроия комитетининг раиси Аҳмадхон ака Маматхоновга ҳам мурожаат қилдим. Мен Маматхонов билан сафаримнинг сўнги куни, ҳаммадан кейин суҳбатлашдим. (МСУ бошлиғи Омоновни ҳам кўриш ниятимиз бор эди, афсуски ҳар икки боришимизда ҳам у кишини топа олмадик.)

Асосий даъвомизни эшитгач, Маматхонов кескин рад қилди.

— Қайси эси бор раҳбар қарорсиз ер ажратиб беришга раисни мажбур қилади?! Эвазига пахта беради, деб айтиши ортиқча! Нима қилса — ўзлари қилган.

Ярим соатлар суҳбатлашган бўлсак, ижроқўм раиси шу гапни бир неча бор такрорлади.

— Кўшиб ёзишдан нима мақсадни кўзлаганини билмайман, — деди у яна, — лекин Дадажонов билан тил бириктириб, колхоз ҳисобига пахта сотиб олгани чин.

Ижроқўм раиси ништ заводига ҳар иккала йилда 80 сотихдан ер ажратилганини ҳам инкор қилди. «Икки йилга 60 сотих қонуний йўл билан ажратилган, — деди у. — Оближроқўмнинг бунга қарори бор...» (Оближроқўмнинг қарори мохиятан нима ҳақда эканини адвокат Холматова ўзининг шикоят хатида тушунтириб берган. — Н. О.)

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, — деди Маматхонов яна, — ўша 60 сотих ер эвазига пахта қип берган, дейлик, унда нега энди 19 тонна ўтказилган? Ахир, колхоз гектаридан ўртача 30 цент-

нердан ҳосил кўтарса, 60 сотих ер учун бор-йўғи 1 тоннаю 800 кг. пахта талаб қилиши керак эди-ку? Бу ерда эса ўн-тўқ-қиз тон-на устида гап кетяпти!

Бир қараганда, раиснинг келтирган далилида мантик бордек, бироқ масалага кенгрок ёндашилса... Ахир, ништ заводининг ҳам манфаатини назардан қочирмаслигимиз лозим. Катта вақилнинг стадиондаги «ўзига хос» учрашувидан сўнг уларга ҳам ҳамма қатори пахта териб топшириш юзасидан график-мажбурият юклатилган: «Пахта топширасанми, бало топширасанми, лекин умумий кўрсаткични кўтариб берасан!» (Вақилнинг юқорида айтиб ўтилган б у й р у ғ и н и эсланг.) Демак, нега энди баҳорги ваъда бўйича колхозга пахта ўтказиш баҳонасида завод ўз зиммасидаги мажбуриятини ҳам «бажариб қўяқолмаслиги» керак? (Худди шу боисдан кассация судининг «Дадажонов пора беришга мажбур қилинган» дегандек ҳулосаси бизда шубҳа уйғотди. Чунки «қайси эси бор раҳбар» ўзининг оёғига ўзи болта уриб, колхозга бир килоси ҳам зарар бўлиб турган 4-нав пахтадан биратўла ўн-тўқ-қиз тон-насини ўтказишга бировни мажбур қилади?! Бундан ташқари, ништ заводи мустақил ташкил колхоз ихтиёрида эмас. Колхоз билан ништ заводини боғлаб турган ягона иш — заводнинг шу территорияда жойлашгани, холос. Бинобарин, раис завод директоридан пахта талаб қилишга ҳаққи йўқ, буни МСУ талаб қилиши мумкин. Агар бу ишни у колхозга берилган графикни бажариш мақсадида қилган бўлса, унда худди шундай мажбурият ништ заводининг ҳам гарданида бор эди. Дадажоновни пора беришга Отабоев мажбур этмаган, дейишга асосимиз кўпроқ. Шу ерда бир нарсени таъкидлаш лозимки, бу айтилганлар ҳозирги кунда кулоққа ғалати эшитилмади бўлиб қолди, 82-83-йиллари эса т а л а б («буйрук») деб ўқилса ҳам бўлади) ҳаммага маълум эди, психологик мотивларини биз ҳозир қилаётгандек ҳисобга олиб ўтиришга унда вақт йўқ эди, тақдир этилаётган йўл битта эди ва буни жуда кўпчилик ҳеч ортиқча ўй-мушоҳадасиз энг тўғри йўл сифатида қабул қила-қолган...

Энди шу фактта бошқа тарафдан назар ташлаб кўрайлик: Отабоев ништ заводидан 1 тонна 800 кг. ўрнига ҳақиқатан 19 тонна пахта ундирган, дейлик. Ҳар иккала йилда ҳам кўшиб ёзиш ноябрь ойининг охирида, яъни далаларда қуруқ ғўзопояю ерларда қовоқларгина қолган пайтда рўй берган. Райком секретари ҳам, райижроқўм раиси ҳам ўзининг даласидаги умумий аҳволни, яъни далаларда ҳақиқатда қанча пахта бор эканини, ўшалар терилганда қунига қанчадан тушиши мумкинлигини лоақал таҳминан билмасликлари мумкин эмас. Юқоридаги т а л а б дан келиб чиқиб, кўпчилик қовоқагу тупроқ топшириб кун кўраётган бир пайтда бирданига 11 тонна ё 8 тонна (эътибор беринг: имкониятга устама равишда) пахта — 4-нав бўлса ҳам, ҳарҳолда, пахта! — пайдо бўлиб қолиши ҳеч кимсани сергаклан-тирмаган? Ҳар кун кечаси ҳисоб-китоб қабул қилиб олдуви штабдагиларда наҳот шундай мантикий савол туғилмади? Ёки улар ҳам, ўз навбатида, бутун районга берилган графикни қандай бажаришни ўйлаб турганларида туйқус «худо бериб қолган» пахтани қучок очиб қабул қилдиларми?

«Москва» колхозига 82—83-йиллари кўшиб ёзиш рўй бергани орадан икки йил ўтиб, юқоридан қилган махсус комиссия тафтишидан сўнггина очилиши ҳам бизга ғалати туюлади...

— Суд ишида иштирок этдингизми?

— Йўқ, мени чақиринмаган, — деди Маматхонов.

Шу заҳоти хаёлга О. Бекмирзаевнинг гапи келди. Ҳайрон бўлдим.

— Ўша кунлари қаерда эдингиз?

— Терим пайти қаерда бўлардик? «Пахтакор» совхозига уполномочин бўптурувдим.

— Бўлмаса, суддан чақирув қоғози олмадингизми? Эҳтимол оғзаки чақирингандир?

— Хеч ким мени судга чақирмаган.

— Ўн икки кун давомида Отабоев деярли ҳар гал суддан уни сиз билан юзма-юз қилишни талаб этган экан, суд эса эртага келади, индинга келади деб юраверибди, оқибатда...

— Мен эшитганим йўқ бунақа гапларни. Сизон пайти безовта қилмайлик дейишгандир-да.

— Лекин Бекмирзаев сизни чақиртирганмиз, деб айтди?

— Билмадим, менга ҳеч ким айтгани йўқ. Суд тугатган кунлари шунақа бир гап чиқди, лекин... Чақирса борардим-да.

Маматхонов билан хайрлашиб, умуман, Олтиариқдаги ишларни ниҳоялаб ўша кунгача Тошкентга қайтдим.

Мана, айтилганларга хулоса ясайдиган фурсат етди.

Кўшиб ёзиш содир бўлаётгани ўшанда ҳам кўпларга аён эди. Бироқ унинг асл башарасини, мохиятини тўрт-беш йил илгари фақат шу иш билан шуғулланганлар — порахўрлар, юлчиликлар, мансабпарасту манфаатпарастлар (шу билан бирга бу ишга ёки беихтиёр, ёки адашиб, ёки умумий оқимга қарши боролмай аралашиб қолганлар) билган бўлсалар, энди уни етти яшардан етмиш яшаргача барча билади. Унинг қанақа куя эканини ва бу куянинг иши жамиятимизга нақадар қимматга тушганини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг машхур XVI Пленуми, кейинроқ эса республика коммунистларининг XXI съезди очик-ойдин, бор масштаби билан халққа етказди. КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1985) пленуми, кейинроқ эса КПСС XXVII съезди шарофати билан ошкоралик принципи қарор топа бошлади, ҳақиқат иш юртишнинг бош шартига айланиб қолди. Эндилликда халқ ҳўжалигида йўл қўйилган қўчиликларга қарши кураш умумхалқ кураши даражасига кўтарилди. Айни чоқда, бу кураш баъзан бирёклама тус олиб кетаётганини, эскича иш услубидан ҳали ҳам қутулмаётганлар адолат учун курашни «компаниячилик»ка айлантиришга уринаётганларини, оқибатда баъзан чинакам айбдорлар қолиб ўрнига ё адашиб, ё кўшиб ёзувчилар оқимига қарши боролмасдан, ё беихтиёр аралашиб қолганлар ҳам жазога тортилаётганини тан олишимиз керак.

Яширишнинг ҳожати йўқ; кейинги пайтлар суд-прокуратура ишидан норози бўлиб редакцияга шикоят ёзаётганларнинг сони кескин кўпайди. Мундоқ қараганда, ғалати ҳол: суд-прокуратура айбдорларни излаб, топиб, жазоламоқда, айни чоқда шикоятлар оқими камаймаётми. Нега шундай бўляпти? Албатта, шикоятларнинг ҳаммасини ҳам адолатли деб бўлмайди: айримлар (яна ўша қозоннинг тепасида турганлар) хат ёзиб, ё уюштириб ўз айбларини хаспўшлагша, бировларга тўнкашга ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ хатларнинг аксари қисми чиндан ҳам адолат истаб ёзилганини тан олмаслик мумкин эмас.

Мазкур мақолани ёзишдан муддаомиз, масалан, бир кишини жазодан олиб қолиб, ўрнига бошқа кишини жазога тортишни тартиб эйтиш эмас. Муддаомиз — ҳар бир айбдорнинг гуноҳ даражаси белгилансин, жиноятнинг чиқиб келиш сабаблари, шарт-шароитлари ҳисобга олинсин ва бунда «ҳақиқий айбдорлар» бир чеккада қолиб кетмасин; қолаверса, кўшиб ёзишнинг ички механизмлари ўрганиш, умуман, оппоқ пахтамизга «кўшиб ёзиш» деган куяни бундан кейин сира туширмасликка халқни даъват қилиш.

Бизнингча, кўшиб ёзиш билан боғлиқ можаролар ҳам қуйидан, ҳам юқоридан қўйилган нотўғри қадамлар оқибатида юзага келди. Айниқса, 80-йилларнинг бошларида республикада вужудга келиб қолган зарарли муҳит унинг урчишига, хотиржам яшай бошлашига шарт-шароит яратди. Бу даврда содир қилинган жиноятлар алоҳида шахслар томонидан илгарилари содир қилиб келинган жиноятлардан кескин фарқ қилади, деб ўйлаймиз. 80-йилларнинг бошларида содир этилган, жиноятлар (юзага келиш ички механизми жиҳатидан) мутлақо янгича характерда. Буларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шундай экан, жиноятда алоҳида бир шахснинг иштирокини, ҳиссасини эскича тарози билан ўлчаб-белгилаб бўлмаслиги тушунарли ҳол.

Чиндан ҳам республикада ҳаётда хунук иш рўй берди. Бу хунук иш шундир, мансабпараст шахсларнинг «Пахта пиланини ҳар қандай йўл билан бажарамиз!» деб берган буйруқлари оқибатида содир бўлди. Оддий дехқон пешона тери тўкиб терган пахтасинигина тарозига қўяди, этаги бўш бўлса тарозига илмайди уни. Бундан ташқари, оддий дехқон кўшиб ёзишдан кўра кўшиб ёзмасликдан манфаатдор, чунки у эртага ўзи терган пахтага ўзи харидор ҳисобланади, кўшиб ёзган билан у пахталар дехқоннинг қўлига чит бўлиб қайтиб келмайди. Чунки қоғоздаги пахтадан фақат «қоғоз чит»лар олинади, «қоғоз чит»лар эса, ўз навбатида «қоғоз магазин»ларда «қоғоз харидор»ларга пулланади. Бундан қимларга фойда эди? Ўйлаймизки, мана шу саволимизнинг жавоби бизга, Холбой Отабоев партиядан ўчирилиш пайти райком бюросида куюниб айтган «ҳақиқий айбдорлар»ни ушлаб беради.

Хулоса шуки, кўшиб ёзиш билан боғлиқ барча ишлар республикада истисно воқеа сифатида юзага келди. Шу ҳол ҳисобга олинса, йўл қўйилган хатоларни тугатиш учун кураш фақат «тергов — суд — қамок» маршрутидангина иборат бўлиб

қолмаса, деймиз. Ўйлаймизки, ким ноҳақ жазо олган бўлса, барибир адолат қарор топади (кўп ҳолларда шундай ҳам бўляпти).

«Хатоларга иқдор бўлишдан кўркмаслик, — деб таълим берган эди В. И. Ленин «Публицистнинг мулоҳазалари» асарида, — бу хатоларни тугатиш йўлидаги қайта-қайта ва такрор машаққатларидан кўркмаслик керак — ана шунда биз баланд чўккага чиқиб оламиз». (ТАТ, 44-жилд, «Ўзб. нашриёти, Т. — 1979, 478-бет.)

Энди Холбой Отабоевнинг бир гапни эслайлик. «Мен буйруқни бажарганман!», деб ёзиб қандалигида. Райкомнинг бюросида «Мен буйруқни бажарганман!», деб айтган. Судда ҳам: «Мен буйруқни бажарганман!», дебди. Редакцияга келган шикоят хатида ҳам шу гап асосий далил сифатида келтирилади: «Даламиз буйруқни бажарган эдилар...»

Нима бу? Ҳимояланиш воситасими ёки бу гапда бир сир борми? Нима бўлганда ҳам диққатга молик гап. Албатта, суд бу гапни «далилланмаган даъво» деб ҳолаши, демак осонгина «бўхтон»га чиқариб қўйиши мумкин. Бизни эса бу «бўхтон» ўйлашга мажбур қилади. Шунинг учун мажбур қиладики, республикада битта Отабоев айтмаган бу гапни. Редакцияга келган бўлак бир хатда ўз хатосини англаган бир гуруҳ қамалганлар: «Биз раҳбарлар буйруқини партия топшириги деб ўйлабмиз», дея афсусланишибди. Дарҳақиқат, партия ва ҳўжалик раҳбарлиги вазифаларига кўтарилиб олган айрим шахслар бир неча йил давомида ўзларининг ғаразли топшириқларини халққа партия топшириги сифатида тақдим этиб келдилар. Тиник сувни атай лойқалатдилар. Бунда уларга энг ҳақли куроллардан бири — социал демагогия қўл келди. Ҳар қандай норозиликка «партиянинг пахта сиёсатига қарши» деган ёрлик ёпиштирилаверилди. Натижада айримлар кўра-билатуриб, аксари қисми эса мажбуран, шу лойқа сувда чўмила бошлади.

Масаланин бошқа жиҳати ҳам бор. Юқорида кўриб ўтилган иш юзасидан собиқ-қолхоз раиси Холбой Отабоевни бурчакка тикка тургазиб қўйиб: «Хўш, икки гапнинг бирида буйруқни бажарганман дейсиз, ўзингизнинг коммунистик виждонингиз қақда эди?! Нега сиз ўз вақтида у буйруқнинг зарарини илғаб ололмадингиз ва унга қарши курашмадингиз?! Ҳа, курашиб бўлмас эди, демокчисиз-да? Шунчалки ҳалол экансиз, нега унда ариза ёзиб лоақал ишдан бўшай қолмадингиз?!» десак биз ҳам демагогия қилаётган, яъни аравани куруқ олиб қочаётган бўлаемиз. Чунки биз бундай саволлар билан уни тўпга тутганимизда энг муҳим жиҳатини — юзага келиб қолган ижтимоий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган бўлаемиз.

Яна қайтарамиз, республика иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида рўй берган бу чекинишлар, йўл қўйилган камчиликлар ниҳоятда индивидуал хусусиятларга эга бўлган истисно ҳодиса сифатида баҳолашмоғи лозим. Шунда кўшиб ёзишларда манфаат аралашмаган ҳоллар — ихтиёрсиз ёки умумий оқимга қарши боролмай жиноят қилишлар ўзининг тўғри баҳосини олган бўлур эди. Кураш — жазога тортишдангина иборат эмас, адашган кишиларни тўғри йўлга солиш, қайта тарбиялаш ҳам курашга қиради.

Ушбу мақола фақат Х. Отабоев билан А. Маматхонов муносабатларига доир ёзилмаганини ўқувчи сезгандир. Гарчи «Москва» қолхозиди кўшиб ёзишларда район партия комитетининг ҳам, район ижроия комитетининг ҳам бевосита бўлмаса-да, билвосита айби борлиги аён бўлса ҳам, бирёклама хулоса чиқаришдан ҳозирча ўзимизни тиямиз. Лекин йигирма беш йиллик коммунист Ҳасанбой Усмоновнинг ёки қарийб йигирма бир йил умри қолхозда раҳбар (аввал партком секретари, кейин раис) бўлиб ўтган Холбой Отабоевнинг ва бошқаларнинг ҳам охир-оқибат аянчи тақдирларига шу областда Катта вақил бўлиб турган республика Министрлар Советининг собиқ раиси Н. Худойбердиев ва унинг иш юртиш принципи бевосита алоқадор эканини очик-ошқора айтишга мажбурмиз.

...Дарвоқе, Ҳасанбой ака Усмонов...

У қамалмади, партия сафидан ўчирилди ҳолос. Лекин у олган жазо шугина ҳолосми? Йўқ, шугина эмас. Акс ҳолда, бу қадар эзилиб йиғлаб ўтирмасди. Назаримизда, у ҳозир «тергов, суд, ундан кейин ҳам қанча-қанча сўроқлар»дан чарчаганидангина йиғламаётгандек. Ёки энди битай деган ярасини биз тирнаб қўйганимиз учун йиғлаб юбордимиз?

Бу йигининг асл сабаби менга қоронғи эди.

Демак, сўнгги савол ўзимга:

«Хўш, Ҳасанбой ака нега йиғлади?!»



Нажмиддин Комилов

Ўлмас сатрлар қудрати



Ҳофиз Шерозий девонининг дастлабки ғазалида шундай байт бор:

Ба бўйи нофае, к-охир сабо з-он турра бикшоёд,
Зи тоби жаъди мушкинаш чи хун афтод дар дилхо.

Шоир Хуршид таржимаси:

Сабо ечмоқчи бўлган сочининг хуш бўйига онтким,
Муанбар ҳалқа-ҳалқа сочидан қон бўлди диллар.

Хуршид — истеъдодли шоир ҳамда таржимон эди, у Ҳофиз ғазалиётидан бир нечта намуналарни ўзбекчага мохирона ўгириб, ажойиб санъаткор эканини кўрсатди. Юқоридаги байт ҳам Хуршид таржимасида ҳофизона-риндона руҳни акс эттиради. Аммо шунга қарамай, бу таржимада байтнинг маъноси ёрқин чиқмай қолгани, нозик мажозий санъатлар ифодаланмаганини сезиш қийин эмас. Дарҳақиқат, нима учун сочдан кўнгил қон бўлади? Нега маҳбубанинг хушбўй сочига онт ичиш керак? Эва, умуман, зулф билан нофа, сабо билан мушк, соч ўрами билан ошиқ кўнгил орасида қандай боғлиқлик бор?

Байтнинг сўзма-сўз насрий таржимасини келтирайлик-чи, балки ушбу саволларга жавоб топилар: «Сабо ахири ечадиган ул зулф нофаси ҳидига интилиб (сиғиниб), унинг (зулфининг) мушкли ҳалқалари ўрамидан кўнгилларга нечоғлик қон қуйилди». Хуршид таржимасида тушиб қолган нофа ва мушк сўзлари бу ўринда мавжуд. Мазмун ҳам бир қадар ойдиллашгандай бўлди, аммо охиригача эмас, қўйилган саволларга ҳали тўлиқ жавоб топилгани йўқ. Энди бошқа бир манбага мурожаат қиламиз. Бу манба — XVI асрда яшаб ўтган атоқли турк олими Судий Баснавийнинг Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз девонига ёзган шарҳи. Унда, жумладан, мазкур байт мана бундай тушунтирилган: «Бир нофа иси сабаби била ва ё бир нофа умиди била, андоғ нофаким, боди сабо ул нофаи турраи жонодин эсар, жононанинг мушклиг зулфининг бурум ва букумидин юракларга зиёда қон тушди ва қон тушмакликка сабаб зиёда интизорликдур. Зероки, боди сабо зулфи муажжад (ҳалқа-ҳалқа)нинг тобларин очгунча зиёда онгландур ва зиёда изтиробга боис бўлур». (X. Сулаймонов номидаги Қўлэзмалар институти, 2778-қўлэзма, 5-а варақ).

Судий бу хулосага келишдан олдин байтдаги сўзларни алоҳида-алоҳида таҳлилдан ўтказди, ҳар бирининг маъно қирраларини очиб беради (унинг ёзишича, шу бир байтнинг тадқиқотига бутун бир рисола бағишланган). Чунончи, бўй сўзи «икки маънода мустаъмалдур: бириси ис маъносидаким, машхурдур ва бириси ражо (орзу) ва умид маъносида, бу ерда иккиси ҳам жоиздур». Нофа — охунинг мушкли киндиги; сабо — ҳар қанақа шамол эмас, балки «кундуз билан кеча баробар бўлгонда машриқдан эсган шамолга дерлар, аммо шоирлар сўзида кўйи донондин эсган насимга дерлар». Турра — зулф ва дом. «Тобнинг бир неча маъноси бордур, аммо бу ерда бурум ва букум маъносида бўлмақ авлодур». Дил — юрак ва кўнгил маъноларини англатади, аммо Ҳофизда у юрак маъносида қўлланилган ва ҳоказо.

Бугина эмас, шарҳловчи Ҳофиз байтидаги ёрдамчи сўзлар ва ҳатто қўшимчалар ҳам бир неча маънога ишора этишини таъкидлаш билан қаноатланмай, ўзаро боғланган образ-сўзлар нофа ва мушкнинг қаердан келиб чиққанини, қандай ҳаётий асосга эгаллигини текшириб ёзадикки, мушк берадиган охулар фақат Хўтан, Хитой ва Ҳиндистонда яшайди. Одамлар уларни сурук-сурук сақлаб, парвариш этадилар, охулар йилда бир марта нофа (киндик) ташлайди. Нофа ҳосил бўлиши учун кийикни хуркитиб, қаттиқ югуртирадилар, натижада ҳарорат зўридан киндигига бир неча қатра қон тушади. Бу ҳол такрорланиб, киндик тўлади ва тивит боғлайди, пишгандан кейин эса ажралиб тушади. Баъзилар нофа етишиши арафасида охунинг қорнига махсус идиш боғлаб қўядилар. Аммо охудан айрилиб тушган нофа дарҳол хид таркатмайди, алоҳида ишлов берилгандан кейин у мушкка айланади. «Бас, туррани нофага ва сабони мушкфурушгаким, нофақушодур, ташбех этмиш ва юракларга қон тушмакка сабаб умиди интизорлиғдур», деб фикрини яқунлайди Судий.

Мана энди ҳаммаси равшан: нофа қаттиқ азоб ва изтироб туфайли сиркираб чиққан қондан ҳосил бўлганидай ва унинг хушбўй мушкка айланиши учун яна қанча меҳнат-машаққат



Турсунбой Адашбоев

«Сирли қоғ» — тахрирбоғ



Ёзувчи дўстларим Хайриддин Султонов, Анвар Обиджонлар сеvimли журналимиз «Ёшлик»нинг 2—3-сонларида босилган мақолалари билан бугунги маданий-маънавий ҳаётимиздаги жуда катта масалани кўтариб чиқдилар. Умуман, «Ёшлик» журналининг мақобларда дарс бериш методикаси, Олий ўқув юр்தларига кириш имтиҳонлари топшириш ва бошқа маънавий-ахлоқий масалалар билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни кўтариб чиқаётганини қўллаб-қувватлаш керак.

Мана, журнал яна бир яхши ишга қўл урибди. Тўғриси айтиш керак, дарсликларни — алифбедан тортиб ўнинчи синф адабиёт дарслигигача қайта кўриб чиқиш масаласи — аллақачон етилган масала. Айниқса, бошланғич синфлар учун чиқарилган дарсликлар шу куннинг талабларига жавоб бермай қолди. Бу фикр айрим ўртоқларга оғирроқ ботиши мумкин. Лекин илож канча? Дарсликларнинг талабга жавоб бермаётгани ҳақиқат. Буни «Алифбе» билан «Ўқиш китоблари»ни бир сидра варақлаб чиқсангиз аниқ-тиниқ кўрасиз. А. Обиджон таклиф қилган «Алифбе» варианты ҳозирча хомаки нусха. Сабаби унда мунозарали ўринлар анчагина. Шундай экан, мукаммали яратилгунга қадар олимларимиз, педагоглар, ёзувчилар ва ноширлар ўз изланишлари, конкрет таклифларни жамоатчилик назаридан ўтказишлари керак.

Китобнинг «А» ҳарфини ўрганишга бағишланган олтинчи ва еттинчи бетларидаги суратлар тўғрисидаги А. Обиджоннинг мулоҳазалари жуда ўринли.

Аммо «Б», «Ғ» ҳарфлари учун ажратилган саҳифалардаги суратларни чизишда маҳаллий шарт-шароит — колорит ҳисобга олинмаган. Чунки «Бўғирсок», «Шолғом» каби рус халқ эртакларини кичкинтойлар боғча ва яслилардаёқ ўрганиб олишди. Демак, унинг ўрнига халқ чўпчакларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Олтинчи ўриндаги «М» ҳарфига дахлдор мисолларни ҳам кўпайтириш даркор. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш керак, А. Обиджон ўз мақоласида ёзганидек, «Малина» — марманчак эмас, аслида пармончак дейилади. Бундан ташқари, халқ орасида қорағат, хўжағат деб ҳам юритилади.

Саҳифаларда ўрганилаётган асосий ҳарфлар остида унли-унсизларнинг берилиши дуруст. Бирок, айрим бетларда бўғинларнинг ленталарда кесиб берилиш тартибига тўла амал қилинмаган. Масалан, «К», «Т», «Ш» ва «Ф» сингари ҳарфлар ўрин олган саҳифаларда.

«Алифбе»нинг сўнги нашрида Х. Х. Ниёзий, Зафар Диёр ва Қуддус Муҳаммадийларнинг рангли сурати ва уларнинг ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган. Бу ибратли, албатта. Лекин, бу кам. Болалар адабиётининг тамал тошини қўйган Ғафур Ғулом, Султон Жўра, Қудрат Ҳикмат ҳамда Ҳаким Назир сингари шоир, ёзувчилар ҳам китобдан ўрин олишлари керак эди.

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари»да: «Ҳамма курслар бўйича амалдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари такомиллаштирилсин ҳамда янгилари яратилсин» дейилган экан, бошларимизнинг олти ёшдан мактабга боришни унутмаган ҳолда бу ишга ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўришимиз лозим. Бу соҳада қардош республикаларда амалга оширилаётган ишлар, нашр этилаётган дарслик ва қўлланмалар ибратлидир. Уларнинг тажрибаларидан ўргансақ ҳарҳолда ёмон бўлмайди.

Бу жиҳатдан Болтикбўйи республикаларининг ишлари диққатга сазовор. Молдаван болаларининг сеvimли шоири Григоре Виеру боғча болалари учун яратган «Албунице» («Асаларича») деб номланган дарслигида барча ҳарфлар кичкинтойларнинг дидига мослаб берилган. Бундан ташқари қўш саҳифаларда тез айтиш, топишмоқ, саккиз сатрдан иборат қўшиқ текстларининг нотаси ҳам жойлаштирилган.

Ёки «1»дан «10»гача бўлган рақамлар болаларининг хотирасида тез сақланиб қоладиган шаклларда берилган. Масалан «7» рақамининг ёнида чалғи ушлаб турган бобонинг сурати тасвирланган. Чалғи билан «7» рақамининг қиёсланиши ҳаммага маъқул тушади. Бу албатта, рассомнинг топқирлигидир. Ёзувчи Спридон Вангели билан Григоре Виеру ҳамкорликда бошланғич синф ўқувчилари учун яратган «Ўқиш китоби» ҳам диққатга сазовор.

Литва, латиш адабиётларининг фахри бўлмиш Э. Межелайтис, Ю. Марцинкявичус ва О. Вацетислар педагог олимлар, методика бўйича йирик мутахассислар иштирокида бошланғич синфлар учун бетакдор, қизиқарли дарсликлар ёзганлиги сир эмас.

Латвиялик оlima А. Я. Каруленинг 1984 йилда Москвадаги «Педагогика» нашриётида chop этилган «Болаларни олти ёшдан мактабда ўқитиш» тажрибасига бағишланган илмий рисоласи фикримизнинг яққол далилидир. Унда кичкинтойларни табиат, қушлар олами билан таништириш борасида келтирилган мисоллар қизиқарлидир. Чунончи, болага дастлаб товук, балиқ ва қурбақанинг кўзлари нега икки чаккасида? — деб савол берилди. Кейин арслон, бўри, итнинг кўзлари пешонаси остида жойланиш сабаблари ўқдирилади. Тумшуги узун паррандаларнинг қишлаш учун иссиқ мамлакатларга кетиб қолишлари ҳам ўқитувчи кўмагида ишонarli тарзда баён этилади.

Қардош Киргизистоннинг Ўш областидаги мавжуд 800 та мактабнинг 415 таси ўзбек мактабларидир. Уларда икки мингдан ортиқ бошланғич синф ўқитувчилари ёш авлодга таълим-тарбия беришаётир.

Яқинда область ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бўлиб, бу ерда ўз билимларини мустақкамлаётган бошланғич синф ўқитувчилари билан суҳбатлашдик. Гап айланиб «Ёшлик» журналича босилган мақола боис «Алифбе»га бориб тақалди. Улар бир овоздан амалдаги «Алифбе»ни янгилаш лозимлигини айтишди. Бунинг сабабларини келтиришди. Яхшиси, «Харфлар ажойиботхонаси» тўғрисидаги истақ, мулохазаларни тажрибали ўқитувчиларнинг ўзларидан эшитсак:

Одилжон РАҲИМОВ — Ўш шаҳридаги Октябрь 50 йиллиги номидаги ўрта мактаб ўқитувчиси. — 34 йилдан буён фақат бошланғич синфларда ишлаб келаман. Менимча, гап, сўз, бўгин ва ҳарфларни ўргатишда ишлатиладиган расмлар халқ оғзаки яратган асарлар ҳамда замонавий мавзулар руҳидан келиб чиқиб ишланса, Чунки болалар хали мактаб остонасидан ўтмаёқ турли халқ эртақларини, дostonларини теварак-атрофидаги кишилардан эшитишган бўлади. Агар дарсликдаги расмлар ҳам ўша эшитилганларга ҳамоҳанг бўлса, улар фақат ютишади. Хат-савод ўргатилгандан кейинги материаллар хронологик тартибда йил фаслларига мослаб, лўнда жумлалар асосига қурилса. Мустақил ўқиш учун бир-икки соатга мўлжалланган асарлар дарсликдан ўрин олса, ўқувчига ҳам, муаллимга ҳам катта фойда келтирадиган бўлар эди.

Лазокатхон БАҲОДИРОВА — 40 йилдан буён Олабука район, «Октябрь» номидаги мактабда бошланғич синфларига дарс ўтаман. Ростини айтсам, «Алифбе»нинг енгил ўрганилиши учун унда болаларга таниш, яқин сўзлар танланса. Таъсирчан рангли суратлар чизилса. Шунингдек, «О», «М», «Ч» ҳарфларини ўрганиш учун берилган текстларни бирмунча ихчамлаштириш керак. Яна бир мулоҳаза: 49-саҳифадан «Кўчат» сарлавҳали шеър ўрин олган. «Ғ» ҳарфини ўрганиш мақсадида берилган ана шу саккиз сатрдан иборат шеърнинг «Бутоғи синмасин» мисрасидагина битта «Ғ» ҳарфи ишлатилган холос. Қолбуки, келтирилган текстда ҳар бир мисрада икки-учтадан ўрганилаётган ҳарф бўлиши шарт.

Ширмонхон МАТҚОБУЛОВА — Ўш шаҳар, Э. Тельман номидаги мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси. — «Алифбе»дан ўрин олган «Навбатчилар», «Бинокорлар», «Гулзор», «Тилла», «Каруселда учдик» сингари текстларни ўқишда болалар жуда қийналади. Бундай текстларни «Ўқиш китоблари»да берган маъқул. Кичкинтойлар учун мўлжалланган дарслик эстетик жиҳатдан ўта бой, жумлалари қисқа бўлиши умумий ишимизда кўпроқ наф келтиради.

Турсунбой АБДУЛЛАЕВ — Ўш шаҳар, Горький номидаги мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси. — «Алифбе»га ишланган суратлар ўта қўпол ва беўхшов. Синчиклаб кузатган киши миллий руҳдан олислаб кетган суратларни осонгина пайқаб олади. Менимча, «Ўқитувчи» нашриётининг ходимлари Ч. Аҳма-ров, Б. Жалолов, А. Ғуломов сингари ўнлаб талантли рассомлардан, болалар адабиётининг жонкуяри, марҳум мусаввир Тельман Мухамедов асарларидан фойдаланиши зарур. Ахир, «Букварь»ни нашр этишда 20 га яқин мўйқалам устаси иштирок этган. Мана шу фактнинг ўзиёқ биз ҳам «Алифбе»ни тузишга нақадар чуқур масъулият билан ёндашишимиз кераклигини кўрсатиб турибди. Иккинчидан, бошланғич синф ўқитувчилари учун методик қўланмалар жуда кам тайёрланади. Шу ишни ҳам йўлга қўйиш керак.

Эркинбой ТУРСУНОВ — Қорасув район, Фрунзе номидаги мактабнинг тайёрлов группаси ўқитувчиси. — Одатда, болаларда оддий сўзлардан мураккаб сўзларни ўрганиш сари кўникма ҳосил қилиб борамиз. Шундай экан, «Алифбе»нинг илк ҳарфларини ўрганишга бағишланган саҳифаларга кичкинтойларнинг

хотирасида тез сақланиб қоладиган бир, икки бўғинли текстларни, ўта содда, 4 ва 6 ваздли шеърларни киритиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг дарсларни назарий, методик жиҳатдан тўғри ўтишлари учун ҳар бир ҳарф, саҳифаларни ўрганишга мўлжалланган алоҳида тавсияномалар зарур.

Манзура МАЪРУПОВА — Фрунзе район, А. С. Пушкин номидаги мактаб ўқитувчиси. — Юқорида касбдошларим «Алифбе»га дахлдор фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Мен ёзувчи Х. Султоновнинг «Ўқиш китоби»га киритилган айрим бадий асарлар борасидаги эътирозларига тўла қўшилган холда, бу борадаги фикрларимни ўртага ташламоқчиман. Айтайлик, 1-синф «Ўқиш китоби»дан ўрин олган Мавлон Икром, Тўлқин, Шамси Одил ва Анвар Ҳожиларнинг мазмунан саёз ҳамда гўр «шеърлари» ҳозирги ўқувчиларнинг талабига умуман жавоб бермайди. 2-синф «Ўқиш китоби»га киритилган айрим «асарлар» ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Эътирозим асосли бўлиши учун 2-синф «Ўқиш китоби»нинг 50-бетида берилган куйидаги «Ким ҳақли» (?!!) сарлавҳали «асар»ни биргалашиб ўқиб кўрайлик:

Учинчи синфга кириб
Алини сўраб кўриб
Уни сергап дейишар
Йўғ-е, камгап дейишар
Айтингиз-чи ким ҳақли?!
Қалай Алининг хулқи?!
Шундай Алининг хулқи?!
Партада жаврайди заб
Доскага чикса камгап.

Текст остига: «Шеърнинг мазмунини ўз сўзингиз билан айтиб беринг» деб қайд қилинган. Ушбу «асар»да автор нима демокчи бўлганлигини ҳатто ўқитувчи тушуниб етмайди. Афсуслар бўлсинки, бу думбул шеърнинг автори кўрсатилмаган.

Одатда бошланғич синф ўқувчиларига бирор тема тушунтири-лаётганда Каримнинг яхшилик фазилатлари, Алининг салбий жиҳатлари лўнда мисоллар билан айтиб берилмаса, ёш авлодда нотўғри тушунча пайдо бўлади. Хуллас, дарсликлар билан жидий шуғулланадиган вақт келди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган мулохазалардан, бошланғич синф ўқитувчиларининг ўринли таклифларидан шу нарса кўриниб турибдики, «Алифбе» билан «Ўқиш китоблари»ни қайта тузиш жидий тахрир этиш, уларга лозим деб топилган асарларни ёпиқ конкурслар асосида танлаб, саралаб олинса нур устига аъло нур бўларди. Бу албатта педагогика, методика бўйича етук олимлар, ноширлар, болалар ёзувчилари ва рассомлар зиммасига катта масъулият юклайди.



Муҳаммад Очилов

ТОНГОТАР БОБО



Ҳой Карим новвойнинг ўғли! Анови шайтон туё-
фингни ҳайда-е! Одамлар бунинг бир тупини
ўстиролмаи хуноб-ку, санинг эчкинга бало
борми!.. Ҳайда, ҳайда дейман! Ҳў, шпана! Яна
бир марта кўрсам шохингни синдираман! Э-э... ва-алай-
кум... Келинг меҳмон... Қани, бу ёққа, мана бу устилга
ўтиринг! Қўрқманг, синмайди, заводской эмас. Қўлбола,
зарангдан ўзим ясаганман. Бу соқолингга қараб чўчиб
тургандим, афти-ангорингдан ўзимнинг неварам қатори
бола экансан-ку. Энди саниям неварам дейман-да, а,
неварам?... Шу ёшда нега соқол қўйиб олдинг? Мўда?!
Ҳа, боласи тушмагурлар-эй! Ана шу мўдаларинг менга
ҳечам ёқмайди-да! Яқинда Қаршига тушган эдим.
Биттасига кўзим тушиб қолди, десанг. Ўзи дуппа-дуруст
қиз, лекин қовоғининг таги мушт тушгандек кўқарган,
бўйнида эса, ҳалиги соқол қирадиган бор-ку... писка
дейсанларми, лизвами... Сувинер дейсанми? Ҳа, ўша-
нингдан илиб олган. Кўйлагининг на этаги бор, на енги...
Кўкрак очиқ, бош очиқ! Сайл ҳам татимади. Буям
майли, бултур Тошқанда иккитасини кўрганман: келин
бола попирис сўряпти, куёв тўра эса сақич чайнапти,
алҳазар!

Гапнинг рости ука, ўша жойда тутқаноғим тутиб
қолди!.. Бу ҳам мўдами?! Ана ўшандай мўдавозлар
олдида чўлдаги ёшларнинг бошидан сув ўгириб ичсанг
арзийди. Ҳа, ҳақ гап шу, ука! Мана мани биттаю битта
ўғлимнинг орқасидан келган келиним бор. Саҳарлаб
қарға қағилламасдан туради; сигир соғади, ҳвли
супиради, сўнг чойини ичириб болаларни етаклаб
далага кетади. Кечқурун ишдан келиб ўт юлади, яна
сигир соғ, овқат қил, нон ёп... Бўлмаса, буям шаҳардан
тушиб келган қиз. Атрофдаги одамларга қараб оёқ
олади-да. Ўғлимни-ку қай вақтда келиб, қай вақтда
кетганини ҳафта-ойда бир кўрмасам, бошқа пайти
кўзим тушмайди. Манам энди ишли одам — идорада
қоровулман. Кейин, «қариялар участкаси» бор, ўзимиз
директордан сўраб олганмиз. Бўш вақтда бориб
қимирлаб тураммиз... Ишчи кучи чўлда танқис-да,
неварам... Попирис чекмоқчимисан? Қўй, ўша пилтир-
лик, думи қизилингни. Санга мана бу тамакидан ўраб
берай, бир маза қиласан. Ҳидини қара, жайдари, ўзиям
Зармасники!..

Неварам, томдан тараша тушгандай бирдан кўп
вайсаб юбордим, хафа бўлмайсан. Киши қариганда
чакаги очилиб, жағи йиртиқ қавушга ўхшаб ёпилмай
қоларкан. Эзмалик кўрсин, чой қўйишни ҳам уну-
тибман... Зира солиб бир дамлаб ичайлик, а? Ҳўш, энди
ўзингни танит. Мана бу шляпанг билан папкангдан
юқоридан келган вакил эканлигинг кўриниб турибди...
Қаерлардан бўласан, бобой-момойларинг омонми?
Газетадан келдим, дейсанми? Демак, мухбирсан? Ҳа-а,
рангингнинг қоғозга ўхшашлигидан хона одами эканли-
гингни сезган эдим. Яхши, хуш келибсан биз то-
монларга! Бўлмаса совхозди катталари келгунча бўйин-
боғингни ечиб, бемалол салқинлаб ўтир, барибир
уларсиз иш битмайди. Мен ҳозир мана бу «подҳалим»
баччағарни қўйворай, бирпасда хонани яхдай қилади.
Иссиғам, олтмиш бўлмасаям, элликлар бўлди-ёв! Ишқи-
либ, шу жазирамада далада ишлаётганларнинг жонига
тўзим берсин! Тошбақани ҳансиратади бу иссиқ.
Бемалол оёқни чўзиб ўтиравер, активларинг ҳаммаси
далада. Ана, чойдиш ҳам жазиллади. Аччиқроқ бўла-
версин-а?

Қаҳрамонлар излаб юрибман, дейсанми? Чўлда
қаҳрамондан кўпи йўқ, неварам. Ҳамма ҳам ўзича
қаҳрамон-да! Лекин «қаҳрамонлар» ҳам ҳар хил
бўларкан. Сен Тонгтар бовангни гапга сол, антиқа
гапларни айтиб беради. Ким у дейсанми? Бизнинг

ўзимиз-да, ахир! Бу дашту биёбонга кўрпа-тўшакни биринчи кўтариб келганлардан бўламиз. Қоғоз-қаламингни қўй, неварам, гапнинг тафтини совутади. Простогурунг-да бу! Қани, чойдан ол... Иссиқ-иссиқ ҳўпласанг товонинггача ҳузур қиласан. Бизларники асли юқори Яққабондан... Ҳали айтганимдек, чўлга чўллаб, юрак ташнамини қондиргани келганимиз. Ҳозир у жойлар қўриқхона бўлиб кетган. Аслини олганда, «...инсонлар қалби ҳам бугун ёвузликдан зада Қўриқхонадир». Маъқулми?.. Бир ҳисоби одамларни чўлга кўчиришиб тўғри иш қилишди. Илгари қишлоқнинг ярим одами бекор юрарди. Тамакига сув қўйсанг жилдираб оқиб ётаверади-да. Жанжал, тўполоннинг бари бекорчиликдан келиб чиқаркан! Мана энди бу ерга келишгач, бошни қашлашга вақт тополмай қолишди. Кейин чўлда, неварам, шуни сездимки, ёшлар жуда тез улғайишар экан. Турли жойдан келган турфа хил одамлардан кўп нарсани ўрганасан.

Мана, бир Иоганн деган немис ўртоғимиз бор, биз уни Илёс деб кетганмиз, ўша искрипкасини чалганда ҳатто ёш болаларгача хаёлга толиб қолишади. Мен бу ёққа ўчаётганимда, «Қолинг амаки, сизбор иш топилиб қолар», дейишган эди. Лекин рози бўлмадим. Кўзим очиклигида капалак умр бу дунёнинг ҳамма неъматларидан тотай деб, этакни тўрт жойидан турмаклар келавердим. Ушанда чўл қандай эди, дейсанми? Отамдан, «Дунёда ўзи қарғанг ерлар ҳам бор», деб эшитгандим, бу жойлар худди ўша жойлар экан. Мана шу ўтирган еримиз, агар ишонсанг, ўшанда катта қамишзор экан, ҳар қамишлар ўсган эканки, белкурракка даста бўлгудай... Очиқ жойлар эса кўрпанинг астаридек оппоқ туз. Эҳтиёт бўлиб қадам босмасанг киндигингача ботиб кетасан. Куннинг иссиғини айтмайсанми! Бамисоли тандирнинг оғзига рўпара келиб қолгандай сезасан ўзингни. Ука, товонидан иссиқ ўтгач, калтакесагинг ҳам боласини тишлаб саксаулнинг тепасига қочиб чиқиб кетасан. Пашшасини айтмайсанми, пашшасини... Бачча-ғарлар замбурдай келади-я! Замбур — бу ари, неварам. Чақса, ман-ман деганингни бўкиртириб юборади. Энди сен бепул гапга куласан-да... Лекин, ўшанда чўл азобига чидай олмай юкин орқалаб қочганлар ҳам кўп бўлган, неварам! Қавурғаси сакизта бўлганлар қолди, холос... Сен чойдан олавер, тортинма, ҳадемай бачалар келиб қолишса, нозвойлар солиб чалоп ҳам қилиб бераман. Бармоғингни ботирсанг иккинчи бўғинигача ёғ бўлади. Чўлда юрган қўйнинг қатиғи-да!.. Мана қарбсанки, чўлга келганимизга ҳам йигирма йилча бўлиб қолди. Бу орада не воқеаларни кўрмадим не-не одамларни учратмадим. Ҳали айтганимдек, бу ерда қаҳрамонлар кўп, лекин улар ҳам ҳар хил бўларкан... Ёшгина механизатор йигит бор эди. Тракторнинг агрегатига илинмайдиган майда бегона ўтларни қирқадиган мослама ўйлаб топди. Одамларнинг назарига тушди. Ушандан кейин уни кўтар-кўтар бошланди. Директор қайга борса, «Бизнинг қаҳрамонимиз», деб олиб юрарди. Натижада бечорани нарвонсиз баланд жойга олиб чиқиб қўйишди, анча вақтгача ўша жойдан тушолмай юрди. Тушганда эса вақт ўтган эди, у кишининг димоғи кўтарилиб, қора меҳнатни писанд қилмай қўйди... Яна битта одам бор эди: Дўланов дейишарди. Ўзи бўлим бошлиғи... Ҳаётда нўл одамларни кўрганми-сан? Яъни, қачонки олдига биронта рақам тушмагунча нўл бўлиб тураверишади. Айтмоқчиманки, мустақил фикрга эга бўлмаган одамлар ҳам бўларкан. Бу Дўланов ҳам шунақалардан эди. Мен унинг бўлимида қоровул бўлиб ишлардим... Ие, нега турдинг?.. Битта «УАЗ» келяпти, дейсанми? Э-ҳа, йў-ўк, у директорники эмас. Эшим деган бригадирники. Албатта, шахсий! Ҳукумат

берган меҳнати эвазига. Шу одам ҳақида ҳам гапириб беринг, дейсанми? Жоним билан, гапиришга арзийди, азамат. Лекин, бечоранинг шу кунга етгунча бошида кўп таёқ синди. Бу Эшим деганимиз ҳали айтганим Дўлановнинг бўлимида бригадир эди. Иккаласи тез-тез жиққа-мушт бўлиб туришарди. Биз энди контора қоровули — ҳамма гапдан хабардор бўлиб турамыз. Бир кун идорага кирсам, эшик қия очиқ. Ичкаридан қаттиқ-қаттиқ овоз чиқяпти. Диққат билан қулоқ солсам Эшимнинг овози:

«Ўртоқ Дўланов! Менга пианистанинг кераги йўқ. Шу кунгача учта тракторнинг бошига етди. Праваси бўлмаса ҳам юз-хотирингизни қилиб индамай келяпман. Бир кун ишга чиқса, тўрт кун бозорга мош-ловия сотгани кетади. У ёқдан милиция тутиб келади. Бир нима десангиз, «Директорингизга, Дўлановингизга оғзини мойлаб қўйганман!», деб кўкрагига мушлайди. Қилмаган чорамиз қолмади. Ёшларга ёмон таъсир кўрсатаётибди. Кеча хотини йиғлаб келди... Икки боласини ташлаб, аллақайси баракларда ётиб юрармиш...»

Шу ерга келганда Дўланов унга: «Бас! — деб қолди. — Пианистами, қаққайган ходами менга ишчи кучи керак! — У кетса одамни мен қаердан оламан?! Хотини билан яшайдими, чапга юрадими менга касайса қилмайди. Менга пахта керак, пахта!»

Бошқа куни эса иккинчи бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Теримнинг охири эди. Кечки пайт Дўланов Эшим бригадирни айтиб келишни менга буюрди. Айтиб келдим-да, чой қуйиш баҳонасида эшикни қия очиқ қолдирдим. Буюм бир касалликми, ҳар нарсага қизиқаман-да, неварам. Шу десанг Дўланов секин гап бошлади.

«Муҳим иш чиқиб қолди! Директорнинг шахсий буйруғи... Бугун ҳали студентлар терган пахта бор-ку, ўшани кечаси варақа мошиндан чиқартирасан. Ёрданга ўша студентлардан олгин... Пахта ёздираман десанг жон-жон деб рози бўлишади...»

«Тайёр тоза пахтани машинадан чиқаришнинг маънисини нима?», дея ҳайрон бўлиб сўради Эшим. Дўланов негадир бир оз жим бўлиб қолди, кейин сал ташвишли оҳангда деди:

«Хабаринг бор, баъзи сабабларга кўра, бошида машина теримига унча зўр бермагандик. Энди бу пахталарни машина терими ҳисобидан топшириш керак... Хуллас, гаплар шунақа. Бу ўн кунликда машина теримидан байроқни қўлга киритишимиз керак... Тушундингми?»

«Ахир бу жинойат-ку! Йўқ, мен бундай қилолмайман», деди Эшим.

«Шошма... Мана ҳозир... директор билан ўзинг гаплашасан!», деб Дўланов назаримда телефоннинг гўшагини кўтарди, сўнг унинг:

«Алло... Ўртоқ директор! Шундай, айтдим, лекин рози бўлмаяпти... Ким дейсизми? Ўша Эшимбой-да! Ҳа, ўша жиянингизни томорқачи деб ортиқча номер бермаган бригадир-да! Шу ерда... Ма, гаплаш!..», дегани эшитилди.

Шундан кейин Эшимнинг «Ўртоқ директор, ахир... Э-э, бўшасам, бўшадим-да!», дегани эшитилди бир оз вақт ўтгач, ранги бўздай оқарганча хонадан тез-тез юриб чиқиб кетди... Энди гапнинг бу ёғини эшит: ўша кечаси Дўланов Эшимнинг бригадасига ўзи бориб, иккинчи студентни қоп-қоп ваъда билан қўлда терилган пахталарини варақа машинадан чиқаришга кўндирибди. Бола пақирлар кун бўйи пахта териб чарчаган эмасми, биттаси попирис чекаман деб... пожар қилиб юборибди... Эртасига бўлди жанжал... Дўланов билан директор тил бириктириб ҳамма айбни Эшимга та-

қашди. Уни қамаб қўйишди. Ростини айтсам, қоним қайнаб кетди. Тўппа-тўғри райкомга уриб бордим. Секретаримиз тилло одам эди. Совхозга келса ҳам мўсафидлардан ҳол-аҳвол сўраб кетарди. Ушанга бор гапни очиқ-ойдин ипидан-игнасигача айтиб солдим... Қара, неварам, баъзан гап пойлашнинг ҳам фойдаси тегаркан. Эшимбой оқланиб кетди. Директор билан Дўланов эса вазифасидан олиб ташланди... Ана шунақа гаплар бўлган эди, бўтам! Ҳақ барибир қарор топаркан... Ҳозирги директор қалай дейсанми? Нима, фикримни билмоқчимисан?.. Ҳо-о, Тонготар бобонгни содда-гўл деб ўйлапсан шекилли-да! Йўқ, мен ломим демайман. У ҳам ишдан бўшаб кетсин, ана иннайкейин сен билан гаплашаман, неварам.

Нега турдинг? Ташқарида қаттиқ шамол бўлаётибди, дейсанми? Э, неварам-эй, буни бизларда «шабада» дейди. Ҳақиқий шамолни бундан беш-олти йил аввал кўрардинг: довул уйларнинг томини чирпирак қилиб кетарди, қум кўчиши-чи! Эндигина бўй тортган ғўзаларни бир қарич қум кўмиб, қовжиратиб кетганда йиғлаган кунларимиз ҳам бўлган. Шукр, ҳозир шундай шамолларнинг йўли тўсилган. Лекин, гармсели ҳали ҳам бор... Узингиз ҳақингизда кам гапирдингиз, дейсанми? Э, неварам, мен нима арзирлик иш қилибманки, сенга мақтансам. Фақат сенга шуни айтишим мумкинки, ўтган етмиш йиллик умримнинг элик олти йилини меҳнат билан ўтказдим. Шу давр ичида боғбонлик ҳам қилдим, чорва билан ҳам шуғулландим. Ва ҳоказо...

Идоранинг олдига мошин келиб тўхтади, дейсанми? Ҳа, ўша қорачадан келган киши директоримиз. Майли, бориб учраш, совхоз одамлари ҳақида кўп нарсани билади... Камини мана биз тўлдирамиз... Раҳмат дейсанми? Сенинг ўзингга раҳмат!.. Анча кўнгилни бўшатиб олдим. Хўп бўлмасам, бобонгни йўқлаб тез-тез келиб тур, қариялар хазина-я, неварам!



Умида Абдуазимова

Бўлди

Сени севмай қўйганимга кўп бўлди.
Ўйлаб кўрсам — ажаб бўлди, хўп бўлди.

Висолингу фироқингда куймайман,
Ҳаммасини сокин кунлар еб бўлди.

Катта-кичик давраларда тўқнашсак,
Кўзлариммас, сўзларим ҳам чап бўлди.

Сендан буткул воз кечганим ростлиги,
Дўсту душман аро роса гап бўлди.

Севмай қўйиш мумкин экан. Мумкинмас
Яна нима қолди, бари даф бўлди.

Эттиқодим кучли дердим, субутда
Турмоқлик ҳам исбот билан соб бўлди.

Виждонни бир чайиб ололмай ёринг
Чучмал забон ҳамда инжиқ таъб бўлди...

ТОМОШАБОФ

Барон Мюнхаузен ким бўлган!

1785 йилнинг кузида Лондонда «Барон Мюнхаузен ва унинг Россияга ажойиб юришлари» китоби босилиб чиқди. Китоб муқовасида муаллифнинг исм-фамилияси кўрсатилмаганди. Аммо аслида у немис адиби, тарихчиси ва археологи Рудольф Эрих Распэ қаламига мансуб эди.

Распэ 1737 йили Ганновер шаҳрида ўрта ҳол амалдор оиласида туғилди. 18 ёшида у Гёттинген университетига ўқишга кирди, кейинчалик таълимни Лейпциг университетидан давом эттирди. Университетни битириб, магистрлик унвонини олди. Сўнгра етти йил давомида Кассел шаҳридаги Ланграф Фридрих саройида кутубхоначи бўлиб ишлади. Тарихчилар, архив мутахассислари билан яқиндан танишди, ўша даврда машҳур бўлган Макферсон, Гомер асарларини чуқур ўрганди, Ваннелъман, Лессинг, Франклин билан хат ёзишиб, фикр алмашди. Минерология ва геология фанларига ҳам қизиқиб, бу соҳаларда ҳам бир қатор мақолалар ёзди. Бир қанча илмий жамиятларнинг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Бу орада Ланграф Распэга Германиянинг Венециядаги элчиси бўлиб ишлашни таклиф қилади. У Венецияга умр йўлдошини ташлаб, ёлғиз кетиши керак эди. Аммо 1774 йил октябрь ойида йўлга чиққан Распэ фикридан қайтиб, Берлинга келади. Ланграф бундан ниҳоятда газабланади. Распэни коллекциядаги олтин тангаларни ўғирлашда айблайдилар. 1775 йил 19 ноябрда Распэни қамоққа олишди ва Кассел шаҳрига қайтаришди. Тасодиф билан қочишга муваффақ бўлган Распэ Англияга ўтиб кетади. Шу тариқа у умрбод ватанидан узоқда, умр йўлдоши ва болаларидан ажралиб яшайди. Англияда Распэ немис муаллифларининг асарларини инглиз тилига таржима қилади, фойдали қазилмалар излаб топиш билан шуғулланади. Геологик қидирув ишлари билан тоғли Шотландия ва Фарбий Ирландиянинг энг узоқ ерларига боради. Ана шундай сафарлардан бирида, 1794 йили Распэ тиф касаллигидан вафот этади.

Распэ Англияда Барон Мюнхаузен саргузаштларини ёзди. Бу китоб кейинчалик унинг номини абадийлаштирди. Дастлаб бу саргузаштлардан парчалар Берлинда нашр этиладиган «Ҳазилкашлар учун альманах»да босилиб чиқди. Бу ҳикояларга Мюнхаузен деган кишининг кулгили саргузаштлари асос қилиб олинган эди. Хўш, Мюнхаузен ким бўлган! У тарихий шахсми!

Барон Карл Фридрих Мюнхаузен Германиядаги қадимги дворян оилаларидан бирида 1720 йилда туғилган. 13 ёшдан бошлаб армияда хизмат қилган. 1733 йили Россияга сафар қилиб, кўпгина шаҳар ва қишлоқларда бўлган, рус армияси сафида туркларга қарши курашган. 1750 йили ротмистер унвонидан истеъфога чиқиб, Боденвердерга қайтиб келган. Бу ерда унинг ҳаёти осойишта кечарди. У ўзининг ер-мулкни бошқарар, овчилик билан шуғулланар, Россияда кўрганларини, турклар билан жангини қайта-қайта мароқ билан гапириб берарди. Хушчақчақ инсон, саргузаштларни ёқтирган Мюнхаузен меҳмондўст ҳам эди. 1773 йил май ойида унинг уйида Распэ меҳмон бўлади. У қадимги қўлёмаларни ахтариб, шаҳармаشاҳар кезиб юрарди. Бу учрашув уй соҳибини ҳам, меҳмонни ҳам мангуга тарих саҳифаларида қолдирди.

Мюнхаузеннинг саргузаштлари илк бор 1785 йил кузида Лондонда М. Смит нашриётида китоб ҳолида чоп этилди. У тез орада инглиз ўқувчиларининг сеvimли китобларидан бирига айланди. Кўп ўтмай у иккинчи марта сўзбоши ва қўшимчалар билан қайта нашр этилди. Бир йилдан кейин китоб Гёттингенда немис тилида чоп этилди. Уни немис адиби Готфрид Август Бюргер таржима қилган эди. Албатта бу китоб Мюнхаузеннинг ўзига ҳам етиб боради ва унинг жаҳлини чиқаради. У ўзини Англия ва Германияда шарманда қилган ёзувчини судга беради. Аммо китобнинг муаллифи кўрсатилмагани учун

Мюнхаузен ўз мақсадига эришолмайди ва тез орада вафот этади.

Ҳозирги пайтда барон Мюнхаузеннинг номи ўқувчиларга Распэнинг номига қараганда кўпроқ машҳур. Боденвердердаги бароннинг уйида ҳозир музей ташкил этилган бўлиб, унда машҳур саргузаштчининг шахсий буюмлари сақланмоқда. Мюнхаузеннинг ичакузди ҳикоялари эса жаҳондаги кўплаб тилларга таржима қилинган.

Муҳаррам САИДБОЕВА

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ. 1957 йили Тошкент областининг Урта Чирчиқ районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида сирдан ўқиш билан бирга Урта Чирчиқ район «Машъал» газетаси редакциясида ишлайди. Шеърлари республика матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

Шаҳодат ИСАҲОНОВА. Самарқанд областининг Иштихон районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. «Кечиккан бахт», «Уч», «Илинж» каби китоблари чиққан. «Еш гвардия» нашриётининг ёш ижодкорлар билан ишлаш редакциясида бўлим мудирини бўлиб ишлайди.

Бахтиёр КАРИМОВ. Марғилон шаҳрида 1958 йили туғилган. 1982 йили ТошДУнинг Узбек филологияси факультетини битирган. «Еш куч» журнали редакциясида ишлайди. «Ешлик» журналида биринчи марта чиқиши.

Зулфия МУМИНОВА. Самарқанд областининг Нарпай районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Узбек филологияси факультетини тамомлаган. Шеърлари республика матбуотида мунтазам эълон қилинмоқда. «Саодат» журнали редакциясида ишлайди.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА. Сирдарё областининг Боёвут районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. «Суюнч тоғларим», «Исиқ қор», «Белые яблоки», «Садоқат» каби қатор шеърини тўпламлар муаллифи. 1974 йили «Оқ олмалар» ва «Чаман» тўпламлари учун Ўзбекистон Ленин комсомолни мукофотининг лауреати бўлган. СССР Ёзувчилар союзи аъзоси. «Саодат» журналининг Бош редактори.

Назар ЭШОНҚУЛОВ. 1962 йили Қашқадарё областининг Ғузор районида туғилган. 1986 йил Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. «Уруш одамлари» қиссаси муаллифининг республика матбуотида эълон қилинаётган дастлабки асари.

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

Муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларини рассом Э. ИСҲОҚОВ чизган.

МУҲТАРАМ ЖУРНАЛХОН!

1987 ЙИЛ учун
«ЁШЛИК» журналига
ОБУНА давом
этмоқда.

Обуна «Союзпечать»нинг
барча бўлимларида
қабул қилинади.

бир йилга — 6 сўм.
олти ойга — 3 сўм.